

Б.Ходжаев, А.Чориев, З.Салиева, И.Чориев

**ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАР
МЕТОДОЛОГИЯСИ**
(дарслик)

Тошкент - 2019

Мазкур дарслик 5А 110901-“Педагогика назарияси ва тарихи” мутахассислиги “Педагогик тадқиқотлар методологияси” фан дастури асосида тайёрланган. Таълим йўналишидаги магистратура мутахассисликлари, узлуксиз таълим-тарбия тизимида педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ижодкорлик малакасини оширишда қўлланилади.

Педагогик тадқиқотлар методологияси ўқув қўлланма

МУНДАРИЖА

1. Муқаддима.....	4
I. БОБ. Фан ва методология	7
1.1. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий моделида фаннинг вазифалари.....	9
1.2. Мумтоз фан – боқий тараққиёт омили.....	18
1.3. Шарқ олимлари ва мутафаккирлари илм-фан ҳақида	23
1.4. Ғарб халқлари мутафаккир, олимларининг илм-фан ҳақидаги карашлари.....	29
II БОБ. Педагогика тарихининг методологик асоси.....	33
2. 1. Педагогика тарихини фанлар тарихи билан боғлиқлиги.....	33
2.2. Халқ педагогикасининг методологик асоси.....	44
2.3. Педагогика тарихи ва тасаввуфнинг боғлиқлиги.....	48
2.4. Баркамол авлодни тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш.....	51
2.5. Шарқ мутафаккирлари ижодида таълим-тарбия назариясини ривожлантирилиши.....	55
2.6. Комил инсон таълимоти асосчилари.....	70
2.7. Тарихий-бадий асарларни педагогик таҳлил методлари.....	79
III БОБ. Педагогик тадқиқотлар мазмуни ва моҳияти	86
3.1. Педагогик тадқиқотларда замонавий умумметодологик концептуал ёндашувлар	98
3.2. Дидактик қонуниятлар таълим-тарбия жараёнини модернизациялашнинг методологик асослари	103
3.3. Педагогик тадқиқотни ўзига хос хусусиятлари	115
3.4. Методология, билим ва фаолият тизими.....	117
3.5. Педагогик тадқиқотларнинг методологик таъминоти, педагогик рефлексия.....	119
IV-БОБ. Педагогик тадқиқотнинг асосий категориялари ва тушунчалари.....	120
4.1. Методологик ва махсус илмий тадқиқот.....	120
4.2. Методологик категориялар.....	122
4.3. Педагогик ижодкорлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	125
4.4. Интуитсия, зеҳн ва педагогик тафаккур.....	126
4.5. Инновацион фаолият ва инновацион салоҳият.....	127
4.6. Тадқиқот лойиҳаси ва дастури.....	128
V-БОБ Педагогик тадқиқотда илмий далиллар.....	130
5.1 Илмий далилларнинг мантиқий гносеологик моҳияти.....	130
5.2 Педагогик муаммони танлаш ва педагогик тадқиқот мавзуларини шакиллантириш.....	132
5.3. Педагогик тадқиқот объекти ва предмети.....	134

5.4. Педагогик тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.....	136
5.5 Илмий тадқиқотнинг фарази.....	138
VI-боб. Педагогик тадқиқотнинг методологик тамойиллари.....	151
6.1. Педагогик тадқиқотнинг умумий тамойиллари.....	151
6.2.Педагогик тадқиқот методларини таснифлаш.....	156
6.3. Адабиётлар ва архив материалларини ўрганиш.....	158
6.4. Педагогик илмий тадқиқотнинг кузатиш методи.....	161
6.5. Педагогик илмий тадқиқотнинг сўров-анкета методи.....	162
6.6. Педагогик илмий тадқиқотнинг тест методи.....	165
6.7. Педагогик илмий тадқиқотнинг эксперимент методи.....	166
6.8. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш.....	168
VII БОБ. Педагогик тажрибаларни ташкил этиш методологияси.....	171
7.1. Педагогик тажриба-синов ишлари дастурини ишлаб чиқиш.....	171
7.2. Педагогик илмий тадқиқот жараёнини моделлаштириш.....	175
7.3. Педагогик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари.....	179
7.4. Педагогик илмий тадқиқот самарадорлигини аниқлаш мезонлари.....	180
7.5. Педагогик тадқиқотнинг математик статистик методлари.....	190
7.6.Педагогик тадқиқотларда тизимли ёндашув ва маълумот қайта ишлаб чиқиш технологияси.....	191
7.7. Фундаментал амалий ва инновацион педагогик тадқиқотларни амалга ошириш шарт-шароитлари.....	192
7.8.Педагогик илмий тадқиқот ишларини оммалаштириш.....	195
7.9. Магистрлик диссертациясини ёзиш.....	196
“Педагогик тадқиқот методологияси” бўйича тест саволлари.....	203
Фойдаланилган адабиётлар	
Иловалар	
1.Магистрлик диссертацияси ҳақида Низом	
2.Докторлик диссертацияси ҳақида Низом	

МУҚАДДИМА

Фаннинг ривожланиши унинг методологияси даражасига боғлиқ. Методология фаннинг таркибий қисми бўлиб, илмий тадқиқотнинг умумий ва хусусий методларини ўрганади.

Аввало, илмий тадқиқотнинг когнитив ёндашиш, диалектик билиш назарияси умумметодологик принципларини ифодалайди. Педагогиканинг ижтимоий функцияси глобаллашуви, илмий фаолиятда, фанлараро тадқиқотларни ташкил этиш, рационал, самарадор омилларини аниқлаш, фалсафий ёндашувни, табиатшунослик, инсоншунослик қонуниятлари, принципларига амал қилишни тақозо этади. Ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида педагогиканинг ҳам умумметодологик негизи миллий истиқлол ғояси-тамойиллари асосида таркиб топади. Халқ педагогикаси таркибида авлоддан-авлодга ўтиб келган тасаввуфнинг инсонпарварлик тамойиллари асосида таълим-тарбия назарияси ривожланди. Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос моделида кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “тарихий хотирасиз-келажак йўқ”, “баркамол авлод”, “юксак маънавият-енгилмас куч”, “юксак билимли, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти” ҳақидаги Ислом Каримовнинг концептуал таълимоти ХХІ асрда педагогика фани тараққиётининг методологик асосини белгилаб берди.

Иккинчидан, хусусий ёки махсус методология ҳар бир фаннинг ўзига хос қонуниятлари, тамойиллари, методлар мажмуидир. Мустақиллик шарофати туфайли хусусий методологиянинг ҳам уфқи кенгайди. “Ўзбекистон тараққиётининг маънавий-ахлоқий негизлари”, “умуминсоний қадриятларга содиқлик” жаҳоннинг илғор педагогик парадигмалари, педагогик технологиялари, таълим-тарбия концепциялари фаннинг методологик ёндашувларини бойитди. Инсонпарварлик, демократик тамойиллар асосида таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос қонуниятлари умумлаштирилди.

Хусусий методология умумий методологиянинг муҳим принциплари асосида махсус тадқиқот объекти, муайян усули бўлиб ҳисоблансада, аниқ тадқиқот предметида ўзига хос йўللарни, услубларни, қонуниятларни ифодалайди.

Шунинг учун педагогиканинг хусусий методологик негизи таълим-тарбиянинг минг-минг йиллар қарор топган, ҳаётда исботланган қонуниятлари, тарихий тадқиқотлар ва таълим-тарбия тизимини модернизациялашнинг методологик тамойилидир. Узоқ йиллар таълим-тарбияда синфийлик принципи асосида субъектив, бюрократик тизим асрлар бўйи йиғилган педагогик тажрибалардан маҳрум қилди, фаннинг тарихий илдизи қирқилди. Илмий тадқиқотида “тарихийлик, миллийлик, умуминсонийлик қонунияти” триадаси — уч негиз, уч илдиз жамият тараққиётида инсон, инсонийлик ва инсоният муаммосини ўрганишнинг методологик асосидир. “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусида Самарқандда 2014 йил 15-майда ўтказилган халқаро конференцияда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг

нутқи ва ЮНЕСКО раҳбарлари, жаҳон илмий жамоатчилигини эътирофи бу триада бир-бирини тўлдирадиган педагогик қонуният эканлигидан далолат беради. Инсон, инсонийлик ва инсоният инсоншуносликнинг асосий негизи ва истиқболли йўналишидир.

Кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан бошлаб таълим-тарбия тараққиёт омили, бўлган бугунги кунда билим, илм-фан ишлаб чиқариш кучига айлангани, глобаллашув шароитида ёшларни ҳаётга, яшашга, меҳнатга тайёрлаш ижтимоий функцияси “давр талаби ва мавжуд шарт-шароитга мослиги педагогик қонуният” эканлигидан далолат беради. Ҳар бир даврда, ҳар бир мамалакатда таълим-тарбия қандай бўлган бўлса, тараққиёт даражаси шундай бўлгани, бугунги тараққий топган давлатлар тарихий ривожланиши мисолида ҳам исботини топмоқда. Узлуксиз таълим комиетентли ёндашув концепцияси ҳам ана шу қонуниятга асосланади.

Билишнинг гносеологик ва эмперик фалсафий принциплари “таълим-тарбия жараёнида назариянинг амалиёт билан бирлиги қонунияти”нинг назарий асосидир. Ҳа, назариянинг амалиёт билан бирлиги категориясига принцип, тамойил сифатида қараш анъанага айланган. Қонуният, қонуниятли ёндашув концепцияси назариянинг амалиёт билан бирлигини илмий, тадқиқотнинг методологик даражасини оширади. Қонуният воқеа, ҳодисаларнинг барқарор илмий асосланган, ҳаётда ўз исботини топган ички боғлиқлиги эканлиги ҳам таълим-тарбияда назариянинг амалиёт билан бирлиги, бир-бирини тўлдириши педагогик қонуният сифатида қарашни тақозо этади.

Аслида ҳар бир воқелиқнинг, масаланинг, жумладан, таълим-тарбиянинг ўзига хос қонунияти мавжуд. Қонуниятли ёндашув ҳар бир муаммони илмий, мезонли, модели, муайян, рационал ўрганиш имкониятини беради. Шундан келиб чиқиб, китобнинг биринчи бобида умумпедагогик қонуниятлар, таълим-тарбия тизимини модернизациялашнинг дидактик қонуниятлари, иккинчи бобда педагогика тарихини тараққиёти қонуниятларини умумлаштирилди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт моделида таълим-тарбиянинг устуворлиги, “Таълим, тарбия ва ривожланишнинг уйғунлиги қонунияти”, “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”, баркамол авлод ривожланишининг “портлаш эффекти” ҳақидаги Ислом Каримов таълимоти ҳаётда ўз ифодасини топмоқда, жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Таълим-тарбия тизимининг диалектик хусусияти, жаҳонда асосланган акмеологик концептуал ёндашув “таълим-тарбия ўқувчилар имконияти, қобилиятига мослиги” қонуниятини ифодасидир. Ўзбекистонда “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” ёшларни жаҳон аренасидаги ютуқларида ўз исботини топмоқда.

Илм-фанни тез ривожланиши, ахборот тизимини глобаллашуви “тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш, ўргатиш ва ўрганиш бирлиги” педагогик қонуният сифатида ёндашишни тақозо этади. Педагогик тадқиқотларда ана шу хусусий методологик тамойил муҳимдир. Ёшлар қалбига йўл, улар ўзлигини англаши, ўз-ўзини тарбиялаши, ҳар қандай ғоявий курашда мафкуравий

эммуниет таркиб топиши, масофали таълим имкониятларидан фойдаланиш ана шу дидактик қонуниятни кенг жорий этилишига боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида инновацион таълим-тарбия технологияларини изчил жорий этишни босқичма-босқич амалга ошириш истиқболи белгиланган. Маълумки, педагогик технология “таълим-тарбияда мақсад, мазмун, метод, воситалар ўзаро боғлиқлиги қонунияти”га асосланади. Шунинг учун ҳам педагогик технология қарийб ярим асрдан ортиқ жаҳонда, кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан сўнг Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг самарали омилига айланди.

Умумий методологияда ҳам, хусусий методологияда ҳам “педагогиканинг фанлараро боғлиқлик қонунияти” назарий тадқиқотлар асосий мезонидир. Инсоншунослик предмети ижтимоий-гуманитар фанлар назарий тадқиқотида дифференция ҳолати мавжуд бўлсада, жамиятнинг маънавий қудратини оширишда, баркамол авлодни шакллантириш объектида интеграция, ўзаро боғлиқлик муайян қонуниятдир. Педагогикани фанлараро ҳамкорлиги, алоқаси ҳақида айрим тадқиқотлар, тавсиялар. Қарашлардан келиб чиқиб ўзаро боғлиқлик йўллари, усуллари умумлаштирилди.

Учинчидан, методология илмий билиш йўллари (методлари) йиғиндиси сифатида талқин қилиниди. Қадимги юнон файласуфи Арастунинг “Органон” асарида бу таълимотга асос солингани маълум. Қўлланмада илмий тадқиқотни ташкил этиш концепциялари, педагогик тадқиқот тамойиллари ва методлари, воситаси ҳақидаги тажрибалар, фан ҳақидаги, илмий тадқиқот йўллари ҳақидаги Шарқ мутафаккирлари, Ғарб мутафаккирларининг ғоялари умумлаштирилди.

I. БОБ. ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ

1.1 Фан ва методология

XXI асда фаннинг яратувчанлик қудратини ошиб бориши, ишлаб чиқариш кучига айлангани илмий тадқиқотларнинг долзарблигидан далолат беради. Ҳар бир фаннинг методологияси фаншуносликнинг таркибий қисми, фаннинг тараққиёти эса унинг мукамал методологиясини яратилганлигига боғлиқ. Фан объектив борлиқ ҳақида билимлар тизими, воқеяликни илмий назарий ақс эттиришдир. Ҳозирги глобаллашув жараёнида, аввало, ҳар бир ахборотга илмий ёндашиш, қолаверса, фаннинг жамият ижтимоий, иқтисодий, маънавий ривожланишида ҳозир жавоб бўлиш давр талабидир. Барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори педагогика ҳам бюракрatik методология занжиридан қутилди, минг-минг йиллар жаҳон халқлари баҳраманд бўлган бизнинг бобокалонларимизнинг илмий мероси асосида фанларнинг методологик пойдевори яратилди, Кадрлар тайёрлаш ўзбек моделида фаннинг ўрни истиқболи белгилаб берилди.

Илм-фаннинг диалектик хусусияти, давр талаби, жамият буюртмасига мос истиқболли вазифаси ҳар бир фаннинг методологик асосини такомиллаштиришни тақозо этади. Ўз навбатида фанларнинг тез ривожланиши; ҳар 3-4 йилда узлуксиз таълим мазмуни ўзгариб туриши; ҳар томонлама ривожланган, интеллектуал салоҳиятли баркамол авлодни тарбиялашдек долзарб муаммони илмий-методик таъминлаш методологиясини ишлаб чиқишни тақозо этади.

”Фандаги ҳар бир янги қадам фақат олдинги ютуқларга таянган ҳолда бойитиш мумкин;

- янги билим эски билимни мукамаллашган тўлиқроқ ва аниқроқ шакли бўлиб, ҳақиқатни янада аниқроқ ақс эттиради;

- ўтмишдаги фан тараққиёти янги фан учун замин тайёрлайди;

- ўтмишдаги билимларнинг фақат ҳозирги давр илмий назарияларига мос келувчи элементларгина аҳамиятлидир”.¹ Фалсафа луғатида: “фан реаллик ҳақидаги объектив билимларни тайёрлаш ва назарий тизимлаштириш функциясига хос инсон фаолияти соҳасидир. Тарихий тараққиётда фан жамиятда ишлаб чиқариш кучига ва муҳим ижтимоий институтга айланади. Фан тушунчаси ўзига янги билимни эгаллашдаги фаолият ва шу фаолият натижасида дунёнинг илмий манзараси ҳақидаги шу давргача бўлган илмий билимларни мужассамлаштиради: ”Фан” атамаси илмий билишнинг алоҳида соҳаларини белгилашда ҳам ишлатилади ва бошқа манбаларда фан реаллик ҳақидаги объектив билимларни яратиш ва назарий тизимлаштириш хусусияти кўрсатилган.

Проф. Н. Шермухаммедова фаннинг моҳияти ҳақида қуйидагча хулосага келади:

1. Умумийлик ва тизимлилик;

2. Умуаҳамиятлилик (интерсубъективик);

¹ Н.Шермухаммедова ”Фалсафа ва фан методологияси” Тошкент 2005. 135. 388


- 3.Объективлик (билиш субъектига боғлиқ эмаслиги);
- 4.Махсус билиш методларининг мавжудлиги (назарий ва экспиментал);
- 5.Асосланганлик (верфикация);
- 6.Танқидийлик (фалсофикация);
- 7.Тўлдирувчанлик (кориускуляр – тўлқинли дуализмдан П.Файербенднинг методологик анархизмигача);
8. Ворисийлик (мос келиш тамойилида намоён бўлади);¹

Ўзида методология ёки ўз методи ҳақидаги таълимотни мужассамлаштирган билиш фаолияти соҳаси ҳақиқий фан бўлиши мумкин”, - деб ёзади.

Фаншуносликда фанлар аввало икки туркумга бўлинади: табиат ҳақидаги фанлар ва ижтимоий гуманитар инсонни ўрганадиган фанлар. Барча фанларни табиий деб аташ мумкин, зеро инсоннинг ўзи табиатнинг бир бўлагидир, демак унинг маънавий ва моддий фаолияти барча тирик мавжудотлар фаолияти табиий бўлгани каби табиийдир.

Инсон буюк мавжудот, унинг жисмоний моҳияти, ҳаётини фаолияти серқирралиги ижтимоий гуманитар фанлар тизими ва уларнинг инсоншунослик предметидан билиш мумкин.

Инсоншунослик фанлари



Инсон, инсонийлик ва инсоният предметидан инсоншунослик фанларининг ўзаро ҳамкорлиги фаншуносликнинг методологик асосига боғлиқ. Проф. Н. Шермухаммедова методологияни “уч даражасини”, - кўрсатади.

- фалсафий даража;
- умумий даража;
- хусусий илмий даража;

Методологиянинг фалсафий даражаси гносеология (эпистемология, билим назарияси, билиш ҳақидаги таълимот) муаммоларига яқин. Методологиянинг умумийлик даражаси алоҳида илмий билим билан фалсафий билимнинг ўзига хос синтезидир. Методологиянинг алоҳида илмий даражаси эса, ўз навбатида, умумийлик методология билан тегишли хусусий фан билимлар тизимини синтези демакдир”. Фан методологияси, аввало, умумметодологик тамойилларга асосланади ва ўз предметига асосан тадқиқот объектини илмий билиш ўзига хос методик имкониятлардан, таълимотлардан фойдаланади. Ҳар бир фандаги сингари умумийлик ва хусусийлик тамойили педагогик тадқиқотларнинг методологик асосидир.

Юқорида таъкидланганидек, фалсафий қонун ва категориялар, тамойиллар барча табиий фанлар сингари ижтимоий – гуманитар, жумладан, педагогик тадқиқотларнинг умумметодологик асосидир. Ҳозирги даврда илмий билиш кўпроқ фалсафа ва фанларнинг ўзаро боғлиқлиги билан ҳарактерланади. Инчунун, фан фалсафаси (Н. Шермухаммедова) фанларнинг умумметодологик моҳиятини ифодалайди. Объектив борлиқни илмий билишда философия махсус фанлар ютуғидан фойдаланади, философия билиш назариясини умумлаштиради, педагогик билиш жараёнининг қонуниятлари, мазмуни, метод воситаларини тадқиқ этади, философиянинг диалектик қонунияти барча фанлар учун умумметодологик ҳарактер касб этганидек, ижтимоий фан фундаментал тадқиқотлари илмий дунёқараш концепциясини ривожланишига таъсир этади. Айрим олимларнинг фикрича: педагогика амалий фалсафадир.

Диалектик материализм илмий билиш назарияси педагогиканинг педагогик тадқиқотлар предмети, таълим – тарбия воқелигини чуқурроқ аниқлаш, тадқиқот методларини танлаш ва истиқболни белгилаш имкониятини беради. Умумметодология олимнинг илмий тафаккурини, диалектик қонуният, категория ва принциплар бўйича бойитади, ҳар бир назариянинг моҳиятини чуқурроқ билишга шароит яратади, илмий дунёқарашини оширади. Анализ ва синтез, индукция ва дедукция, назария ва амалиёт бир-бирига боғлиқлиги, ижтимоий тажриба ҳақиқат мезони эканлигини аниқлаб этади.

1.2. Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий моделида фанининг вазибалари

Ўзбекистон мустақиллигидан кейин мамлакатимиз фанини жаҳон илм-фанига интеграциясида улкан ютуқларга эришилди. Республикаимиз Президенти Ислам Каримов «Фан раванқисиз буюк давлат қуриб бўлмайди» деган эди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлида фаннинг устувор соҳаларидан бири эканлиги ривожланиш барқарорлигини таъминламоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида фан алоҳида ўрин тутди. Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи асосий таркибий фан қисми эканлиги кўрсатилган. Фаннинг салмоқли вазибалари уч йўналишда белгилаб берилди:

1. Табиат ва жамият тараққиёти қонунлари тўғрисида янги фундаментал ва амалий билимларни шакллантириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижаларни жамлаш – бу борада олий малакали илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашни амалга ошириш;

- Кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатдан таъминлаш инфраструктурасини вужудга келтириш, таълимнинг ахборот тармоқларидан фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базасини шакллантириш;

- Мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси – замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсида алмашинувини амалга ошириш;

2. Кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши ҳақида:

- илғор педагогик технологияларни яратишни ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновацион лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқди;

- илғор ахборот ва педагогик технологияларни ташкил этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий тадқиқотлар натижаларини ўқув-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмини рўйбга чиқариш.

3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини самарали тарзда таъминлаш бўйича:

- юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш.

Таълим муассасаларида илмий тадқиқот ва илмий педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўйбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў-эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш кабилар.


Бу вазибалар кўламидан маълумки, барча фанлар, айниқса педагогика фани Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини илмий методик таъминлашга хизмат қилади. Узлуксиз таълим тизимида ҳар бир фаннинг ўрни, узлуксиз таълим стандартларини ишлаб чиқишда фанлараро алоқа бўлиши акс этади.

Маълумки, ҳар бир фаннинг ўқитиш методикаси фанлараро педагогик тамойилларига асосланади. Ҳар бир фан ва амалий билим ва кўникмага айланиши унинг аҳаитятини орттиради. Фанларнинг юқори малакали

мутахассислар тайёрловчи ва ундан фойдаланувчи вазифасида ана шу узвийлик ифодланади. Фанлараро алоқада таълим-тарбия самарадорлигини оширади КТМД нинг амалга оширишда педагогика фани билан бевосита боғлиқлида иш тутади ва фанлараро алоқанинг маркази, ташкилотчиси вазифасини бажаради.

КТМД ни амалга оширишда фанлараро алоқа тизимини куйидаги тузмада кўриш мумкин.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда фан ва фанлараро алоқа.



Биринчи йўналишдаги вазифаларда барча фанларнинг ўзаро алоқаси, назариянинг амалиёт билан боғлиқлигини кўриш мумкин.

Иккинчи, учинчи йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси ифодланади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделида Фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва ундан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи, таркибий қисм эканлиги

кўрсатилган. XXI аср таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялар асри бўлади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини методик таъминлаш, таълим-тарбия тизимини давр талабига асосан тубдан ислоҳ қилиш, педагогика фанининг фанлараро ҳамкорлик истиқболли йўналишларини белгилаб беради.

- минг йиллар мобайнида жаҳонда машҳур бўлган буюк мутафаккир бобокалонларимизнинг, халқимизнинг инсоншунослик борасидаги илмий мероси миллий педагогиканинг тараққиёт омили бўлди. Инсоншунослик фанларининг ўзаро ҳамкорлиги, инсонни бир бутунликда ўрганиш методологиясини яратиш:

- таълим-тарбия жараёнининг педагогик технология механизмини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлаш;

- ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, масофавий таълим назарий ва амалий асосларини яратиш;

- узлуксиз таълимда илғор педагогик технологияларни умумлаштириш;

- узлуксиз таълимда шахс ўзлигини билиш мазмун методларини ишлаб чиқиш, шахсга йўналтирилиган таълимнинг назарий асосларини яратиш;

- жаҳон халқлари илғор тажрибаларини инновацион технологияларини жорий этиш;

- инсоншунослик фанларини ўзаро боғлиқлик қонуниятларини илмий асослаш, фанларнинг ўзаро ҳамкорлик йўллари ишлаб чиқиш

- ҳар томонлама ривожланган баркамол комил инсон таълимотини ривожлантириш;

- тарбиянинг мазмуни ва ҳар бир инсоний фазилатнинг ҳозирги даврдаги моҳиятини англаш тарбия мазмунида миллийлик, умуминсонийлик уйғунлигига эришиш, жаҳон халқлари миллий кадриятларини ўрганиш ва оммалаштириш;

- тарбияга бир бутунликда ва тизимли ёндашиш методикасини яратиш. Ақлий тарбия миллий дунёқараш, миллий онг, тафаккур маданиятини шакллантириш, ватанпарварлик маънавий-ахлоқий тарбия, ҳуқуқий эстетик, меҳнат, касб, иқтисодий, экологик, жисмоний тарбия мазмуни ва методларини, педагогик технологиясини такомиллаштириш;

- шахсни жамоада тарбиялаш, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат жамоаларининг хусусиятлари, ўқувчилар, талабалар жамоасини шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштириш;

- тарбиянинг умумий методларини такомиллаштириш, шарқ халқларининг тарбия борасидаги тажрибаларини қўллаш методикасини яратиш. Тарбия мазмуни ва методини инсоншунослаштириш инсонийлаштириш;

- истиқлол мафқураси асосида ёшларнинг миллий дунёқарошини шакллантириш, ўқув фанларининг ақлий камолот имкониятини ошириш,

синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларининг дунёқарашни таркиб топтириш даражасини ошириш;

- маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини такомиллаштириш миллий ва умуминсоний қадриятлар билан бойитиш. Ахлоқий тарбияда шарқона намуна методини қўллаш технологиясини яратиш. Маҳаллада, оилада ахлоқий тарбия назарияси ва оммабоп методикасини ишлаб чиқиш;

- ҳуқуқий фуқаролик тарбиясининг назариясини ишлаб чиқиш, фуқаролик-демократик жамиятнинг ҳуқуқий асосларини ёшларга сингдириш методикасини такомиллаштириш, ҳуқуқий маданиятли шахс моделини ва ҳуқуқий фуқаролик тарбияси технологиясини яратиш;

- эстетик тарбияда миллийлик ва умуминсоний уйғунлиги мазмуни ва методларини такомиллаштириш. Шарқ эстетик қадриятларини ўрганиш, таълим-тарбия жараёнида ёшларни гўзаллик қонуниятлари асосида яшашга тайёрлаш педагогик технологиясини яратиш;

- касб ва меҳнат тарбиясини такомиллаштириш, касбга йўллаш таълим-тарбия устуворлиги ҳар бир касб кишининг моделини, касбномаларини ишлаб чиқиш. Боқимандалик иллатидан қутилиш, ёшларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш, меҳнатни ижтимоий заруратга айлантириш методикасини такомиллаштириш. Меҳнат шахс камолотининг омили, комил инсон фазилатининг таркиби эканлигини илмий асослаш. Бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар ижтимоий-фойдали меҳнати мезонини ишлаб чиқиш;

- иқтисодий таълим ва тарбия концепциясини ишлаб чиқиш, бозор иқтисодиёти шароитида ёшларда иқтисодий маданиятни шакллантириш, тадбиркорликка йўллаш методикасини яратиш. Иқтисодий таълим ва тарбия педагогик технологиясини ишлаб чиқиш, бу борадаги ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш;

- минтақанининг экологик муаммосидан келиб чиқиб, экологик тарбиянинг мазмуни ва методларини такомиллаштириш. Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш концепциясини ишлаб чиқиш, фанларни ўқитишнинг экологик тарбиявий имкониятларини ошириш;

- соғлом авлод дастури асосида жисмоний тарбия назарияси ва методикасини такомиллаштириш, миллий спортни тарғиб қилиш, ахлоқий, эстетик, меҳнат ва жисмоний тарбияга комплекс ёндошиш педагогик технологиясини яратиш;

Маънавият ва маърифат ишларининг педагогик қонуниятлари, принциплари, мазмуни, методлари ва воситаларини ишлаб чиқиш бўйича:

- шахсни маънавий шакллантириш, қонуниятларини ўрганиш, комил инсонни тарбиялашда маънавиятнинг тутган ўрни, миллий мафкурадан келиб чиқадиган маънавий ахлоқий тарбиянинг мазмунини ишлаб чиқиш;

- миллий мафкура, миллий ғояни ҳар бир социал гуруҳга сингдириш, ёшларни ижтимоий онгини шакллантириш методикасини яратиш. Маънавият ишларини амалга ошириш қўлланмаларини тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия методикасини яратиш;

-маънавият-маърифат ишларида фан ва санъатнинг ўзаро боғлиқлигини асослаш, маърифатнинг дидактик қоидалари, маънавият ва маърифат ишларининг самарали шакллари ва воситаларини такомиллаштириш;

Ижтимоий ва касб педагогикасини такомиллаштириш, XXI асрда маънавиятнинг устуворлиги ва ҳар бир ёш социал гуруҳ, шахсни ривожлантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ижтимоий педагогика алоҳида йўналишда ривожланади, жамиятни педагоглаштиришда хизмат қилади.

Ижтимоий педагогика: оила педагогикаси, маҳаллада таълим-тарбия ишлари, маънавият ва маърифат ишлари педагогикаси йўналишларида таркиб топади.

Оила педагогикаси бевосита мактабгача тарбия, мактаб педагогикаси билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Халқимизнинг менталетити, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида оилада таълим-тарбия жараёни, ёшларни ҳаётга тайёрлашнинг қонуниятларини ўрганади, умумлаштиради. Оилада бола тарбиясининг мазмуни, методлари ва воситаларини такомиллаштиради. Оилада маънавий-ахлоқий, меҳнат, эстетик, ҳуқуқий ва иқтисодий тарбияни амалга изчил ошириш кўлланмалари яратилади.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш, оталар-оналар тарбияси назарияси ва методикасини яратиш;

- ота-оналарни тарбия фаолиятига тайёрлашни такомиллаштириш, ота-оналар мактабларини янги тизимларини ишлаб чиқиш; ота-оналар мактаби таълим мазмуни дастурини яратиш, педагогик билимларни тарғиботини, бола тарбиясидаги илғор тажрибаларни тарғиб қилиш;

- мустақиллик туфайли эришилган кадриятлар, маҳалланинг ёшлар тарбиясидаги масъулиятини ошириш, маҳаллада маънавият-маърифат ишларининг педагогик асосларини ишлаб чиқиш;

- маҳалла ҳаётини педагоглаштириш, ахлоқсизликларни олдини олиш, бола тарбиясидаги тажрибаларни оммалаштириш педагогика фанининг асосий вазифалари бўлиб қолади.

Мактабгача тарбия педагогикаси умумпедагогик қонуниятлар асосида мактабгача тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, оила ва мактабгача тарбия муассасасининг таълим-тарбиядаги ҳамкорлиги, ўзаро боғлиқлиги, тарбиядаги узвийлик ва узлуксизлик методикасини, педагогик технологиясини такомиллаштириш. Мактабгача тарбиянинг оптимал мазмуни, тарбиядаги миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги асосларини ишлаб чиқиш. Мактабгача ёшдаги болаларнинг лаёқати ва қобилиятларини аниқлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича:

-кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан: «Малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш»;

- мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини яратиш ва жорий этиш;

- болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик-педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

- замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;
 - Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш кабилар.
- Касб-ҳунар педагогикаси умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати 3 йил бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини, қонуниятларини ўрганади, педагогик технологиясини ишлаб чиқиш бўйича;
- ёшларни қобилияти, касбга лаёқати, қизиқишини аниқлаш методикасини яратиш;
 - касб тарбиясининг мазмуни, методлари ва воситаларини такомиллаштириш;
 - академик лицейларда ўқувчилар ўзи танлаган фанлари бўйича таълимни дифференциаллаш уларнинг иқтидорини ошириш педагогик технологиясини яратиш;
 - академик лицейларда маънавий-ахлоқий, мафкура, эстетик, ҳуқуқий ва бошқа тарбия мазмуни, методлари, тарбияга индивидуал ёндошиш технологиясини ишлаб чиқиш;
 - академик лицейларда таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги унинг умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги шакллари ва усулларини тадқиқ қилиш;
 - касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбиянинг узлуксизлиги ва узвийлигини ўқитиш ва касб тарбиясининг боғлиқлигини мазмуни ва шакллари ўрганиш. Касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия, маънавий-маърифат ишлари методикасини яратиш;
 - касбномаларни яратиш, касб маҳорати мезонларини ишлаб чиқиш;
 - ривожланган мамлакатларда касб-ҳунар таълими педагогик технологиясини ўрганиш ва оммалаштириш кабилар.
- Олий мактаб педагогикаси касб таълимининг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятларини ўрганади, олий таълимнинг педагогик технологиясини яратади. Олий таълимнинг жаҳон андозалари асосида тубдан ислоҳ қилишни методик таъминлайди. Унинг вазифаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида:
- таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясни таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
 - ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда масофавий таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
 - илғор педагогик ва ахборот технологиялари тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш;
 - халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш каби масалаларнинг назорат ва амалий асосларини ишлаб чиқиш;.

Олий мактабда фанларни ўқитиш мазмуни, методлари, воситалари ва шакллари такомиллаштириш;

- олий таълим тизимида мафкура ва маънавий тарбияси, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва жисмоний тарбияни самарадорлигини оширишни методик таъминлаш;

Касб-ҳунар педагогикаси умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати 3 йил бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини, қонуниятларини ўрганади, педагогик технологиясини ишлаб чиқади.

- ёшларни қобилияти, касбга лаёқати, қизиқишини аниқлаш методикасини яратиш;

- касб тарбиясининг мазмуни, методлари ва воситаларини такомиллаштириш;

- академик лицейларда ўқувчилар ўзи танлаган фанлари бўйича таълимни дифференциаллаш уларнинг иқтидорини ошириш педагогик технологиясини яратиш;

- академик лицейларда маънавий-ахлоқий, мафкура, эстетик, ҳуқуқий ва бошқа тарбия мазмуни, методлари, тарбияга индивидуал ёндошиш технологиясини ишлаб чиқиш;

- Академик лицейларда таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги унинг умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги шакллари ва усулларни тадқиқ қилиш;

- касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбиянинг узлуксизлиги ва узвийлигини ўқитиш ва касб тарбиясининг боғлиқлиги мазмуни ва шакллари ўрганиш. Касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия, маънавий-маърифат ишлари концепциясини яратиш;

- касбномаларни яратиш, касб маҳорати мезонларини ишлаб чиқиш;

- ривожланган мамлакатларда касб-ҳунар таълими педагогик технологиясини ўрганиш ва оммалаштириш;

- малака ошириш тизимини, педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, методик таъминлаш. Олий мактабда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;

- бўлажак мутахассисларни маънавий шакллантиришда ижтимоий гуманитар фанларнинг ўзаро боғлиқлик, ҳамкорлик қонуниятларини ўрганиш методлари ва шакллари такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси умумдавлат классификаторига асосан «Олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари» бўйича «Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик фанлар» кодлари бакалавр ҳамда магистр тайёрлашни назарий ва методик таъминлаш;

- умумтаълим фанлари бўйича ўқитувчилар тайёрлаш мазмуни ва методларини такомиллаштириш, умумтаълим фанлари ўқитувчи педагоглар моделини яратиш, уларни янги педагогик технология билан қуроллантириш;

- ўқитувчилар тайёрлаш борасида жаҳон тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш, педагоглар тайёрлаш концепциясини ишлаб чиқиш;

- машинасозлик йўналиши бўйича, самолётсоз педагог, автомобилсоз педагог, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги педагоги тайёрлашни методик таъминлаш, мутахассис моделини яратиш, ихтисослик фанларини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш;

- металлларга ишлов бериш, кимёвий технологиялар йўналишларидан бакалавр педагоглари ва магистрлари тайёрлашни методик таъминлаш, мутахассислар моделини ишлаб чиқиш, бакалавр ва магистратура таълим мазмуни ва методларини такомиллаштириш. Бу борадаги тажрибаларни оммалаштириш, педагогик амалиёт қўлланмаларини яратиш;

- энергетика, радиоэлектроника, телекоммуникация йўналишларидаги бакалавр педагог ва магистрлар тайёрлаш тизимини методик таъминлаш, мутахассислар моделини яратиш;

- енгил саноат озиқ овқат маҳсулотлари саноати, матбаа саноати йўналишида бакалавр педагоглар ва магистрлар тайёрлаш тизимини методик таъминлаш, ихтисослик фанларини ўқиш методикасини такомиллаштириш, фанларнинг таълимий-тарбиявий самарадорлигини ошириш;

- транспортдан фойдаланиш ва таъмирлаш, қурилиш педагоги ва газ саноати педагогик йўналишларида бакалавр ва магистр тайёрлаш тизимини методик таъминлаш, мутахассислар моделини ишлаб чиқиш, фанларни ўқитиш ва маънавий-маърифат ишлари педагогик асосларини ишлаб чиқиш, илғор педагогик технологияларни ўрганиш ва оммалаштириш;

- агроинженерия педагоги, мелиорация педагоги, фермерчилик педагоги, ўрмончилик иши педагоги йўналишларида бакалавр ва магистр тайёрлаш тизимини методик таъминлаш, ишлаб чиқариш педагогик асосларини ўрганиш, педагоглар касбномасини яратиш, бўлажак мутахассисларни маънавий шаклантиришни такомиллаштириш;

- тиббий-педагог иши, иқтисодиёт педагоги, ҳуқуқшунослик педагоги, социология педагоги, банк иши педагоги йўналишларида педагогик фаолият тизимини методик таъминлаш, мутахассислар моделини яратиш, педагогик таълим ва касб тарбиясини такомиллаштириш;

- ҳарбий педагогика хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ҳарбий таълимни такомиллаштириш, миллий қаҳрамонлар намунасида ҳарбийларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини яратиш, ҳарбий ўқув юртларини методик таъминлаш;

- ҳарбий фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш педагогик технологиясини ишлаб чиқиш;

- ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш назарияси ва педагогик технологиясини яратиш.

Касб педагогикаси таркибида ҳар бир фаннинг ўқитиш методикаси алоҳида ўрин тутди. Умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар коллежларида, академик лицей ва олий ўқув юртларида давлат стандартлари асосида ҳар бир фанни ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш қуйидагаларни талаб этади:

- ҳар бир фан оптимал мазмунини аниқлаш, мавзу нима учун ўқитилишини илмий асослаш;
- таълимнинг техника воситаларини кенг қўллаш усулларини яратиш;
- ҳар бир фаннинг таълимий-тарбиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш;

Ишлаб чиқаришда яъни техника ва технологияларни янгиланиб бориши, касб таълими ва тарбиясини узлуксиз такомиллаштириб боришини тақозо этади. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳар бир мутахассиснинг билим, малакасининг ошириб бориш, касбга муҳаббат, маънавий тарбияси, тadbиркорлик ва иқтисодий маданиятни ишлаб чиқариш педагогикасини такомиллаштириб боради. Ишлаб чиқариш педагогикаси масофавий интернет орқали таълим-тарбия беришни таъминлайди.

Махсус педагогика (сурдо педагогикаси, олигофренопедагогика, тифлопедагогика, дефектология) жаҳон илғор тажрибалари асосида ривожланиди.

- малака ошириш тизимини, педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, методик таъминлаш. Олий мактабда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;

бўлажак мутахассисларни маънавий шакллантиришда ижтимоий гуманитар фанларнинг ўзаро боғлиқлик, ҳамкорлик қонуниятларини ўрганиш методлари ва шаклларини такомиллаштириш кабилар.

1.2. Мумтоз фан – боқий тараққиёт омили

Ўзбекистон Президенти Ислom Каримовнинг 15 май 2014 йил Самарқандда ўтказилган халқаро конференцияда “Ўрта асрлар Шарқ алломалар ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзuida сўзлаган нутқида ва дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган нуфузли олимлар, экспертлар, ЮНЕСКО раҳбарлари томонидан эътироф этилганидек, буюк аждодларимизнинг мероси бутун инсониятнинг маънавий бойлигидир. Бу жаҳоншумул эътироф мустақилликнинг давстлабки йилларида башорат қилинган “тарихий хотирасиз келажак йўқ” таълимотининг мантиқий давоми ўтган даврда мамлакатимиз тараққиётидаги исботи бўлди.

Таълим-тарбияда тарихийлик, миллийлик, умуминсонийлик педагогик қонуният ва методологик тамойил сифатида асосланади.

“Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга ошрилган кашфиётлар замонавий илм фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти шунчалик муҳим деб ҳисоблайман.

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши. янги-янги истеъдод тўлқинларнинг пайдо бўлиши ва вояга етиши - буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, хунармандчилик ва савдо-сотикнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар

курулиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан боғлиқ бўлган”,— дейди Ислон Каримов.

Президентимиз таъкидлаганидек, халқимиз жаҳон тараққиётига ҳисса қўшган Шарқу-Ғарбни ўзаро боғлаган, буюк цивилизациялар туташган юртимиз худудига илм-фан, маданият азалдан ривожланган. Айниқса, ўрта асрларда она заминимиздан минглаб олиму шоирлар, буюк мутафаккирлар етишиб чиққан, математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, фалсафа, ахлоқшунослик каби кўплаб соҳаларга оид асарлар яратилган. “Буюк ипак йўли орқали Европага, Европадан Осиёга, Шарқ ва Ғарб улуғ алломалари, мутафаккирларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар оммалашган”.

Хивада ташкил топган Маъмун академияси - “Байтулҳикма”, яъни “Донишмандлар уйи” номи билан шуҳрат қозонган Боғдод академияси, XV асрда шаклланган Мирзо Улуғбек илмий мактабининг фан тараққиётида тутган ўрнини фахр билан қайд этилди.

Маъмун академиясига асос солган, “Байтулҳикма”да илмий ишларни бошқарган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳақида шундай дейди: “Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривожига хизматлари умумэътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди”. Жаҳон экспертлари олдидаги бу ифтихор ва эътироф бутун дунё Хоразмийнинг илм-фан ривожига йўлидаги ҳиссасини юксак қадрлашидан далолат беради.

Аҳмад Фарғонийнинг “Астрономия асослари” номли асари ўн иккинчи асрда лотин ва иврит тилларида таржима қилинган, кейинчалик Италия, Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби кўплаб мамлакатларда қайта-қайта чоп этилгани нақадар унинг улкан аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. “Ернинг ўлчови” ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилгани” таъкидланди.

Ўрта асрлар Шарқ илм-фан ривожига Хоразм Маъмун академияси алоҳида ўрин тутган. Улкан кутубхона, мадраса, таржима ва ҳаттотлар мактаби каби тузилмаларга эга бўлган бу даргоҳда юздан ортиқ алломалар, истеъдодли талабалар илмий изланишлар олиб борган. Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғонийларнинг умумбашарий тафаккур ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Аввало, ана шулар каби пиру-устозларнинг намунаси, қолаверса, мамлакатимизда яратилган шарт-шароит учун, “Оққан дарё - оқиши” да илм аҳли масъулдир.

Жаҳон илмий анжуманида мамлакатимиз раҳбарининг Абу Райҳон Беруний ҳақида фахрланиб айтганлари бунга мисолдир: Улуғ қомусий аллома Абу Райҳон Беруний илмий даҳоси билан яртаилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий изланишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома кўлёмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради.

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб, денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида китъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталиши бежиз эмас. – деб таъкидлайди. Буюк алломаларнинг ижод устахонаси, илҳом манбаи ҳақида янги маълиумотлар аниқланмоқда. Улуғ бобокалонимизнинг асли исмлари Муҳаммад бўлгани (чунки ўша давр анъанаси шундай эди) райҳон гулини яхши кўрганлари учун ўзларининг лақабларини ва қизларининг номини Райҳон деб атаган эканлар.

Фаншунослик масаласи ҳақида фикр юритганда, буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино номини дунё фани ва маданияти тарихида зарҳал ҳарфлар билан битилганини; доимо яшил бўлиб турувчи тропик ўсимлик “Авеценция”, медицина “Мадади Сино” деб аталиши; кўплаб мамлакатларда кўчалар, ўқув ва тиббиёт муассасаларига унинг номи қўйилгани; аллома шарафига медаль ва мукофот таъсис қилинганини фахр ва ифтихор билан қайт этиш мумкин. Президентимиз Ислоом Каримов 1998 йил 6 ноябрда ЮНЕСКОнинг халқаро Абу Али ибн Сино олтин медали билан тақдирланганини халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматини тан олиниши давлатимиз томонидан тарихи, маданий маънавий меросни асраб-авайлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида хизматларни муносиб баҳоси бўлди.

Анжуманда Ислоом Каримов у ҳақда: “Ислоом оламининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири” деган унвонга сазовар бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотади. Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшидан бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти аввало тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусика, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бекон ва бошқа кўплаб олимлар унинг асарларини ўқиб хайратга тушганлар.

Биз доим ғурур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машҳур бўлган “Тиб қонунлари” деб аталган ўзининг бебаҳо фундаментал асари билан Ибн Сино кейинги бир неча юз йил тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берди, ҳозирги

кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солди. Бежиз эмаски, бу китоб Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида тиббиёт илми айни шу асар асосида ўқитиб келинган”.

Президентимизнинг халқаро конференция иштирокчиларига қарата Ибн Сино ва Берунийнинг Аристотелнинг “Коинот ҳақида китоб” асари юзасидан таҳлилий ёзишмалари, илмий мулоқотлари антик давр фалсафий қарашларни чуқур англаши ва уларни ривожлантириш борасидаги нақадар юксак даражага кўтарилганликларининг мумтоз намунаси эканлиги ифтихор билан баён қилди. Улар каби буюк алломалар инсоният тарихида чуқур из қолдирган илмий мактаб Маъмун академиясини шаклланишига асос бўлгани қайт этилди. ЮНЕСКО томонидан Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонлангани, унинг фаолияти қайта тиклангани малакатимизда аждодлар хотрасига, илм-фан ривожига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Фанлар тарихи ҳақида фикр юритганда қомусий олим Абу Наср Фаробийнинг “Моҳият хусусида сўз”, “Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб”, “Тафаккур моҳияти” ва бошқа 160 дан ортиқ асарларини мисол келтириш мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек,— “X асрнинг қомусий алломаси Абу Наср Фаробийни замондошлари универсал билимга эга бўлгани боис “Шарқ Аристотели” деб атаганлар”.

Ўрта асрларда фан тараққиёти, олиму мутафаккирларни бутун бир авлоди ҳақида фикр юритганда “Мирзо Улуғбек бамисоли ёрқин юлдуз” эканлиги таъкидланди. У бир қатор шаҳарларда мадрасалар қурдирган, Самарқандда илмий мактаб-том маънодаги академия яратган, унда 200 дан ортиқ олим фаолият кўрсатган. “Зижи Улуғбек”, “Зижи жадиди Кўрагоний” асарларида 1018 юлдузни ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Унинг ҳисоб-китоблари ҳозирги замон технологияларидан деярли фарқ қилмайди. “Мирзо Улуғбек астрономия соҳасидаги буюк аллома сифатида шуҳрат қозонган ва унинг номи ҳақли равишда Коперник, Жордоно Бруно, Голелей ва бошқа улуғ илм-фан даҳолари қаторида тилга олинади”,— деди Илом Каримов конференция катнашчиларига қарата.

Мирзо Улуғбек академиясида фаолият кўрсатган Қозизода Румий, Али Қушчи ва унинг сафдоши Ал-Коший каби алломаларнинг фан тараққиётидаги ютиқларини эътироф этди, Ал-коший биринчи бўлиб ўнлик касрларни илмий истеъмолга киритгани қайт этди. Истиқлол йилларида Мирзо Улуғбек меросини ўрганиш борасида улкан ишлар қилинди, 1994 йил мамлакатимизда Улуғбек йили деб эълон қилинди, унинг 600 йиллиги жаҳонда кенг нишонланди, Париж шаҳрининг ЮНЕСКО қароргоҳида буюк алломанинг илмий меросига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

Жаҳонда буюк алломаларнинг илм-фандаги ютуқлари кадрланади, уларнинг меросини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда, уларнинг хотирасига ёдгорликлар барпо этилган. Белгия ва Латвияда Ибн Синога, латвияда Мирзо Улуғбекка, Япония, Россия ва Азарбойжонда Алишер Навоийга, мисрда Аҳмад Фарғонийга ўрнатилган ҳайкаллар бунинг ифодасидир.

Ренессанснинг бешиги бўлган Шарқда фаннинг кўпгина соҳалари ривожланган. Адабиётшунослик, санъат, тарихнавислик, тилшунослик каби ижтимоий фанлар жаҳоншумул асарлар яратилган. Абу Абдуллоҳ Рудакий, Фирдавсий, Низомий Ганжафий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур каби файласуф, маърифатпарварларнинг асарлари шулар жумласидандир. Президентимизнинг нутқида дунё тарихида биринчи туркий тиллар луғати Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” китоби, Маҳмуд Замахшарийнинг араб тили грамматикаси дунёда биринчи марта кўп тилли арабча-форсча-туркий луғати, Юсуф Хос Ҳожибнинг дидактик асарларини мисол келтириш мумкин.

Тарихий халқаро анжуманда Ислом Каримов “буюк мероснинг мингдан бир қисмигина бизгача етиб келганини” таъкидлади. “Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва буни мен алоҳида қайд этмоқчиман. Ўрта асрлар Шарқ лдаҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмагани ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда,— дейди юртбошимиз.

Ҳақиқатдан ҳам Самарканд, Тошкент, Хива, Шахрисабз, Бухоро, Қарши каби қадимий маданият марказларининг ЮНЕСКО қарори билан тарихи, шу жараёнда ижтимоий-иқтисодий, маданий-илмий тараққиётини ўрганиш борасида анчагина тадқиқотлар олиб борилди, борилмоқда. Президентимиз тарихимизни ўрганишга даъвати мустақиллик дастлабки йилларидан бошланган эди. Анжуманда “Барчамиз яхши тушунамизки,— деди Ислом Каримов — эришилган билимларни, ўтмишда, жумладан, ўрта асрлар Шарқида амалга оширилган оламшумул кашфиётларни чуқур ўзлаштирмасдан туриб на илм-фанда, на бошқа соҳаларда янги, янада юксак марраларни забт этиб бўлмайди. Биз келгуси фаолиятимизда ҳам айни шу тамойилларга қатъий амал қиламиз”.

Фаннинг тарихини ўрганиш, аввало, илмий тадқиқотнинг мезони, асосий тамойилидир. Макон ва инсон, инсон ва макон, замон ва инсон, инсон ва замон диалектик уйғунлик шу она заминда келажак авлодни яшаши ижтимоий иқтисодий қонуниятлари, тарихийлик — миллийлик — умуминсонийлик триада педагогик тадқиқотларнинг истиқболи ва методологик асосидир. Иккинчидан, баркамол авлод миллий ғурур, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш омилидир. Бу тамойил юртбошимизнинг анжуманда сўзлаган нутқининг хулосасида ўз ифодасини топди: “Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарли эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четга қолиб кетишга маҳкум экани биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз”.

Бу ҳақиқат мамлакатимиз тараққиёти уни жаҳоннинг машҳур олимларининг анжумандаги эътирофида ўз исботини топди.

Анжуманда ЮНЕСКО бош директорининг ўринбосари Хуберт Гизен нутқида шундай деганди: “Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек Ал-фарғоний, Алишер Навоий каби буюк аллома ва мутафаккирлар дунё илм-фани, фалсафа ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшганлар ва ушбу минтақа довуғини бутун жаҳонга таратганлар. Улар амалга оширган тадқиқотлар ва илмий ишларнинг натижалари бир неча асрлар давомида Европанинг етакчи университетларида илм-фаннинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилган ва бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмасдан келмоқда. Демак, ушбу алломаларнинг илмий ва ҳаётий жасорати, бебаҳо кашфиётлари нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бошқа қитъаларда ҳам бугунги давр олимлари, айниқса, ёшлар учун сабоқ бўлиб келмоқда, ўрнак ва намуна вазифасини ўтамоқда”.

1.3. Шарқ олимлари ва мутафаккирлари илм-фан ҳақида

Олдинги бобда халқ педагогикаси педагогиканинг “булоқбоши”, пойдевори эканлиги, қадимги нақллар, ривоят, афсона, ҳикоят ва дostonларда объектив борлиқ мифалогик асосда ифодалангани қайд этган эдик. Унда кўпроқ умуминсоний масалаларга, оламни яралиши, табиат ҳодисалари, коинот ва одамзод алоқалари, инсон онги, тафаккури ва маънавиятнинг моҳияти мазмуни турлича ёритилган. Оламни билиб олинган қонунлари, нарса ва воқеаларнинг имкониятидан фойдаланганлар, англамаганларини илоҳийлаштирганлар.

Узоқ вақт илм-фан Ғарбдан Шарққа ўтган деган асоссиз ғоялар талқин қилиниб келинди, бугунги кунда мамлакатимиз ва жаҳон олимлари илм-фан Шарқдан Ғарбга нур сочганини исботламоқдалар. Мавжуд халқ оғзаки ижоди намунасидагина бунга мисол бўлмоқда. Ёзма манбалар “Авесто” каби қанчадан қанча алломалар номлари ва мероси даставвал македониялик Александр, сўнгра Грек – Бақтриянинг тўрт юз йиллик ҳукмронлиги, кейинроқ араб истилоси даврида йўқ қилиб юборилган бўлиши мумкин. “Юнонистонлик фалсафани фан даражасига кўтарган Арасту ўз фалсафий тизимини яратиш ва такомиллаштиришда “Авесто”дан фойдалангани маълум. Худди шунингдек, жаҳон мамлакатлари Хоразмийдан, Коперникни эса Улуғбекдан илҳомлангани ҳам рост”¹.

Олдинги бобда таълим-тарбия муаммоси, комил инсон модели масаласида дин ва фаннинг, педагогика ва тасаввуф тарихан узвий боғлиқлиги, жумладан, “Авесто”ни қиммати ҳақида илмий манбаларга асосан фикр юритдик.

Илмий билиш мавзуси “Моний даври” (милоднинг III-IV асри, асосчиси Моний 216-276 йилларда яшаган) фалсафий-илоҳий таълимотида ҳам яққол ифодаланган. Моний фикрича, икки дунё – “Зулмат ва зиё дунёси” мавжуд, биринчисида адолатсизлик, зулмат, зўравонлик ҳукм суради, иккинчиси абадий, доимий емирилмайдиган ҳақиқатлар дунёсидир. Моний таълимотида зардўштийлик, буддизм, иудизм ва христианликнинг асосий ғоялари, жамланган, уларнинг умумий тизими мифология, фалсафа, космогония,

¹ Билиш фалсафаси. –Т.: Университет. 7 бет.

алхимия, астрономия ва бошқа ижтимоий-табиий билиш соҳалари билан боғлиқда баён этилган.¹

Уйғониш даври мутафаккирлари Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мрзо Улуғбек каби мутафаккир олимлар, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд каби тасаввуф илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Юсуф Хос Хожиб, Навоий, Бобур, Бедил, Машраб каби инсоншуносликни бадиий талқин ва тадқиқ этган алломалари илмий билишнинг кўпгина томонларини яратганлар. Аввало, уларнинг илмий фаолияти, фандаги яратувчанлик, ихтирочилик тимсоли замонамиз олимлари, изланувчилари учун илҳом ва ғурур кудрати. Бугунги кунда педагогик тадқиқ математикалаштириш долзарб муаммодир. Ўз даврда Ал. Хоразмий асарлари дидактикани математикалаштириш, илмий билишни математика тилида алгоритм тилида фанга хизмат қилаётган фикримиз далилидир.

Хоразмий табиий-илмий билиш соҳасидаги замондошларида илгарилаб кетди. У квадрат ва чизиқли тенгламаларни ечиш йўллари, иррационал сон (жазр-олсам), икки алгебрик ифодани кучайтириш, кўпайтмаларни радикал келтириш, радикалларни кўпайтириш усуллари таърифлаб берди. Олим тенгламаларни ечиш усуллари ишлаб чиқди. Уларни олтига нусхага ажратиб, таҳлил қилди. Хоразмий ҳарфий белгиларни сўзлар орқали ифодалаган. Бундай белгилар сал кейинроқ, Европада XIV асрда ишлатила бошлаган. Олим ўн рақамли санок тизимида бажариладиган тўрт амалнинг ҳар бири ҳақидаги алгоритмик қонунларни ҳам таърифлаб берган. Демак, Хоразмий дидактик тамойилларга Европа олимларидан етти аср олдин асос солган. Ал Хоразмий, Абу Али Ибн Сино педагогиканинг долзарб муаммоси таълим технологиясининг методологик пойдеворига асос солган. Педагогик воқеликнинг қонуниятларини математик тилда ёритиш методикасини ишлаб чиққан.

Аҳмад Фарғоний “Китоб фи усул илм ан нужум”, (“Астрономия усуллар ҳақида китоб”) “Ал Фарғоний жадваллари”, “Етти иқлим ҳисоби”, Устурлоб илмий тадқиқотнинг кузатиш, ўлчаш, қиёслаш, далилларни солиштириш, анализ ва синтез каби усуллардан фойдаланиш намунаси.

Маълумки, методология тушунчасига илк таъриф Аристотелнинг “Оргонон” асарида берилган, Аристотел асарларини таҳлил этган Шарқда методология фанига катта ҳисса қўшган Абу Наср Форобийдир. Проф. М.Хайруллаев “Абу Наср Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида” (Т 1993 й) асарида: таълим, тарбия, категорияларининг арабча илк таҳлили; касб тарбиясининг ижтимоий, илмий моҳияти; маънавий-ахлоқий кадрлар; онгли тафаккурнинг аҳамияти каби педагогик масалалар таҳлил этилган. Шуниси характерлики Абу Наср Форобийнинг биоқувватлар ҳақидаги таълимоти ҳанузгача педагогик таҳлили ва тадқиқотини топганича йўқ.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) нинг асарлари, илмий билиш ҳақидаги таълимоти таққослаш, далилларни бир-бири билан қиёслаш, натижаларни умумлаштириш ва фикрий эксперимент намунаси.

¹Билиш фалсафаси. –Т.: Университет. 7-8 бетлар.

тузиш Америка китаъсини мавжудлигини башорат қилиши фикрий эксперименти қиёслаш натижасидир.

Илмий билиш методологик масаласи Абу Али Ибн Синонинг юзга яқин асарларида ўз ифодасини топган. Унинг “Адолат” номли фалсафий энциклопедияси, “Шарқ фалсафаси”, “Яхши илм ва гуноҳ” асарлари бизгача етиб келмаган. Таълим-тарбияга доир “Донишнома” (дониш-билишнома-хатлар) “Тиб қонунлари” асарларида ҳиссий билиш, сезгилар, ички сезгилар, ташқи сезгилар, хотира, тасаввур, тафаккур, тажриба каби билиш усуллар баён қилинган, амалиётда умумлаштирилган.

Ўрта асрларда методологик таълимот ривожини тасаввуфда инсоншунослик масаласи ҳақида олдинги бобда мулоҳаза юритдик. Шарқ мутафаккирларини илм-фан ҳақидаги ҳикматларини илова қилишни лозим топдик.

Одамдан юқори тураркан олам,
Билим оширмоққа муҳтождир одам

Абу Абдулло Рудакий

Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,
Қўлингдан келганча тера олсанг, бас.

Абу Абдулло Рудакий

Ҳаёт сабоқларини этолмаса ёд,
Уни ўргатолмас ҳеч қандай усод.

Абу Абдулло Рудакий

Кимнингки қузғундан раҳбари бордир,
Унинг гузари ҳам ўлаксазордир.

Абу Абдулло Рудакий

Вужуд сирлари хом, пиширилмай қолди,
Бу қиммат дур ипга тизилмай қолди.
Ҳар ким ўз ақлича бир сўз деди-ю,
Аммо асл сир ҳеч очилмай қолди.

Абу Наср Фаробий

Билиминг осмонга етган бўлса ҳам,
Бошқалар илмига қулоқ сол ҳар дам.

Абу Шукур Балхий

Билимим шу жойга етиб келдиким,
Билимсизлигимни энди тушундим.

Абу Шукур Балхий

Ёшлик чоғида ўрганиш билан
Ақл ҳам идрок топишинг осон.
Хоҳлаган томон эгиб қўяди

Нихоллигида дарахтни боғбон.
Эгрилигин ҳеч ким тўғрилаёлмас,
Нихол улғайиб , бўлганда йўғон.
Абу Шукур Балхий

Жаҳон бошдан-оёқ ҳикмат-ку ҳикмат,
Нечун ғафлат бўлибдир бизга қисмат.
Абулқосим Фирдавсий

Ҳар илмдан эшитсанг бир сўз,
Ўрган уни кечаю кундуз.
Бир шуъласи дилга тушган он-
Билурсенким, илм бепоён.
Абулқосим Фирдавсий

Тажрибали ит барсни тутиб ер,
Қочар тулкидан жанг кўрмаган шер.
Абулқосим Фирдавсий

Шубҳа йўқ, илмдан тирикдир инсон,
Машаққат-меҳнатни енгади осон.
Абулқосим Фирдавсий

Билим яхши, деди унга пир бир кун,
Билимли оламда ҳаммадан устун.
Абулқосим Фирдавсий

Билим билан бўлур одамда имон,
Билимдан девни ҳам боғламоқ осон.
Абулқосим Фирдавсий

Қудратлидир кимки бўлса билимдон,
Билимдан кексалар дили навқирон.
Абулқосим Фирдавсий

Кимники етаклар билим умр отин,
Ўзи ўлганда ҳам ўчмагай оти.
Абулқосим Фирдавсий

Кўз кўрмаган , тўймаганни то
Одам илм билан қилади барпо.
Абулқосим Фирдавсий

Дилу жонга доим илм берди нур,
Ғафлатдан қутулмоқ илмдан бўлур.
Қийин меҳнатга кўрсатиб сабот,
Илмдан қидирилган ҳожатга нажот.

Абулқосим Фирдавсий

Илмдан кишига иззат-обрў ҳам ,
Илмсиз ҳеч ерга қўймағил қадам.

Абулқосим Фирдавсий

Билимсизлик билан ишга киришсанг ,
Фойдаси бўлмайди қанча тиришсанг.

Асадий Тусий

Билим бойлигига тўймайди одам,
Камаймас бошқага қанча берса ҳам.
Оламда билимдир ганжи бебахо,
Ким билим эгаси- ўша подшо.

Асадий Тусий

Ақл айтур: абадий гавҳарлараро
Топилмас билимдан яхшироқ кимё.

Носир Ҳисрав

Кимнингки бойўғли бўлар раҳбари,
Харобадур кўрган ва билганлари.

Носир Ҳисрав

Кимки шогирдликка чин дилидан шод,
Бир куни ўзи ҳам бўлғуси устод.

Носир Ҳисрав

Агар хурралик истарсан, сўроқла илм ила ҳикмат,
Ўшанда илму донишманд олурсан мевайи ҳожат.

Носир Ҳисрав

Билимдан шод бўлур доим дилу жон ,
Билимсиз оламда хайрон, саргардон.

Носир Ҳисрав

Ёшликда биз шогирд , ўзгалар устод,
Сўнгра устод бўлиб, дилни этдик шод.

Умар Хайём

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,

Бир сир қолмабдики , мафҳум бўлмабди.
Туну кун ўйладим - етмиш икки йил,
Англадим – ҳеч нарса маълум бўлмабди.
Умар Хайём

Жаҳонда илмни ажрата билгин,
Шиш билан семизлик фарқини қилгин.
Абулмажид Санойӣ

Насихатим ол, эй ўғлим якбор,
Ота пандидан бўлгин ҳосилдор.
Низомий Ганжавий

Кимки ўрганишни уят, ор демас,
Сувдан дур топади , тошдан лаъл , олмаос.
Низомий Ганжавий

Билимсиз бўлса киши,
Дуруст чикмас ҳеч иши.
Низомий Ганжавий

Илм агар оз бўлса ҳам ҳеч этма ҳор,
Оз илмнинг ҳам буюк қиммати бор.
Фаридиддан Аттор

Кимда илм-маърифат ҳосил бўлмайди,
Мақсудига асло восил бўлмайди.
Фаридиддан Аттор

Қувватим борида фойдам билмадим,
Тушунган вақтимда кучим бўлмади.
Фаридиддан Аттор

Кимда бўлса ақлу илм ҳам тамиз,
Ақлу дониш аҳлин тутуди азиз.
Фаридиддан Аттор

Ҳар ким устоддан қочган замонда ,
Давлат муроддин қочар жаҳонда.
Жалолиддин Румий

Баний одам илмдан топмиш камол,
Бекор бунда мансабу бойлик ва мол.
Саъдий Шерозий

Истар эсанг отангдан мерос,
Боғла отанг илмига ихлос.

Саъдий Шерозий

Ҳадиси шарифда илм ҳақида

Илм-сахрода дўст, Ҳаёт йўлларида таянч,
Ёлғизлик дамларида йўлдош,
Қувончли дамларда раҳбар,
Қайғули онларда мададкор,
Одамлар орасида зебу-зийнат,
Душианларга қарши курашда қурол

.....

3.3. Ғарб халқлари мутафаккир, олимларнинг илм-фан ҳақидаги қарашлари

Методологик таъминот ривожиди Ғарб мамлакатлари халқларининг буюк мутафаккир олимларини ўзига хос ўрни бор. Мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётида фанлар муҳим омил бўлган, фанларни ривожиди эса методологик таъминоти билан боғлиқ. Масалан, асосан Лакония Аттика давлатларидан иборат бўлиб ўзаро рақобат туфайли Афина (Қадимги Юнон давлати бош шаҳри), ва Спарта (Лакония давлатининг бош шаҳри) таълим-тарбия тизимининг ўзига хос тизими ва фан таркиб топган. Сукрот, Платон, Аристотел, Демокрит каби файласуфлар етишиб чиққанлар.

Сукрот таълимотида маънавий комиллик билан жисмоний баркамоллик, дунёқараш билан амалий турмуш, сўз билан уйғунлиги алоҳида аҳамиятга эга. Унингча билим чексиздир. “Одам – дейди Сукрот, - ҳамма нарсага оқил, донишманд бўлолмайди, демак ким нимани билса шу соҳада оқил донишмандир”. Платонининг билиш назарияси унинг ғоялар таълимоти ва руҳ, жон ҳақидаги қарашларидан келиб чиқади. Билишни ақлий билиш, тафаккурий билиш ва ҳиссий билишга бўлади. Унинг фикрича ғоялар билимлар орқали билинади ва билимларни ҳам ғояларга нисбатан билиш мумкин.

Платон диалектика борлиқ, борлиқнинг ҳақиқий мавжуд моҳияти ва ғоялар ҳақидаги таълимот деган хулсага келди.

Платоннинг шогирди Аристотел диалектика ҳақидаги назарияни ривожлантирди. Унинг фикрича илмий билиш иккига бўлинади диалектал билиш ва ҳақиқий билиш. Ҳақиқий билиш тажриба орқали билиш дейди. У методология тушунчасини фанга киритган.

Ғарб мамлакатлари ўрта асрларда тез ривожланишида фаннинг, фаншуносликнинг аҳамияти катта бўлди. Антик даврдан сўнг ўрта асарларда фан тараққий этди. Масалан инглиз олими Френсис Бекон (1601-1686), 1620 йили “Янги оргонон” (Билишнинг янги қуроли) асарини ёзди. Аристотелнинг Оргононидан фарқли равишда фаннинг вазифалари ва индукцияни янги талқин этди. Бекон фикрича, индукция умумлаштириш жараёни сифатида сезгидан алоҳида далиллардан қадам-бақадам кўтарилиб, сакрашларсиз,

тадрижий тарзда умумий ҳолатларга етиб боради. Бекон ушбу услуб моҳиятини муфассал ишлаб чиқди. Унинг таркиби қуйидагилардан иборат:

1. далилларни кузатиш;
2. уларни тартибга солиш ва ажратиш;
3. кераксиз далиллардан қутулиш;
4. асосий ҳолатларни аниқлаш;
5. тажриба асосида далилларни аниқлаш;
6. далилларни умумлаштириш.
7. Кузатиш жараёнида тадқиқотчи далилларни йиғади, илмий тажрибага таяниб, уларни текширади ва умумлаштиради¹.

Француз олимлари Рене Декарт (1596-1650) фан тарихида рационализм асосчиси, ҳамма нарсага ҳақиқийликка эришишни оқилона ёндашишни тавсия этади.

Шунингдек, Жон Локк, Жорж Беркли, Давид Юм, Иммуниал Кант, Гегел каби олимларнинг методологик таълимоти Европада фанларнинг тараққиёт омили бўлди. Уларни ҳикматлари жамланмасини илова қилиш илмий тадқиқотларга фойдали бўлади деган умиддамиз.

Халқлар тараққий этиб, ўса олиши, шон-шарафга бурканиб, муваффақиятли равишда фикрлай ва ишлай олиши учун, - ҳаётларининг негизида тараққиёт ғоялари ётиши керак.

Э.Кастелар

Цивилизация нима дегани? Бу олға кетаётган инсон ақли ғар қадамда юзага келтираётган доимий кашфиётлардир: тараққиёт сўзининг ўзи ҳам шундан келиб чиққан.

В.Гюго

Фан тараққиёти олимларнинг меҳнати ва улар яратган кашфиётларнинг қиммати билан белгиланади.

Л.Пастер

Ким олға юрмаса, у ортга кетади: бир жойда тўхтаб қолиш ҳолати йўқ.

В.Г.Белинский

Янгиликни пешона тери билан яратиш керак, эски нарса эса ўзи яшайверади ва урф-одат ҳассасига таянганча маҳкам тураверади.

А.И.Герцен

Фан кучдир, у моддий нарсаларнинг муносабатини уларнинг қонуниятлари ва ўзаро ҳаракатларини очиқ беради.

А.И.Герцен

¹ Билиш фалсафаси. Т.,: Университет. 4 бет.

Фан ватаннинг энг юксак қиёфаси бўлмоғи зарур, зотан барча халқлар ичида фикр ва ақлий фаолият соҳасида бошқалардан ўзиб кетган халққина биринчи ўринни олади.

Л.Пастер

Фаннинг иши дастёрлик, фанлар фароғатга эришиш воситасидирлар.

Д.И.Менделеев

Ҳамма фанларнинг ҳақиқий ва қонуний мақсади инсон ҳаётини янги ихтиролар ва бойликлар билан тўлдира боришдан иборатдир.

Ф.Бекон

Фан инсон ҳаётидаги энг муҳим, энг ажойиб ва зарур нарсадир.

А.П.Чехов

Фанда одамзоднинг тажриба, тафаккур самарали асралади ва одамларнинг тушунчаси, кейин эса ахлоқи ва ҳаёти асосан фан заминида яхшиланади.

Н.Г.Чернешевский

Фан тараққиёти, эҳтимол миллатнинг моддий жиҳатдан гуллаб-яшнашидан ҳам кўра унинг ахлоқий ривожини учун кўпроқ зарурдир. Фан интеллектуал ва ахлоқий савияни оширади, фан буюк ғояларнинг тарқалиши ва тантанасига шароит яратади.

Л.Пастер

Агар фан ва санъат бўлмаганда, инсон ва инсон ҳаёти ҳам бўлмасди.

Л.Н.Толстой

Фан учун фан йўқ, санъат учун санъат йўқ – уларнинг бари жамият учун, одамни янада саховатли қилиш учун, юксакликка кўтариш учун, уни билим ва ҳаётнинг моддий қулайликлари билан бойитиш учун хизмат этади.

Н.А.Некрасов

Фан халққа сув-ҳаводек зарур. Уни тараққий эттирмаган мамлакат, шубҳасиз, мустамлакага айланади.

Ф.Жолио-Кюри

Фан ҳолис хизмат қилганларга ажойиб истиқболлар очади.

Ф.Жолио-Кюри

Фан ва санъат одамлар учун худди таомдек, сувдек, кийимдек, ҳатто улардан ҳам кўпроқ зарурдир.

Л.Н.Толстой

Фан руҳи ҳоқимлик қилган жойда оз нарса билан ҳам улканишлар кашф этилади.

Н.И.Пирогов

Фан, бу тартбга солинган билимдир.

Г.Спинсер

Фан – тафаккурнинг дунёдаги биз билган ҳамма ҳодисаларни маълум услуб воситасида бир ерга жамлаш йўлида кўп асрлик хормай-толмай қилган меҳнатидир.

А.Эйнштейн

Фан борлиқнинг инъикосидан бошқа нарса эмас.

Ф.Бекон

Ҳайратланиш учун бир даққа кифоя, бирор ҳайратомуз нарса яратиш учун эса қанчадан-қанча йиллар керак.

К.Гельвеций

Фан, инсон руҳини жасоратга даъват этишнинг энг қулай йўлидир.

Ж.Бруно

Инсон ўз табиатидаги номукамалликни фан ёрдамида тузатишга қодир.

И.И.Мечников

Менинг имоним – инсониятга бахтни фан тараққиёти ато этишига ишонишимдир.

И.П. Павлов

Фаннинг буюклиги ва афзаллиги одамлар меҳнати самарадорлигини ошириш ва зехнининг табиий қувватини кучайтириш йўли билан уларга келтирадиган мислсиз фойдасида мужассамлангандир.

Д.И.Писарев

Фан тугал бир китоб бўлмаган ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам. Ҳар бир муҳим ютуқ янги саволларни туғдиради. Ҳар қандай тараққиёт вақт ўтиши билан янгидан – янги ва янада чуқурроқ қийинчиликларни юзага келтиради.

А.Эйнштейн

Фан методикада эришилган ютуқлар билан боғлиқ равишда сакраб-сакраб ҳаракатланади. Методиканинг ҳар бир олға ташланган қадами туфайли биз бир поғона юқорига кўтариламиз ва олдимизда бизга илгари кўринмаган нарсалари билан янада кенгрок уфқ намоён бўлади.

И.П.Павлов

II БОБ. Педагогика тарихининг методологик асоси

2. 1. Педагогика тарихини фанлар тарихи билан боғлиқлиги

Ҳар бир фаннинг тарихий тараққиёти, эришилган ютуқлар, унинг назарий ва методик асосининг ўзи методологик хусусиятга эга. Маълумки, кўпгина педагогик тадқиқотларда фаннинг ривожига ҳисса қўшган мутафаккирларнинг таълимоти методологик асос сифатида ифодаланади. Зеро, таълим – тарбия кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан бошлаб пайдо бўлган, у тарихий, умуминсоний ва миллий ҳаракатерга эга. Бу борадаги тажрибалар, ғоялар, таълимотлар, қонуниятлар умумлашмаси ёзма ва оғзаки, ҳаётий анъаналар, кадриятлар шаклида келажак авлодларга ўтиб келган.

Ҳар бир давр, халқ, унинг олимлари фаннинг ривожига ўзининг ҳиссасини қўшган, ғояларни тўлдирган, таҳлил этган. У ёки бу соҳада илмларнинг тарихий тараққиёт таҳлилига фан тарихи дейилади. Фан тарихини ўрганилиши ҳақида профессор Н. Шермухаммедова: “XIX асргача фан тарихи алоҳида муаммо сифатида на файласуфлар, на бошқа соҳа олимлари томонидан етарли ўрганилмаган эди” деган хулосага келади ва “Фан тарихини ўрганиш XX асрда бошланган бўлсада, унга азалдан фалсафанинг ёки умумий маданият назариясининг бир бўлими сифатида қаралган”¹ - деб ёзади. Бу фикр айрим фанларгагина тааллуқли бўлиши мумкин. Лекин IX асрдаёқ Абу Наср Форобийнинг² Арасту асарларининг таҳлили, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар”³, “Ҳиндистон” асарлари, Алишер Навоий⁴ ва бошқа мутафаккирларнинг адабиётшунослик ҳақидаги тазкиралари, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”⁵ асарида 50 подшолик даврида таълим-тарбияни ёритилиши фанлар тарихи ҳақида тарих эмасми?

Жумладан, педагогика милоддан олдинги V-IV асрлардаёқ қадимги Юнонистонда таълим – тарбиячилик фаолияти, таълим – тарбия жараёни ифодаси эканлиги уни тарихийлигидан далолат беради. Инчунун, педагогик ғояларнинг тарихий тараққиёти, илмий асосланган қонуниятлар фанни ривожланиши учун методологик қўлланма бўлади. Ҳаёт синовларидан ўтган таълим – тарбия мазмуни, методлари, шакл ва воситалари педагогика фанининг равнақи учун мустаҳкам пойдевордир.

Мустақиллик тилимиз, динимиз, маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиш имкониятларини, ҳуқуқини берди. Бугунги кунда Ўзбекистонда педагогика тарихи бўйича алоҳида дарсликлар, ўнлаб ўқув қўлланмалари, рисола ва китоблар чоп этилди. Албатта, улкан маданий хазинани ўрганишга ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Аммо, халқ педагогикаси ва педагогик меросни ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш методологияси ишлаб чиқилмаган.

Таъкидлаш лозимки, методология илмий билиш механизми, метод, усул ва воситалар йиғиндиси сифатида фанлар тараққиётининг омили, назарий асосидир. Албатта, ҳар бир объектив воқелиқни, жумладан, тарихий тараққиётни ўрганиш мақсадидан келиб чиқадиган методологик тамойили

Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси.- Т.: М. Улуғбек, 2008.

² Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри /Тузувчи М.Маҳмудов. – Т.: Халқ мероси, 1993. – 224 б.

³ Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. –Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1968. – 486 б.

⁴ Навоий, Алишер. Махбуб-ул қулуб. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 111 б.

⁵ Ҳомидий Х. Авестодан Шоҳномагача. -Т.: Шарқ, 2003.

мавжуд. Узоқ вақт педагогик меросни ўрганиш бир томонлама, камбағал, “пролетар” тарбияси тарихини идеаллаштиришга қаратилган эди. Бунга зид ижтимоий таълим – тарбия аёвсиз қораланарди. Яъни халқнинг маданий меросини ўрганишда миллат манфаати эмас, балки коммунистик таълимот тамойили устувор бўлган методологияга асосланилди. Жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётида таълим – тарбия тизимининг тутган ўрни таҳлил этилмади.

Тарих ўзи ҳақиқатдир, уни ошириб таърифлаш ва яшириб ифодалаш мумкин эмас. Ҳар бир даврда ҳам инсоният юксакликка интилиб яшаган.

Педагогика тарихининг методологик асосини ўрганиш халқимизнинг минг-минг йиллик таълим – тарбия борасидаги хазинасидан фойдаланиш имкониятини оширади, тарихий тадқиқотлар самарадорлигига эришилади, педагогиканинг тараққиёт истиқболини белгилашда илмий-методик йўриқнома бўлади.

Педагогика тарихи инсоншунослик фанлари билан узвий боғлиқдир. Психология тарихи турли ёшдаги одамларнинг туғилганидан умрининг охиригача психик ривожланиш жараёнини, шахсни шаклланиши ҳамда ўзаро муносабат қонуниятларини ўрганади.

Социология жамиятни яхлит тизим сифатида ўрганади, ижтимоий ташкилотлар, жараёнлар ва гуруҳларни шу тизимнинг қисмлари сифатида таҳлил этади. Бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам инсондаги объектив ҳолатни ва уни умумий ривожлантириш юзасида баҳс юритади. Асрлар бўйи мавжуд қонуниятлар ўрганилади ва давр ўзгариши билан унинг ўзгаришига баҳо берилади.

Аmmo инсонни тарбиялаш, уни ривожлантиришнинг аниқ қонуниятларини ишлаб чиқиш педагогика фанининг зиммасига тушади. Педагогиканинг предмети шахсни ривожлантириш билан тарбия ўртасидаги қонуниятни аниқлаш ва шу асосда тарбиявий фаолиятнинг назарий ҳамда методик асосларини ишлаб чиқишдир. Демак, педагогиканинг предмети шахсни ривожлантириш ва таркиб топтириш жараёнидир. Яъни, педагогика шахсни муайян мақсадга қарата таълим-тарбия бериш, ривожлантириш, таркиб топтириш моҳияти ва қонуниятлари ҳақидаги фандир.

Маълумки, педагогиканинг асосий вазифаси бўлган тарбия ижтимоий ҳодисадир. У кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб мавжуддир. Тарбиялаш, аввало, ижтимоий ҳаёт жараёнида йиғилган тажрибаларни авлодларга етказиб беришдир. Ижтимоий тажрибалар моддий ва маънавий кадриятлар йиғиндиси сифатида ижтимоий онгнинг турли шаклларида (фан, санъат, ахлоқ) шунингдек, ижтимоий муносабатлар хулқ-атвор ва фаолият тизимида мужассамдир.

Тарбия ижтимоий ҳодиса сифатида инсон шахсини таркиб топтириш, уни ҳаётга тайёрлаш воситаси сифатида пайдо бўлган ва шундай бўлиб қолади. Шахс камолоти, мураккаб диалектик жараён бўлиб, кишига таъсир кўрсатадиган объектив, субъектив омиллар стихияли ва махсус (онгли) йўналтириб борилади. Тарбиянинг мақсадлари, мазмуни, шакл ва методлари ҳар бир тарихий даврда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Ҳозирги даврда педагогиканинг вазифаси миллий истиқлол ғояларидан келиб чиқадиган таълим-тарбиянинг мазмуни, методларини ишлаб чиқиш, миллий таълим тизимини яратиш ва ёш авлодни билим, маънавий маданиятини жаҳон андозалари даражасига етказишдир. Педагогика бола тарбияси ҳақидаги фан сифатида таркиб топган бўлсада, ҳозирги фан-техника ривожланган даврда барча ёшдагиларга таълим-тарбия бериш қонуниятларини ўргатади. Чунки тарбия ва таълим туғилгандан умрининг охиригача давом этадиган жараёндыр. Узоқ вақт шахснинг ривожланишида ташқи таъсир ҳал қилувчи омил ҳисоблаб келинди. Ҳолбуки ҳар қандай тарбиявий таъсир, мактабларда зўр бериб ўқитиш кутилган натижа беравермаслигига иқрор бўлдик. Шунинг учун бугунги кунда таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларини ишлаб чиқиш унинг истиқболини белгилаш педагогиканинг долзарб муаммосидир.

Шахсга йўналтирилган таълим-тарбия бўйича ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан, педагогика ҳам асосан инсоншуносликнинг объектив қонуниятларини ўрганади. Инсон камолотида субъектив омил етарли умумлаштирилмаган. Бу борада башоратчилар йиғилган тажрибаларга таянган ҳолда омманинг эътиборини қозонмоқдалар. Педагогиканинг таркибида янги йўналиш - инсон ўзлигини билиши ва тарбияда ўзини имкониятларини ўстириш методикаси киритилиши амалий аҳамиятга эга бўларди. Инсон ёшлигиданоқ ўзлигини билса, аввало, ўз қудратини ишга солади ва қолаверса, ташқи ғаразли таъсирлардан сақланишига тайёрланади.

Аммо бугунги кунда инсоншунослик фанлари ва санъат, жумладан, адабиёт ўртасидаги ана шу ўзаро алоқа етарли эмас. Ҳатто, педагогика фанида ҳам инсонни билиш ва тарбиялаш узвийлиги ўзига яраша.

Бадиий адабиёт, адабиётшуносликда ҳам инсонпарварлик йўналишидан кўра адабий танқид устун туради. Зеро, педагогика билан бадиий адабиётдаги умумийлик банди ҳам инсоншуносликдир. Жамиятни инсонпарварлаштиришда аввало, фанларни жумладан, педагогикани инсоншунослаштириш ва инсонпарварлаштириш, ёки инсонни ўрганадиган фанларнинг бандида назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий моделида «шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи»¹ – деб белгиланади. Бу бутун таълим-тарбия тизимини инсоншунослаштиришни тақозо этади, узоқ йиллар ҳукм сурган «таълим-таълим учун» қонидасидан қутултиради. Демак, аввало педагогика фани, қолаверса, барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг инсоншунослик, инсонпарварлик даражасини ортиши давр талабидир.

«Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс - фуқарони

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа кооперни, 1997. – 31-б.

шакллантиришни назарда тутати»¹. Миллий дастурдаги бу йўриқномалар педагогиканинг вазифасини бутунлай янги йўналишга ўзгартиради.

Агар узоқ вақт «кимга, нимани, қандай ўқитиш» принципи қарор топган бўлса, эндиги вазифа комил инсонни, шахсни шакллантиришга қаратилади. Яъни Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури «кимни, нима учун ва қандай ўқитиш?» назарияси ва амалиётини ишлаб чиқишни талаб этади.

Таълим-тарбияни жамият тараққиётида устивор деб белгиланиши, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бугунги кунда педагогикани илмий ва инсоншунослик даражасини ортишига имконият яратди. Миллий дастур таълим тизимининг барча бўғинларида янги педагогик технологияни яратиш вазифасини қўяди.

Ваҳоланки, педагогик технология ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилган, уларнинг тараққиётида муҳим омил бўлган. Педагогик технологияда изчиллик, тизимлилик, ўқувчи ва ўқитувчи шахси, таълим-тарбия жараёнининг бошқа таркибий қисмлари ўзаро боғлиқлиги педагогика фанининг классик предмети қарор топганидан далолат беради.

Педагогика тарихи тараққиётининг қонуниятлари

Классик фанлар сингари педагогика тарихий тараққиётининг ўзига хос қонуниятлари мавжуд:

- педагогиканинг предмети таълим-тарбиянинг давр талабига мослиги қонунияти. Яъни кишилиқ жамиятининг тарихий тараққиётида, ҳар-бир халқ миллат ва мамлакатнинг ривожланишида таълим-тарбиянинг тутган ўрни. Шунингдек, таълим-тарбия тизими такомиллашувида ижтимоий шароит;

- педагогикани халқ педагогикаси заминида ривожланиши қонунияти. Таълим-тарбия тажрибалари, педагогик ғоялар кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан бошлаб халқнинг турмуш анъаналарида, оғзаки ижодида ўз ифодасини топгани, халқ педагогикаси педагогиканинг булоқ боши, эканлиги, халқ педагогикасининг ворисийлиги;

- комил инсонни шакллантириш, инсонни эзгуликка йўллаш, ўзлигини англаши, ўз-ўзини тарбиялаш предметида педагогика тарихини ва динлар тарихи, тасаввуф билан узвий боғлиқлиги. “Тасаввуфнинг таълимий-тарбиявий имкониятларини умумлаштириш, педагогик асосларини ишлаб чиқиш жамият тараққиётига, миллат равнақиға зид ҳар хил диний ниқобдаги ғоялар тарахининг оқибатларини илмий асосланиши нуқтаи назаридан қараганда муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва хамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда”. (И. Каримов)²;

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа коцерни, 1997. – 61-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 328 б.

- таълим-тарбиянинг мавжуд шарт-шароитга боғлиқлиги қонунияти. Зеро, ҳар бир ҳудуд, минтақа мамлакат, миллий мактаб қандай бўлса, мамлакат тараққиёти шундай бўлган ва мамлакат сиёсий тузулиши қандай бўлса, мактаб таълим-тарбия шундай бўлгани аксиома эканлиги. Жамият тараққиётида базис ва устқурма ўзаро боғлиқлиги фалсафий категория асосида педагогик фикрлар тараққиёти;

- педагогика айрим ижтимоий фанлар катори фалсафа таркибида ривожлангани. Педагогика тарихи ва бошқа гуманитар фанлар тарихи билан узвий боғлиқлиги объектив оламнинг бир бутунлиги, фанлар тарихи бири иккинчисини тўлдириши.

- педагогика тарихини мумтоз адабиёт билан тарихан ва мантиқан боғлиқлиги қонунияти. Шарқда адабиёт “адаб”- ахлоқ, одоб, “ёт”-кўплик, фан, таълимот маъносини англатгани, адабиёт ҳаёт дарслиги, таълим-тарбия воситаси эканлиги, мумтоз адабиёт миллий таълим-тарбия тажрибалари ва ғояларини асрлардан асрларга етказувчи, манба эканлиги;

- ҳозирги даврда педагогиканинг глобаллашуви, Кадрлар тайёрлаш Миллий моделида педагогиканинг жаҳон фанига интеграциялашуви талаби, таълим-тарбиянинг умуминсонийлик тамойили, жаҳон халқлари кадриятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қонунияти.

Педагогика тарихини ўрганишда методологик ёндашув бой маънавий меросимизнинг илмий-амалий аҳамиятини аниқлаш имкониятини беради. Миллий ғоянинг комил инсон таълимотини ривожлантириш, таълим-тарбия тизимида маънавий меросдан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Қадимги Шарқда ислом динини жорий этилиши билан комил инсон моҳияти ва мазмуни “ботиний ва зоҳирий дунёни билиш” ўзлигини англаш ва ўзини бошқара олиш таълимотига асос солинди. Дунёвий, илмий ва диний адабиётларда инсоннинг қудрати ўзлигини англашда эканлиги асосланди.

Масалан, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний асарларида таълим - тарбиянинг мақсади ва мазмуни инсон ўзлигини билишдан бошланиши, тасаввуф алломаларининг таълимотида оллоҳни билиш – инсон ўзлигини билишидир ғояси умумлаштирилди. Оллоҳни билиш объектив оламни ва одамни билиш уйғунлиги, инсонни ҳаётга тайёрлаш таълим – тарбиянинг мазмунини ташкил этди. Алишер Навоийнинг “Лисонут тайр”¹ асарида инсон ўзлигини билиши – оллоҳни билиш ғоясига асосланиб, унинг қудрати худомушнинг муаммолари (“водийлари”)ни енгиб ўта олиши билан ўлчаши ҳаётини лавҳаларда ифодаланади.

Албатта буюк мутафаккирлар меросидан кенг халқ оммаси баҳраманд бўлиш имконияти ва тизими мавжуд эмас эди. Ислом қоидалари ва фалсафасини ўрганиш бўйича VIII – XV асрларда ташкил этилган мадраса ва мактабларда маълум даражада педагогик мерос ўрганилган. Педагогик мерос анаъналар, ривоятлар, уруғ оқсоқоллари сабоқлари орқали авлоддан авлодга ўтиб келган, ривожлантирилган. Шарқ халқларида маданиятни, педагогик,

¹ Навоий, Алишер. Лисонут-тайр. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

фалсафий ғояларни тарғиб қилиш, ўрганишнинг энг самарали воситаси бадиий адабиётдан фойдаланилган.

Бадиий образлар ва услублар орқали комил инсон ғояси, модели таълим – тарбия мазмуни, методлари оммалаштирилган. Кейинчалик адабиёт бадиёт ўрнида қўлланилиб унинг адаб, ахлоқ ҳақидаги қимматига ҳам эътибор берилган. Адабиётшунослар бадиий асарлардаги педагогик ғояларни ўз имкониятлари даражасида танқидий таҳлил қилишдан нарига ўта олмайдилар. Педагоглар бадиий асар сифатида унинг илмий ва амалий аҳамиятини етарли ҳисобламайдилар.

Ваҳоланки, Ибн Сино ҳам ўзининг таълим – тарбия ҳақидаги ғояларини бадиий услубда баён қилган. Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Абдурахмон Жомий, Девоний асарлари педагогика тарихининг ноёб дурдоналаридир. Алишер Навоий “Маҳбуб ул қулуб”¹ асарида педагогик ғояларни илмий ва бадиий услубда ифодалаган. “Ҳамса”² асарининг “Ҳайратул аброр”³ достонидан бошланиши ҳам унинг таълим – тарбия мақсадига қаратилгани эмасми? Инчунун, педагогиканинг мумтоз адабиёт билан мантиқан ва тарихан боғлиқ қонунияти мавжуд. Европа педагогика тарихида ҳам Дени Дидро, Жан Жак Руссо, Иоген Песталоцци асарларида таълим – тарбия устуворлиги фикримизнинг далилидир. Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон педагогикаси тарихида XVII асрдан таълим- тарбия муаммоларини илмий – оммабоп умумлаштириш, таҳлил этиш бошлангани эътироф этилади. “Дидактика (таълим назарияси ва амалиёти)нинг олтин қоидаси” га Ян Амос Коменскийнинг “Буюк дидактика”⁴ (1631) “Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари” (1633) каби асарларида асос солингани фанда тан олинган. Бироқ Ян Амос Коменскийнинг педагогик таълимоти христиан дини ва фаннинг ўзаро боғлиқлик методологиясига асосланган. Маълумки, у католик черковига қарши чех христиан жамоасига бошчилик қилади, кейинчалик, епископ вазифасига сайланади. Ҳар бир дидактик ғояни “оллоҳнинг иродаси” билан амалга оширишни ифодалайди.

Агар педагогика тарихини ислом дини мутафаккирлари, тасаввуф фалсафаси алломаларининг таълим – тарбия ҳақидаги таълимоти билан ўзаро боғлиқлиги методологиясига асосланган: биринчидан, Шарқ халқлари педагогикаси тарихи ҳам ренессанс билан узвий боғлиқлиги, таълим - тарбия назарияси ҳам Европадан олти-етти аср олдин ривожлангани, фан тарихини объектив ўрганиш имкониятига эга бўламиз; Иккинчидан бугунги кунда таълим – тарбия жараёнини, унинг мазмуни ва методларини такомиллаштиришда Шарқнинг “Тафаккур қарвонлари” меросидан самарали фойдаланилади. Демак педагогика тарихи XXI асрга қадар диний таълим тарихи билан узвий боғлиқ. Бу методологик ёндашувни алоҳида ўрганилиши лозим бўлган қадимги хитой, хинд, корийс халқлари педагогикаси тарихий тараққиётида ҳам кўриш мумкин.

¹ Навоий, Алишер. Маҳбуб-ул қулуб. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 111 б.

² Навоий, Алишер. Ҳамса. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

³ Навоий, Алишер. Ҳайрат-ул аброр. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

⁴ Коменский Я. А. Великая дидактика. Изд. Пед. Соч. в 2-х томах.- М.: Педагогика, 1982.-356 с.

XXI асрга келиб фаннинг ишлаб чиқариш қудратининг ошиши педагогиканинг ҳам жамият тараққиётида глобаллашув жараёнига сабаб бўлди. Қайси мамлакатда таълим-тарбия тизими ривожланган бўлса, шу мамлакат ҳар соҳада илғорлаб кетди. Натижада Европа халқларида педагогикани ривожланишига алоҳида эътибор берилди, педагогика тарихини ўрганишга қўл урилди. Масалан, рус педагогикасининг асосчиларидан бири К. Д. Ушинский “Инсон тарбия предмети сифатида”¹ икки томлик асарида юнон, хинд, хитой, олмон олимларининг таълим-тарбия ҳақидаги асарлари таҳлил қилди. Айниқса унинг педагогика фанининг жамият тараққиётидаги ўрни, Германия, Франция, Англия давлатларида таълим тизимининг ташкил этилишида “Педагогик адабиётларнинг фойдаси ҳақида”² рисоласи муҳим тарихий аҳамият касб этди. Педагогика тарихини ўрганишдаги бундай қиёсий методологик ёндашув фанни ҳам назарий, ҳам амалий ривожланишида муҳим омил бўлди. XVIII-XIX асрда Россияда педагогика фанининг ривожланиши, таълим тизимидаги ислохотлар мамлакатни иқтисодий инқироздан олиб чиқди, жаҳон майдонидаги мавқиени мустаҳкамлади. Россия ва бошқа мамлакатлардаги таълим тизимидаги педагогик тажрибалар таъсирида Аҳмад Дониш, Фурқат, Абдуқодир Шакурӣ, Саидрасул Азизӣ ва жадидчилик ҳаракатининг намоёндалари Исмоилбек Гаспарали, Мунаввар Қори, Маҳмудхужа Бехбудӣ, Исоқхон Ибрат, Қори Ниёзий, Абдулла Авлоний каби маърифатпарварлар таълим-тарбия тизимини замон талабларига мос такомиллаштириш мамлакат ва миллат тараққиётининг омили эканлигини тарғиб қилдилар, ўзлари мактаблар очдилар дарсликлар яратдилар.

Абдулла Авлоний “Педагогика”, яъни бола тарбияси демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия... Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур”³ деб ёзган эди. Яъни педагогика фани ва тарбиянинг ижтимоий моҳияти ҳақидаги Абдулла Авлонийнинг таълимоти ўз даври ва бугунлик кунда муҳим аҳамиятга эга. Унинг бой педагогик меросини ўрганишнинг методологик асоси ҳақида алоҳида тўхталамиз.

Демак, педагогика тарихини ўрганишни ўзига хос уч йўналишини эътироф этиш мумкин:

- биринчидан-педагогик ғояларни ривожлантиришни изчил (хронологик) ва таркибан тизимли (халқ педагогикаси тарихи, оила педагогикаси тарихи, макаб педагогикаси тарихи ва ҳоказо) тартибда умумлаштириш;
- иккинчидан-илғор педагогик илмий ғоя ва муаммоларни тадрижий тараққиёти, жамият тараққиёти билан ўзаро боғлиқлиги;
- учинчидан-олимларнинг, мутафаккирларнинг илмий фаолияти ва ижодининг назарий ва амалий аҳамиятини умумлаштириш.

¹ Ушинский К. Д. Танланган педагогик асарлар. Инсон тарбия предмети сифатида. – Т.: ЎзССР Давлат ўқув-педагогик нашриёти, 1959. – 356 б.


² Ушинский К. Д. Танланган педагогик асарлар. Тарбия ва таълим масалалари. – Т.: ЎзССР Давлат ўқув-педагогик нашриёти, 1959. – 394 б.

³ Авлоний Абдулла. Танланган асарлар - 2 жилд 2-нашри Т.: Маънавият, 2006, 36-37, 303 б.

Педагогика тириhini ўрганишда таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос қонуниятлари муҳим ўрин тутлади. Маълумки, қонуният барқарор такрорланиб турувчи воқеа ва ҳодисаларнинг изчил алоқадорлиги, боғлиқлигидир.

Демак, аввало педагогик қонуниятларнинг кишилиқ жамияти тарихий тараққиётида қарор топгани, асрлар синовидан ўтгани; иккинчидан таълим-тарбия қонуниятларини ўрганилиши, ҳаётда қўлланилиши тажрибалари асосида таҳлил этиш илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлади.

ПЕДАГОГИКА ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ



Таълим-тарбиянинг миллийлиги қонунияти

Мафкура-муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усуллари ва воситалари тизимидир. Мафкура-ғоялар асосида маълум маконда ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онг ва қалбидан жой олиши ва ўз кучини йўқотган тарихий хотирага айланиш хусусиятига эга.

Миллий ғоя, миллий мафкура ва миллий тарбия тарихи бир-бири билан мантиқан узвий боғлиқ. Ғоя инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий ҳаракатга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган фикрлардир. Ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин: илмий, фалсафий, диний, бадиий, ижтимоий-сиёсий, умуминсоний ва миллий ғоялар.

Миллий мафкура ва миллий тарбия у ёки бу халқнинг минг-минг йиллар мобайнида йиғилган тажрибада синалган маънавий ҳаётий кадриятлари асосида ёш авлодни замон ва маконга мос ижтимоий ҳаётга, яшашга, меҳнатга тайёрлаш тизими. Таълим-тарбиянинг давр талаби, жамият буюртмаси ва мавжуд шарт-шароитга мослиги қонунияти тарбиянинг миллийлигида ўз ифодасини топади. Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек: “Талимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”¹ дир, яъни, миллий тарбия ҳаёт фалсафасидир.

Миллий мафкура ва миллий тарбия миллийлик тамойилида бир-бирини тўлдиради. Тарбияда миллийлик ва умуминсонийлик ғоялари бир-биридан озикланиб ривожланади. Лекин умуминсоний кадриятларни, бошқа миллатнинг удумларини тарбия жараёнида фойдаланишда миллий мафкура маънавий метрия (мезон) вазифасини бажаради. Демак, миллийлик тамойилида, миллий ғоя, миллий мафкура педагогика тарихини таҳлил ва тадқиқ этишнинг методологик мезонидир.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қайд қилинганидек: “Инсоният тарихи – ғоялар тарихидир”. Ғоялар тўғрисидаги билимларга инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан бошлаб катта эътибор берилган.

Миллий истиқлол ғояси фалсафий асосга, илмий назарий ва тарихий илдизларга эга бўлган яхлит назария, мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурияти, қонуний ҳосиласи, халқимиз мақсад – муддаоларининг ифодасидир.

Аждодларимизнинг бундан қарийб уч минг йил илгариги қарашлари, ғоялари ва эътиқодларини акс эттирувчи манба – “Авесто”² китоби мисолида буни кўриш мумкин. Унда нафақат “Зардўшт” таълимоти балки ўша даврнинг

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент.: Маънавият, 2008, 62 б.

² Ҳомидов Ҳ. “Авесто” файзлари. –Т.: Халқ мероси, 2001. – 96 б.

Ҳомидий Ҳ. Авестодан Шоҳномагача. Тошкент.: Шарқ, 2003.

Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. –Т.: Шарқ, 2000. – 64 б.

энг асосий ғоялари шаклланган. Бир неча китобдан иборат “Авесто” жамият ва инсон ҳаётнинг барча соҳаларидаги ғояларни умумлаштирган, минтақамиз халқларнинг яшаш ва ҳаёт кечириш қонун-қоидаларини ўзида ифодалаган. Унда эзгулик ғоялари илгари сурилган, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш акс эттирилган.

Ислом динининг тарқалиши жамиятнинг маънавий эврилиш, Моварауннахрда халқни ягона маслакка бирлаштиришдек тарихий вазифани бажарди. IX-XII асрларда фан ва маданиятнинг ривожланиши нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон халқлари тарихида ҳам чуқур из қолдирди. Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломаларнинг ўлмас асарлари жаҳон фанини бойитди. Мутасаввурлар: Ҳожи Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг таълимотида акс этган комил инсон ғоялари жамиятнинг маънавий – ахлоқий руҳини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Улар миллий маънавий қадрият халқимиз маданияти, адабиётида, жумладан, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир, Бедиллар ижодида чуқур ўрин эгаллаган.

Амур Темур ва темурийлар салтанати даврида “Куч адолатда” инсоф, диёнат, илм-фан, таълим-тарбия тамойилининг устуворлиги мамлакат равнақида асосий омили бўлгани маънавият-маърифат қудратидан далолат беради.

XVII-XIX асрларда умуммиллий манфаатлар ўрнига тор ва чекланган сулолавий манфаатларнинг устун қўйилиши, жамият ҳаётида маънавий ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш ва илм маърифатни ривожлантиришга эътибор берилмагани мамлакатни таназзулга олиб борди, мустамлакага айлантди. Айнан шу даврда Евро мамлакатларида педагогикани ривожланиши, таълим тизимини устуворлиги уларни тараққиёт йўлига олиб чиқди, натижада кўпгина Осиё давлатларини ўз мустамлакаларига айлантирдилар. Буюк рус педагоги К.Ушинский ўзининг Германия, Англия, Франция, Америкада миллий тарбия тажрибаларини таҳлил қилиб мамлакат, миллат тараққиётида таълим-тарбия тизимини тутган ўрнини илмий асослади.

Жаҳоннинг илғор таълим тизимидан, педагогик меросидан баҳраманд бўлган Аҳмад Дониш XX аср бошида юзага келган жаҳидчилик ҳаракатининг тараққийпарварлари – Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний Туркистондаги халқларни бирлаштириш миллий мустақилликка эришишда маърифат, таълим-тарбияни такомиллаштириш ғоясини тарғиб қилдилар.

Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат, масаласидир”¹ ғояси жаҳидчилар фаолиятининг даъватига айланди.

¹ Авлоний, Абдулла. Мухтасари тарихи анбиё ва тарихи ислом. – Т.: Фан, 1994. – 293 б.
Авлоний, Абдулла Танланган асарлар. 2 жилд 2-нашри Т.:Маънавият, 2006.- 36-37, 303 б.
Авлоний, Абдулла. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Чўлпон, 1994 . – 237 б.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Абдулла Авлонийнинг таълим-тарбиянинг ижтимоий моҳияти ҳақидаги таълимоти бугун янада аҳамиятлироқдир. Абдулла Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” туркуми миллий ғоя, миллий таълим-тарбия қонуниятлари ва тамойилларини ифодалайди. “Ҳамд”, “Илм”, “Илм ахволидан бир назар”, “Маърифатпарвар ғанийлар қулоғига”, “Мактаб”, “Миллат ҳолидан бир яъс”, “Маориф надур”, “Миллат ҳолидан бир жигар сўз”, “Оила мунозараси”, “Миллат ҳайкалига хитоб” каби ўнлаб шеърларидан миллатни миллат бўлишида, инсонни инсон бўлишида тарбия “Ҳаёт-мамот” ғояси ёритилган. Унинг “Миллат ҳайкалига хитоб ” шеърдан миллатни билим олишга даъват этади: “Тур, эй миллат, уйқудан, хасратлашайлик, Илм уйига кирмоққа суҳбатлашайлук”.

... Ётмоқ бўлса хўб ётдинг, эмди турмоқ замони, уйқу, ғафлат, ялқовлик – жаҳолатнинг нишони ”

... Кечди ул ўтган замон, ҳозирда янги замон, нодон миллат маҳв ўлган, ўқуган, билган-омон

Сўлган гулингни бўйла, тарихларингдан сўйла, кўп замон чекдинг ғурбат, истиқболингни ўйла.

Ухладинг бир неча йил, эмди илма ғайрат қил, Ялқовликни тарк айла, фану илминг яхши бил¹.

Бунда биз миллий таълим-тарбия тарихи миллий ғоя билан мантиқан узвий боғлиқлигини, бири-иккинчисини тўлдиришини кўраимиз.

Миллий истиқлол ғояси ижтимоий фанлар тарихи қаторида педагогика тарихини ўрганиш методологик асосини белгилаб беради. Инсоният тарихида ғоя ва мафкуралар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Улар инсоннинг ўзи каби азалийдир. Кўп минг йиллик ҳаёти давомида одамзод хилма хил ғояларни вужудга келтирган. Бунёдкор ғоялар билан қуролланган кишилар фаровон ҳаёт, эркин жамият қуриш учун кураш олиб борганлари тарихан маълум. Ғоялар ва ҳаётий тажрибаларни авлоддан авлодга етказиш учун таълим-тарбия назарияси ва амалиёти ҳақида ғоялар ҳам ривожлана борган.

Олмон олими Франс Ховман таъкидлаганидек педагогика ривожланишида: тарбия ҳақида донолик, таълим-тарбия ҳақида ғоялар ва педагогика (илмий) тараққиёт босқичлари тарихдан маълум.

Миллий истиқлол ғояси халқимизни ягона эзгу мақсад атрофида бирлаштириб, улуғ ишларга сафарбар этадиган йўлчи юлдуз маънавий мезондир.

Шу маънода “Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир - бири билан боғлайдиган асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир”². Яъни, педагогик меъросимизни ўрганиш ундан мамлакатимиз равнақи, маънавий кудратини оширишда самарали фойдаланиш методологик мезонидир.

У халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озикланади. Демак,

¹ Ўша асар.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар: “Янги авлод” Т., 2001

миллий мафкура тарихий ва маънавий асосга эга, педагогика тарихи билан узвий боғлиқ.

Шунинг учун ҳам “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласининг тўртинчи боби миллий ғояни омманинг онгига ва қалбига сингдиришда педагогика, психология фанлари имкониятлари кўрсатилган.

Маълумки, миллий истиқлол мафкурасининг маъно-мазмунини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири бу халқимизнинг қадимий ва бой тарихидир. Чунки тарих буюк мураббий. У инсонга ибратли хулосалар берибгина қолмасдан, баъзан аччиқ сабоқларни ҳам тан олишга ундайди. Тарихга, жумладан, педагогика тарихига берилган ҳолис баҳо унинг аҳамиятини, таъсирчанлигини оширади. Демак, миллий мафкура Ўзбекистон халқининг туб манфаатларини ифода этиш, ўтмишни келажак билан боғловчи кўприк эканлиги билан ҳарактерланади, у бир неча авлодларнинг ақл-заковати билан яратилади. У кейинги авлодар томонидан янги мазмун билан бойитилди. Аждодлар билан авлодлар ўртасидаги ворисийлик миллий мафкурада ўз аксини топади. Миллий мафкуранинг ҳаётийлиги миллатнинг фаоллигидан далолат беради. Президентимиз сўзлари билан айтганда, “миллий мафкура халқни халқ, миллатнинг миллат бўлишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади”¹.

Шу жиҳатдан миллий мафкура ва педагогика тарихида мантиқан уйғунлик мавжуд. Маълумки кишилик жамияти тарихий тараққиётдан миллий тарбия қандай бўлган бўлса, миллатнинг маданий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий даражаси ва мақоми шундай бўлган.

Педагогика тарихининг асосий предметларидан бири комил инсон таълимотининг тарихий такомил масаласидир. Бу борада миллий истиқлол мафкурасининг “Комил инсон ғояси” методологик асос бўлади. Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги таназзулга юз тутгани педагогика тарихида ҳам, миллий ғоя тарихидан ҳам маълум.

2.2. Халқ педагогикасининг методологик асоси

Фаншуносликда халқ педагогикаси педагогика фанининг сарчашмаси ва асрлар мобайнида яратилган, тўпланган ҳаётда олган, таълим-тарбиянинг мазмуни, комил инсон фазилатлари, ахлоқий, ақлий, нафосат, меҳнат, жисмоний экологик ва иқтисодий тарбия каби таълим-тарбиянинг таркибий қисмида ижтимоий моҳиятини, таълим-тарбия тамойиллари, таълим-тарбиянинг аниқ мақсадга қаратилганлиги, таълим-тарбиянинг ҳаёт билан, меҳнат билан боғлиқлиги, таълим-тарбияда ўзаро ҳурмат ва талабчанликнинг бирлиги, таълим-тарбияда ворисийлик тамойили, таълим-тарбиянинг изчиллиги кабилар.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар: “Янги авлод” Т., 2001

Таълим-тарбиянинг методлари таълим-тарбияда ишонтариш методи, таълим-тарбияда ўрнак ва намуна методи, таълим-тарбияда амалий метод кабилар, таълим-тарбия шакл ва воситалари, оила тарбияси, маҳалла тарбияси, жамоа тарбияси кабилар халқ оғзаки ижоди, анъаналар орқали ривожланиб келган.

Халқ педагогикасида ворисийлик тамойили унинг ҳаётбахшлиги, авлоддан-авлодга ўтиши, ҳар-бир авлод ўз улушини кўшиши, уни ривожланишини таъминлаб келмоқда. Лекин бир асрга яқин таълим-тарбияда миллий илдишни қирқишга қаратилган сиёсат халқ педагогикасининг нодир манбаларидан маҳрум этди. Мавжудлари ҳам комунистик ғоя чиғириғидан ўтказилди. Ҳатто, “Алпомиш” достонини ўрганиш қораланди.

Инсоният қадим – қадимдан ўз даврига хос турмуш тарзига, моддий ва маънавий маданиятга эга бўлган. Даврлар ўтиши билан одамларнинг ҳаёт тарзи, меҳнат қилиш усули, қанчалик даражада моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва кўпайтириб бориш билан боғлиқ кечган. Инсониятнинг тинимсиз меҳнат, маънавиятга ва маърифатга интилиши туфайли доимо ўсиб такомиллашиб, бориши босқичларини тарихда цивилизация даврлари деб баҳоланади. Масалан, антик давр цивилизацияси, Шарқ цивилизацияси, Ғарб цивилизацияси, Ислом цивилизацияси, Христиан цивилизацияси кабилар. Маълумки, цивилизация инсониятнинг иқтисодий, ижтимоий - сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, маънавий қиёфаси ахлоқи билим савияси, меҳнат қуроллари ва ҳоказо жиҳатлар ривожланиш даражасини ифодалайди.

У ёки бу цивилизация инсониятнинг яшаш учун кураши, меҳнати, қуролларини тақсими маънавият ва маърифатга интилиши ижтимоий - сиёсий, ахлоқий - ҳуқуқий муносабатлари асосида тавсифланганидан тарихий бир давр. Демак, ҳар-бир давр инсониятнинг таълим-тарбия борасидаги, тажрибаларининг натижаси, унинг ривожланиб бориши билан ҳаракатланади. Зеро, таълим-тарбия кишилиқ жамияти пайдо бўлганидан бошлаб пайдо бўлган, меҳнат ҳаёт тажрибаларини ёш авлодга ўргатиш зарурати асосида алоҳида инсоний фаолият соҳасига айланган. Ҳар-бир жамиятда маънавий қудрат омили сифатида такомиллашиб борган.

Одамзоднинг биологик, ижтимоий ва маънавий камолоти тарихий тараққиёт босқичлари, шароит ва имкониятлари эҳтиёжларининг кўзгусидир. Ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди деган фикр инсониятнинг минглаб йиллар амалга оширган тажрибасини умумлаштиришдан келиб чиққан илмий ҳулосадир. Инсоннинг маънавий олами асосан ижтимоий тараққиётнинг таълим-тарбиянинг маҳсули бўлса ҳам, у ўз навбатида жамият тараққиётига ниҳоятда таъсир кўрсатаётган уни белгилаб берадиган омилдир. Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолотида янги даврнинг юзага келтиришидир. Ана шу ижтимоий ҳаёт унда таълим-тарбиянинг ўрни ва моҳияти, халқнинг орзу истаги эртак, достон, халқ кўшиқларида ўз ифодасини топган.

Жамиятнинг маънавий камолоти ўз-ўзига стихияли амалга ошмайди. Ҳар бир тузум, давр муайян мақсадлар талаб ва эҳтиёжлар асосида таълим-тарбия тизимини жорий этади, кишиларнинг маънавий камолотини ташкил этади, унга

мазмун ва муайян йўналиш беради. Шунга асосан инсон таълим-тарбиясининг бирор тизими, усуллари ва шакллари келиб чиққан. Тараққиётнинг ҳар бир босқичида инсон маънавий камолоти, унинг шакл воситалари қай даражада эканлигини аниқлаш, қандай бўлиши кераклагини белгилаш, англаш муҳим аҳамиятга эга. Халқ педагогикаси ана шу ижтимоий турмушни мадҳ этади.

Бу узоқ давр таълим тарбия тизими алоҳида ўрганилмаган бўлсада халқнинг турмуш маданиятинининг ривожланиш даражаси, анъаналар, мақол ва ривоятлар, халқ педагогикаси изчил тараққий этганидан таълим-тарбия ҳақидаги тажрибалар, ғоялар, қонуниятлар, халқнинг бу борадаги мероси халқ педагогикаси деб аталган бутун бир тафаккур хазинасидир.


Саратонда, саҳарда толиқиб, ташна қолган одам шарқираган булоқни кўрганда қандай хурсанд бўлса, мусаффо чашма сувидан ичиб қанчалик роҳатланса маънавиятга ташна одам ҳам халқ педагогикасидан шундай туганмас ҳузр олади, баҳра олади. Халқнинг ҳар бир ҳикмати машъала қалбларга қуйиладиган бир зиёдир. Инсон боласини ёмонликдан нафратланиш ва яхшиликдан фахрланишга ва комилликка интилишга етаклайди. Халқимизнинг илмий дониши, манавий хазинасини қанча кўп ва кўп ўзлаштирсак фикрмиз қувватти ошади, ҳаёти шунчалик равшан бўлади.

Халқ педагогикасининг манбаълари

Манбалар	Тарихий давр	Таълим-тарбия тажрибалари	Таълим-тарбиянинг назарий асослари
Мақоллар (ҳар-бир халқнинг турмуш тарзига хос миллий ҳикматлари)	Кишилик жамияти пайдо бўлганидан бошлаб ҳозиргача	Ижтимоий ҳаёт анъаналари, қадриятлари, урф-одатлар, иқтисодий турмуш, меҳнат фаолияти кабилар	Комил инсонни шаклланишида таълим – тарбиянинг тутган ўрни, ахлоқий фазилатлар, жисмоний маданият, эстетик дид мезонлари, принциплари, методлари.
Ривоятлар (ҳар-бир халқнинг турмуш тарзига хос миллий ҳикматлари)	Кишилик жамияти пайдо бўлганидан бошлаб ҳозиргача	Ҳаётий лавҳалар асосида ҳикматлар, таълим тарбиянинг ҳаётда тутган ўрни, таълим-тарбиянинг таълимий-тарбиявий фаолияти намуналари	Таълим-тарбиянинг ижтимоий иқтисодий моҳияти, кишилик жамияти тарихий тараққиётда тутган ўрни, таълим тарбиянинг метод ва воситалари ва ҳокозо
Афсонавий қаҳрамонлик дostonлари (Широк, Тўмарис, Гершасб, Сиёвуш, Рустам, Алпомиш, Гўр ўғли, Аввазхон, Кунтуғмиш кабилар.....)	Кишилик жамияти пайдо бўлганидан бошлаб ҳозиргача	Қаҳрамон, ватанпарвар, меҳнатсевар, халқпарвар, ҳаётий ва афсонвий қаҳрамонларининг фаолияти, халқнинг орзу умидлари.	Ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, инсоний фазилатларининг улуғланиши, таълим-тарбия жараёнининг моҳияти, таълим – тарбиянинг имкониятлари қудрати ифодаланган. Шунинг қаҳрамонлик, ватанпарварлик бурчи инсоннинг олий мақсади эканлиги, шахс мақсади

			эзгуликка етакловчи омил эканлиги кўрсатилган.
Эртактлар (хар-бир халқнинг турмуш тарзига хос миллий эртактлари)	Кишилик жамияти пайдо бўлганидан бошлаб ҳозиргача	Рамзий образлар орқали ижтимоий ҳаёт ва ундан инсоний фазилатларнинг тутган ўрни, ҳаёт намуналари	Қаҳрамонлик, ватанпарварлик бурчи инсоннинг олий мақсади эканлиги, шахс мақсади эзгуликка етакловчи омил эканлиги кўрсатилган
Кўшиқлар (лирик, маросим, мавсум кўшиқлари,)	-/--/	Халқ турмуш анъаналари	Эстетик тарбия, меҳнат тарбияси, ахлоқий тарбия ғоялари,

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ – ПЕДАГОГИКА ТАРИХИНИНГ САРЧАШМАСИ



ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ



2.3. Педагогика тарихи ва тасаввуфнинг боғлиқлиги

Комил инсон, баркамол шахсни шакллантириш предметида инсоншунослик фанлари, жумладан, педагогика тарихи тасаввуф билан тарихан ва мантиқан ўзаро боғлиқдир.

Комил инсон ғояси азал – азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Бу масала аввало зардуштийлик таълимоти ва ислом фалсафасидан озиқланиб янада кенгрок маъно-мазмун касб этган. Бу тарихий ҳақиқат, “Қуръон Карим”¹, Ҳадиси Шариф² каби муқаддас китобларни миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларни яратишда асосий манбаъ сифатида қўлланилишида ўз ифодасини топган. Комил инсон, уни шакллантиришда фан ва диннинг уйғунлиги Шарқни ренисанс бешиги бўлишига сабаб бўлган. Дунёвий илмлар ва исломий ғоялар

¹Қуръон қиссалари (1-китоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – 79 б.

1. Қуръон қиссалари (2-китоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – 67 б.

2. Ал-Бухорий, Имом Исмоил. Ал-адаб ал-муфрат. – Т.: Чўлпон, 1990. – 123 б.

3. Ат-Термизий, Абу Муҳаммад ибн Исо. Ҳадислар // Шарқ юлдузи. – Т.: 1990. 9-сон. – 45-49-б.

4. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис (Ал-жомеъ ас-саҳих). 1-жилд /Таржимон З.Исмоилов. – Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1997. – 572 б.

буюк Шарқ мутафаккирлари илмий меросида бир-бирини тўлдирганини, бир-бири билан боғлиқ ривожланганини кўрамиз.

Халқимизнинг маънавий-маданий тарққиётидаги бу қудратли омилни англаган мустамлакачи сиёсатдонлар фан ва динни I асрга яқин кураштириб келди. Миллий қадриятларимизни зўр бериб йўқотишга барча чоралар кўрдилар. Натижада буюк бобокалонларимизнинг илмий меросини жаҳон тан олгани ҳолда, буни бир томонлама танқидий ўрганилди. Масалан, Алишер Навоийнинг асарларидан ўша давр ижодидаги анъанавий ҳамд боблари олиб ташлаб нашр қилинди. Ваҳоланки, жаҳон алломалари меросидаги илмий ва диний уйғунлик мукамал нашр этиларди. Масалан, жаҳон педагогика фанининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган чех олими Ян Амос Коменскийнинг “Буюк дидактика”¹ асари педагогик қоидалар оллоҳга ҳамду санолар билан ифодаланган. Унинг ўз миллатининг дин пешвоси бўлди, педагогик асарлари чех халқининг миллий ўзлигини англашга йўллади.

Инсоншунослик асосида фан ва диннинг ўзаро ҳамкорлиги баркамол шахсни шакллантириш мазмун ва моҳиятини бойитди, истиқболли йўналишларини белгилаб берди. Илмий тадқиқотларда ёшлар тарбиясида миллий қадриятлар тасаввуф таълимотидан фойдаланиш йўллари, усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Аmmo тасаввуф таълимотини инсоншунослик фанларини билан тарихан боғлиқлик методологияси ишлаб чиқилмаган. Маълумки, методология илмий билиш механизмидир. Инсон предметида фан унинг ўзаро боғлиқлик қонуниятларини аниқланиши ҳамкорликнинг самарали йўлларини такомиллаштириш имкониятини оширади.

Инсонни бир бутунликда ўрганиш аввало комил инсоннинг моҳияти таърифи-ўзига хос фазилатларини умумлаштириш; иккинчидан, баркамол шахсни, баркамол авлодни шакллантиришда инсоншунослик фанларини ўзаро боғлиқлик қонуниятларини ва ижтимоий институтларнинг ўзаро ҳамкорлик йўллари аниқлашдир.

Маълумки, динларнинг келиб чиқиши ҳам инсониятни юксалиш сари интилиши, маънавий бўшлиқни тўлдириш заруратидан келиб чиққан. Инсонларни халқларни маълум бир ғоя йўлида бирлаштириш ўзига хос инсоний комилликка йўллашдан иборат бўлган. Биз динлар тарихи ҳақида мунозара юритмоқчи эмасмиз. Ислом дини жорий этилиши даврида Арабистонда қиз бола туғилса тириклайин кўмишдек тубанлик ҳолати мавжуд бўлган. Муборак ҳадиси шарифда “жаннат оналар оёғи остида”, “Икки қиз болани тарбиялаб вояга етказган она жаннати бўлади”², ақидаси бу каби иллатлардан қутилиш йўли бўлганини мисол келтириш мумкин.

Инсон моҳияти борасида комил инсон сийрати, фазилатлари уни шакллантириш омиллари динларнинг ҳам, фанларнинг асосий муаммоси, мунозара предмети бўлиб келган. Халқ педагогикаси, мутафаккирларнинг

¹ Коменский Я. А. Великая дидактика. Изд. Пед. Соч. в 2-х томах. - М.: Педагогика, 1982.

² Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис (Ал-жомеъ ас-саҳиҳ). 1-жилд /Таржимон З.Исмоилов. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.

комил инсон ҳақидаги ғоялари кишилик жамиятининг ҳар бир даврида, ҳар бир миллатга комил инсон моҳияти, ўзига хос хусусият касб этган. Халқ оғзаки ижодида, дoston, эртак, ривоят, мақоллар ва бадий асарлар қаҳрамонлари, идеал образларида комил инсон намунаси ифодаланган.

Диний манбаъларда, жумладан, “Авесто”¹да комил инсон тушунчаси илк бор инсон моҳияти, фазилати муаммо сифатида талқин ва таҳлил этилган десак хато бўлмайди.

Тасаввуф таълимотида комил инсон - бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлоҳ руҳга туташ қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот. Проф. Нажмиддин Комилов “Тасаввуф”² китобида ёзишча комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда маҳсус китоблар ёзилган. Шулардан Сайид Абдулкарим Гелоний ва Азизиддин Насафий (XIII аср)ларнинг “Инсони комил”³ номли рисоаларидир. Комил инсон тушунчасини биринчи марта Муҳъиддин Ибнал Арабий (1165 - 1240) томонидан муомалага киритилган. Унинг фикрича комил инсоннинг ердаги тимсоли Ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу васалламдир. Ул зот вужудида аклий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди.

«Қуръон»и каримда инсонга берилган таърифлар ҳам комил инсонга берилган таърифлардир. “Валақат карим-но бани одама” (Одамлар болаларини мукаррам қилиб яратдик) ва “Лақат халақно фиаҳсанут тақвим”⁴ (Чиндан ҳам инсон суратини гўзал қилиб яратдик) оятлари мавжуд. Демак, ҳар бир инсон баркамол бўлиш имкониятига эга ва ҳақли

Шайх Азизиддин Насафийнинг “Комил инсон”, “мақсади ақсо”, “Зубдатул ҳақойиқ” номли ва бошқа рисоаларида комил инсон масаласи ўзига хос киёфасини ифодалайди. Унда бу тушунча инсоннинг пайдо бўлиши, тараққиёти мартабалар топиши билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Натижада биз Азизиддин таърифларида айнан ҳаётий одамга хос белгилар, ахлоқий сифатларни ҳам кўраимиз. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Насафий исломдаги бир нечта илмнинг инсонга бўлган қарашлари ва муносабатини чоғиштиради, инсонни кайҳоний вужуд сифатида ҳам, ер махлуқоти сифатида ҳам таҳқиқ ва тадқиқ этади. Насафийда комил инсон руҳ тушунчаси билан зич алоқада тасвирланади. Инсон мартабалари руҳ мартабалари сифатида олиб қаралади. Шу учун умумий тушунчадан (конкрет) тушунчаларга ўтиб туриш бор. Бунинг сабабларидан яна бири Азизиддин Насафийнинг камолотни уруж (кутарилиш) ва нузул (тушиш) назарияси асосида тушунишидир. Бу назария ўз навбатида улуғ олам ва кичик олам тушунчалари билан боғланиб кетади. Чунки Насафий Ибнал Арабийга кўшилиб, инсонни олам сағир (кичик олам) илоҳий олам ва моддий оламини биргаликда олами кабир (улуғ олам) деб атайди. Улуғ оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламга мавжуд, дейди у. Шу

¹ Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. “Авесто”да ахлоқий-таълимий қарашлар /Академик И.О.Обидов таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1992.

² Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ёзувчи, 1996.- 145 б.

³ Насафий Азизиддин. Зубдат – ул ҳақойиқ.- Т.: Меҳнат, 2001 .

⁴ Қуръон қиссалари (1-китоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004.

тариқа, иносн юқори олам - олами кабирнинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб ҳисобланади.

Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: “Билгилки, Комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатга етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унга қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ, ва маориф”¹.

Педагогика тарихида тасаввуф тариқатларининг комил инсон ҳақидаги қарашларни ўрганиш ва кишилик жамиятида миллий таълим-тарбиянинг ҳаётий тажрибаларини, илмий ғояларни қиёсий таҳлил этиш бугунги кунда фойдаланиш имкониятини оширади. Баркамол шахсни шакллантиришда тасаввуф таълимотининг буюк қудрати инсон ўзлигини англаши, унинг ботуний, руҳий олами ва ҳаётий уйғунлиги жаҳонда долзарб таълим-тарбияда рефлексия йўналишини ривожлантиради.

Демак, таълим-тарбиянинг мақсади, мазмуни комил инсон моҳиятида ўз ифодасини топгани педагогика тарихи ва тасаввуф таълимотининг ўзаро алоқасидан далолат беради.

Педагогика тарихини ўрганишда методологик ёндашув бой маънавий меросимизнинг илмий-амалий аҳамиятини аниқлаш имкониятини беради. Миллий ғоянинг комил инсон таълимотини ривожлантириш, таълим-тарбия тизимида маънавий меросдан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Ана шу қонуниятлар жамиятимизнинг маънавий қудратини ошириш, баркамол авлодни тарбиялашда тасаввуф таълимоти ва педагогик меросимиздан изчил фойдаланишнинг методологик асосидир.

Педагогика тарихи ва тасаввуфнинг ўзаро алоқасини қуйидагича ифодалаш мумкин: Ижтимоий онг шакллари сифатида бир-бири билан узвий боғлиқлиги; инсонни ўзлигини билиш предметида тасаввуф ва педагогик меросимизнинг бевосита алоқаси; миллий мафқурани яратишда ва омманининг онгига сингдиришда ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ўзаро ҳамкорлик кабилар. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар-бир ижтимоий воқеялик, жумладан, инсонни бир бутунликда ўрганиш, баркамол авлодни тарбиялаш, шахсни шакллантиришда фанлараро боғлиқликни баёнчилик, чақириқлардан аниқ қонуниятлар асосида ёндашиш вақти келди. Зеро, шахсни ҳар қандай ғоявий манқуртлик руҳида тарбиялаш барҳам топмоқда, инсоният тараққиёти тарихи тажрибалари асосида инсондаги имкониятларни эркин намоён қилишга шарт-шароит яратиш давр имконияти ва талаби мавжуд қонуниятлар асосида ёндашиш тизимини ишлаб чиқиш даври келди.

Шахс ўзлигини билиши ўз-ўзини тарбиялашга тарихий тараққиёти изчил ўрганилман Ваҳоланки, ўз-ўзини тарбиялаш баркамол шахсни шакллантиришнинг самарали омилдир. Инсон ўзлигини билиши ва ўз-ўзини бошқариши, тарбиялаши муаммосини ривожлантиришда ҳам бу иккала онг ижтимоий шакли бир-бирини тўлдиради.

Бу борада комил инсон ҳақидаги қарашларининг умумий икки йўналишни кўриш мумкин. Биринчи туркум қарашлар тарки дунё этиб оллоҳнинг йўлига

¹ Насафий Азизиддин. Зубдат – ул ҳақойиқ.- Т.: Меҳнат, 2001

ўзини бағишлай олган; инсон ўзлигини билиш, ўзлигида оллоҳ қудратини кўриши комиллик мезони сифатида талқин этилади. Яъни, “Ҳадиси шариф” даги “Кимки ўзини таниса, Раббини танийди” ғоя Алишер Навоий, Боязид Бистомий, Мансур Халож ва Жалолоддин Румий каби мутафаккирларнинг сўфиёна таълимотида ифодасини топган. Инчунун, Алишер Навоийнинг “Лисон-ут тайр” асарида инсон ўзлигини англаши рамзий образлар орқали асосланган. комилликка эришиш босқичлари, сифатлари ҳаётий лавҳаларда кўрсатилган.

Тасаввуф узок асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилиб келган. Инсоннинг руҳий-ахлоқий покланиши, илоҳий муҳаббат билан юксалиб бориши бу таълимотнинг асосий ғоясидир. Шу боис тасаввуф чуқур инсонпарварлик ғоялари билан омукта бўлиб, ҳақиқат талабида юрган одамлар қалбига йўл топди, одамларни поклик, абадий ҳаёт, кўнгил хуррияти ҳақидаги орзуларини ифодалаб келди.

Шарқ тасаввуф тарихи, уларнинг пайдо бўлиши ва таракқиёти ҳақида Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф”, Ҳомиджон Ҳомидийнинг “Тасаввуф алломалари”, Анвар Чориевнинг “Тасаввуф фалсафасида инсон қиёфаси” китоблари алоҳида ўрин тутди. Шарқ малакатларида тасаввуф таълимоти “мактаб”, “тариқат”, тарзида кенг тарқалган. Муҳосибия, маломатия, тайфурия, жунайдия, қодирия, суҳравардия, мавлавия, кубравия, чиштия, нақшбандия, бектошия, ҳакимия, шотирия, ахромия, яссавия, каби тариқат ва мазҳабларни кўрсатиш мумкин. Бу тариқат ва мазҳаблар маълум жихатдан бир-бирини тўлдирса, кўп ҳолларда бир-бири билан кураш олиб борган.

Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат” асарида келтирадиким, Жалолоддин Румий ўз замондоши Садриддин Казвийни хушламас эди. Бир куни суҳбат асносида гап исломдаги мазҳаблар ҳақида борганда, Румий Казвийга қараб “Мен етмиш уч мазҳаб билан бирдирман”, дейди. Бу ўтмиш уч мазҳаб-исломдаги сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий курашларни ифодалаб келган ҳар хил оқимлар, гуруҳ ва фиркалардир.

2.4. Баркамол авлодни тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш

Инсон моҳияти, инсон камолоти тасаввуфнинг ҳам ижтимоий гуманитар (инсоншунос) фанларининг ҳам ўзак масаласи бўлиб келган. Тасаввуфда инсоннинг ботиний олами, ички зиддиятлар, руҳ ва жисм уйғунлиги ўзига хос талқин этилади. Инсоннинг ҳаётидаги ўрни, ижтимоий тенгсизликлар сабаби ҳам унинг сийрати ва табиатдан деб билади, инсоннинг ахлоқини тузатиш унинг табиатдаги салбий хислатларни маҳв этишдан бошлаш керак деб тушунтиради. Тасаввуфчилар инсон табиатидаги салбий иллатни умумий ном билан “нафс” ёки “нафси амора” деб атайдилар.

Одам Ато ҳам шайтоннинг сўзига кириб нафси туфайли жаннатдан қувилгани Қуръонда келтирилган, кўп ривоятларга асос бўлган. Маълумки, нафс худбинлигини ўзим бўлай фалсафасига асосланади. Нафс домига тушгандан кейин, киши ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳаром – ҳаришдан ҳазар этмай, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди, у золим, бераҳм,

риёкор бўлиб қолади. Тасаввуфда одамлар ўзаро молу – мулк учун курашишини эмас, балки ҳар бир одам ўз – ўзи билан. Ўз нафси билан курашишини қадрлайди. Тасаввуф алломаларидан бири Баҳовуддин Нақшбанд “Ўз нафсини ёмонлигини таниш – ўзлигини танишдир” деган хулосага келди.

Педагогика тарихида, жумладан, халқ педагогикасида ахлоқий тарбиянинг, ўз – ўзини тарбиялашнинг бош йўналиши ҳам нафс маданиятини тарбиялашдир. Яъни, нафс учун яшаш эмас, балки, яшаш учун нафсни чегаралашдир. Инсоний ҳаёт моҳияти, мазмуни диннинг ҳам, фан тарихининг ҳам асосий баҳс мавзуси бўлиб келган.

Инсон имкониятларини мақсадга йўналтириш, инсон ўзлигини билиши ва ўз – ўзини тарбиялаши борасида тасаввуф таълимотини устунлиги ҳаётда ўз ифодасини топган. Оллоҳга интилиш - ўзлигини билиш, ўзлигини билиш – оллоҳни англаш ғояси тасаввуф алломалари, таълимотида ҳар томонлама талқин этилади. Аммо педагогика тарихида халқ педагогикаси, Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида инсон ўзлигини билиши муаммоси алоҳида ўрганилмаган. Инсон ўзлигини билиши таълимотининг тарихий тарққиёти таҳлил этилмаган. Бу борада тасаввуф ва педагогика тарихини ўзаро боғлиқлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Н. Шермухаммедова “инсониятнинг интеллектуал тарихида илмий, фалсафий ва диний таълимотлар ўзаро алоқаси, Европа маданиятининг тарихида фан, фалсафа ва диннинг тўлқинсимон яқинлашиши ва узоқлашиши”¹ уч даврга бўлди.

Биринчи яқинлашиш: Қадимги Юнонистон ва қадимги Рим фалсафаси ҳамда фани (мил.авв. VII-VI асрлардан то милодий III-IV асрларгача),

Иккинчи яқинлашиш: христиан ва араб-мусулмон диний фани ҳамда фалсафа (II-III асрлардан XIV-XVI асрларгача)

Иккинчи узоқлашиш: христиан ва араб мусулмон диний фани ҳамда фалсафаси (XV-XVI асрлардан XIX-XX асрларга).

Учинчи яқинлашиш: иостноклассик фан ва фалсафа (XX асрнинг иккинчи ярми XXI асрнинг боши). Фан ва диннинг яқинлашишининг ҳозирги кундаги омиллари қайт этилади.

Биринчи яқинлашишга турон ва эрон заминида Авесто ғоялари табиат ва инсоният ҳаётининг тажрибалари илмий ифодасида кўриш мумкин.

Дин ва фаннинг XXI аср яқинлашуви миллий ғояни яратишга халқимизнинг кадриятларидан фойдаланиш зарурати асосида намоён бўлмоқда. Дин асосларини ўрганишда замонавий фан ютуқларидан фойдаланиш шунингдек, жамиятнинг маънавий қудратини оширишда, тасаввуф имкониятларида фойдаланиш масаласида педагогиканинг алоқаси фикримиз далилидир.

Ўз навбатида тасаввуф ўрта аср мусулмон фалсафасида ҳурфикрлик кўриниши сифатида ҳам намоён бўлди. Худди шунинг учун ҳам, машҳур рус олими Е. Э. Бертельс ёзганидек, тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин”.

¹ Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. - Т.: М. Улуғбек, 2008

Тасаввуф фалсафасининг шаклланишида нафақат Қуръон Ҳадислар балки, Яқин ва Ўрта Шарқ мамалакатларида кенг ёйилган зардуштийлик, буддизм, Европанинг кўпгина малакатларида тарқалган неоплатонизм (асосчиси юнон файласуфи Плотон), иудаизм ва христианлик ғояларининг таъсири сезиларли бўлди.

Бир асрга яқин фан ва динни бир–бирига қарши қўйиш, миллий қадриятлар илдизига болта уриш халқимизнинг маданий, иқтисодий тараққиётда XX асрга келиб айрим мамлакатлардан орқага қолишига сабаб бўлди. Мустақилликка ва шовинистик сиёсат устиворлиги, миллий маданиятни йўқотишга ҳаракат маънавий аросат ҳолатига олиб борди. Зиёли, давлат арбобининг айримлари ўз ота – онасининг дафн маросимига қатнашаолмай қолди.

Жаҳон халқлари тан олган буюк бобокалонларимиз: Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғилоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг қомусий таълимоти, педагогик қарашлардаги диний, миллий ва илмий уйғунлик, яхлитлик бузиб ўрганилди.

Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида XIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. IX аср бошларида келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, сўфийларнинг амалий, руҳий – психологик машқлари, ўз–ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир усуллари шаклланди. Тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келди.

Унинг предмети инсонпарварлик, инсоншунослик одам ва одам моҳияти Софлик, Ҳақиқат, Маърифат, Гўзаллик, Камолот идеали унга етишиш: таълим – тарбия, ўз – ўзини тарбиялаш йўллари, усуллари дир.

Педагогика тарихининг предмети: кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб таълим- тарбия мақсади, мазмун, метод, воситаларининг тараққиёти, таълим – тарбия жараёни қонуниятларини ҳаётда ифодаланиши; халқ педагогикаси ривожланиши ва ҳар бир даврда жамият тараққиётида тутган ўрни, ҳар бир халқнинг таълимий - тарбиявий қадриятлари ва уни миллат тараққиётида тутган ўрни; буюк мутафаккирларнинг таълим – тарбия ҳақидаги таълимотининг илмий, тарихий ва амалий аҳамияти; ва ниҳоят диний таълим - тарбиянинг ижтимоий, илмий ва амалий моҳияти дир.

Демак, аввало, педагогика тарихи ва тасаввуф таълимотини узвий боғлиқлиги уларнинг ижтимоий предметида ифодаланади. Маълумки, кишилик жамияти тарихий тараққиёти динлар тарихи билан боғлиқ. Таълим – тарбия инсоният ҳаётининг таркибий қисми, моҳияти ва ҳаётбахш омил бўлиб келган. Ибтидоий жамиятданок ёшларни ҳаётга тайёрлаш, турмуш тажрибаларини уларга ўргатиш, тарбиялаш кишилар фаолияти, уруғ оқсоққоллари фаолиятининг муҳим қисми бўлган, шу асосда инсоният ривожланган, таълим–тарбия тажрибалари орта борган, жамиятнинг маънавий, иқтисодий тараққиёт кудратига айланган.

Педагогика тарихининг муҳим муаммоси халқ педагогикаси диний таълимот, жумладан тасаввуф тариқатлари билан узвий боғлиқ дир. Халқ педагогикаси тарихини ўрганишда янгича ёндошув ана шу уйғунликка асосланиши тақозо этади. Масалан, “Авесто” даги таълим – тарбия тизимини

тариқат таҳлили педагогика тарихини сарчашмаларини очилишига имконият берди. Таълим - тарбия мақсади мазмуни, методлари, қадимги юнон педагогикасидан бир неча аср олдин шаклланганидан далолат беради. Бугун ҳам халқнинг ҳаётида, зардуштийлик қоидаларини сақланиб қолгани халқ педагогикаси, диний таълим билан изчил ривожланганидан далолат беради.

Шунингдек, диний асарлар, дostonлар, тасаввуф алломаларининг ҳаёти, Алишер Навоийнинг “Лисонут - тайр” асарида келтирилган ривоятлар каби ҳикматлар педагогика тарихининг муҳим хазинасига айланди. Бу яхлитлик ва узвийлик таълим–тарбия мақсади ҳаёт мезони мумтоз ғоя жамият тараққиётининг омили, педагогика тарихини ўрганишнинг методологик асоси эканлигини исботлайди.

Таълим–тарбиянинг ижтимоий моҳияти, ҳар бир даврда жамият тараққиётида тутган ўрни унинг мазмуни, методлари ва воситалари билан белгиланади. Бу борада зардуштийлик ва бошқа диний таълимоти алоҳида ўрганилиши зарур.

Бошқа жаҳоний динлар ва зардуштийлик таълимотида таълим – тарбия мақсади комил инсон ғоясида узвийлик мавжуд бўлсада “Қуръон” ва охириги пайғамбар Муҳаммад с.а.в. ҳадислари, ислом таълимотида инсон ва уни камолоти масаласи ўзига хос хусусиятига эга.

2.5. Шарқ мутафаккирлари ижодида таълим-тарбия назариясини ривожлантирилиши

Педагогика тарихининг муҳим масалаларидан бири таълим-тарбия жараёни, унинг тарихий тараққиёти, устоз-шогирд фаолияти уйғунлиги ва қонуниятларидир. Бу борада тасаввуф манъбаларида ўзига хос дидактик қоидалар ривожланган.

Шариат қонун-қоидаларига риоя қилиш малакасини ўзида мужассамлаштирган киши тариқат босқичига қадам қўяди. Бошқача айтганимизда, тариқат адабларини ўзлаштиришга киришади. Тариқат адаби талабларига кўра, ушбу босқичга қадам қўйган киши энг аввало устоз (пир) сабоғини олмаган шогирд (мурид) чинакам комиллик даражасига кўтарила олмайди. Худди шунинг учун ҳам тариқат адаби талабларига кўра комил инсон даражасига кўтарилишини орзу қилган ҳар бир киши устоз ва шогирд (пир ва мурид) муносабатлари чиғириғидан ўтмоғи даркор. Устоз ва шогирд орасидаги инсоний муносабатларининг йўлга қуйилиши комил инсон даражасига кўтарилишининг муҳим шarti ҳисобланади.

Тариқат адаблари тариқатига кўра, ҳар қандай шогирд ўз устози кўрсатмаларини сўзсиз бажариши лозим. Чунки устозсиз, пиру-муридсиз ҳар қандай шогирд ўз муродига, яъни Худо васлига ета олмайди. Устоз ўз шогирдига узлуксиз йўл-йўриқ кўрсатиб, унинг кундалик фаолиятини назорат қилиб турмаса, шогирд ҳали ёш, тажрибасизлиги учун ўзини-ўзи тафтиш қила олмайди. Шунинг учун ҳам комил инсон бўлишга аҳду паймон қилган ҳар бир киши тажрибали устозга қўл бериб, ўз ирода ихтиёрини унинг ихтиёрига топширмоғи зарур. Бошқача қилиб айтганимизда, тариқат босқичида турган шогирднинг инсон баркамоллиги сирларининг ўзлаштирилишининг муҳим шarti

ўз ирода-ихтиёрини устоз измига буйсиндиришдир. Худди шу маънода баъзан тариқатни иродат ҳам деб юритадилар.

Тариқат адаби қоидаларига асосан, шогирд (мурид, солик) га сабоқ берувчи устоз (пир, мурид) мураббий заммасига катта масъулият юклатилади. Хусусан, шогридни комиллик пиллапоялари томон юксакликка чорловчи устоз тариқат адаби талабларини мукаммал биладиган ва унга қатъий риоя қиладиган, қалби Оллоҳ маърифати билан лиммо-лим тўла ориф инсон бўлиши керак. устоз билимининг чуқурлига, тариқат усулларини мукаммал билиши, ахлоқан поклиги, сўзи ва ишининг бирлиги, ташкилотчилиги ва тадбиркорлиги билан шогирдларига ҳамиша шахсий ўрнак бўлиши лозим. Сабоқ бериш жараёнида ўзининг ишонтира билиш санъати билан бошқалардан ажралиб туриши даркор.

Устоз ҳеч қачон шогирд мулкига кўз олойтирмаслиги, аксинча унинг юмушларини осонлаштиришга, билим олиш борасидаги қийинчиликларини бартараф этишга, турли маърифий муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашмоғи лозим. Маърифий муаммоларни бартараф эта олмаса, ўздан кучлироқ шайхга шогирдни маслаҳат олиш учун йўлламоғи зарур. Шогирдларнинг истеъдоди хилма-хил бўлганидек, устозларининг мураббийлик маҳорати, интеллектуал салоҳияти турлича бўлади. Худди шунинг учун ҳам, тариқат адаби талабларига кўра, устозлар ҳам ўзларининг мураббийлик маҳоратлари, интеллектуал салоҳиятларини ошириб бориши шогирднинг комиллик даражасига кўтарилишининг энг муҳим шартларидан биридир.

Тариқат одобининг ушбу талабига диққат билан назар солсак, ушбу қоидалар орасида мустаҳкам диалектик алоқадорлик мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Хусусан, ушбу талабаларга мувофиқ комиллика интилаётган киши аввало ўзини тия билиши, кам ейиши, кам ухлаши, кам гапириши, барча ахлоқсизликлардан четда туриши, нафақат ўз танини, балки маънавиятини ҳам пок бўлишига эришиши, ўзини руҳан чиниқтириши, узлуксиз мутоала қилиши, хотира ва зеҳнини ўткирлаб туриши, сурункали зикр орқали Аллоҳнинг муборак номларини қалбига жойлаштириши, унинг муборак номларини қалбига жойлаштириши, унинг қудратига ҳар томнлама қалбдан иқрор бўлиши лозим.

Тариқат одобининг биз юқорида санаб ўтган қоидаси талабларини бажариш одат тусига кира бориши билан ўзини-ўзи чеклаш, яъни мусоҳаба ва ўзини-ўзи кузатиш, яъни мууроқаба, шунинг ўз фаолиятини узлуксиз назорат қилиш малакаси ҳосил бўлади. Худди ўша малака туфайли унинг маънавиятида ҳам, руҳиятида ҳам жиддий ўзгариш рўй беради.

Рухий - маънавий комиллик томон интилаётган шогирднинг ҳар бир ҳаракати устоз томонидан узлуксиз назорат қилиниши, ундаги руҳий-маънавий ўзгаришлар рағбатлантириб борилиши керак. Нажмиддин Кубро биринчилардан бўлиб ўша замон маданий ва маънавий оламида машҳур бўлган “Офоқ ва анфуз” назариясини тасаввуф фалсафасига татбиқ этди. Шайх ёки мурид даражасига кўтарилиш учун: биринчидан, ҳар бир киши ўзи мансуб бўлган тариқат йўлини, иккинчидан жазба (ишқ , учинчидан, уруж (кўтарилиш)ни билмоғи зарур. Шогирд ёки соликка хос нарса – ҳаракат,

интилишдир. Жазбага хос нарса – тортилиш, завқу-шавқдир, кўтарилиш (уруж)га хос нарса – карам ва саховатдир.

Истиклол берган буюк неъматлардан бири халқимизнинг минг – минг йиллик маданияти, фанлари тарихини узвий боғлиқликда ўрганишга кенг имконият яратилди. Кишилиқ тарихий тараққиётида маънавий маданият: фан ва дин яхлит бир бутун ҳаётӣ тажрибалар, уни умумлаштириш, такомиллаштириш борасидаги таълимлардан иборат. Авлоддан – авлодга ўтиб сайқал топган тафаккур ҳосиласи инсониятни турмуш мазмуни, моҳияти, маънавиятини ривожлантиришга қаратилган.

Педагогика тарихининг асосий илмий муаммоларидан бири таълим – тарбия жараёни қонуниятлари ва тамойилларининг тараққиётидир. XX аср охирига қадар таълим – тарбия жараёнининг қонуниятлари аниқ масала сифатида ўрганилмаган эди.

Ҳар қандай объектив қонуният сингари таълим – тарбия жараёнида ҳам барқарор, такрорланиб турувчи, ички алоқадорлик, боғлиқлик қонуниятлари мавжуд. Яъни, таълим – тарбия жараёнининг ҳам ўзига хос қонуниятлар ва тамойиллари (принциплари) асрлар бўйи шаклланган, ҳаётда ўз исботини топган. Таълим принципларини илмий асослашда буюк чех педагоги ва православ динининг раҳномаларидан бири Ян Амос Коменский (1592-1670) нинг, таълимоти жаҳонда тан олинган. Унинг изчиллик, кўрғазмалилик, кўрсатмалилик, ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, жамоа шаклида ўқитиш принциплари жаҳон педагогика тарихида алоҳида ўрни тутди. Мустақилликдан кейин Абу Али Ибн Синонинг дидактик қарашларида таълимда узвийлик, табақалаштириш, таълимда ўқувчи фаоллиги, бугунги технологик ёндошув тамойиллари илмий.

Барча динлар, жумладан, исломнинг назарий асоси тасаввуфда жорий қилинган маънавий, руҳий тажрибалар, энг аввало диққатни инсонга қаратган, инсонни ўзини илоҳий моҳиятини билишга, мушоҳада этишга илҳомлантиради. Шунинг учун ҳам башарият ислом тасаввуфига қизиқиши, ўзгача эҳтиром билан орта бошлади. Тасаввуф инсоннинг басират кўзини Руҳ ва Кўнгил оламига қаратади. Нафсни таниш ва енгил орқали гўзал ахлоққа эришиш тажрибасини ўргатади. Руҳоният тарбияси учун узлуксиз ғамхўрлик қилиш усулларини кўрсатади.

Муҳаммад Пайғамбар таълимотининг мусулмон маданияти, адабиёти илм-фаннинг тадқиқот объектига айланишининг бош сабабларидан бири ҳам шунда. Расулуллоҳ учун диннинг камоли, энг аввало, ахлоқнинг камоли эди. Бир зот Расулуллоҳнинг ёнига келиб: “Эй Оллоҳнинг Расули! Дин нимадир?” – дея сўраганда, пайғамбар: “Дин гўзал ахлоқдир”, - деб жавоб берибди. Ўша одам пайғамбарнинг ўнг томонига ўтиб, яна Расули Оллоҳ! Дин нимадир? деб сўрабди. Пайғамбар эса: “Дин гўзал ахлоқдир”, - дебди. Сўнг ҳалиги кимса пайғамбарнинг орқасига ўтиб “Эй Оллоҳнинг Расули? Дин недур?” деган экан, пайғамбар: Англамасмисан, дин ғазабланмасликдир”¹, - деган экан.

¹ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис (Ал-жомеъ ас-саҳих). 1-жилд /Таржимон З.Исмоилов. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 572 б.

Демак, комил инсон моҳияти, фазилати уни шакллантириш омиллари тараққиёти масаласида педагогика тарихи ва тасаввуф таълимоти узвий боғлиқ ривожланган. Комил инсонни шакллантиришда таълим – тарбиянинг ижтимоий моҳияти фалсафа тарихи, жамият тарихи каби фанлар ўргансада унинг қонуниятларини, мазмуни, методлари, воситалари ва шакллари тарихий тараққиётини педагогика тарихи ўрганади.

Таълим-тарбиянинг ижтимоий моҳияти, мақсади инсоний ҳаёти, яшашга тайёрлаш экан унинг мазмуни ҳар бир давр талабидан келиб чиқади. Зеро, педагогик қонуниятлардан бири ҳам таълим–тарбиянинг давр талабига, жамият буюртмасига мослигидир.

Бу борада ислом таълимоти VI – VIII асрларда жамиятдаги маънавий бўшлиқни тўлатишга қаратилгани, қатъий таълим–тарбия мазмунида ифодаланади.

Маълумки, таълим–тарбиянинг мазмуни ибтидоий жамиятда: меҳнат қуролларидан фойдаланиш, дехқончилик қилиш, табиат инжиқликларидан муҳофазалаш, тиббий билим меҳнат таълим–тарбияси мазмунини: ҳамкорлик, дўстлик, жамоа қоидаларига риоя қилиш, катталарни хурматлаш ахлоқий тарбия; жисмоний чиниқиш, ҳар хил ўйинлар жисмоний ва нафосат тарбияси мазмунини ифодалаган.

Жамият тараққиётининг кейинги даврларида кишилик жамияти томонидан яратиладиган тажрибаларни аниқ машғулотида тизим асосида таълим бериш қоидалари мазмуни, методлари шаклланишини ёзма манбалар “Авесто” да ва юнон педагогикаси тарихида кўрамыз.

Халқ педагогикаси мақол, ривоят, дostonларда таълим-тарбиянинг мазмуни ўз аксини топган. Ҳар бир давр таълим–тарбия мазмунига ўз хиссасини кўшган. Таълим–тарбия мазмуни, аввало, давр талабига мос ривожланган бўлса, ўз навбатида жамият, миллат ва ҳар мамлакат ривожланиши таълим–тарбия мазмунига боғлиқ бўлган.

Жамият тарихи манбаларида маълумки, мелоддан олдинги минг йиллик ўрталарида инсоният яшаш тарзининг ошиши бойлик тўплаш, ерларни босиб олиш, қулларнинг кучидан фойдаланиш, халқлар ўртасида, уруғлар ўртасида рақобат бир томондан маънавий–ахлоқий тарбияга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Иккинчи томондан ҳунармандчилик савдо – сотиқ, меъморчилик тиббиёт, давлатчилик каби илмларни ривожланишига олиб келди. Қайси халқда илм – фан, таълим – тарбия ривожланган бўлса, шу халқ устунликка эришди. Буни қадимги Юнонистонда илм – фанни ривожланиши ва жаҳоннинг кўпгина қисмини забт этишида ҳам кўриш мумкин.

Бу инсониятнинг бир- бири билан рақобати маънавий бўҳронларини ҳам келтириб чиқарди. Шундай бир даврда Оллоҳ томонидан нозил бўлган динлар инсониятнинг маънавий мезонида айланди. Инсоний фазилатлар ҳар – бир диннинг моҳияти, мазмунига мужассам бўлди.

Ислом таълимоти фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлган “Қуръони Карим”га илоҳият, диний эътиқод масалалари билан бирга инсонпарварлик, инсонларни қовуштириш, уларнинг ўртасида юзага келган

зиддият – низоларнинг олидини олиш, улар орасига адолат ўрнатиш каби ахлоқий таълим – тарбия мазмуни ифодаланган.

Тасаввуф таълимотини омманинг шахсининг онгига, қалбига асрлар бўйи барқарор таъсири, дунёда буюк шахслар томнидан эътироф этилиши унинг таъсирчан метод ва воситаларидан далолат беради. Ҳар бир тасаввуф алломасининг тариқатида, таълимотида комил инсонни шаклланиши метод ва воситалари изчил ифодаланади.

Тасаввуф жорий этилган маънавий руҳий тажрибалар, энг аввало, диққатини инсонга қаратар, уни ўзининг илоҳий моҳиятини мушоҳода этишга илҳомлантиради. Тасаввуф инсонни оллоҳга тобейлигига алоҳида урғу берар экан инсоннинг, инсонга қарам ва муҳтожлиги тушунчаларани тубдан ислоҳ айлани хуррият, эркинлик тенглик каби ақидаларини тарғиб қилади. Тарихий тажрибалардан келиб чиқадиган таълим-тарбия инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш тамойили “ҳар-бир шахсни эркин ривожланишига шарт-шароит яратиш” (И. Каримов) имкониятини оширади.

Тасаввуфда инсоншунослик ғояси устиворлиги яна илмий ўрганишга молик. “Тасаввуф маслаги инсоннинг бесурат кўзини Руҳ ва Кўнгил оламига қаратади. Нафсни таниш ва енгиш орқали гўзал ахлоққа эришиш тажрибасини ўргатди. Ва руҳоният тарбияси учун узлуксиз ғамхурлик қилиш усулларини кўрсатди”¹.

Таълим–тарбиянинг самарадорлигини оширишда унинг шакл ва воситалари муҳим муаммо, мунозара бўлиб келган. Таълим-тарбия тизими шакл, ва воситаси, сабоқ бериш машғулотилари дарсинг такомиллашуви узоқ тарихга тақалади. “Авесто” даги дидактик ғоялар қадимги Юнонистонда педагогика тизими фикримизнинг далилидир. Маълумки халқ педагогикасида бадий ривоят, мақол ҳикоя, дoston панд-насиҳат асарлар таълим-тарбиянинг таъсирчан воситаси эканлиги ҳаётда асосланган. Диний таълимотнинг барчасида шунингдек, тасаввуф алломаларининг асарларида ҳам шеър бадий лавҳалар воситаси таълим ва тарғиботнинг асосий воситасидир.

Таълим-тарбия метод, усул ва воситаларини тараққиёти тажрибаларини умумлаштириш педагогика тарихининг муҳим муаммодир. Ҳар бир давр таълим-тарбия мазмунига хос метод ва воситаларини қўланилиши самарадорли омили бўлиб келган. Бу борадаги ривожланган тажрибалар умумлаштирилган, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Таълим-тарбия талаби, жамият буюрмаси, замон ва макон хусусияти асосида миллийлик ва умуминсонийлик хусусият қарор топади.

“Фан ва диннинг ҳамкорлиги муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли ҳуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва буҳтонлардан ҳимоя қилиш уни асл моҳиятини ёш авлодга тўғри тушунтириш, ислом ғояларини кенг тарғиб этиш”² имкониятини оширади

¹ Иброҳим Ҳаққул “Тақдир ва тафаккур” “Шарқ” Т., 2007 27-28 б

² Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд,-Т.: «Ўзбекистон», 2004.,

Диний манбаларда таълим-тарбия таълимотини ривожлантирилиши

“Барчамизга маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеали, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат туғрисидаги орзу армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб ҳаёт маъносини англаш, миллий маънавиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз урф анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлашимиз жоиз. Нега деганда, инсонийлик меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратини ўйлаб яшаш, яхшилик меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдирилади ва ривожланади”¹

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг маънавият, таълим-тарбиянинг методологик асосига доир қомусий китоб “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида:

деб ёзади

¹ Каримов.И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд,-Т.: «Ўзбекистон»,1996.

Тасаввуф манбаларида таълим – тарбия масалалари.

Манбалар	Тарихий давр	Тарихий шарт шариит	Педагогика назариясини ривожланиши
<p>“Авесто” китоби муқаддас китоб</p>	<p>Х-IX асрларда яратилган 548-629 йиллар Зардушт томонидан такомиллаштирарилган 12 минг хўкиз терисига битилган Искандар Зулқарнай</p>	<p>Уруғчилик, кулдорлик, тузум миллий тарқоқлик. Ўзаро курашлар</p>	<p>“Авесто”нинг туб маъно моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ғоясининг устивор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлик мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир”¹. (И.А.Каримов)</p> <p>“Авесто” зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга илм-фан, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича анча мукамал маълумотлар берадиган улкан, энг кўхна манба ҳисобланади. (Ҳ.Ҳомидов)</p> <p>“Авесто” соф диний китоб бўлмай балки ижтимоий, фалсафий, маданий, адабий тарихий қимматга ҳам эга бўлган нодир қомусий ёдгорлик.</p> <ul style="list-style-type: none"> - халқ оғзаки ижоди, ривоятлар, ўша давр тарихи ифодаланган; - Шаҳар-қишлоқларини обод қилиш боғи, роғлар яйловларни кўпайтириш; - Оилани ўз уйини улуғланиши - Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал, комил инсон инсон мезони эканлиги; - Ватанпарварлик, инсонпарварликнинг улуғланиши; - Ҳалоллик ростгуйлик, меҳнатсеварликнинг улуғланиши; - Ер-сув озик овқат ва кийимларни тоза тутиш; - Ерни ифлос қилганни “40 камчи уриш”; - Инсон яшайдиган хонада ювиниш чўмилиш қадийян ман этилади; - Кунда бир неча марта жисмоиний машқ қилиш; - Кўп болали оилаларда давлат ҳисоидан нафақа тўлаш; - 2-3 та тукқан аёлни мукофотлаш; - Касалланганда пархез, дуо дори жарроҳлик йўллари билан даволаш; <p>Умуман олганда “Авесто” кабилар билимлар хазинаси сифатида илмий адабий маърифий ва тарбиявий аҳамиятга молик қадимий асардир.</p>
<p>Исломининг</p>	<p>Милодий VI-VII</p>	<p>Исломининг жорий</p>	<p>Қуръони Каримнинг Инсон сурасида шундай дейилган; “Биз инсонга тўғри йўл кўрсатиб</p>

асосий комуси	асрлар	этиши кўпгина малакатлар жумладан қадимги моварауннахр худудини араблар томонидан ишғол этилиши. Исломни жорий этиш бўйича масжид ва адрасалар қурилиши.	<p>қўйганмиз. Хоҳлаганча шуқр келтирувчи бўлсин ёки куфр келтирувчи бўлсин.” (3 оят)</p> <p>Қуръоннинг кўпчилиги оятларида инсоннинг ихтиёри ўзи билан бўлиб у қилган яхши ва ёмон ишларига ҳам ўзи жавобгардир. “Шўро” сурасида эса “Сизларга бирор мусибат етса, унга ўз қўлингиз билан қилган гуноҳингиз сабабчидир”, дейилади. (30-оят). “Фуссилият-Муфассал”-“баён қилинган сура” деб аталади. Ушбу сурада “Ким бирор яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса, ўз зиёнига қилур” (46 - оят) дейилади.</p> <p>“Қуръони Каримда” келажак авлодини доимо яхши йўлга йўналишини, уни ўз ихтиёрига қўйиб бериш мумкинлигини кўриб турибмиз.</p> <p>“Қуръон” да ҳар бир инсон борлигидан ғурурланмоғи лозим, лекин ўзидаги сифатлардан ғурурланмаслик керак, дейилади. Тавба қилиш инсонни яхши ишларга етаклайди. Бунга муомала сўзлашиш одоби, сахийлик, ифффат, сабрлилик, камтарлик, ҳамжихатлик каби улуғ фазилатлар мужассамланади. Исломда сабр ахлоқий фазилатлардан бири бўлиб инсоннинг руҳий таянчидир. Сабрли киши қийинчиликлани сабот билан енгади. Сабр барча фазилатларнинг онасидир. Чунки у инсон қалбини эзгулик сари йўллайди. Ҳар-бир фазилат сабрга муҳтождир.</p>
Абу Абдуллох инб-ал Бухорийни нг хадисларид а	810-870	Ислом таълими тўла жорий этилиши Моварауннахр да алоҳида давлатнинг таркиб топиши ислом таълимотининг мамлакатнинг мафкуравий айланиши	<p>600 мингга яқин ҳадис тўплаган. У зоднинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Ал-адаб ал-Муфрат” (“Адаб дурдонлари”), “Ат-Тарих ас-Саҳир”), (“Катта тарих”), “Ал-Қироату-халфа-ал-Имом”, (“Имом ортидан туриб ўқиш”) каби асарлари мажмуд. Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” китоби маънавий кадрларимизни тиклашда, кишиларда ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик сингари фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.</p> <p>“Ал-Адаб Ал-Муфрат” (“Адаб дурдоналари”) да таълим Имом Бухорий ўзининг бу нодир асарида пайғанбаримиз Муҳаммад алайҳисалом айтган энг сара хадисларини тўплашга муяссар бўлдилар. Бу асарда: бола тарбияси, ота-она ва фарзанд бурчи.</p> <p>-эр ўзи овқатланганда хотинини ҳам овқатлантириш, ўзи янги кийим кийиб олса, унга ҳам олиб кийдириш, ҳақорат қилиб сўкмаслик, аразлашганда узоққа кетмасдан фақат бўлак ётишлугидир;</p> <p>- отага итоат қилиш – тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш-тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробар.</p> <p>- кимнинг олдида узулиб кетган биродари узр сўраб келса, у хоҳ-хақ бўлсин узрини қабул этисин. Агар қабул этмаса, жаннатдан Қавсар ҳавзасининг</p>

			<p>сувидан махрум бўлур.</p> <p>Илм ва билимдонлик</p> <p>-илмнинг офати – эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кеткизмоқликдир;</p> <p>Ўзимдан кейин қолдирган умматларим учун уч нарсадан қўрқаман;</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишидан; 2. Нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетишдан; 3. Илм маърифатга эга бўла туриб, ғофилларнинг ишини тутишидан. <p>Гарчи Хитойда бўлса ҳам, илмга нтилинглар. Чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар-бир мўминга фарздир;</p>
<p>Муҳаммад ат-Термизий</p>	<p>824-892</p>	<p>Ислом таълими тўла жорий этилиши</p> <p>Моварауннахр да алоҳида давлатнинг таркиб топиши</p> <p>ислом таълимотининг мамлакатнинг мафкуравий айланиши</p>	<p>Термизий ўзининг “Сунан” китобида</p> <ul style="list-style-type: none"> - Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишининг ва зулмдан қайтаришининг-сенинг садақанг - икки нарса борки: кўпчилик ўларни қадрига етмайди: бири-соғлик, иккинчиси – бўш вақт <p>Таълим-тарбия мазмун ва методлари</p> <ul style="list-style-type: none"> - адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатиш ҳам садақа - хушмуомала бўлиш ҳам садақа -ерда ётган тикан, тошни олиб ташлаш ҳам садақа - марҳумларга ҳурмат фазилат - ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади - кимда-ким бир кўчат ўтказса ё бўлмаса экин экса улар ҳосилдан одамлар ҳайвонлар баҳра олса у ҳам садақа - барча мусулмонлар баробардир - қариндош уруғларини унинг “Сунан” китобидан қашқари “Китоб ал илал”, “Китоб ат тарих” каби яқин асарлари маълум.
<p>А. Ғиждивоний 1103-1179</p>	<p>Ғиждивонда туғилади..</p>	<p>Ислом таълими тўла жорий этилиши</p> <p>Моварауннахр да алоҳида давлатнинг таркиб топиши</p> <p>ислом таълимотининг мамлакатнинг мафкуравий айланиши</p>	<p>Хожаи жаҳон номи билан машҳур. Хожагон Нақшбандия тариқати асосчиси. А. Навоий-ҳақни ботилдан ажратувчи хожа жаҳон деб таъриф берган Ғиждивоний “пок равишларин ағёрт кўзидан яширибтурлар”. Бундан шу нарса англанадики, одам фақат ўз айбини яшириб юрмасдан, пок хислатлатини ҳам пинҳон тутмоғи маъқул.</p> <p>Авлиёлар султони қутби замон олими Ғиждивоний буюк тарбиячи бўлиб хожагон тариқатининг асосчисидир.</p> <p>“Рисолаи соҳибия”, “Мақсад ас соликин”, “Маслакал орифин”, “Мақомати Юсуф Ҳамадоний”, “Тариқат одоби” асарлари шуниндек рубои, қиталар ёзган.</p> <p>Унинг жуда кўп шогирдлари бўлган, ўзини</p>

			<p>Баҳовиддин Нақшбанд тарбия қилгани маълум. Тарбия одоби китобида “Эй фарзанд! Илм билан бирга одобни ўрган. Зеро, одобсиз одам оллоҳ лутфидан махрумдир. Халқ билан низо жанжал этма-яхши хулқ, нек одоб ила умргузаронлик айла бидат ахидан йироқ бўл ” деб ёзади.</p> <p>Рубоийлари</p> <p>Шухрат ила муш нафсини тий Ўзни мардум орасида кўп ёд этма Камтарлик эт сен ном чиқарай деб Зинҳорки дилингини барбот этма Ёмоннинг ўзига ёмон жазо Тил сукут эт эй жон гапир Айбларни ёпгувчи саттор бўлғайсан Қалбларни топгувчи гавҳар бўлғайсан.</p>
Аҳмад Яссавий	<p>ХII асрда яшаган 1166 йилда вафот этиган</p>	<p>Ислом таълими тўла жорий этилиши Моварауннахр да алоҳида давлатнинг таркиб топиши ислом таълимотининг мамлакатнинг мафкуравий айланиши</p>	<p>Бизга қадар Аҳмад Яссавийда “Девони ҳикмат” номли шеърлар китоби сақланиб қолган. Бу асар ҳамма замонларда, барча туркий забон авлодларга манзур ва мақбул бўлиб келган. Зероки у инсонни комиллика етаклайдиган дин, имон, худо йўлида фидойлик, эътиқодда собитлик, ҳалоллик, покликни тарғиб-ташвиқ этди.</p> <p>Кишиларнинг асл мақсади – Худога эришмоқ пайтида машаққат – риёзат чекмоқ, маърифат касб этмоққа исломий ва дунёвий аҳкомларни эгалламоққа чорлайди. Яссавий ҳикматларида тўғрилиқ, меҳнатсеварлик, мўминларга меҳрибон бўлиш, инсоф, муруват ғояларини илгари сурган. Айрим ҳикматларда биз ижтимоий адолатсизликка қарши кескин фикрларни, дилозор, муфтхўр бўлмасликка даъват этади. Яссавий ҳикматларида инсоният пайдо бўлганидан буёнги тарихий ҳақиқат, афсоналар ривоятлар турли диний арбоблар, диний фалсафий оқимлар асосчиларининг ҳаёти, турмуш тарзи, комиллик йўлидаги тутган саъйи ҳаракатлари ғоятда нафис, тадрижий равишда ўз аксини топган.</p>
Баҳовиддин Нақшбанд 1318-1389	<p>1318-1389</p>	<p>Ислом таълими тўла жорий этилиши Моварауннахр да алоҳида давлатнинг таркиб топиши ислом таълимотининг мамлакатнинг мафкуравий айланиши</p>	<p>Баҳовиддин Нақшбанднинг таълим-тарбия ҳақидаги фикр мулоҳазалари ва панду-насихатлари ғоят қимматлидир. У баркамол инсонни тарбиялаш дастлаб одабдан бошланишини таъкидлаб шундай деган эди. “Адаб ҳулқи чиройли қилиш, сўз ва феълни соз қилишдир...Адаб сақлаш – муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахтининг уруғи ҳамдир. Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам, нимаки қилсанг беадаблик кўринади. Одам ўзини бир хил сифат ва кўринишда олиб юриши лозим, токи одамларда унга тасарруф (таъсир қилиш) таъмаси пайдо бўлмасин”. Нашқбанд меҳнат ва ҳунарга алоҳида эътибор берган. Мадрасага қабул қилинадиган болалардан энг олдин: “Сиз қандай</p>

			хунарни биласиз?”-деб сўраган. Хунар билганмаганларни бирор хунарни эгаллашга, сўнгра ислом илмини ўрганига даъват этган. У бу ҳақда шундай дейди: Денгиздан ҳамиша изламагил дур. Одамга би хунар бас, эзгудур.
Нажмиддин Кубро 1145-1188	Рухони оиласида. Тибризийдин риёзат, Искандария, Ҳамадон, Миср, Боғдод, уламоларида н ҳадисни ўрганади, Муғуллар босқинчилар и томонидан 1188 йил ўлдирилган	Ислом таълими тўла жорий этилиши Моварауннахр да алоҳида давлатнинг таркиб топиши ислом таълимотининг мамлакатнинг мафкуравий айланиши	У Кубравия тариқатининг асосчиси, араб ва форс тилларида кўплаб илмий рисола ва бадий асарлари мерос бўлиб қолган. “Обод ус суфиё”, “Фақирлик ҳақида рисола”, “Ҳидоят ут толиб”. Шунингдек Кубравия тариқати ҳақида “Шарҳи рисолаи одоби сокин”, “Рисолаи шайх Нажмиддин” кабилар Кубравия тариқати 1. тавба 2. зухдфи – дунё- дунё бойликларига берилмаслик 3. таваккал-ал аллоҳ 4. қаноат 5. узлат-ботиний ўзини чиниқтириш 6. мулозамат аз-зиф 7. таважжув ал-Аллоҳ 8. сабр 9. муроқабат риёмаҳру 10. ҳийладан ҳоли бўлиш 11. ридо-ўзини Аллоҳ деб фахрланмаслик
Абул Муъин ан-Насафий	Мотурудий мактабининг атоқли номоёндаси Отаси ал-Мотирудийнинг шогирди бўлган	Ислом тўла жорий этилиши ислом таълимотини мамлакат мафкурасига айланиши	Олим ўн бешга яқин асар ёзган бўлиб, уларнинг аксарияти калом илмининг турли масалаларига бағишланган. “Ал-Уъмда фи усул ал-фикҳ”, “Баҳр ал калом фи илм ал-калом”, “Табсират ал-адилати фи илм ал-калом”, “Ат-тамҳийт ли-кавоъид ат-тавҳид фи илм ал-калом”, “Ал – оълим вал - мутаъллим”, “Ийзоҳ ал-маҳажатий ли-ковн ал –ақл хужратан”, “Шапрҳ ал-Жоми- ал-Кабир лиш-Шайбоний фи фуруъ”, “Маноҳиж ал-аиммати фил фуруъ”, “Муътақидот” каби асарлари шулар жумласидан. Абул Муъин ан-Насафийнинг “Баҳр ал-калом фи илм ал-калом” асари калом илми бўйича ал-Мотуридия мактабининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли у ўрта асрларда кўплаб қўлёзмаларда тарқалаган. Бугунги кунда унинг қўлёзма нусхалари Дубай, Дамашқ, Бағдод, Қоҳира ва Искандария шаҳарлари кутубхоналарида сақланмоқда. Асар 1886 йили Бағдодда, 1908 йили Қоҳирада чоп этилган. Айни пайтда, унга бир қанча шарҳлар битилган. Алломанинг машҳур асарларидан бири – “Табсират ал-адилла” (“Далиллар тилга кирганда”) Имом Мотуридий ва Самарқанд калом илми мактаби ҳақида малумот беради. Бугунги кунда асарнинг мўътубар қўлёзмаларидан бири Мисрнинг

			<p>Искандария шаҳри кутубхонасида сақланмоқда. У 1269 милодий йилда Муҳаммад ибн Ҳасан ибн ал-Ҳусайн исмли ҳаттот томонидан Бухорода кўчирилган. Қоҳирадаги “Дор ул-кутуб ал-Мисриййа” ва машҳур ал-Азҳар университети кутубхоналарида асарнинг яна уч нусхаси мавжуд. Араб тилини ўрганиш бўйича француз илмий институти тадқиқотчилари мазкур нусхалар асосида дамашқ шаҳрида бу йирик асари (минг саҳифадан ортиқ) 1990 ва 1993 йилларда икки жилд ҳолида чоп этдилар</p> <p>Абул муъин Насафийнинг калом илмига оид яна бир асари-“Китоб ат-тамҳийд ли-кавоъид ат-тавҳийд” 1886 йили Қоҳирада нашр этилганлиги араб дунёсида аллома меросига қизиқиш катта эканлигидан далолат беради. Бу асарнинг 1273 йилда кўчирилган бир нусхаси ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида сақлонмоқда.</p>
--	--	--	---

Жаҳон халқлари орзу қиладиган миллий қадриятларимиздан бири ота – онани ҳурмат қилиш, эъзозлаш ислом таълимоти асосида қон – қонимизга сингиб кетган ҳаётий ҳақиқатдир. Қуърони Каримда таъкидланишича, ота- она билан мулоқотда бўладиган фарзандлар беш нарсани билиш керак:

- ота – оналари қаттиқ – қурим гапириб юборганларида ҳам уларга малол келиб “уфф” демасликлари;
- Ота – онани хафа қиладиган сўз сўзламасликлари;
- Ота – оналарга доимо эҳтиром билан яхши сўзларни сўзлашлари;
- Ота – оналарга доимо раҳм – шавқат кўрсатиб ўзларини уларни олдида камтар тутишлари;
- Оллоҳдан ота – оналарга раҳмат тилаб дуо қилишлари лозим эканлиги уқтирилади.

Шахсни шаклланишида идеал педагогиканинг доимий муаммоси бўлиб келган. Ҳар бир шахснинг идеали унинг йўлчи юлдузи, орзуси намуна оладиган сиймосидир. Тасаввуфга инсоннинг эзгулика етаклайдиган Оллоҳ, ундан кейин ота –она қўйилиши ҳам миллий тарбиянинг қудратини кўрсатади. “Ота рози Оллоҳ рози, Она рози пайғамбар рози” таълимоти ҳам таълим тарбиянинг мезонини белгилайди.

Маълумки, шахснинг шаклланишининг муҳим олмилларидан бири ижтимоий муҳит бўлиб келган. Бола учун ижтимоий муҳит оила, ота – она эса унинг дастлабки идеали. Бу борада асрлар бўйи шаклланган миллий қадриятларимиз оиланинг бола тарбиясидаги буюк қудрати Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида илмий асосланган.

Ҳар қайси миллитнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари

биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг ҳарактерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий меъзон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр – оқибат, ор – номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота – онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оилавнинг маънавий оламини ташкил этади.

Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.

Боланинг онги асосан 5 -7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг “қуш уясида кўрганини қилади”, деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради деб таъкидлайди.

Ота – онанинг бурчи ҳақида Ҳадиси шарифда “Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этаолмайди”¹ дейилади. Ислом динида оналар муътабар зот сифатида улуғланади ва шарафланади. Миллий қадриятларимиздан бири оила педагогикаси тарихини ўрганишда бу таълимот методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ислом динида оналар муътабар зот сифатида улуғ-ланади ва шарафланади. Пайғамбаримиздан бир саҳоба: «Кимга яхшилик қилай? — деб сўраганда, у улуғ зот, уч марта «Онангга» — деб, тўртинчисида «Отангга» деб (188-ҳадис) ва яна «Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир»² — дея кўшиб қўйган эканлар (378-ҳадис)³. Она бўлиш — улуғ бир неъмат ва назирсиз бир шарафдир. Оналик вазифасини тўла адо этган, ўзига иффат, номус либосини кийган, сабр деган улуғ фазилат билан зийнатланган, қаноатли, одобли она — бахт-саодатнинг мужассам тимсолидир.

Ота-оналар болани дунёга келтиришга сабаб бўлганликлари учун эмас, балки уни одобли, ҳаёли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учун олқишга сазовордирлар. Қуръони Каримда эҳсон инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири эканлиги айтилади. Қуръони Каримда «эҳсон» сўзи «яхшилик» маъносида келган. Яъни, Оллоҳ сенга яхшилик қилиб, сени инсон қилиб яратди, ҳамма аъзоларингни ўз вазифасини бажарадиган қилди. Сенга маълумки, сахийлик қўли очиқ, олиҳимматлик демақдир. Сахийлик гўзал хулқларнинг энг аълосидир. Қўли очиқ, сахий одам ҳар кимнинг қошида ҳурматли ва қадрлидир. Сахий бўлиш учун бой бўлиш шарт эмас, оз нарса билан ҳам сахийлик қилиш мумкин эканлиги таълим-тарбиянинг мазмунини ифодалайди.

Ислом динида инсонлар садоқатли бўлишга ҳам даъват этилган. Чунки садоқат жамият ва оила учун зарур бўлган қадрият ҳисобланади. Садоқат барча

¹ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис (Ал-жомеъ ас-сахих). 1-жилд /Таржимон З.Исмоилов. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 572 б.

² Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис (Ал-жомеъ ас-сахих). 1-жилд /Таржимон З.Исмоилов. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.

³ Ўша асар.

яхшиликларнинг бошланиши, одамларда бир-бирларига ишонч ҳосил қилувчидир. Шу туфайли ҳам “Қуръони Карим”да: «Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳга тақво қилинглари ва садоқатлилар билан бўлинглар» («Тавба» сураси, 119-оят)¹ деб, мусулмон аҳли садоқатли бўлишга чақирилган.

Ислом таълимотида вафодорлик ва садоқат ўзаро ҳамоҳанг иборалар бўлиб ҳисобланади. Вафо-энг улуғ инсоний фазилат. Бу фазилатга эга бўлганлар “Қуръони Карим”да: «Улар шундай кишиларки, омонатларига ва аҳдларига риоя қиладилар» («Мўминун» сураси, 8-оят)² деб таърифланади.

Вафо ҳаётда обрў-эътибор ва муваффақиятга сабаб бўлувчи фазилатдир. Омонат ва вафо ҳаётда тинчлик ва бахт-саодатни орзу қилган ҳар бир жамият, халқ, оила, инсон учун зарурий хислатдир. Уни авайлаб сақлаб ва янада баркамол этиш лозим. Бу эса халқимизда миллий қадриятлар, оила муқаддаслиги исломдан озикланишдан далолат беради.

“Қуръони Карим”да айтиладики: «Парвардигорингиз дилларингиздаги сирларингизни жуда яхши билгувчидир. Агар сизлар яхши бўлсангизлар (яъни ота-оналарингизнинг ҳуқуқларини таниб, уларга меҳрибон бўлсангизлар), албатта, Аллоҳ билмасдан қилган гуноҳларингизни мағфират қилур. Зеро, у тавба қилувчи-ларни мағфират этувчи бўлган зотдир» («Ал-Исро» сураси, 25-оят).³

“Қуръони Карим”дан кейин мўтабар саналган саллоллоҳу Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ҳадиси Шарифларида мусулмонларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан баркамоллиги, ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро аҳил бўлиш, меҳр-оқибат, эҳсон, сабр-тоқат, камтарлик, вафо-садоқат, поклик каби инсоний сифатлар ҳақидаги насиҳатлари ва яхши фазилатли бўлиш йўллари баён этилган.

Ҳадиси-шарифда «Топилган молнинг энг тозаси (покизаси) кишининг пешона тери билан топилган мол ва беғирром ҳалол савдодан топилган пулидир»⁴ (128-ҳадис). Ҳар бир одам, агарда кўнгли тинч, ҳаёти саодатли бўлишини истаса, у бахил бўлмаслиги, кўнгилсиз ҳолатларга учрамасликка ҳаракат қилиши керак. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадиларки, «Дилинг юмшаб, ҳожатинг равон бўлишини хоҳлайсанми? Етимга раҳм қил, бошини сила, овқатингдан едир, шунда дилинг юмшайди ва ҳожатинг чиқади» (17-ҳадис).

Муҳаммад (сав) кишиларни огоҳлантириб: «Кишининг олижаноблиги — динидир. Муруввати — аклидир. Унинг насаби эса хулқидир» (607-ҳадис) кишиларни олижаноб, мурувватли ва яхши хулқли бўлишга чақирадилар. «Кимки ўзини катта олса, юришида ўзига бино қўйса, охиратда Аллоҳнинг ғазабига учрайди» (821-ҳадис)⁵ деб уқтирилади.

¹ Қуръон қиссалари (1-китоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. Қуръон қиссалари (2-китоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. «Тавба» сураси, 119-оят

² Ўша асар. «Мўминун» сураси, 8-оят

³ Ўша асар. «Ал-Исро» сураси, 25-оят.

⁴ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис (Ал-жомеъ ас-сахих). 1-жилд /Таржимон З.Исмоилов. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 128-ҳадис.

⁵ Ўша асар. 821-ҳадис

Камтарлик инсоний энг гўзал фазилатлардандир. Камтарлик инсоннинг маданияти, одамийлиги, мард-лиги каби хислатлар билан белгиланади.

Инсоннинг камтарлиги, аввало унинг меҳнатида намоён бўлади. Камтар кишида ҳавои-нафс, ғурур, манманлик бўлмай-ди. У одоб-ахлоқли, меҳр-шафқатли бўлади. Ишида, сўзида қатъий туради. Албатта бу инсоний фазилат, мазмун, моҳияти ва уни уни шакллантириш педагогиканинг бугунги кундаги долзарб муаммоси. Лекин тасаввуф таълимотида, унинг асоси Қуръон ва ҳадисларда инсон маънавий гўзаллигини ифодасини ўрганиш педагогика тарихи ва дин тарихининг ҳамкорлигига боғлиқ.

Ислом дини илмга талабни ибодат даражасига кўта-ради. Ислом таълимотига кўра илм олишда эркак ҳам, аёл ҳам тенг ҳуқуқдидир. Чунончи, пайғамбаримиз Муҳаммад (сав)нинг «Ҳадиси Шариф»-ларида илм инсон камолотининг негизи, эзгулик ва поклик инсонларни турли офатлардан сақловчи восита сифатида изоҳланади.

Илм—улуғ ҳикмат, илм—иймон, эътиқод. Демак, дин асосини, Қуръони Каримнинг мазмуни ва моҳия-тини билиш, англаш учун ҳам илмли бўлиш, уни мукамал эгаллаш керак. Муҳаммад (сав) айтадиларки: «Бир соат илм ўрганиш кечаси билан ибодат килиб чиққандан афзалдир»¹ (536-ҳадис).

Муҳаммад (сав) «Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганишлар»² (126-ҳадис) деб даъват қилади. Кенг қалбли ҳар бир илм аҳли инсонлар ҳурматига сазовор ва у қилган савобли ишлардан барча каттаю кичик баҳраманд бўлади. Шу боис Муҳаммад (сав) қуйидагиларни кўп марта таъкидлаган эканлар: «Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади»³ (370-ҳадис). Расулulloҳ толиби илмларга мурожаат этиб: «Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан»⁴ (141-ҳадис) деб насиҳат қилади.

Ҳадисда ўз иродасига эга бўлишни ва ғазаб келганда уни бошқара билишни қаҳрамонлик белгиси деб улуғланади. Дейдиларки, «Ғазаб» келганда уни боса оладиган киши энг кучли одамдир»⁵ (300-ҳадис). Демак, жамиятда ахлоқий тараққиётни кўзлаган ҳар бир киши ўз иродасини ўзига бўйсундирмоғи лозим. Умуман, ислом таълимоти мусулмон олами тарихи, маънавияти ва илм-маданияти, ахлоқий ривожда жуда катта ўрин тутган таълимот.

Ҳадисда: «Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди»⁶ (735-ҳадис);

Муҳаммад (сав) ҳалол меҳнат ҳақида айтган ҳадисларида деҳқончилик улуғланади. «Деҳқончилик билан шуғулланишлар. Деҳқончилик муборак касбдир. Унга кўриқчиларни кўпайтиришлар»⁷ (44-ҳадис) мусулмон аҳлини

¹ Ўша асар, 536-ҳадис.

² Ўша асар, 126-ҳадис.

³ Ўша асар, 370-ҳадис.

⁴ Ўша асар, 141-ҳадис.

⁵ Ўша асар, 300-ҳадис.

⁶ Ўша асар, 735-ҳадис.

экин экишга, мевали дарахтлар ўтказишга даъват этадилар ва ундан келадиган савоблар ҳақида мана бундай деган эдилар: «Қайси бир мусулмон экин экса ёки бирор дарахт ўтказса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳайвон еса, унинг экканидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади» (732-ҳадис).

Муҳаммад (сав): «Ишни пухта ва яхшилаб қилган кишини Аллоҳ яхши кўради» (997-ҳадис) мусулмонларни сидқидилдан меҳнат қилишга чорлайди. «Кимки ҳалол ризқ истаб меҳнат қилиб, чарчаб ухласа, шу кечани мағрифат қилинган ҳолда ўтказибди» (804-ҳадис). Зеро, деҳқончиликнинг улуғ неъматини, инсонлар ризқ-рўзи бўлган нонни эъзозлашга даъват қилиб: «Кимки дастурхондан тушган ушоқларни териб еса, мағфират қилинади» (815-ҳадис).

Қуръони Каримда илмга катта эътибор берилган ва «илм» сўзи 765 ўринда тилга олиб ўтилади. Илм ўрганиш ҳар бир инсон учун фарздир. Илм ўрганишдан мурод мансаб эмас, аввал ўқиган илмига ўзи амал қилиб, сўнг халқ ва Ватан олдидаги бурчини адо этишдир.

Бутун дунёда исломнинг қодирия, хожагон-нақшбандия, кубравия, чиштия, яссавия, суҳравардия тариқатлари маълум. “Тариқат” деган сўз аслида тўғри йўл, рост йўл деган маъноларни англатади. Тўғри йўл аҳли сўфийлардир. Шариат-қонун, тариқат йўл, бу йўл кишини ҳаққа яқинлаштирган. Машойиҳлар ҳаққа етишмоқ учун биринчи тариқат, иккинчи маърифат, учунчи маърифат ва ҳақиқат эса тўртинчи зина деганлар.

Қадимги Турон заминида нақшбандия, қодирия, яссавия, кубравия кенг тарқалган. Қодирия тариқатининг асосчиси Шайх Абдуқодир Жалоний (1079-1166), Яссавия тариқати асосчиси Яҳмад Яссавий (1166-вафот), Кубравия тариқатининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро (1145-1221) нақшбандия тариқатининг асосчиси Ҳазрати Баҳовиддин Нақшбанд (1318-1389)лардир.

2.6. Комил инсон таълимотининг тарихи

Педагог киши руҳи муҳаддиси, қалб меъмори эканилиги кўп такрорланади. Аммо педагогика фанларида бунинг назарий-амалий асослари, шунингдек, инсоннинг ботуний, олами ишлаб чиқилмаган. Инсон руҳи руҳи диалектикасини ўрганишда тасаввуф алломаларининг мероси муҳим манбаъ бўлади. Бу борада Жалолиддин Румийнинг олти жилдлик “Маснавий-маънавий”¹ ва “Ичиндаги ичиндадур”² асарлари алоҳида ўрин тутаяди. Алишер Навоий ул зот шарифни устозлар устози деб атаган, Абдурахмон Жомий эса у пайғамбар эмас, аммо пайғамбарлик китоби бор деб улуғлаган. Буюк немис файласуфи Гегел мен ўзимнинг диалектика ҳақидаги таълимотимни Жалолиддин Румийга суяниб яратдим деб эътироф этган.

Жалолиддин Румий ёки Мавлоно Румий (1207-1273) номи билан машҳур бўлган зот дунёнинг улуғ донишмандлардан бири, беназир шоир ва бетакрор бир мутафаккир, валий инсондир. Уни гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди,

¹ Жалолиддин Румий “Мънавий-маснавий” Тошкент: 200-2008

² Жалолиддин Румий “ичиндадур” Тошкент: “Меҳнат”.2001.

у муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалтарошиким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавийят ҳам бирлашиб, олий кўринишда намоён бўлади. Унинг олти дафтардан иборат “Маснавий маънавий” номли асарини “форс тилидаги Қуръон” деб тавсиф этадилар. Жалолиддин Румий ўзидан кейинги Шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илоҳий ишқ куйчиси, буюкликнинг кўз илғамас чўққиси деб шарафлайди.

Жалолиддин Румий ҳозирги Афғонистоннинг Балх шаҳрида, султонал уламо лақабини олган улуғ шайх Муҳаммад Баҳоваддин Валад хонадонидан дунёга келган. Баҳоваддин валад Муҳаммад Хоразмшоҳ билан келиша олмай. оиласи, муридларини олиб, Балхдан чиқиб кетади ва Макка сафаридан сўнг, Ироқу Ажам шаҳарларини кезиб, ахийри Туркиянинг Кўния (Кония) шаҳрида кўним топади. Салжуқ султонлари томонидан иззат-икром билан қабул қилинган Баҳовиддин Валад шу ерда муқим бўлиб қолади. Жалолиддин ота юртига қайтиб келмади ва ўзини анатолиялик ҳисоблаб, Румий деган тахаллус олди. Мавлоно Жалолиддин Румий илмий ва адабий мероси ғоят катта. Ғазал, маснавий ва рубоийларни ўз ичига оладиган “Девони кабир” (“Улуғ девон”)да уч мингдан ортиқ шеър бор. Фалсафий-сўфиёна мушоҳадалар, руҳият диалектикасини кашф этиб, инсон аклини лол қолдирадиган теранлик билан ёзилган “Маснавий-маънавий” ҳам бир неча минг байтдан иборат. Бундан ташқари, “Мактубот”, “Фиҳи мо фиҳий” (“Ичиндаги-ичиндадир”) номли асарлари мавжуд.

Жалолиддин Румий асарлари жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган, “Маснавий-маънавий” ва “Фиҳи мо фиҳий”нинг усмонли туркча таржималари мавжуд. Иқтидорли ёш олим Улуғбек Ҳамдам (Абдувахоб ўғли) ташббус ва ғайрат кўрсатиб “Фиҳи мо фиҳи”ни туркчадан ўзбекчага таржима қилди. Бу Шарқ тафаккурига ташна ўзбек китобларига ноёб бир туҳфадир.

“Фиҳи мо фиҳий” – Жалоддин Румийнинг илоҳиёт, тасаввуф, проф. Н. Комилов таъкидлаганидек; ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги қайдлари, дўстлар ва суҳбатдошлари даврасида айтган фикрлари, баҳс-мунозараларда пайдо бўлган мулоҳаза – муқоясалари тўпламидан ташкил топган бир асардир.

“Фиҳи мо фиҳий” содда форс тилида ёзилган асар, улуғ муаллиия “Маснавий-маънавий”даги ҳадис ва оятлар, ҳикоят ва тафсилларга ўралган, ўта мураккаб бир фалсафий муҳокамалар асосига қурилган фикрларини бу ерда равшан ва содда қилиб тушунтириб берган. Бунда жуда кўп масалалар устида баҳс боради: тажрид ва тавҳид, сурат ва маъно, таваккул ва идтиҳод, ғайб асрори ва ладуний илмлари моҳияти ва яна қанчадан қанча муаммолар ёритилади.

Энг муҳими шуки, Жалолиддин Румий мураккаб суфиёна мулоҳазаларни оддин турмуш тафсилотлари билан тушунтириб беради, интиҳосиз қудратга эга инсон аклининг, руҳиятнинг мўжизаларини ҳайратомуз бир тарзда намоиш этади. Румий минг йиллар давомида тўплаб келган Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатларни омухта этолмаган, тасаввуф ва фалсафани кўшиб, инсон руҳи диалектикасини очган улуғ мутафаккирдир. Унинг қарашларида бирор бир мутаассиблик, кўр-кўрона ақидапараслик намунасини

кўрмаймиз. У зийрак ва хушёр кўз билан дунёга назар солади, инсонни қандай бўлса, шундай олиб ўрганади, инсон қалби тўридаги энг нозик, энг инжа, энг яширин сирларни ошкор этади, руҳимиз иқлимларидаги ўзимиз сезмаган қонуниятлар, зуруриятларни кўрсатиб беради. Шу боис “Фихи мо фихий” ни ботиний илмлар баённомаси, ўз-ўзини, ўзликни ва илоҳни таниш китоби деб айта оламиз.

Жалололдин Румий одамни тадқиқ этади, унинг табиатини ва интилишларини кузатади, ботиний жилолар ва сурилишлар, қалб силжишларини қидириб топади. Инсоннинг иймон гавҳари, буюклиги баробарида, нуқсонлари – нафси, ҳирси оқибатида келиб чиқадиган ёвузликларини таҳлил этиб, булардан қўтилиш, покланиш йўллари, фазилатини баён этади.

Шу тахлит, инсоннинг маънавий камолоти йўллари, маърифатли бўлиш, файзу футухга, пайғамбар суннатига содиқ бўлишнинг аҳамияти, муҳимлиги ёритилади. Румийнинг ҳар бир фикри – бир машъала, бир чирок, шундоққина қалбга қўйиладиган зиёдир. Улуғ мутафаккир инсон камолти учун муктадир бир курашчи бўлиб майдога чиқади, инсон боласини унинг ўзига таништиради, ёмонликдан нафратланиш ва яхшиликдан, илоҳиликдан фахрланишга ўргатади.


Жалололдин Румийнинг буюклиги яна шундаки, у исломнинг буюк шоири ва мутафаккири бўлгани ҳолда барча мазҳаблар динлардан юқори кўтарила олди, бани башарни бирлаштирувчи ягона илоҳий ғояларни олға суриб, кишиларни бир-бирига яқинлаштирувчи эътиқод ва иймон, ишқ ва сифиниш, поклик ва тавбадан сўз очди: “Йўллар мухталиф, аммо мақсад бир, яъни Оллоҳ ҳузурини”, дея Улуғ Тангри ҳақиқати олдида жами махлуқот баробарлигини исботлади. “Фихи мо фихи”да руҳ диалектикаси, инсон майллари, тушунча – тасаввурлари эҳтиёж ва талаблари, изтироб ва кийноқлари, зиддиятлар ва мувофиқликлар, кураш ва ғалаба, йўқлик ва борлик, руё ва ҳақиқат, жисм ва жон ва ҳоказолар устида билдирилган фикрлари шунчалик чуқур ва шу қадар ёрқинки, бу фикрларни бундан етти юз йил илгари айтилганига ишонқирамай қоласан, гуё улар бугун айтилгандай. Фалсафаси Ҳегел ва Марксдан, Шопенгауэр ва Кантдан, Нитшче ва Фрейддан ўрганган кишилар “Фихи мо фихий” ни ўқиб, ҳаммаси ўзимизда аллақачон бор эканку, ҳаммаси айтилган эканку дейишлари табиий. Ҳа Румий ҳали кашф этилмаган тафаккур хазинаси, бизга етиб келмаган маънолар уммони эди. “Фихи мо фихий” шу уммондан бир дарё бўлиб оқиб келади.

Жалололдин Румийнинг машҳур асари “Маснавий маънавий”дир. Асарда “Қурони Карим” ва Ҳадиси шариф маъноларини ўзида сингдирган, инсон ҳаёти билан боғлиқ барча масалалар бадийий йўсиндаги баён этилган. 6 жилд (дафтар)дан иборат асарнинг дастлабки қисмларини адибнинг шогирди Ҳисомиддин Чалабий устози оғзидан ёзиб олиб, таҳлилдан ўтказган. Чалабий вафотидан сўнг муаллиф асарнинг давомини 10 йилда ёзиб тугатади. Қуръони Карим оятларининг моҳиятини ўзида жамлаштирган, 270 дан зиёд ҳикояларни, юзлаб панду-насихатларни ўз ичига олган бу китоб ўз вақтида ва кейинчалик ҳам ёзувчи номининг дунёга тарқалишига сабаб бўлган. Чунки Жалололдин Румий маснавийда ўзигача бўлган Шарқу- Ғарб донишмандларининг фалсафий

қарашларини, исломий фарзларни содда бир услубда, шеърый йўл билан бадий ифодалаган. Қисса ва ҳикояларида пайғамбарлар ҳаётидан турли мўжизалар келтириб, исломий-тасаввуф ғояларини тарғиб этган бўлса, бошқа туркум ҳикояларида бевосида инсоннинг кундалик турмуш, илм-маърифат касб этиши хунар ўрганиш йўлидаги риёзатларини бадий тасвирлаб, чуқур фалсафий хулоса чиқаришга ундаган.

Жалолиддин Румий ижоди юксак баддияти билангина эмас, балки мантик кучи, фалсафий фикрларга бойлиги билан ҳам катта таъсир кучига эга. Унинг табиат ва жамият ҳодисаларининг доимий ўсиш, ўзгаришда экани, эскининг йўқолиб, янгининг пайдо бўлиши - “дунёнинг зиддиятлар бирлигидаги зиддиятлар жанги”дан иборатлиги тўғрисидаги қарашлари диалектик методни яратишга ёрдам берди. Жалолиддин Румий инсон иродасини озодликнинг бирдан бир воситаси деб ҳисоблаб, ахлоқ принциплари ва категорияларини шу асосда ҳал қилади. Унинг қайт қилишича, инсон ўз хулқини идора қилишда озоддир. Яъни, ёмон хулқдан узоклашиб, яхши хулқга интилади.

Комил инсон ва унинг шакллантириш ғоясининг ривожланиши



Жалоддин Румий фалсафада инсон шахсиятига хурмат, кишилар биродарлиги, халқ ва миллатлар дўстиги ҳақидаги педагогик ғоя алоҳида ўрин тутади.

Профессор Н. Комилов “Азизиддин Насафийни комил инсон тадқиқотчиси дейиш мумкин, чунки унинг барча рисолаларида инсон ҳилқати, унинг эстеъдоди ва нуқсонлари, инсонни камол топтириш омиллари ўрганилди сўфиёна ва илмий ифодаланди”¹ дейди.

Азизиддин ибн Муҳаммад ан-Насафий-шоир тасаввуф фалсафасининг йирик вакили. Шайх Нажмиддин кубро таълимоти ва Муҳйиддин ибн Арабий тариқатини ўзаро боғлаган кубравия машойихларидан бири. Дастлаб Насаф, сўнг Бухоро мадрасаларида таълим олган. Асосан, фалсафа ва ҳикматни ўрганган, тиб, илмида ҳам юксак маҳоратга эга бўлган. Азизиддин Насафий 1243-1251 йиллар Хуросонда етук орифлардан бўмиш Саъдиддин Ҳамавий (Ҳамуйа 1191-1252) билан танишиш натижасида таввуф йўлига кирган.

Форс тилида ижод қилган. “Инсонни комил” асари Азизиддин Насафий рисолаларининг мажмуаси ҳам деб юртилади. 1 муқадима ва турли мавзуларга бағишланган 2 рисоладан иборат. Ундаги рисолаларнинг кўпи “Манозил ус-сойирин” (“Йўловчилар қўналғаси”)нинг баъзи нусхаларида учрайди. Ушбу асар 556 саҳифа бўлиб, ирфон ва ҳикмат масалалари асоси ҳақида “Мақсад ул-ақсо” (“Сўнги мақсад”) асар 8 фасл, 8 боб ва 1 хотимадан иборат. Шунингдек, “Зубдат-ул ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”), “Усул ва фуруъ” (“Илдизлар ва бутоқлар”), “Мабдаъ ва маъод” (“Асл макон ва (унга) қайтиш”), “Мифтоқ ул-асрор” (“Сирлар калити”), “Нафси инсоний”, “Ваҳдали вужуд” ва бошқа китоблари чет элларда чоп этилган. Олам ва одам бирлиги таълимоти Азизиддин Насафий асарларининг моҳиятини ташкил этади.

Азизиддин Насафий ижоди араб, инглиз, немис, француз, турк, ҳинд, рус олимлари томонидан тадқиқ этилган. Қўлёзма нусхалари Вена, Лондон, Калькутта, Душанбе, Истамбул, Санкт-Петербург, Техрон шаҳарлари кутубхоналарида, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзма фондида сақланади. “Зубдат ул ҳақойиқ” асари Н. Комилов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Жумладан, Азизиддин Насафийнинг педагогик мероси алоҳида ўрганилиши тасаввуф таълимоти ва педагогика тарихи ўзаро боғлиқлиги инсонни комплекс тадқиқотига янги йўналиш очган бўлади. Н. Комилов таъкидлаганидек: XIII аср Шарқ халқлари маънавияти ва тафаккури тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврга келиб, калом илми, фалсафа ва тасаввуф камол топди. Натижада ҳар учалла соҳани бирлаштирган ажойиб олимлар ва мутафаккир адиблар етишиб чиқди. Ана шундай мутафаккирлардан бири

¹ Комилов Н. Тасаввуф.- Т.: Ёзувчи,-1996 .

атокли ватандошимиз Азизиддин ибн Муҳаммад ан Насафийдир¹ Азизиддин Насафийнинг “Кашфул ҳақойиқ” (Ҳақиқатларни очилиши), “Зубдатул ҳақойиқ” (Ҳақиқатлар қаймоғи) . Бу китобларда Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатлар омухта этилган тасаввуф ва фалсафани кўшиб, комил инсон таълимотининг ривожланиш босқичлари ўз ифодасини топган.

У ҳаётий инсонни, одам туғилганидан камол топгангача жараёнини изчил асослайди. У комил инсоннинг ижтимоий моҳиятини шаклланиш жараёнини илмий таҳлил этади, ислом таълимотига қарашларни чоғиштиради.

“Зубдат ул ҳақойиқ ” китобининг кириш қисмида муаллиф олами кубро ва олами суғро ҳақида бир рисола битишни, “барча илм аҳли фикр – мулоҳазаларни ҳолисона баён этиб” берганини ёзади

Бобларнинг мундарижаси мантиқан изчиллиги китобни илмий қимматидан далолат беради. Биринчи боб олами кубро (катта оламни билиш ҳақида, у уч фасл (қисм)дан иборат: Биринчи фасл шариат аҳлининг сўзлари, иккинчи фасл ҳикмат аҳли сўзлари, учунчи асл ваҳдод аҳлининг сўзлари баёнида аввало олами куброни билиш зарурлигини олам тушунчасининг моҳияти, кичик инсон олами (инсони суғро), улуғ инсон (инсони кубро) ва катта олам муҳитини ифодалайди. Биринчи боб. биринчи фаслда олам ва одам муаммоси ҳақида шариат аҳлининг ғояларини умумлаштиради. Шариат аҳлининг инсоний камолотда чегара, меъёр “тақдири азал” ҳақидаги қарашларга эътироз билдиради.” Бинобарин одамларнинг сўзлари ва фаолият- ишлари учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг саъи – ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қилса, билим ва даражаси шунча ортади. Яхшилик ва ёмонлик қилиш, кам ейиш ёки кўп ейиш – инсон ихтиёридаги иш, у қанча меҳнат ва куч сарфласа, шунча имкон топади²

Азизиддин Насафий шариат аҳлининг мутлоқ олам ва одам ҳақидаги қарашларини руҳ ва руҳнинг даражалари, “жисм даражалари”ни мукамал таҳлил этади. “Ҳикмат аҳлининг улуғ олам” бобида инсоннинг ўрни, инсоний фазилатлари борасидаги ўш давргача бўлган қарашларни таҳлил қилади. Ҳикмат аҳли икки хил вужуднинг мавжудлигини тан олиши бир азалий, иккинчиси ўтқинчи” эканлигини таъкидлайди. Уларнинг фикрича “Вожибул-вужуд Раббил оламиндир имконий вужуд Тангри таоло яратган оламдир”.

Табиатнинг ранг-баранглиги, ўзгариб туриши инсон камолотига таъсири ҳақида шундай дейди: “Одамлар ўртасидаги фарқлар ана шу айтилганлардан келиб чиқади.” яъни улар (жонларнинг қайси манбаадан тутгани ва азминан арбаа (тўрт фасл)нинг ҳосиятидан келиб чиқади”Бахт ва бахтсизлик, заковат тўндлик, қашшоқлик ва бойлик, улуғворлик ва пастлик, умрнинг узоқлиги ва қисқалиги ва бошқа буларнинг ҳаммаси фасллар ҳосиятининг алоҳида таъсиридир. Пайғамбарлар, авлиёлар, ва дошинмандлар бир овоздан замон ва маконинг ҳамма нарсага, айниқса одамга кучли таъсири борлигини тасдиқлайдилар.

¹ Азизиддин Насафий “Зубдат ул ҳақойиқ” Т. “Камалак” 1995 йил 3-б 56 б

² Азизиддин Насафий “Зубдат ул ҳақойиқ” Т. “Камалак” 1995 йил 3-б 56 б

Азизиддин Насафий инсон тақдири ва уни тарбиялашдаги тадбир ўзаро боғлиқлигини, шахс шакллантиришда фаолият ҳал қилувчи омил эканлигини асослайди. “Тақдир ҳам, тадбир ҳам бир нарса”..... фикр ва тадбирлар таъсир кучига эга, аммо инсоннинг ҳиммати (интилиши) ва орзуси бу сифатларга эга эмас. Ҳа, кўп донишмадлар солиҳ фарзанд тарбиялайдилар, ўз болаларини ўзларига ўхшашига ҳаракат қиладилар. Аммо, йўқ аксинча, улар “донишмадларнинг болалари жохил ва фоҳиш бўлиб етишадилар, ҳа, қиссахон ва хуш овоз хонандалар бола- чақа қилиб болаларини ўзларига ўхшашлари учун куч сарфлайдилар. Йўқ, аксинча, уларнинг болалари ҳокимлар ва солиҳ тақводор шахслар бўлиб етишадилар”¹.

Муаллиф “фаолият ва тарбия инсон тақдирини ҳал қилувчи омил эканлигини: улуғ ниятлар ҳаракат фаолликсиз аҳамият касб этмаслигини” асослайди. Юқорида таъкидлаганимиздек “Зубдат ул ҳақойиқ” китобида олам ва одамнинг пайдо бўлиши, макон, замон инсон, инсоний бурч, камолотга эришиш имкониятлар ҳақида қараш қиёсий таҳлил этилади. Биринчи бобнинг хулосасида, “инсоннинг вазифаси узлуксиз маърифатга интилиш нур билан тўлдириш ва илм топиб мусаффолик сари интилишдир”²-деб ёзади.

Мутафаккир инсоннинг юксакликка эришишида қобилияти, имкониятлари, ҳиммати ва маърифатга интилиши бир-бирини тўлдиришни уқтиради. Қобилиятнинг моҳияти ҳақида: “одам қанча қобилиятли бўлса қанча кўшиш этса куч сарфласа, унинг мавқие шунча баланд бўлади. Ҳар бир кишининг мақоми унинг илми ва амалига муносибдир. Ҳар бир одамда икки хил қобилият бор. Биринчиси, тўрт фасл ҳаракати таъсирида қобилиятдир у наслдан мерос бўлиб, уни саъйи ҳаракат билан эгаллаб бўлмайди. ...Инсонийлик ҳадди чегарасини эгаллаган ҳар бир киши комил инсон бўлади.”³ деб таъкидлайди.

Азиддин Насафийнинг “Зубдат ул ҳақойиқ” китоби педагогика ва психология тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, инсонни объект сифатида ўрганиш бўйича илмий-педагогик тадқиқотларда маълум ютуқларга эришилган. Лекин шахс камолотининг самарали омили ўзлигини билиш ва ўз-ўзини тарбиялаш назарияси тарихи тадқиқ этилмаган. Шунинг учун бўлса керак бой педагогик меросимиздаги инсоншунослик илмининг тарихий тараққиёти ўрганилмаган. инсонни бир бутунликда ўрганиш борасида Азиддин Насафий илмий мероси алоҳида аҳамиятга эга.

Проф. Н Комилов “Тасаввуф”⁴ китобида ёзганидек: “Насафий исломдаги бир нечта илмнинг инсонга бўлган қарашлари муносабатини чоғиштиради, инсонни кайҳоний вужуд сифатида ҳам, ер махлукоти сифатида ҳам таҳқиқ ва тадқиқ этади. Насафийда комил инсон руҳ тушунчаси билан зид алоқада текширилади. Инсон мартабалари руҳ мартабалари сифатида олиб қаралади”.

Азизиддин Насафий комилликка эришининг асосий йўларидан бири ҳам инсон ўзлигини англаши деб билади. У китобхонга мурожат қилиб “Эй пири

¹ Ўша асар

² Ўша асар.

³ Ўша асар.

⁴ Комилов Н. Тасаввуф.- Т.: Ёзувчи,-1996 .

дарвеш ҳамма бир нарсага иқрордир. Кимки ўзини англаган, ўзини таниган бўлса Раббини англайди ва танийди. Ўзини таниган киши улуғ олам (олам кабр)ни ҳам англайди: - шунинг учун барча кучни ўз-ўзини англашга сарфлаш лозим”¹ деб ёзади деди.

Албатта комил инсон сийратини моделини яратиш ҳам муҳим длозарб муаммодир.. Комил инсон сийратини яратишда кишилик жамияти тарихий тараққиётидаги тажрибалар умумлаштирилган. Лекин ҳар бир даврнинг комил инсонини ўзига хос мезони, модели бўлади. Масалан ўтган асрларда баркамол инсон компьютер техникасидан фойдаланиши маҳоратини эгаллаши талабини кўйиш ғайри табиий ҳол бўлур эди.

Азизиддин Насафий ўз даври учун қимматли аҳамиятга эга бўлган комил инсон сийратини яратган. Унинг меросининг аҳамияти шундаки, у комил инсонни шакллантириш жараёнини илми асолайди. Ўша даврда уруғдон бола учун она қорнида шаклланиш жараёнини физиологик таҳлил қилади. Китобнинг “кичик олам” ҳақидаги иккинчи боби” инсон ва инсон даражалари тўғрисида”, “Одамга камолотга эришиш учун зарур бўлган жами нарсалар уруғда мужассам” деб ёзади. Бу билан шахснинг камолотидаги ирсиятнинг ўрни ва унинг табиат таъсиридаги ривожланиш жараёнини илмий асослашга эришган.

Дастлабки ойдан ва бола дунёга келгунча ривожланиш жараёни одамнинг мижозий хусусиятлари она қорнидаёқ таркиб топишини ифодалайди. Бу бобда бир одам аъзосини шаклланиши ҳар бир аъзонинг вазифалари атрофлича таҳлилини кўрамыз.

Иккинчи бобнинг “олтинчи фасли”да миянинг вазифалари, инсоннинг психологик хусусиятлари қўйидагича таҳлил этилади.”Билгилки мияда жойлашган кўнгил (жон) руҳ- англовчи бекор этувчидир. Унинг англаш (тушуниш) фаолияти икки кўринишга эга. Биринчиси зоҳирий ва ботиний (фаолият). Зоҳирийга мияси беш қисмдан иборат яъни булар ташқи хислар бўлиб, улар бештадир-эшитиш, кўриш, бадан билан сезиш, тан билиш, ҳид билиш; ички (ботиний) хислар ҳам бештадир; акли солим (маъно), тасаввур, таҳйюлф, ҳофиза, қувваи қиёс”². Мутафаккир инсоннинг улуғлиги, буюклиги ҳам бошқа жонзодлардан устунлиги ҳам уни руҳий фазилатларида деб билади. Инсоннинг поғоналар бўйича кўтарилиши асоси унинг руҳий фазилатлари илм – маърифат ва фаолиятида эканлигини ифодалайди, “Инсон илми даражаси оширилган сари олийжаноброқ ва буюкроқ бўлади”³- деган хулосага келади.

Азизиддин Насафийнинг комил инсон ҳақидаги таълимоти асосида ўзликни билишга интилиш ғояси ётади. Китобни иккинчи бобида бу фикрни давом эттиради. “Эй дарвеш, ахлоқий хислатларга безанмаган, ўзини танимаган одамлар кўп, аммо улар ҳали комил эмас. Бинобарин инсонни камолотга эришиши тугал ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниши билан амалга ошади.”⁴ Мутафаккир ўзи таъкидлаганидек, “инсон ва инсоний мартабалар ҳақида” ҳеч

¹ Ўша асар.

² Насафий Азизиддин. Зубдат ул ҳақойиқ.- Т.: Камалак. .- 1995

³ Ўша асар.

⁴ Ўша асар.

ким ёзмаган “бу хиру ботин дўкони ва ўз-ўзини англаш калитидир?”¹ деган хулосага келади. Азизиддин Насафийнинг комил инсон, инсонни бир бутунликда ўрганиш, “Рух ва жисм” ривожланиши уйғунлиги бугунги кунда инсоншунослик фанларининг ўзаро ҳамкорлигини тақозо этади.

Агар “Авесто”² китобида комил инсон фазилатларида “эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал” ифодаланган бўлса, Азизиддин Насафий буни қўйидагича ифодалайди: “Солихларнинг камолоти қуйидагича тўрт нарсададир, яъни хайрли сўз, хайрли иш, хайрли хулқ ва маърифат.” Тарбия инсондаги, имкониятларини ошириш уни қобилиятларини рўёбга чиқариш воситасидир деган хулосага келади.

Азизиддин Насафий таълимотида яна бир ғоя нимани изласанг ўзингдан изла” ғоясидир. Камолотга эришиш “икки дунёда фаровонлик инсоннинг фаолиятига, меҳнатига боғлиқлиги ҳақидаги қуйидаги мисралар ибратлидир:


“Бир сават ширмой нон турар бошингда,
Тилайсан эшикдан бурда нон нечун?
Кишилар эшигин тақиллатгунча,
Қоқсанг-чи, эй нодон, дилнинг эшигин!”³

¹ Ўша асар, 11 бет.

² Ҳомидов Х. “Авесто” файзлари. –Т.: Халқ мероси, 2001. – 96 б.
Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. –Т.: Шарқ, 2000. – 64 б.

³ Насафий Азизиддин. Зубдат ул ҳақойиқ.- Т.: Камалак. - 1995

**АЗИЗИДДИН ИБН МУҲАММАД АН-НАСАФИЙНИНГ КОМИЛ ИНСОН
ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ**



2.7. Тарихий-бадий асарларни педагогик таҳлил методлари

Мумтоз бадий асарлар жамият тарихининг, маданият тарихининг солномасидир. Бундай асарлар халқнинг маънавий бойлиги, илмий хазинасидир. Кейинги етмиш йил давомида халқни ана шу илмий-маърифий бойлигидан маҳрум қилишга зўр бериб ҳаракат этилди. Халқимизнинг туганмас маънавий хазинасининг нурли йўллари яна очилмоқда. Ана шу илм, маърифий

манбаларидан халқни, ёш авлодни баҳраманд қилишнинг самарали усуллари ва дастурини яратиш педагогика фани зиммасига тушади. Мустақиллик мафқураси, миллий ва умуминсоний кадриятларни эгаллаган, Ватанни севувчи халқ билан фахрланадиган фидойи авлодни тарбиялаш тизимини яратиш ҳам педагогика фани зиммасида.

Тарихий-бадий асарларнинг ҳозиргача бўлган педагогик тадқиқоти бир томонлама ўтказилган. Ҳақиқий маънавият хазинаси, бўлган илмий- бадий асарлар эндигина ўрганила бошланди. Аммо уни ўрганиш тизимини, дастурини яратиш борасида бошланғич педагогик тадқиқотлар ниҳоясига етганича йўқ. Ёшларимизнинг маънавий бойиши, эътиқоди, дунёқараши таркиб топиши учун бу манбалардан фойдаланиш методикасини яратишни педагогик тадқиқотлар ҳал қилади. Педагогик тадқиқотларнинг самарадорлиги-тадқиқотнинг мақсади, предмети ва объектларини аниқ белгилаш, оптимал методларни танлашга боғлиқ. Тарихий-бадий асарларнинг педагогик асосларини илмий таҳлил этиш ўзига хос методология ва методикага эгадир.

Тарихий-бадий асарлар икки туркумга бўлинади: биринчиси қадим замонларда, ўтмишда яратилган бадий асарлар, иккинчиси-замонамиз адибларининг тарихий мавзулар бўйича ёзган асарлари.

Иккинчи туркумга Ойбекнинг «Навоий», П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар», О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», каби ўнлаб бадий асарлари киради. Бундай асарлар асосан буюк мутафаккирлар, саркардалар ҳаёти тимсолида ўша даврнинг сиёсий, иқтисодий турмуши, маданияти ҳақида ҳикоя қилади.

Тарихий-бадий асарлар ҳақида диссертация, монография, рисола ва илмий мақола шаклидаги педагогик тадқиқотлар мавжуд. Диссертацияларда педагогик илмий тадқиқот методлари кўрсатилади, лекин айнан шу методлар ёрдамида олинган натижалар аниқланиши тадқиқот аҳамиятини оширади. Масалан, айрим маърифатпарвар адибларнинг педагогик фаолияти ва педагогик қарашлари илмий-тадқиқот предмети бўлган. Тарихий-бадий манбаларни илмий тадқиқ этиш ундан қандай фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир

Тарбиянинг тарихийлиги тамойили ҳам педагогик меросни, маданий ва маърифий меросни ўрганишни тақозо этади. Шунинг учун тарихий асарларнинг тадқиқотида асосий методларидан бири тарихийлик ва мантиқийлик тамойилидир. Ҳар бир педагогик ғоянинг ўз даври учун аҳамиятли, шунингдек, бугунги кундаги қиммати, методик тавсиялар билан мукамал бўлиши талаб этилади. Фан, фан учун, тадқиқот-тадқиқот учун эмас, ижтимоий ҳаёт таракқиётининг омили бўлиши лозим.

Ваҳоланки, Абдулла Авлонийнинг педагогик мероси ҳам бир томонлама ўрганилган. Буюк адиб ва педагогнинг меросидаги шарқона ўзига хослик ва ўша замона даражасидаги педагогика илмини яратгани очилмаган. А.Авлоний меросида адабиёт ва педагогиканинг том маънодаги боғлиқлиги кўрсатилмаган. Педагогиканинг илмий масалаларини бадий тилда ёрита олган, А.Авлоний меросини Л.Н.Толстой, К.Д.Ушинский, А.С.Макаренколар меросига қиёслаш мумкин.

А. Авлоний миллий педагогикага асос солган мутафаккир эканлиги, унинг ҳар бир асари ўзбек халқининг истиқлоли ва истиқболлини ёритгани ўз баҳосини топиши керак. Бугунги кунда бу яратган интенсив таълим методи: адабиётни одобнома асосида ўрганиш; «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ»¹ асарини одобнома дарслиги сифатида қўллаш, мактаб ҳақида шеърларидан мактаб мадҳиясини яратилиши педагогик тадқиқотларнинг долзарб муаммосидир.


Тарихий шахслар ҳақидаги бадиий асарлардан фойдаланиш таълим-тарбиянинг уйғунлигини таъминлайди. Ўрганаётган мавзуга нисбатан ўқувчида қизиқиш ҳосил қилади, билимнинг нафосатли, завқли бўлишига шароит яратади. Бу асарлар дарсдан ташқари ўқиш синфдан ташқари тарбиявий ишлар, адабий-бадиий кечалар ташкил этиш учун қулай воситадир.

Педагогик илмий-тадқиқот методларини икки туркумга бўлиш мумкин. Биринчиси тарихий мантиқий методлар бўлиб, улар педагогик мероснинг илмий-назарий қимматини аниқлашда қўлланилади. Иккинчи туркум тадқиқот методлари орқали ўрганилаётган-тарихий педагогик мероснинг амалий аҳамияти аниқланади, бу меросдан фойдаланишнинг мазмуни, шакллари, йўллари кўрсатилади. Албатта, тадқиқотнинг мавзуси, мақсади, объекти ва предметдан келиб чиқиб метод танланади. Педагогиканинг, педагогика тарихининг бадиий адабиёт билан боғлиқлик қонунияти методологик асос бўлади. Педагогик назарияларнинг ривожланишида изчиллик, ҳар бир мутафаккирнинг меросидаги ўзига хослик ва ўхшашликни таҳлил этишда аналитик методни тавсия этилади. Шунингдек, анализ ва синтез, индуктив ва дедуктив методлар ҳам педагогик меросни ўрганишда қўл келади.

Буюк мутафаккирлар ҳақида ёзилган бадиий асарларда тарих жонлантирилади, китобхон илмий асардан кўра бадиий асарни қизиқиб ўқийди, енгил ҳазм қилади. Маданият тарихи, мактаблар тарихи, педагогик мерос тарихи билан танишади. Шунингдек, буюк мутафаккирларнинг ҳаёти, фаолияти китобхон учун ибрат намуна бўлади. Демак, тарихий-бадиий асарларни таълим-тарбия жараёнида қўллаш методикасини яратиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. Шу мақсадда педагогик тадқиқотларнинг предмети бўлиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бадиий асар объектида педагогик тадқиқот бажариш ўзига хос методлар танлашни талаб қилади. Тарихий-бадиий асарлар амалий қимматини аниқлаш илмий-педагогик методларининг қуйидаги схемасини тавсия этамиз. (тузмалар).

¹ Авлоний, Абдулла. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Чўлпон, 1994. – 237 б.


Мутафаккир адибларнинг педагогик меросини ўрганишнинг илмий тадқиқоти



тузма

Буюк мутафаккирларнинг педагогик меросини қиёсий

таҳлили





тузма

**Педагогик мероснинг амалий қимматини аниқлаш
методлари**

Педагогик эксперимент	Оммавий педагогик тажрибани кузатиш, ўрганиш	Социологик метод	Математика метод	Тест методи
Натижалар ва тавсиялар				

Тарихий-бадий асарлар объектида педагогик тадқиқот методлари қиёси			
Педагогика тарихи билан адабиёт тарихининг боғлиқлиги			
Тадқиқот мақсади педагогик мероснинг илмий амалий қимматини аниқлаш			
Фольклор асарларда халқ	Мутафаккир адибларнинг педагогик	Буюк мутафаккирларнинг	Амалий қимматини

педагогикаси масалалари тадқиқи	меросини таҳлили	педагогик меросни қиёсий таҳлили	аниқлаш методлари
Тарихий мантиқий таҳлил	Тарихий мантиқий таҳлил	Тарихий мантиқий таҳлил	Педагогик эксперимент
Миллий ва умуминсоний қадриятлар таҳлили	Ижодкор яшаган ижтимоий муҳит ва унинг ҳаёти	Аналитек ўрганиш методи	Оммавий педагогик тажрибани ўрганиш ва, кузатиш
Баркамол инсон тарбияси таҳлили	Мутафаккир асарларида педагогик жараён қонуниятларини ёритилиши	Ҳаёти ва ижодини борлиқда таҳлил этиш	Социологик метод
Тарбия қонуниятлари ва принциплари таҳлили	Тарбиянинг мақсади, мазмуни, методлари ва таркибий қисмларини ёритилиши	Ҳар қайсининг ўзига хослиги ва адабий маҳорати	Математик метод
Таълим жараёни, таълим қонуниятлари, мазмуни методларини ёритилиши	Таълим жараёни таълим қонуниятлари, мазмуни методларининг ёритилиши	Педагогик масалаларни ёритишда изчиллик	Тест методи
Таълим тизими ва ўқитувчилик маҳоратини ёритилиши		Тарбия назарияси ва амалиёти масалалари ёритилиши	Натижалар ва тавсиялар
		Таълим тизимининг ёритилиши	

Тарихий-бадий асарлардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун педагогик илмий-тадқиқотини қўллаш лозимлиги тузмаларда кўриниб турибди. Яъни, тарихий-бадий асарнинг таълим-тарбиявий имкониятини ва бадий хусусиятларини билиш тадқиқотнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Дидактиканинг билиш назарияси асарни кимга ўргатиш ва қандай ўргатиш мезонига риоя қилишни талаб этади. Таълим ва тарбия воситаларидан фойдаланишнинг оптимал ва шароитини белгилашда ва эришилган натижаларни аниқлашда тест методи кенг қўлланилади.

Демак, педагогик тадқиқот бадий адабиётнинг илмий-амалий қиммати масаласида бўлса, унинг мақсади, объекти, предметиға мос тадқиқот методлари қўлланилади. Тарихий-бадий асарлар объектида турли йўналишида педагогик тадқиқотлар методикасини таққослаб ва умумлаштириб қуйидаги тузмани қўллашга тавсия қиламиз. Бу қиёсий таҳлил ҳар бир йўналишдаги тадқиқотнинг ўзига хос методлари билан бирга педагогика билан бадий адабиётнинг ўзаро боғлиқлиги методологиясига таянишини кўрамиз. Шунингдек умумий методологияга асосланган ҳозирги давр адабиёти соҳасида педагогик тадқиқот олиб бориш методларининг ўзига хос йўналишлари мавжуд.

Таянч тушунчалар:

Фан тарихи, халқ педагогикаси, педагогика тарихи манбалари, тамойил, ғоя, миллий, умуминсоний, халқ оғзаки ижоди, тасаввуф, ўзлик, устоз, шогирд.

Мустақил таълим саволлари

1. Фан тарихи
2. Халқ педагогикаси
3. Педагогика тарихи манбалари
4. Педагогика тарихининг методологик асоси
5. миллий мафкура, миллий ғоя
6. Умуминсонийлик
7. Халқ оғзаки ижоди
8. Тасаввуф тушунчаси
9. Педагогиканинг тасаввуф билан боғлиқлик тамойиллари

III-BOB. ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

3.1. Педагогик тадқиқотларда замонавий умумметодологик

концептуал ёндашувлар

- Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт моделида мамлакат ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизлари, тамойиллари: умуминсоний кадриятларга содиқлик, миллий кадриятларни ўрганиш ва ривожлантириш, ҳар бир шахснинг ҳартомонлама шаклланишига шарт-шароит яратиш, ватанпарварлик;

- Ўзбекистон кадрлар тайёрлаш Миллий моделида фан, фаннинг жаҳон фанига интеграцияси, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини илмий-методик таъминлаш XXI асрда фаннинг устуворлиги, ўз предмети бўйича ижтимоий-иқтисодий тараққиётга самарали хизмат қилиш;

- Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт моделида баркамол авлодни шакллантириш дастури, миллий ғоя “комил инсон” тамойили, ҳар бир шахсни ҳартомонлама камол топтириш концепцияси;

- Таълим-тарбиянинг бирлиги шарқона ҳаёт фалсафаси эканлиги;

- Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шarti таълимоти;

- Тарихий хотирасиз-келажак йўқ, “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти”;

- «Инсон қалбига йўл таълим-тарбиядан бошланади» Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов таълимоти.

- Таълим-тарбия мазмуни, методлари ва воситаларини модернизациялаш;

- Таълим-тарбия жараёнини моделлаштириш;

- Компетентли ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш;

- Педагогик антропология-шахс ва жамият интеграцияси омили;

- Акмеологик ёндашув асосида ёшларда ижодкорлик ва тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш;

- Таълим парадигмалари ва дидактик қонуниятлар асосида ёндашув;

- Тарбия парадигмалари;

- Таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш;

- Ўзбекистонда ҳамкорлик педагогикасининг ўзига хос хусусиятлари, маҳалла, ижтимоий нодавлат институтлари, таълим-тарбия умумхалқ иши эканлиги;

- Глобаллашув шароитида ёшларнинг тил маданияти, ахборот тизимидан фойдаланиш маданияти, мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

- Инсоншунослик предметида педагогиканинг фанлараро боғлиқлиги тамойиллари:

Инсоншунослик - “Инсон” - шахс, одам, “шунослик” - форсча – билиш, ўрганиш, таълимот деган маънолардан иборат бўлиб, фаншуносликнинг бир бўлимидир. Яъни, ижтимоий зарурат асосида инсоннинг ўзини ўрганадиган,

равнақ топишига йўналган, объектив табиати ва ижтимоий воқелик тажрибаларини фан сифатида умумлашмасидир. Афсуски, инсоншунослик тушунчаси узоқ асрлардан бери қўлланиб келинсада, луғатларда у ҳақида маълумот йўқ. Инсонни ўрганадиган фанлар ҳар қандай алоҳида ўз предмети ва вазифаларига эга бўлса-да, инсоншунослик тушунчасининг моҳияти ва предмети аниқ белгиланмаган.

Инсоншунослик инсонни бир бутунликда ўрганишдир. Қадимги юнон файласуфлари асарларида инсоншунослик фанига маълум даражада асос солинган. Рениссанснинг бешиги бўлган Марказий Осиёда ўрта асрлардаёқ том маънодаги инсоншунослик фани ривожланган. Маълумки, инсонни улуғлаш, ўрганиш уйғониш даврининг ўзига хос тамойилларидан биридир. Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино инсон билан боғлиқ ҳолда, табиий, ижтимоий хусусиятларини бир бутунликда ўрганиш ва уни тарбиялаш масаласини илмий ҳамда амалий асослаганлар.

Инсоншунослик тушунчасини инсонпарварлик билан аралаштириб, алмаштириб ишлатиш ҳолларига йўл қўйилади. Инсонпарварлик тушунчасига айрим луғатларда изоҳ берилган. Жумладан, “Фалсафа луғати” да шундай ифодаланади: ...инсонпарварлик, инсоннинг фазилатлари ва ҳуқуқларини ҳурмат қилишни, кишиларнинг бахт – саодати тўғрисида, уларни ҳар томонлама камол топтириш тўғрисида, ижтимоий ҳаётда инсонга шарт – шароит яратиш бериш ҳақида ғамхўрлик этишни ифодаловчи қарашлар мажмуи”.

Инсонпарварлик аксарият ҳолларда инсонни қадрлаш, севиш маъносида ҳам ифодаланади. Кўриниб турибдики, иккаласида ҳам сўз ўзаги инсон бўлгани ҳолда икки хил маънони англатади. Инсоншунослик инсонни бир бутунликда ўрганадиган умумий фан, методологик таълимдир.

Агар бир томонлама қаралса, инсон ҳақидаги тадқиқотларнинг ҳисоби йўқ, юзлаб том китобларда сиғдириб бўлмайди. Аммо одилонга баҳо бериладиган бўлса, инсон ўзлигини жуда кам фоизда билади.

Жамиятнинг маънавий тараққиёти, инсон имкониятини эркин номоён қилиши, объектив ва субъектив омиллар уйғунлигини, ўзлигини билиш бўйича илмий қўлланмалар етарли эмас. Ҳанузгача инсоннинг келиб чиқиши ҳақида мунозаралар мавжуд. Асосий эътибор бири иккинчисини инкор этиш, ўз ғоясини исботлашга қаратилади. Тўғри, бу ҳам диалектик материализм қонунияти, илмий тадқиқотнинг талаби.

Узоқ йиллар давом этган “физиклар ва лириклар ” баҳсида гуманитар фанлар даврдан орқага қолган, предметсизлиги ҳақида ҳазиломуз гапларда ҳам жон бор. Чунки, табиий фанлар боғлиқлик бандларига кейинги ярим асрда янги фанлар пайдо бўлди ва оламшумул ихтиролар майдонга келди.

Ҳа, ижтимоий - гуманитар фанлар бир асрга яқин шовинистик ғоянинг қобиғида бўлди. Шу ғоя уларни бирлаштирди, бу методологик асос эди. Ижтимоий - гуманитар фанлар инсонга ўзлигини унутиб, коммунистик ғоя асосчиларини пайғамбар даражасида сингдириш бўйича маълум натижаларга эришди ҳам. Шукроналар бўлсинки, бу ғоя ҳукмронлигидан қутилди. Инсонни ўрганадиган фанларни уфқи кенгайди, халқимизнинг минг – минг

йиллик меросидан, жаҳон халқлари эришган муваффақиятлардан баҳраманд бўлиш имконияти яралди. Ижтимоий ҳаётдаги туб ўзгаришлар тадқиқотларга янги мазмун касб этгани, ҳар бир фандаги ютуқлар бунинг мисолидир.

Инсонни ўрганиш объектида ҳар бир фан у ёки бу соҳани тадқиқ этиш бўйича ўзининг предметини белгилайди. Масалан, антропология – одамнинг келиб чиқиши, эволюцияси, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, унинг тана тузилишидаги нормал фарқ, тафовут ва ўзгарувчанлиги ҳақидаги фанлар. Шунингдек, одам организмнинг тузилиши ва ривожланишига таъсир қиладиган физиологик, биокимёвий ва генетик омилларини одам биологияси ўрганади. Америкада этнография ҳам антропология таркибида ўрганилади.

Фалсафа табиат, жамият ва тафаккур ривожланишининг умумий қонуниятлари тўғрисидаги фандир. Борлиқ ва унинг ривожланиш муаммолари, диалектика назарияси, яъни, борлиқ муаммоси билан бир қаторда воқеликни билиш назариясини фалсафа фани ўрганади. Мустақиллик туфайли фалсафа коммунистик мафкура исканжасидан, жамият тараққиёти бир томонлама ўрганишдан қутилди.

“Ҳозирги вақтда фалсафа фанининг эътибор марказида турган муаммо-инсон муаммосидир, яъни инсонни табиатга, жамиятга кишиларнинг бир-бирларига муносабати, уларнинг ривожланиш қонуниятларини онгли равишда акс эттиришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг фалсафий тафаккур маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш фалсафа фанининг марказида турган асосий муаммони ташкил этади”¹.

Кўриниб турибдики, фалсафа инсонни ўрганишга йўл олди, инсон фалсафаси алоҳида соҳага айланди. Эҳтимол бу вазифаларни инсонни бир бутунликда – комплекс ўрганиш, инсоншунослик фанларининг ўзаро боғлиқлик қонуниятларини тадқиқ этиш, уларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш орқали амалга оширар.

Шуни таъкидлаш керакки, инсонни ўрганишдан узоқлашиш фанларни ижтимоий ва гуманитар туркумларга бўлишга олиб келди. Фалсафа ҳам ижтимоий фанлар таркибига кўшилади.

Инсонни ўрганадиган фанлар педагогика, психология, адабиётшунослик, тилшунослик, социалогия, антропология кабилар ҳисобланиб, ижтимоий фанлар инсон муаамосини умумий ўрганиши қайд этилади.

Психология турли ёшдаги одамларнинг туғилганидан умрининг охиригача психик ривожланиш жараёнини, шахсни шаклланиши ҳамда ўзаро муносабат қонуниятларини ўрганади.

Социология жамиятнинг яхлит тизим сифатида ўрганади, ижтимоий ташкилотлар, жараёнлар ва гуруҳларни шу тизимнинг қисмлари сифатида таҳлил этади ва бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар ҳам инсондаги объектив ҳолатни ва уни умумий ривожлантириш юзасида баҳс юритади. Асрлар бўйи мавжуд қонуниятлар ўрганилади ва давр ўзгариши билан унинг ўзгаришига баҳо берилади.

¹Туленов Ж., Ғофуров З. «Философия» Тошкент. Ўқитувчи. 1997 йил. 16 бет

Аммо инсонни тарбиялаш, уни ривожлантиришнинг аниқ қонуниятларини ишлаб чиқиш педагогика фанининг зиммасига тушади. Педагогиканинг предмети шахсни ривожлантириш билан тарбия ўртасидаги қонуниятни аниқлаш ва шу асосида тарбиявий фаолиятнинг назарий ҳамда методик асосларини ишлаб чиқади. Демак, педагогиканинг предмети шахсни ривожлантириш ва таркиб топтириш жараёнидир. Яъни, педагогика шахсни муайян мақсадга қарата таълим-тарбия бериш, ривожлантириш, таркиб топтириш моҳияти ва қонуниятлари ҳақидаги фандир.

Маълумки, педагогиканинг асосий вазифаси бўлган тарбия ижтимоий ходисадир. У кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан бошлаб пайдо бўлган. Тарбиялаш аввало ижтимоий ҳаёт жараёнида йиғилган тажрибаларни авлодларга етказиб беришдир. Ижтимоий тажрибалар моддий ва маънавий кадриятлар йиғиндиси сифатида ижтимоий онгнинг турли шаклларда (фан, санъат, ахлоқ) шунингдек, ижтимоий муносабатлар хулқ-атвор ва фаолият тизмида мужассамланганидир.

Тарбия ижтимоий ҳодиса сифатида инсон шахсини таркиб топтириш уни ҳаётга тайёрлаш воситаси сифатида пайдо бўлган ва шундай бўлиб қолади. Шахс камолоти, мураккаб диалектик жараён бўлиб, кишига таъсир кўрсатадиган объектив, субъектив омиллар стихияли ва махсус (онгли) йўналтириб борилади. Тарбиянинг мақсадлари, мазмуни, шакл ва методлари ҳар бир тарихий даврда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Ҳозирги даврда педагогиканинг вазифаси миллий истиқлол ғояларидан келиб чиқадиган таълим –тарбиянинг мазмуни ва методларини ишлаб чиқиш, миллий таълим тизимини яратиш ва ёш авлоднинг билим, маънавий маданиятини жаҳон андозалари даражасига етказишдир. Педагогика бола тарбияси ҳақидаги фан сифатида таркиб топган бўлса, фан-техника ривожланган даврда барча ёшдагиларга таълим-тарбия бериш қонуниятларини ўргатади. Чунки, тарбия ва таълим туғилгандан умрининг охиригача давом этадиган жараён дир. Узоқ вақт шахснинг ривожланишида ташқи таъсир ҳал қилувчи омил ҳисобланиб келинди. Ҳолбуки, ҳар қандай тарбиявий таъсир, мактабларда зўр бериб, ўқитиш қутилган натижа беравермаслигига иқроқ бўлдик. Шунинг учун бугунги кунда таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларни ишлаб чиқиш унинг истиқболини белгилаш педагогиканинг долзарб муаммосидир.

Таълим-тарбия жараёни қонуниятларининг бузилиши, бюрократик педагогика мактабларни, жамиятни маънавий инқирозга олиб борди. Педагогиканинг мавқеини пасайиши, мактабларни жамиятдан ўқувчиларни мактабдан бегоналашуви, безор бўлишига сабаби таълим-тарбия учун бўлиб қолгани, ёшларни ҳаётга тайёрлаш вазифасидан четлашганида кўриш мумкин.

Демак, комил инсонни тарбиялаш борасида фундаментал тадқиқотлар педагогиканинг долзарб муаммоларидан биридир. Аммо ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан, педагогика ҳам асосан инсоншуносликнинг объектив қонуниятларини ўрганади. Педагогиканинг таркибида янги йўналиш, инсон ўзлигини билиши ва тарбияда ўзини имкониятларини ўстириш методикаси киритилиши амалий аҳамиятга эга бўлади. Инсон ёшлигиданоқ ўзлигини билса,

аввало ўз кудратини ишга солади ва қолаверса, ташқи ғаразли таъсирлардан сақланишига тайёрланади. Педагогиканинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия концепцияси, сенергетик педагогика, когнитив педагогика, креатив педагогика ва педагогик технология йўналишлари фанлараро боғлиқлик қонуниятларига асосланади.

Педагогик назариялар ривожланишининг муҳим омили бу назарияларни ишлаб чиқишда таянч бўлган методологик асосдир. Маълумки, фаннинг методологияси табиий ёки ижтимоий ҳодисаларни тадқиқ қилишда раҳбарий қўлланма бўладиган илмий тамойилдир. Бугунги кунда инсонни ўрганадиган фанлар истиклол мафкураси ва инсоншунослик методологияси асосида иш олиб борса, жамият тараққиётининг маънавий омилини таркиб топтиришдек маъсулиятли вазифани бажаради.

Маълумки методология “йўлчи юлдуз”, жамият тараққиёт қонунларини очадиган калитдир, методология қанчалик тўғри танланса, илмий тадқиқот шунчалик самарали бўлади. Методологиядаги чалкашлик фанларни ҳам йўлдан адаштиргани жабрини тортганимиз етар. Қолаверса, бири иккинчисига тобе бўлмайдиган, инсонни, жамият тараққиёт қонуниятларини тенг ўзаро ҳамкорликда, боғлиқликда ўрганиш назарий асос бўлиши шарт.

Истиклол мафкураси барча ижтимоий-гуманитар фанлардан методологик асос сифатида қўлланиши бўйича айрим тажрибалар таркиб топди, унинг назарий асослари бўйича фикрлар билдирилди. Базис ва устқурманинг ўзаро боғлиқлиги, муносабати ҳақидаги таълимот фикримизнинг далилидир.

Барча ижтимоий гуманитар фанлар учун инсоншунослик методологиясини тавсия этишимизга сабаб: биринчидан инсонни ўрганадиган фанларнинг ўзаро боғлиқлик тизими шаклланади. Фанлар бири-иккинчисини бойитади, тўлдиради, уларнинг назарий даражаси ортади.

Аниқ методологик йўриқнома бўлмагани оқибатида инсонни ўрганадиган фанлар ўртасидаги боғлиқлик қонуниятлари ўрганилмаган. Иккинчидан, инсоншунослик методологияси илмий-тадқиқотларни, фанни инсонпарварлаштириш масаласини ҳал этади.

XX асрнинг 80-90 йилларида инсонни комплекс ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. 1988 йили Англиянинг Брайтон шаҳрида “Инсонни фалсафий тушуниш” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди, Москвада Инсон институти ташкил этилди. Инсонни комплекс ўрганишда фанларнинг фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги ғояси Ўзбекистонлик олимлар Ж. Тулинов, К. Юсупов, З. Ғофуров, К. Хонназаров, С. Шермухаммедов, Анвар Чориевлар томонидан ривожлантирилди.

Инсоншунослик методологияси диалектик қонуниятлар ва категорияларга асосланади. Маълумки, “диалектика дунёдаги ҳамма нарса ва ҳодисалар бир – бири билан алоқадорликда, ўзаро таъсирда... доим пайдо бўлиш, ўзгариш, ҳаракат ва тараққиётда деб ўргатади”¹. Профессор Ҳайдаров У.Ж. дунёда бир – бири билан боғлиқ бўлмаган предметлар йўқлигини эътироф этиб, улар турли жиҳатлари, томонлари билан бири иккинчисига бевосита ва билвосита алоқада

¹ Ҳайдаров У. Ж. “Фалсафа ва фан методологияси” Т. , “Университет” 1996, 21 - бет

бўлишини таъкидлайди. Шунингдек, алоқадорлик, ўзаро боғлиқликнинг ҳали биз билмаган шакл ва кўринишлари очилиб уларни ўрганиш мумкин бўлар ¹, - деган хулосага келади.

Демак, инсоншунослик фанларининг ўзаро боғлиқлик бандларида тадқиқот олиб бориш, инсон моҳиятини чуқурроқ ўрганиш, унинг кудратини намоён қилиш имкониятини беради. Фанлараро ўзаро алоқадорликни ўрганишнинг воситаси инсоншунослик методологиясидир.

Ижтимоий борлиқнинг бир бутунлиги ва ижтимоий онг шакллариининг ўзаро боғлиқликда ўрганиш тамойили, инсонни ўрганадиган фанларнинг ҳамкорликда ривожланишини тақозо этади. Маълумки, инсонни фалсафа, социология, психология, педагогика, физиология, этнография, тилшунослик, адабиётшунослик, жамиятшунослик каби фанлар ўрганади. Билиш назариясининг анализ ва синтез методикаси асосан ҳар бир фан ўз предмети, объекти доирасида тадқиқот олиб бориши билан бир қаторда инсонни бир бутунликда ўрганиши зарур. “Агар ҳар бир фан ўзича ривожлана борса, кашфиётлар бир-бири билан боғланмаса ва умумлаштирилмаса, у вақтда олам ҳақида ягона билим ҳосил қилиш, унинг моҳиятини қонун ва қонуниятларини чуқур билиш мумкин бўлмай қолади”².

Тарихий ва мантиқий таҳлил инсоншунослик фанларининг асосий методларидан биридир. Инсонни ўрганишдаги минг-минг йиллик тажрибага таяниш, умумлаштириш бугунги кун даражасида хулоса чиқариш ва истиқболни белгилаш илмий билишнинг мезнидир.

Инсонни ўрганишда изчиллик ва узвийлик (сестимали ва структурали) методи алоҳида ўрин тутаяди. Изчиллик диалектиканинг асосий талабларидан бири бўлиб, инсонни бир бутунликда ўрганишда ҳар бир фаннинг тутган ўрни, уларнинг ўзаро алоқаси қонуниятларига асосланади. Комил инсон муаммосининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишда биологик, ижтимоий ва тарбиявий омилларининг уйғунлиги, бири иккинчисини тўлдириши, ижтимоий воқеликнинг ижтимоий қонуниятлари, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги узвий ўрганилади. Узвийлик инсоннинг моддий, руҳий ва маънавий хусусиятлари ҳақидаги мавжуд ҳолат ва уни ривожлантириш қонуниятларини аниқлашга имкониятлар яратади.

Миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги - ҳар масалани ўрганишда аввало миллий хусусиятлари, мавжуд табиий, ижтимоий-иқтисодий шароидлардан келиб чиқадиган ҳолатни аниқлаш инсонни ўрганишнинг асосий мезонларидан биридир. Бизнинг малакатимизда қарийб бир аср халқнинг миллий илдиз қирқилди ва қонуниятлар бузилди, натижада маънавий инқирозга бориб қолинди.

Комил инсонни шакллантириш предметида инсоншунослик ва инсонпарварликнинг уйғунлиги инсонинг ўзига хос объектив хусусиятлари асосида тарбия қонуниятларига амал қилишдир. Инсоншунослик ва инсонпарварликнинг бирлиги тамойили аввало ҳар бир фаннинг ўзини инсонни бир бутунликда ўрганиши ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигини тақозо

¹ Хайдаров У. Ж. “Фалсафа ва фан методологияси” Т. , “Университет” 1996, 18 бет

² Ж. Тюленов, З. Ғофуров “Фалсафа” Тошкент, “Ўқитувчи” 1997 йил, 13-бет.

этади. Инсоншунослик мантиқан инсонни ўрганишни, руҳий, ижтимоий ва маънавий ҳолат, қонуниятларни аниқлаш бўлса, инсонпарварлик методологик нуқтаи назаридан икки маънода: инсонни қадрлаш, ҳурматлаш ва инсон омилини ошириш, парваришлаш ва уни тарбиялаш комил инсон сифатида шакллантиришни англатади.

Ижтимоий-гуманитар фанларда инсоннинг ўзлигини ўрганиш билан бирга уни ривожлантириш, тарбиялаш, камол топтириш масаласини ҳал этилиши тадқиқотнинг қимматини оширади. Ижтимоий фанларнинг инсонпарварлаштириш назариясини бевосита комил инсонни шакллантириш амалиётига, жамиятимизни маънавий салоҳиятини оширишга қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Илмий-техника тараққиёти фанни ишлаб чиқариш кучига айланиши билан ҳарактерланса, ижтимоий-гуманитар фанларнинг қиммати ҳам амалий аҳамияти билан белгиланади. Шунингдек, табиий техника фанлари учун инсонпарварлаштириш бўйича тавсиялар яратиш, намуна бўлиш ҳам ижтимоий – гуманитар фанлар зиммасига тушади.

Хулоса шундан иборатки, биринчидан, инсоншунослик инсонни комплекс ўрганадиган фаншунослик бўлими сифатида фанлараро боғлиқлик бандларида тадқиқотларни марказлаштиради; иккинчидан, барча инсонни ўрганадиган фанлар мавжуд ҳолатни, қонуниятларни назарий тадқиқ этишда бевосита комил инсонни шакллантириш омилларини ҳисобга олиш; уларнинг инсоншунослик даражасини ошириш; учинчидан, инсоншунослик фанлари ўзаро боғлиқлиги қонуниятларини ўрганишда жаҳон тажрибаларига ҳам асосланиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим-тарбия тизими жамият тараққиётининг таркибий қисми, ёш авлодни ҳаётга, яшашга, меҳнатга ва касбга тайёрлаш ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омилидир. Таълим-тарбиянинг диалектал хусусияти, ижтимоий функцияси уни такомиллаштиришни тақозо этади. Тарихдан маълумки, ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти таълим-тарбиянинг ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлган.

Бундан 24 йил олдин бизнинг мамлакатимизда ҳам мактаб таълими инқироз ҳолатида эди. Ўтган асрнинг 80-йиллар охирида Москвада ўтказилган халқ таълими қурилтойида таназзулнинг уч белгиси ва уч асоси тан олинган эди:

Инқироз белгиси: 1. Мактаб жамиятдан, жамият буюртмасидан бегоналашгани (таълим-таълим учун; ёшларни ҳаётга тайёрлаш вазифасида четлашгани);

2. Ўқувчи мактабдан бегоналашгани;

3. Ўқувчи ўқитувчидан бегоналашгани;

Инқироз сабаби: 1. Таълим-тарбия қонунияти бузилгани;

2. Таълим-тарбияда тарихий илдиз қирқилгани;

3. Таълим-тарбияда миллий илдиз қирқилгани;

Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда халқ таълими вазири проф. Ж.Ғ.Йўлдошев бошчилигида халқ таълим педагоглари ва педагог олимлардан иборат минтақавий тўрт гуруҳ ташкил этилди. Миллий мактаб концепцияси яратилди. “Янгисини қурмасдан туриб - эскисини бузмаслик” Исломи Каримов

таълимоти асосида узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш дастури ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимизнинг “Илм-фан мамлакатлар равақи учун хизмат қилсин” чақириғи, ФА йиғилишдаги маърузаси асосида педагогика соҳасида хизмат қилаётган олимлар таълим-тарбия тизимини илмий-методик таъминлашда самарали иш олиб борилди.

XX асрнинг 20-80-йилларида Ўзбекистонда педагогика фанининг тараққиёт йўналишлари



Жаҳонда тараққиётининг “Ўзбек модели” деб тан олинган оламшумул дастурнинг таркибий қисми “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” назарияси яратилди. Бугунлик кунда Кадрлар тайёрлаш дастурини бажарилиши натижалари миллий моделни аҳамияти амалда исботланмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини илмий-методик таъминлашда педагогика фани муҳим ўрин тутди.

XX асрнинг 90-ва XXI аср бошида педагогика фанининг тараққиёт йўналишлари



Ўтган йиллар мисли кўрилмаган иқтисодий, ижтимоий ютуқларга эришишимизда, ёшларимизнинг жаҳон аренасида ўзини намоён этаётгани Кадрлар тайёрлаш Миллий моделини амалдаги исботидир.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ҳақидаги 2010 йил ноябрь, нутқида: “Биз дуч келишимиз бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеалиқдан узилиб қолиш хавфидир” деб таъкидлайди.

Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий модернизациялаш дастурини белгилаб берди. Бу борада жаҳон илмий ҳамжамияти ва ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусида Тошкентда ўтказилган 2012 йил. Феврал халқаро конференциясида шунунингдек, 2014 йил 15 май Самарқандда ўтказилган: “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий

мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда Ислом Каримовнинг нутқи педагогика фанининг истиқболли концепциясини мамлакатимиз тараққиётидаги вазифасини белгилаб берди.

Демак, таълим-тарбия модернизациялаш: - таълим-тарбиянинг диалектик хусусияти, доимо ривожланиб бориши;

- жамиятни, мамлакатни модернизациялаш ижтимоий буюртмаси асосида янгилаб бориш;

- таълим-тарбия мазмун ва методларини ҳар 3,5-4 йилда янгилаб бориш;

- таълим-тарбия назариясини мамлакат ижтимоий, иқтисодий тараққиётидан олдинга бориши, истиқболлини белгилаши;

- таълим-тарбияга илмий ёндошиш, педагог фаолиятини илмий асосда ташкил этиш;

- педагогика-психология, ижтимоий гуманитар фанлар таълим-тарбия тизимини илмий-методик таъминлаши, тадқиқотларини таълим-тарбияни модернизациялаш муаммосини ҳал этишга йўналгани;

- узлуксиз таълим-тарбия педагогик кадрларни модернизациялашган фаолиятига тайёрлаш, эксперимент майдонлар ташкил этиш;

- илгор тажрибаларни ўрганиш;

- инновацион педагогик технологияларни ўрганиш, амалда жорий этиш тизимидан иборат.

Модернизация – модерн (франсузча – энг янги, замонавий сўз ўзагидан келиб чиқиб – ўзгартириш, такомиллаштириш, давр талабига мослаш) маъносини англатади.

Ҳар қандай ривожланиш, ўзгартиришни ислоҳ қилиш, такомиллаштириш ва нихоят модернизациялаш тушунчалари билан ифодаланади. Биз таълим-тарбия тизимини бир неча бор ислоҳ қилинганини биламиз, такомиллаштириш тушунчасини модернизациялашнинг маълум босқичи сифатида қараш мумкин. Таълим-тарбияни ривожлантиришга қаратилган ҳар бир фаолият, ҳар бир тадқиқот, ижодкорлик, илмийлик мезонига, умумий ва фаннинг ўзига хос методологиясига асослансагина самарали бўлади.

Маълумки, **методология** метод – йўл, усул – логос, фан, таълимот маъносини англатиб бугунги кунда илмий билим механизми, илмий тадқиқот методлари, фан ҳақида деб тушунилади.

Ҳар бир фан предметига кўра умумий методологияга ва фаннинг ўзига хос қонуниятларига асосланади. Таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш аввало жамият буюртмаси, зарурияти, давлатнинг модернизациялаш дастури умумий методологиясига асосланади.



3.2. ДИДАКТИК ҚОНУНИЯТЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

XXI асрда фаннинг яратувчанлик амалий кудрати янада ортмоқда. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг таркибий қисми сифати фаннинг истиқболли йўналишлари белгилаб берилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини илмий методик таъминлаш, миллий ғояни омманинг қалби ва онгига сингдиришда педагогиканинг ижтимоий вазифаси янада ошди.

Таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагогик ва ахборот технологияларни илмий асосини ишлаб чиқиш давр талабидир. Таълим-тарбия тизимида XXI аср педагогик технология асри бўлди. Педагогик ва ахборот технологияларининг самарадорлиги таълим-тарбия қонуниятларига амал қилинишига боғлиқ. Зеро, бу Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт моделида таълим-тарбиянинг устиворлиги бозор иқтисодининг маънавий асослари педагогик қонуниятларни ўрганишни тақозо этади.

Педагогик технологиянинг назарий асосларини ишлаб чиқишда ҳар-хил ёндашувлар мавжуд. Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш борасида субъектив ёндашувлар, педагогик қонуниятларни бузилиши оқибати уни таназзулга олиб боргани маълум. Педагогик технологиянинг назарий ва амалий асосларини яратишда объектив қонуниятларга асосланилсагина унинг самарадорлиги ошади.

Кейинги йилларда таълим-тарбия жараёнининг объектив қонуниятлари илмий асосланди, бу педагогик технологияни назарий асосларини яратиш имконини берди. Педагогик технология ишлаб чиқариш технологиясига монанд: мақсад, мазмун, амалга ошириш методлари, шакллари ва кафолатли натижа тизимидир. Ишлаб чиқариш жараёнида физика, математика ва табиат қонуниятлари мужассам бўлганидек, таълим-тарбия жараёнида ҳам педагогик қонуниятлар мавжуд.

Фалсафа луғатида: “қонуният - табиат ва жамиятдаги ҳодисаларнинг зарур ва муҳим алоқаси. Қонуниятли алоқалар, улар заруриятли ҳарактерга эга бўлганликлари сабабли, тегишли шарт-шароит мавжуд бўлганда, ҳамisha юз бериб туради” деб изоҳ берилади. Демак, қонуният барқарор такрорланиб турувчи воқеа, ҳодисаларнинг ички алоқадорлигидир. Улар воқеликнинг энг муҳим ички, нисбатан қарор топган белгиларини, хусусиятларини ифодалайди.

Ижтимоий фаолиятда ишлаб чиқаришда физика, кимё қонуниятлари бузилганда кулфат келтирганидек, таълим-тарбия жараёнида педагогик-психологик қонуниятларига амал қилинмаса кутилган натижа бермайди.

Педагогик қонуниятлар ҳақида ўтган асрнинг сўнги чорагида айрим қарашлар юзага келди. Маълумки, таълим-тарбия жараёнининг назарий асослари "принциплар", "тамойиллар", "қоидалар", "методлар", "усуллари", "воситалари" каби категориялар билан ифодаланади. Албатта, бу категориялар педагогик қонуниятлардан келиб чиқади. Лекин кўпгина тадқиқотлар ва амалий фаолиятда умумий педагогик қонуниятлар ёрқин ифодаланмайди.


Таълим-тарбия жараёни қонуниятлари кишилик жамияти тарихий тараққиётида амалда исботланган, қарор топган педагогик фаолият мезонидир.

Бугунги кунда илмий асосланган таълим-тарбия жараёнининг қуйидаги умумий қонуниятлари педагогиканинг методологик асосини ташкил этади:

- Таълим-тарбия жараёнининг мавжуд шароитга, давр талабига мослиги. Педагогик фаолиятнинг вазифаси - таълим-тарбия кишилик жамияти тарихий тараққиётида ёшларни ҳаётга тайёрлаш, яшашга, меҳнат фаолиятига тайёрлаш буюртмасига асосан ривожланган. Бугунги кунда, фаннинг тез тараққиёти, бозор иқтисодиёти шароитида жамият буюртмаси, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгилаб берилган.

Баркамол авлод таълим-тарбиясининг мазмуни, метод, воситаларини такомиллаштириш ҳам фаннинг ютуқларига асосланишини тақозо этади. Миллий ғоя, Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури белгилаб берган вазифалар давлат ва жамият буюртмаси, таълим - тарбиянинг давр талабига мослиги қонуниятига асосланади.

Таълим – тарбия жараёнини мавжуд шарт-шароитга ва давр талабига мослиги қонунияти




Назариянинг амалиёт билан бирлиги фалсафий категорияси таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларидан биридир. Таълимда назариянинг амалиёт билан бирлиги баркамол шахсни ҳаётга тайёрлашнинг мезонидир. Назарий билим ва амалий кўникма бир-бирини тўлдириш фанда исботланган. Педагогик ва ахборот технологияларини қўллашда назариянинг

амалиёт билан уйғунлиги самарадорлик омилидир. Шунингдек, билиш жараёни психологик қонуниятларга асосланади.

Таълим-тарбия ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги қонунияти Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт моделида маънавиятнинг, таълим-тарбиянинг устиворлиги таълимотининг асосичиси И. А. Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" китобида таъкидлаганидек "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди-бу шарқона караш, шарқона ҳаёт фалсафаси"дир¹. Ҳар томонлама ривожланган комил инсон баракамол авлодни шакллантириш мазмун, метод ва воситалари учун бу қонуният методик мезондир.

Таълим – тарбия жараёнида назариянинг амалиёт билан бирлиги



¹ Ислом Каримов "Юксак маънавият-енгилмас куч" Т., "Маънавият" 2008 й. 4 - бет., 62 б

Таълим – тарбия ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги




- Таълим-тарбиянинг ўқувчилар имконияти ва лаёқатига мослиги қонуният дидактиканинг асосий тамойилларида ифодаланган. Иқтидорли, истеъдодли ёшларни топиш, уларнинг лаёқатини ривожлантириш ёшларни жаҳон аренасига чиқиши, бўлажак Ал Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Навоийларни тарбиялашнинг назарий асосларини яратишни кўзда тутди. Жаҳон тажрибаси ва педагогика тарихида бу қонуният ўз исботини топган.

Тарбиялаш ва ўз - ўзини тарбиялашни ўргатиш ва ўрганишнинг бирлиги, ўқитувчи ва талабалар фаоллигига боғлиқлиги педагогиканинг қонуният таълим жараёни технологиясида ўз ифодасини топган. Олий мактаб педагогикаси таълим-тарбияга технологик, тизимли ёндашув методологияси тажрибада исботланган. Ва, ниҳоят таълим тизимида "гапбозлик", "шиорбозлик", "баёнсозлик", бюрократик тизимдан фарқли ўқитувчи ва талаба ҳамкорлиги методикасига амал қилинади. Педагогик технологиянинг интерфаол усуллари шу қонуният ифодасидир.

- Таълим-тарбия мақсади, мазмуни, методлари ва шаклларининг ўзаро боғлиқлиги педагогик қонуният аввало, таълим-тарбия мақсади, мазмуни, метод ва воситаларини танлашда оптимал шарт - шароитни ҳисобга олинади. ЮНЕСКОнинг педагогик технологияга берган таърифида таълим жараёнини оптималлаштириш, ҳар-бир компонентнинг ўзаро боғлиқлиги асосий мезон эканлиги кўрсатилган.

Ўқувчилар қобилиятига мос мазмун белгиланаши, мазмунга мос метод ва воситалар танланиши педагогик аксиомадир. Буни В.П.Беспалконинг таълим жараёнига тизимли ёндашиш моделида кўриш мумкин.

В.П. Беспалконинг таълим жараёнига тизимли ёндашиш модели.



-Таълим-тарбияда фанлараро боғлиқлик қонунияти. Аввало педагогиканинг психология билан узвий боғлиқлиги таълим-тарбия жараёнининг методологик асосидир. Обьектив оламнинг бир бутунлиги фанларни узвий боғлиқликда ўрганишни тақозо этади. Илмий тадқиқотларда кўпроқ деференциал ҳолат мавжуд бўлсада, амалиётда яхлитлик интеграция ҳолати мавжуд. Таълим-тарбияда фанлараро боғлиқлик бири-иккинчисини тўлдирди баркамол шахсни шакллантириш, ёшларни ҳаётга тайёрлаш самарадорлигини оширади. Қолаверса, ҳақиқий билим ҳар-бир нарса, предмет, воқеа-ҳодиса, тушунча (сўз) нинг келиб чиқиш тарихий тараққиёти, бошқа предмет, воқеа-ҳодисалар билан боғлиқлиги ва бугунги кундаги ижтимоий иқтисодий моҳиятини билишдир.

-Таълим-тарбия жараёнининг ўқувчи ўзлигини билиши ва ўз-ўзини тарбиялашга йўллаш. Абу Наср Фаробийнинг таълимий фанлар таснифи ҳақида "аввало инсон ўзлигини билишидан бошлаш"ни тавсия этади. Қолаверса кишилик жамияти тараққиётида ренессанснинг-асосий мезонларидан бири ҳам инсон ўзлигини билиш, "уйғониш" даври сифатида ифодаланган. Инсон имкониятлари чексизлиги, унинг қудрати ўзлигини қай даражада билиши, ўз-ўзини тарбиялаши билан ўлчаниши Шарқ фалсафаси ва тасаввуфда илмий асосланган.

Мустақиллик туфайли миллий истиқлол ғоясида ўзликни англаш тамойили белгилаб берилди, ўтган қисқа даврда миллий ўзликни билиш дастури яратилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий моделида шахс таълим-тарбиянинг истеъмолчиси ва амалга оширувчи эканлиги кўрсатилди. Кейинги йиллар педагогик тадқиқотларида шахсга йўналтирилган таълим-тарбия муаммоси ўрганила бошланди. Шахсга йўналтирилган таълим назарияси ва амалиётида психологик қонуниятларга асосланилади. Инчунун, ахборотларни глобаллашуви шароитида ёшлар қанчалик ўзлигини тезроқ англаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши мустақил фикрлаши, билим олиши ва ўз-ўзини тарбиялашга боғлиқ.

Таълим-тарбия жараёни педагогик - психологик қонуниятларга асослансагина самарали бўлади.

Таянч тушунчалар:

Фан, фан ҳақидаги фан, рефлексия, фаншунослик, методология, концепция, инсоншунослик, қонуният, модернизация.

Мустақил таълим саволлари

1. Фан
2. Фаншунослик
3. Методология
4. Рефлексия ёндошуви
5. Педагогикани умумий қонуниятлари
6. Таълим-тарбия тизимини модернизациялаш нима?
7. Педагогика қайси фанлар билан ўзаро боғлиқ?
8. Дидактик қонуниятлар

3.3. Педагогик тадқиқотни ўзига хос хусусиятлари

Ҳар бир фан илмий тадқиқотлар ва амалий тажрибалар асосида ривожланади. Ўзига хос тадқиқот объекти, предметдан келиб чиқадиган илмий тадқиқот усулига эга. Табиий фанларда тажриба устиворлиги, гуманитар фанларда тафаккур эксперименти устиворлиги амал қилади. Чунки гуманитар инсоншунос фанларда қирқ ўлчаб бир хулоса чиқариш талаб этилади. Инсон объектида, айниқса ёшларда бўлар бўлмас тажриба ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас. Табиий фанларда тажриба яхши натижа бермаса тадқиқот предметини қайта қайта бир неча босқичда илмий тажриба ўтказиш мумкин, инсоншунослик фанлари бўйича илмий тадқиқотлар инсон, буюк мавжудодни ҳар шаклга солиб эксперимент ўтказиш мураккаб жараён.

Маълумки, тадқиқот янги фундаментал ва амалий билимлар яратиш, асослаш, объектив илмий фаолият жараёни тадқиқот предмети воқеа ҳодисаларни қонуниятларини аниқлашдир. Ҳар қандай тадқиқотда, аввало далиллар аниқланади ва у асосда назарий қоидалар шаклланади. Тадқиқотчининг методологик ёндошуви, унинг дунёқараши, мақсад вазифаларни қўйиши, ҳаётий мисоллар, далилларни таҳлил қилиши ва хулоса чиқаришга боғлиқ.

Шунинг учун тадқиқотни ташкил этиш, далилларни аниқлаш, баҳолаш, тахминий хулоса чиқариш, назарий умумлаштириш методикаси педагогик тадқиқотда ўзига хос хусусиятга эга. Яъни, ҳар бир фандаги сингари педагогик тадқиқотнинг бошланиши умумметодологик ва фаннинг назариясидан келиб чиқади. Ҳар қандай янги назария олдин яратилган фаннинг фундаментал таълимоти асосида ривожланади

Глобаллашув жараёнида тадқиқотчи жаҳон фани ютуқлари хабардор бўлиши, инсоншунослик борасида тадқиқотларни таҳлилий ва танқидий ўрганиши шарт. Бизнинг асримиз фанларнинг туташ бандида янги фанлар, тадқиқотлар яратилиши билан ҳарактерли. Педагогик тадқиқот самараси, мукамаллиги инсонни ўрганадиган фанлар ютуғидан фойдаланилганига боғлиқ. Демак, тадқиқотни бошланишида, педагогик далилларни илмий объектив баҳолаш, илмий таҳлил этиш, мақсад ва вазифасини белгилаш, фаннинг назарий асосини билиш, фалсафий қонун ва категориялар асосида

таълим-тарбия воқелигини баҳолаш, жаҳон илми фан ютуқларидан мақадли фойдаланиш, фанларнинг туташ қонуниятлари, имкониятларини билиш илмий фаолиятга йўлланмадир.

Педагогик тадқиқотни эмперик амалий даражаси муайян далиллар, тажрибалар умумийлиги, оммавийлиги билан ўлчанади. Ҳар қандай яққа, муайян далилдан умумий хулоса чиқариш, типиклик ва ҳар қандай категориялар талабидан келиб чиқади. Шунингдек фаннинг қонуниятлари тамойиллари, назарияси методологияси ҳал қилувчи мезондир. Тадқиқотнинг назарий даражаси қуйидагича ифодаланади.:

- воқелик ҳар томонлама, яхлит ўрганилганлиги;
- Ҳар қандай назарий билим ўз моҳиятига кўра изчил ифодаланади;
- Оддийдан мураккабга;
- Дастлабки умумлаштиришдан мукаммал, юқори абстракциялаш;

Амалий тушунчаларни назарий даражасида асослаш, ифодалаш учун тадқиқотчидан етарли далиллар, уни баҳолаш, таҳлил қилиш ва мантиқий тафаккур керак. Илмий мантиқ мантиқий тафаккур ўзига хос қониниятларга эга. Педагогик тадқиқотда формал тафаккур ҳар бир тадқиқотдаги каби илмий мантиққа асосланади. Шунинг учунг илмий тадқиқотчи қуйидаги ижодкорлик қобилиятига эга бўлиши керак:

- муҳим илмий тушунчаларни билиш, тасаввур қилиш;
- қабул қилинган илмий тушунчаларни далилларни аниқ тавсифлаш;
- ўхшаш далилларни танлаб олиш;
- умумий қоидалар асосида, ўхшаш моҳиятига асосан далилий мисолларни гуруҳлаштириш;
- далиллар воқеликдаги умумийлик, хусусийликни тасодифий қонуниятларини таҳлил қилиш;
- далиллар ва воқеликда ўхшашлик ва фарқини тасодифийлигини қонуниятли томонларини қиёслаш;
- фаннинг ҳар хил тадқиқотларидаги қарашларини инкор қилиш, асослаш, илмий мунозара;
- Таълим-тарбия борасидаги далиллар, бошқа фанлар маълумотлар, тарихий ва ҳозирги давр потенсиялари асосида ривожланиш имкониятларини билиш;
- Назарий хулосалаш каби қобилиятлар.

Илмий тадқиқотда қонун, қонуният, тамойил қоида, шароит, омил каби тушунчаларни аниқ билиш. Бу тушунчалар фалсафа, педагогик, энциклопедик луғатларда батафсил ёритилган. Ижтимоий фанларда қонуният, табиий фанларда формула асосида исботланади. Демак, ҳар қандай тадқиқот тажрибада синалган тизим асосида ташкил этилади.

Олимлик фазилатлари ва маъсулияти ҳақида ўтмиш алломаларнинг дил ифодаларини мисол келтирса бўлади:

Гарчи фанлар — инсон онгининг энг нафис сифатларини уйғотувчи ва шаклантирувчи омил бўлса ҳам фанни кимки фақат билиш учунгина ўрганса ва

тадқиқ этеа, ўзи шу курраи заминда нима сабабдан яшаётганининг асл маъносини тушуниб етрлмайди. Фақат фаол ишгина одамни одам қилади.

Г. Гельмгольц

Фан билан шуғулланувчи кишилар илмга — бутун халқнинг ўзларига инониб топшириб қўйган мулк-хазинаси, деб қара- ирмоқлари зарур
К. А. Тимирязев

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, фанни оммалаштириш асримизнинг энг муҳим жаҳоншумул вазифаси бўлиб қолди.

Д. И. Писарев

Фан хусусий эрмак эмас, мутлақо; илмий муаммоларга ўзи-ни бахш эта олган бахтиёрларнинг ўзи биринчи навбатда би-лимларини башарият хизматига бермоқлари лозим. *К. Маркс*

Агар олим ўз савиясини тушириши истамаса, ижтимоии ҳаётдаги фаоллигини ҳеч қачон тўхтатмаслиги зарур ва пишлоққа биқиниб олган каламуш сингари, замондошларининг ҳаёти, ижтимоии ва сиёсий курашига аралашмасдан, доимо ўз кабинети ёхуд лабораториясида қамалиб ўтирмаслиги керак.

К. Маркс

Ижтимоии масалаларга аралашшиш ва улар билан узвий алоқада бўлишгина фанга чинакам фойда келтириши, уни жамият учун қизиқарли ва заруратли қилиши мумкин.

Я. А. Добролюбов

Тараққиёт омилларини тушунган одам, агар қўл қовуштирганча ўзи ҳеч жонини койитмай, у жараённинг ўз-ўзидан юзага келишини кутса, у тараққиётнинг энг ашаддий душмани, тараққиёт йўлидаги энг мудҳиш ғовдир.
П. Л. Лавров

Кимки кимёдан бўлак ҳеч нимани билмаса, у кимёни ҳам яхши билмайди.
Г. Лихтенберг

Фақат ўз айтганини биладиган мутахассис — ё ўтакетган субъектив одам, ёхуд ўткинчи бир қаллоб бўлиши мумкин.

Н. И. Пирогов

Шундай кимсалар борки, лотин тилини билишлари ҳам эшак бўлишларига ҳеч бир монелик қилмайди.

М. Сервантес

Цивилизациянинг энг буюк кулфатларидан бири — аҳмоқ олим.
К. Чапек

Таълим аҳмоқни ҳам олим қилиши мумкин, аммо унинг асли доғларини йўқотолмайди.

П. Бошен

Доноликнинг ўзи кифоя эмас, ундан фойдалана билмоқ керак.
Цицерон

Кўп билсангу, аммо шу билганингни ўз эҳтиёжинг йўлида ишлата олмасанг, бундан нима фойда.

Ф. Петрарка

Олимлар ўзларини ҳаётдаги амалий вазифалардан озод, ало-ҳида гуруҳ деб ҳисобламасликлари керак. Буюк меҳнаткашлар оиласининг аъзоси бўлганлари ҳолда, улар ўз кашфиётлари қандай ишлатилаётганлиги хусусида қайғурмоқлари зарур.

Ф. Жолио-Кюри

Фанни кўпинча билим билан янглиштирадилар. Бу кўпол англашилмовчиликдир. Фан нафақат билим, балки онг ҳамдир, яъни билимдан қай йўсинда фойдалана билиш уқуви ҳамдир.

В. О. Ключевский

Олим асосан жамият хизматкоридир: унинг олимлиги ҳам, бошқа табақа вакилига қараганда устунлиги ҳам жамият ту-файлидир ва у жамият учун яшаши керак.

И. Фихте

Билим — қурол, аммо у мақсад эмас."

А. Я. Толстой

Билимга ҳам худди таомга ўхшаб муносабат қилмоғимиз зарур. Яшашимиздан мақсад,—ейиш бўлмаганидек, фақат билиш мақсадида ҳам яшамаймиз.

Ж. Рескин

Илмий машғулотлардан мақсад идрокни шундай йўналти-ришки, токи у учрайдиган барча предметлардан пишиқ ва ҳаққоний хулосалар чиқара олеин.

Р. Декарт

Саводлилиқ билимларнинг кўп-озлигида ҳам эмас, балки билганларни тўла англаш ва татбиқ эта билиш санъатидадир.

А. Дистервег

Кўп билган эмас, билими манфаат келтирувчигина донодир.

Эсхил

Билим инсоннинг ижодий мақсадларига хизмат этмоғи зарур. Билим тўплаш кифоя эмас уларни мумкин қадар кенг ёймоқ ва ҳаётга татбиқ этмоқ лозим.

Я. А. Рубакин

Баҳс ва тортишувлар учун, бошқаларни назарга илмаслик, манфаат чиқариш, шуҳрат, амал орттириш ва ўзга мақсадлар учун эмас, ҳаётга нимадир наф келтириш учун илмга интил-моқ лозим.

Ф. Бэкон

Ҳамма нарсани шон-шуҳрат учун эмас, амалий манфаат учун ўрган.

Г. Лихтенберг

Масаланинг моҳияти билимнинг бутунлигида эмас, ақлнинг бутунлигидадир.

Демокрит

Инсон учун билим орттиришнинг ўзи кифоя эмас, олинган билимни тараққиёт йўлида сарфлашни ҳам билмоқ лозим. ^

Я. Гёте

Фақат билмоқлик учун билиш эмас, балки бирор ишни эп-лай билиш учун билмоқ зарур.

Ж. Герберт

Агар сиз билимдон бўлсангиз, Беринг билимингизни, бошқалар ҳам ундан ўз шамчиروқларини ёндириб олишсин.

Т. Фуллер

Узинг аъло даражада билган нарсангни ўзгаларга ўргатишдан ҳам кўра ҳалолроқ ва саховатлироқ иш бўлиши мумкинми?

Квинтилиан

Билим, ёйиш учун яралган.

Р. Эмерсон

Фаннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у айна кучли фаолиятни талаб этади.

М. Я. Мечников

Фан инсондан ҳеч бир тамагирликсиз, бутун борини бажони-дил бахш этишни талаб этади ва бунинг эвазига ҳақиқий билимнинг залварли мукофотини беради.

А. И. Герцен

Фан тараққиётининг ўзига хос мантиқи бор, буни сўзеиз ҳисобга олиш даркор. Фан ҳамиша олдинга ўтиб, фойда келтириб ишлаши керак, фақат шу шароитдагина у табиий ҳолда ривож-ланади.

С. И. Вавилов

Икки киши бесамар иш қилган ва бенаф ташвиш чеккан: уларнинг бири бойлик тўплаб, фойдалана билмаган ва ановиси эса илм ўрганиб, унга амал қилмаган.

Саъдий

Одамийлик — фақат билимдонликда эмас, балки аввалги авлодлар бизлар учун қилганлари каби келажак авлодлар учун нима қолдира билишимиздадир.

Г. Лихтенберг

Ақлли ва олим одамдан жуда кўп нарсани талаб этмоқ лозим; агар у оддий кишилар учун кечирарли бўлган беҳуда гапларни гапирса, адолат юзасидан унга таъна айтмаслик ноўрин бўлур эди.

Я. Г. Чернишевский

Фан билан ҳаёт ўртасида уларнинг ҳеч бирини заррача ҳам камситмайдиган ғоят узвий, ажралмас алоқа мавжуд; фан ҳаётга қанчалик хизмат қилса, ҳаёт ҳам фанни шу қадар бойитади.

Г. В. Плеханов

Бизда ҳаётдан ажралган фан бўлиши мумкин эмас: бу бизнинг табиатимизга зиддир.

А. И. Герцен

Фаннинг вазифаси — одамларга хизмат.

Л. Я. Толстой

Мен одамлар, уларнинг бахти ва тақдири билан қизиқувчи ҳақиқий фадни ғоят қадрлайман.

Л. Я. Толстой

Санъатнинг кадр-қиммати ва фаннинг кадр-қиммати одамлар манфаати учун ҳолис хизмат қилишидадир.

Ж. Рескин

Фан йўлида ва умумий ғоялар йўлида тер тўкиш — шахсий бахт айна шундан иборат.

А. П. Чехов

Илмий ва бадий ижод ҳуқуқни эмас, фақат бурчни ўйла-сагина том маънода самарали бўлади.

Л. Н. Толстой

Фан фавқулодда зарур, айтиш мумкинки, нондек азиздир.

К. Э. Циолковский

Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорини асрагай, гав-ҳарни имтиҳон учун тошқа урмагай.

А. Навоий

Фанларнинг роли дастёрлик, улар фаровонликка эришиш во-ситаларидир.
Д. И. Менделеев

Олим қилмоқчи бўлган ишини бажаргани ҳамоно унутсин ва энди эртаю кеч яна қилиши лозим бўлган ишини ўйласин.

И. Фихтер

Қилган ишидан қаноатланиб қоладиган одам кейинги иши билан ҳеч қачон ном қозонолмайди. У аллақачон ўлган ва қаб-рини ўт-ўланлар қоплай бошлаган.
К. Боуви

Билимга интилган ирода ҳеч вақт тугалланган ишдан кўнгли тўлмайди.
Ж. Бруно

Бесаранжомлик—бу қаноатланмасликдир, қаноатланмаслик эса тараққиётнинг энг биринчи шarti. Менга ўта мамнун одам-ни кўрсатинг-чи, мен сизга толесиз кимсани кашф этиб берган бўламан.

Т. Эдиссон

Тўхтовсиз илгарилаб бормоқ, ҳар бир босилган қадамдан ке-йин навбатдагисига шайланмоқ, бутун орзу-ўйлариингни бўлғу-си ишларга сарфламоғинг лозим.

Н. Н. Бурденко

Фан ҳамиша кашф этилганларни билишдангина иборат эмас, кашф этиш ҳамдир.

Н. А. Рубакин

Олим тўсиқлар бўлишига қарамай, синалмаган йўллардан юриши керак.
Н. И. Лобачевский

Ўз устига тўғри оёқ қўйиш жўн иш; ўзинг йўл очишинг эса анча мушкул, аммо шарафлидир.

Я. Колем

Менинг издошларим мендан ўзиб кетишлари, менга қарши чиқишлари, хатто ишларимни барбод қилганлари ҳолда, айна чоғда уни ривожлантиришлари лозим. Фақат мана шундай из-чил емириш ишлари туфайлигина тараққиёт юзага чиқади.

И. В. Мичурин

Оламда нима бўлса баридан бир шингилдан ўқиган ва фақат ўқиганларинигина эслаб қолган олим ёмон олимдир.

Г. Шоу

Китобий олимлик — зийнат, аммо у пойдевор эмас.

М. Монтень

Устознинг билими тугаб, шогирднинг янги билими бошланган жойда кашфиёт туғилади.

К. А. Федин

Фанда таппа-тахт, андазали йўл йўқ: йўл кўрсатувчи қанча-лик моҳир бўлмасин, фанда ҳар ким ўзи заҳмат чекиши ва юк-сакликка ўзи тирмашиб кўтарилмоғи керак.

В. Либкнехт

Фанда кенг, тўппа-тўғри йўл йўқ ва унинг чақир тошлай сўқ-моқларидан хориш билмай, тиришиб-тирмашиб чиқа олган ки-шигина унинг нури чўққиларига етишади.

К. Маркс

...Фан бўсағаси пештоқига ҳам дўзах пештоқидаги каби та-лаб ёзиб кўйилмоғи зарур:

«Руҳинг маҳкам бўлсин, бу ерда фақат;
Енгмасин таҳлика, бўл буткул огоҳ»*.

К. Маркс

Ижод аҳли «қийин» деган сўзни мутлақо миядан чиқариб ташлаши керак.
Г. Лихтенберг

Омадли ҳаёт учун интилган қатъиятсиз одамлар ҳеч вақт бирон-бир буюк ишнинг уддасидан чиқолмаганлар.

Ж. Эллиот

Ҳаракат ва интилишеиз, фидойилик ва меҳнатсиз ўз-ўзидан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Л. И. Герцен

Биз мардона бўлишимиз, муваффақиятсизликка учраганда ўз фаолиятимизни тўхтатмаслигимиз керак. Уша муваффақият-сизликларнинг сабабларини излаб топишимиз ва бартараф эти-шимиз зарур.

К. Э Циолковский

Данте. Илоҳий комедия.

Фанда тер тўкиб ишлашдан бошқа йўл йўқ; на шижоат, на хаёл, на интилиш меҳнатнинг ўрнини боса олади.

А. И. Герцен

Ҳамма нарсанинг бошланиши қийин,— бу ҳақиқат барча фан-ларга ҳам хосдир.

Қ. Маркс

Фаннинг ибтидоси — ақл, ақлнинг ибтидоси эса сабр-тоқат.

Э. Катиев

Фан ҳақиқатлари мушкул эмас, аксинча, инсон онгини ўтмишнинг барча сарқит меросларидан, қуйқаларидан тозалаш, табиийликни ғайритабиийлик, мужмал нарсани тушунарли деб қабул қилишлардан тозалаш қийиндир.

А. И. Герцен

Фан кишидан катта ғайрат ва мислсиз эҳтирос талаб этади. Уз ишингиз ва изланишларингизда эҳтиросли бўлинг.

И. П. Павлов

Ўз ниятларига шўнғимоқ учун олим ёки санъаткор ҳузур-ҳаловатдан ҳам воз кечади, унинг эътироф этилганлигини ана шу қурбон берган ҳузур-ҳаловатидан билиш ва далиллаш мумкин.

Л. Н. Толстой

Фанга оташин эътиқод фақат ижобий сифатгина бўлиб қолмай, балки бебаҳо фазилатдир бусиз дадил илмий тараққиёт бўлиши мумкин эмас.

С. С. Юдин

Фанга муҳаббат ҳақиқатга муҳаббат деган гап, шу боисдан ҳам ҳалоллик олим фазилатининг асоси саналади.

Л. Фейербах

Ҳар қандай касбда ҳам касбни севиш муваффақият гарови ҳисобланади, айниқса, бу илмий-тадқиқот ишларида кўпроқ кўл келади.

И. Жюлио-Кюри

Улуғ ишлар учун толмас сабот керак. v

Ф. Вольтер

Фандаги бирон-бир ютуқ эҳтиросли, ҳақиқий, оташин муно-сабатсиз, тадқиқотчининг ўз ишига кучли иштиёқисиз ҳеч вақт юзага чиқмаган бўлур эди.

К. А. Тимирязев

Ҳамма нарсани тадқиқ эт, ақл-идроқка биринчи ўринни бер.

Пифагор

Тушунмоқ учун кузатмоқ, ҳаракат қилмоқ учун тушунишга интилмоқ лозим.
Р. Роллан

Талант ўз-ўзича шуурсиздир, у фақат ишга солинган тақдир-дагина жилоланади.

М. Е. Салтиков-Шчедрин

Одамни қобилияти учун эмас, балки ўша қобилиятидан қандай фойдалана билгани учун кадрлаш керак. *Ф. Ларошфуко*

Маънавий ҳаётда ҳам кундалик ҳаётдагидек, кимнингки би-лими тўлишиб борса, у тўхтовсиз ўсаверади ва муваффақият козонаверади.
У. Жеймс

Кимки интилмаса, у ҳеч нарсага эришмайди; кимки шижоат кўрсатмаса, у ҳеч нарсалик бўлмайди ҳам.

В. Г. Белинский

Кимки ўзининг маънавий қувватидан фойдаланмаса, бу қув-ват уни тарк этади.
Я. Райнис

Билишнинг ўзи кифоя эмас, уни қўллай билиш керак. Истак-нинг ўзи етмайди, уни рўёбга чиқармоқ лозим.

И. Гёте

Ўз фикрини яратиш у ёқда турсин, ҳатто бошқаларнинг му-лоҳазаларини ўйлаб кўрмайдиган, нари борса уларни ёдлаб олиб, кейин пақирлаб сувда суюлтириб, мақола ва китоблар бита-диган товламачи ва текинхўрлар барча фалсафий ва илмий ла-герларда ҳам топилади.

Д. И. Писарев

Дунёда билимсиз билимдон бисер,

Улар сотиб юрар ақлни очик.

Улар ўзга сўзин ёд олиб такрор,

Қилар ўз сўзидек дунёга тортиқ.

Мирза Шафий

Айрим олимлар фақат мақтаниш учунгина билим орттирадилар.
Г. Лихтенберг

Баъзан «олим» деган сўзда одамнинг ўзи нимагадир ўрган-гани эмас, балки уни кўп нарсаларга ўргатганликлари ҳақи-даги маъногина яширинган бўлади.
Г. Лихтенберг

Билурсан ўзингни жуда серақл,

Тўлик хумга не ҳам сиғар, яхши бил!
Гурур бирла тўлган бошинг бўш кетар,
Гурурдан бўшат, сўнгра маъни сиғар.
Саъдий

Фан — қайикқа ҳам, кемага ҳам баб-баробар очик денгиздай гап. Бири унда олтин ёмби ташиса, бошқаси қармоқ ташлаб балиқ овлайди.
Э. Бульвер-Литтон

Китоби йўқ олим — мевасиз дарахт.
Саъдий

Айрим олимлар хазина қоровулига ўхшайдилар: уларнинг қўлида беҳад бойликнинг калити бору, лекин бу бойликнинг уларга ҳеч дахли йўқ.
Л. Берне

Аҳмоқнинг донолигига айниқса чидаш қийин.
Ж. Мольер

Фаросатли аҳмоқ, фаросатсиз донодан афзалроқ.
В. Шекспир

Ҳақиқий бефаҳм бўлмай туриб, тор малакали мутахассис бўлиш мумкин эмас.
Б. Шоу

Қанча кучанмасин сохта билимдон, У юксала олмас кўкка ҳеч қачон. Унга ўз-ўзининг буюклиги бас, У бундан бошқача оламини билмас.
Мирза Шафий

Олимда кўпинча нимадир: ё шира, ё ҳаракат, ё ҳазми таом, ё меъда шарбати, ёхуд идрок деб аталмиш нарса етишмайди.
Жан Поль

Ҳақиқий олим камтар бўлмай иложи йўқ, чунки у қанчалар кўп иш қилгани сайин, хали шунча ишлар бажарилмай ётганини ҳам яққол кўра олади.
А. Франс

Ўзига бино қўйиш — тараққиёт душманидир. *Бион*

Ҳақиқий олимлар буғдойзордаги бошоқларга ўхшайди. Хали бошоқ тўлишмай туриб, нашъу намо билан усади ва юқорига мағрур бўй чўзади, аммо у кўпчиб, донга тўлишиб, пишиб етилгани сари ювош тортиб, бошини қуйи эгади.
М. Монтень

Кимки билимдонлиги ёки донолигини кўз-кўз қилса, унда би-лимдонлик ҳам, донолик ҳам йўқ деяверинг.

Э. Хемингуэй

Агар доно бирон иш чиқмаса
дунёда донодан, У нодонлар билан тенг ўтса
мумкин ушбу дунёдан.

Зебуннисо

Олимликка кўз-кўз қиладиган тожга, тирикчиликка ярайди-ган сигирга қарагандай таъма билан қарама.

Л. Н. Толстой

Фандаги ҳалолликни ҳаётдаги ҳалолликдан ажратиб бўл-майди ва кимки фанни ўзи учун фақат соғин сигир деб билса, у ҳалол одам эмас, аксинча, у фаннинг муқаддас номини савдо-сотикқа айлантирган ҳунарманддир.

Ф. И. Иноземцев

Чинакам фан ва чинакам санъат мевалари — бу моддий манфаатлар эмас, мислсиз заҳмат меваларидир. *Р. Роллан*

Олимнинг меҳнати бутун инсоният мулкидир, шу туфайли ҳам фан энг бегараз жабҳа ҳисобланади.

М. Горький

Таассуфки, «олим» деб аталувчиларнинг анчагина қисми I_ фанга ўзларини кундалик ҳаржу тамадди билан таъмин этишга мажбур бўлган соғин сигирдек қарайдиларки ,бу олимни косиб-га, ҳатто қаллобга айлантиради.

Н. И. Миклухо-Маклай

Фан бировга бамисоли самовий маъбудадек, Бошқага-чи, мой берувчи зотдор бир сигирмисол.

Ф. Шиллер

Дипломи бўлмаса ҳам самарали ишлайдиган одамларни дипломлн бекорчилардан минг бора уступ қўйиш керак.

Н. А. Рубакин

Билим билан меҳнатни қўшиб олиб боринг ва билимни унинг бор амалий фойдасини рўёбга чиқариб оладиган кишилар қўлига беринг, қарабсизки, мамлакат ва халқнинг бойлиги ақл бовар қилмас суръатда ўса бошлайди.
Д. И. Писарев

Кенг назарий уфқни, умумий назарияни ва абстракцияни соғлом амалиётга кўша билиш лаёқати — ўз халқига фан билан кўмаклашишнинг энг яхши ва деярли ягона воситасидир.

С. И. Вавилов

Фан аллақачонлардан бери ҳаётдан ўзини олиб қочаётгани йўқ ва ўз байроғига илм уруғи халқ ҳосилини етиштиради», дея ёзиб қўйган.
Д. И. Менделеев.

3.4. Методология, билим ва фаолият тизими

Олинган илмий билим қонун ва қонуният тартибга келтирилади Аммо ҳамма вақт тадқиқот қонун ва қонуниятли натижа беравермайди. Кўпинча олим илмий билим, назария яратади, концептуал тажриба ишлаб чиқади. Ҳар бир тадқиқотда мақсад, янги маълумотлар олиш, янгилик яратиш шу соҳадаги мавзудаги ғояларни тадқиқлаш ёки инкор қилиш аргументига қаратилади. Тизимли ёндошув илмий фараз, тахминларни асослаш имкониятини беради.

Педагогик тадқиқотда тизимли ёндошув қуйидагилардан иборат:

- ўрганилаётган педагогик жараён, воқеликнинг барча таркибий қисмини аниқлаш;

- Ҳар бир қисмини ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ва асосийсини аниқлаш;

- Ўзига хос моделни тузиш, ташкилий яхлитлик ва тарихийлик;

Тизимли ёндошув мураккаб педагогик муаммоларни ҳал этишда вақт ва кучни тежаш имкониятини беради. Шунинг учун назарий ғояларни амалга жорий этиш тизимида ҳам тезкорлик талаб этилади, тезкор замонда тезкорлик бўлмаса, эртага тадқиқот натижаси эскириши мумкин. Шундан келиб чиқадиган педагогик тадқиқотнинг қуйидаги тамойилларини кўрсатиш мумкин.

1. Педагогик воқелик ва таълим-тарбия жараёнини бир бутунликда яхлит ўрганиш;

- тадқиқотда қатъий изчиллик;

- ўрганилаётган шахсларнинг маънавий руҳий, ёт хусусиятларини, йўналишини аниқлаш;

- шахсий фазилатлар шаклланишига ташки таъсирларни кўрсатиш;

- Педагогик воқеликни ўрганиш жойини аниқлаш;

2. Педагогик муаммоларни ўрганишда комплекс методларни қўллаш:

Аввало педагогик тадқиқот методларини мақсадли қўллаш, кузатиш, анкета, тест, эксперимент методлар орқали тадқиқот муаммосини тизимли ўрганиш;

- Педагогик воқеликни ҳар томонлама ўрганиш мақсад вазифалари;

- Тадқиқотга ташки таъсир, кутилган ва тасодифий таъсирларни ҳисобга олиш;

- Ҳар бир педагогик далилни воқеликни, мисолни, кўпмарталаб ҳар хил методлар билан текшириш, таҳлил этиш;

- Тадқиқот натижаларини фалсафий мантиқий ва психологик педагогик таҳлил қилиш.

- Инсон ҳаёти сингари педагогик воқелик мураккаб, серқирра бўлади, типик ҳолатни аниқлаш тадқиқотга қўйиладиган талабдир.

3. Тадқиқотнинг объективлик тамойили

Маълумки педагогикада субъективлик ҳолати кўп учрайди, чунки ҳар бир бола, шахс ўзига хос мўжизавий такрорланмас хусусиятга эга Бирига ижобий таъсир этган, иккинчисига аксий натижа бериши мумкин. Шунинг учун тадқиқотчидан объективликка эришиш учун юксак виждонли, ўзидаги субъективликдан қутилиш талабчанлиги, ўзини ўзи танқид қилиш, объектив ҳақиқатга шубҳа қолдирмаслик талаб этилади. Албатта:

- ҳар бир далил, натижани бир неча методлар билан текшириш;
- олинган натижани эксперимент, тажриба асосида қайта текшириш;
- шахснинг барча ўзгариш хусусиятини ҳисобга олиш (камчилигини ҳам)
- ўз тадқиқоти натижаларини ўзга олимлар натижалари билан қиёслаш, ўхшашлиги ва ривожланиш фарқини кўрсатиш;
- олинган илмий натижаларни ўқувчилар, ота оналар, ўрганилаётган объектнинг яқинлари фикри билан қиёслаш;
- Тадқиқотчи ўзидаги субъектив ҳолатлар: кайфият, ҳиссиёт, симпатия, антипатия кабиларни ўзи назорат қилиши;

4. Тадқиқот ва тарбиянинг уйғунлиги: Юқорида таъкидлаганимиздек инсонни ўрганиш мураккаб, айниқса ёшларда тадқиқот олиб бориш тарбия қонуниятларига мос тарбиявий характерда бўлиши талаб этилади. Тадқиқот методлари тарбия методлари билан уйғун бўлиши болаларни ўзини ўзлигини билишга йўналтириш, илҳомлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса суҳбат методи, эксперимент, тест методлари тадқиқот ва тарбия уйғунлигида натижали бўлади.

5. Шахсни ва жамоани ўрганиш:

Шахсни ўрганиш учун жамоани ўрганиш, жамоани ўрганиш учун эса шахсларни ўрганиш, ўраб турган маҳитни ўрганиш педагогик тадқиқотнинг ўзига хос тамойилидир. Маълумки шахс икки томонлама маънавий ҳолатга эга: жамоадаги ҳаёти, бурча, фаолияти ва ўзининг ички дунёси билан яшайди.

6. Тадқиқотнинг тарихийлик тамойили.

Тадқиқотчи эксперимент ўтказишдан олдин фаннинг тарихи, муаммонинг ўрганилганлик даражасини аниқлаши шарт. Педагогик тадқиқотда мавзуни ўрганилиш тарихини чуқур билиши, муаммоли ёндошув муҳимдир. Тадқиқотда қайси маълумотга, қайси методологик таълимотга таяниш изланиш самарасини белгилайди.

7. Илмий жасорат, ташаббускорлик тамойили:

Ҳар бир улкан янгилик, кўпгина самарасиз эксперимент, хатолардан хулоса чиқариб, тадқиқотчининг янги методлар қўллаши асосида яратилгани фаншунослик тарихидан маълум.:

- муаммони ечишда янги истиқболли методика яратиш, излаш;
- Янги методика эскисидан афзаллиги;
- Янги методикани асослаш, машҳур олимлар қарашларини таҳлил қилиш жасорати;
- Тадқиқотда омадсизликдан қўрқмаслик;

- Эксперимент зарарини билса, ёшларга аксий таъсир этса ундан воз кечиш;

- Экспериментнинг хавфли ҳолатларини, ва уни ечиш йўлларини олдиндан кўра билиш кабилар.

8. Муаммони чуқур ўрганиш тамойили:

Илм кенгликка эмас, чуқур ўрганишни тақазо этади. Физикада атомнинг зарраларини ўрганиш бунга мисол бўлади. Педагогик воқеликнинг ички ботуний моҳияти, қонуниятига қараб бориш инсоннинг мураккаб қалбини, жисмини, маънавий оламини ёритиш имконини беради.

3.5. Педагогик тадқиқотларнинг методологик таъминоти, педагогик рефлексия

Фаннинг тараққиёти шунингдек педагогик тадқиқотларни самарадорлигини унинг методологик таъминотига боғлиқ. Олдинги бобларда таъкидланганидек, бир асрдан ортиқ барча ижтимоий гуманитар фанларнинг методологик йўналишидаги субъективлик ҳолати фанни ўз предметдан, тарихий илдизидан маҳрум қилди. Аввало, шовинистик тизим учун, кейин шунга ўхшаш сиёсий ақидаларни асослаш учун хизмат қилди. Икки-уч авлод олимлар шу ғоя асосида шаклланди, фанга фидойилик халққа фидойилик сиёсатга хизмат қилиш деб тушунилди.

Акс ҳолда юзлаб миллатпарвар олимлар, уларнинг ғоясига эргашган зиёлилар қатағон қилинди. Маълумки кўхна Шарқда маънавият, таълим, тарбиянинг устунлиги халқ педагогикасини бадий оммалаштирганида, адабиёт (“адаб”- хулқ, одоб, “ёт” – фан таълимот) таълим тарбиянинг асосий воситасига айланганида, инсоний фазилатлар улуғланганида, илҳом манбаига айланганида, адабиёт ҳаёт дарслигига айланганида. Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома” асарида элик подшоҳлик салтанати таълим тарбиясини ёритди, Саъдий Шерозий таълим-тарбия мазмуни методологиясини “Тулистон”, “Бўстон” ни адаб китоби деб атади. Алишер Навоий асарларида инсоншунослик таълимотига асос солди. Юсуф Хос Хожиб бахт саодат йўлини насрий мадҳ этди. Яъни, минг-минг йиллар халқимизнинг буюк алломаларининг илмий меросини миллий истиқлол ғояси асосида ўрганиш-қудратли манбаъ тадқиқотчилари кутмоқда.

XX асрда дунё зиёсидан, илмдан, тараққиётдан илҳомланган Чўлпон, Фитрат, Бехбудий каби маърифатпарварлар таълимот таҳқирланди, ўзлари қатл эттирилди. Халқимизнинг минг-минг йиллик маънавий хазинасини йўқотишга уринилди. Ўз даврида уларнинг ватанпарварлиги, миллатпарварлиги жасорати бугунги илм аҳли учун ҳам намуна.

XX асрнинг 20-40 йилларидаги қатағонлар фанларнинг методологиясига тўла коммунистик ғояни, мезонни сингдиришга эришди.

Фанларнинг методологик таъминоти ҳақида фикр юритганда Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарининг кириш сўзидаги бир умумий фикрни мисол келтириш мумкин. “Инқилобдан кейинги турғунлик йилларидаги методология ўзининг илмий заифлигига биноан, ҳақиқатга нисбатан ёлғонлиги билан жуда узоқ яшади” (Ваҳоб Раҳмон).

Масалан, педагогиканинг методологияси масаласида тадқиқот олиб борган Ўзбекистонда хизмат кўргатган фан арбоби профессор кўзига ёш олиб “кадрдонларим партия бизни алдади, минг бор кечиринглар фанимизни тўғри йўлга, миллатга хизмат қилишига тўғри йўл топинглар” деб зорланган эди.

Мустақиллик фанимизнинг ёрқин йўлини белгилаб берди. Маълумки, фан тадқиқотчидан инсоният учун, миллат учун Ватан учун фан учун фидоийликни талаб этади. “олимнинг ёстиғи тошдан бўлиши керак” деган қоида замирида ана шу ҳикмат мужассам. Буюк алломаларнинг ҳайт йўли, уларнинг бугун ҳам инсоният томонидан улуғланиши фаннинг кадр қимматини билдиради. Фаннинг тарихида Арастудан кейин “иккинчи муаллим” деб дунё тан олган Абу Наср Фаробий бобомиздан сиз билимда юқорими ёки Арасту, деб сўраганларида “Агар мен ўша даврда яшаганимда Арастуга шогирд бўлар эдим”- деган экан.

Тадқиқотчи учун методологик манбаалардан бири буюк олимларнинг ҳайт йўли, фанга фидийилиги, уларнинг таълимотига нимадир қўша олганида, бугун ва келажак учун хизмат қиладиган илм яратганида. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон фанлар академиясининг йиғилишида мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг “илм фан мамалакат тараққиёти учун хизмат қилсин” мавзусидаги даъватий нутқи барча фанларнинг жумладан педагогиканинг истиқболини белгилаб беради.

Бу илм йўлига қадам қўйган ватанпарвар учун, йўлчи юлдуз бўлиб қолади. Академик Ислом Каримов таълимоти ижтимоий фан тадқиқоти учун муҳим методологик қўлланмадир. 21 аср фан асри эканлиги унда педагогиканинг ёрқин назарий йўли Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида белгилаб берилди. Дунёнинг етакчи олимлари эътироф этган “Тараққиётнинг ўзбек модели”да таълим тарбиянинг устиворлиги, таълим тарбиянинг бирлиги, фан тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Китобдаги “Инсон қалбига йўл” таълимоти педагогика илми соҳасида хизмат қилаётганлар учун методологик асосдир.

Методологик таълимотда рефлексия фаншуносликнинг муҳим йўналишидир. Рефлексия (лотинча ортга муносабат) тафаккур, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз ўзини билиш, яъни, инсоннинг назарий фаолиятининг шакли, қонуниятлари, ўз-ўзини таҳлил қилиши.

Педагогик рефлексия ўзига хос хусусиятга эга, чунки фаннинг предмети таълим, таҳсил, тарбия бўлгани учун ҳам ўзи ҳақида фикр юритиш уйғунлашиб кетади. Масалан, инженерлик педагогик психологияси, табиат фанлари педагогикаси каби ҳар бир фанни педагогикаси маълум даражада шаклланди. Педагогик рефлексия фаннинг шунингдек ҳар бир тадқиқотнинг назарий даражасини, ўзига хос қонуниятларини амалий аҳамиятини аниқлаш методологик мезонидир. Шахс ўз ўзини билиши, англаши муаммосини психология ўрганади. Илмий тадқиқотда рефлексия фаннинг методологиясидир.

Асосий тушунчалар:

Илмий далил, гнесология, мантиқ, модел, эмперик, индуксия, дедуксия, анализ, синтез, информация, концептуал, экспериментал, кваламетрик, методик, ижтимоий зарурат, аргумент, илмий фараз, гипотеза.

Мустақил таълим саволлари:

1. Илмий далилларнинг мантиқий гнесологик моҳияти.
2. Педагогиканинг умумий қонуниятлари.
3. Далилларнинг илмийлик мезони.
4. Педагогик тадқиқот муаммоларини танлаш.
5. Педагогик тадқиқот муаммоларининг долзарблиги.
6. Педагогик тадқиқот мавзусини ишакллантириш
7. Таълим тарбиянинг ижтимоий иқтисодий аҳамияти ҳақида

Ислом Каримов таълимоти.

8. Педагогик тадқиқот долзарблиги аниқлаш
9. Педагогик тадқиқот объекти ва предмети.
10. Педагогик тадқиқот мақсад ва вазифалари.
11. Илмий тадқиқот фарази.
12. Тадқиқот фаразини белгилашда продуктив ёндошиш.

IV-БОБ. ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ ВА ТУШУНЧАЛАРИ

4.1. Методологик ва махсус илмий тадқиқот

Ҳар бир фаннинг ўзига хос категориялари, тушунчалари, тадқиқот предмети, объекти ва фаншуносликнинг умумий қоидалари, илмийлик мезони ифодаланишидир. Глобаллашув жараёнида фаннинг ривожланиши, илмий тадқиқот тили, категориялари унинг умумий жаҳоншумул ва хусусий муаянлиги муҳим ўрин тутди.

Шунинг учун педагогик тадқиқот лингвистикаси илмий фаолиятнинг таркибий қисмидир. Тадқиқотда тафаккур, тасаввур ва воқеяликни ифодалаш тушунчалари, лингвистикаси бир-бирини тўлдиради, лингвистик, илмий категорияларсиз тафаккур, фикр, ғоя бўлиши мумкин эмас. Фаннинг тили, тадқиқотнинг тили уч томонлама хусусиятга эга:

Биринчидан, грамматик қоидалар, жонли тушунарли тили;

Иккинчидан, жаҳонда тан олинган илмий категориялар, тушунчаларда ифодаланиши;

Учинчидан, ҳар бир фан тадқиқотнинг предметида келиб чиқадиган тушунча ва категориялар моҳияти, воқеяликни ифодаловчи лингвистик даражасини умумлаштириб, фаннинг мантиғи деб ҳам аташ мумкин. Чунки фаннинг методологик таълимотга асос солинган қадимги Юнонистонда фалсафанинг таркибий қисми сифатида “мантиқ” (логика) фани ҳам шаклланди.

Илмий тадқиқотда мантиқий тафаккур, мантиқий фикрлаш педагогик лингвистика даражасини белгилайди. Тил мулоқот-воситаси, олимнинг омма билан умумий мулоқоти, ўз тадқиқотини оммалаштириши, тарғиб қилиши аввало, ўз тадқиқот натижасини талқин қилиши, тадқиқ этиши, ҳимоя қилиши, муҳокама, мунозара қилиши унинг тил бойлиги, маҳорати, қобилиятига боғлиқ бўлади.

Педагогик тадқиқот таълим-тарбиянинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ўрганиш, тушунчалари фанлараро боғлиқлик, фаншунослик ва умумжаҳон фанида қабул қилинган методологик категориялар деб асосланади. Кадрлар тайёрлаш Миллий моделида белгиланган фаннинг истиқболли вазифаларидан бири жаҳон фанига интеграциялашувидир. Глобаллашув шароитида жаҳоннинг илғор тажрибаларидан фойдаланиши ва тараққиётнинг ўзбек модели, Ўзбекистонда педагогик ютуқларни намоёни қилиш даври талабидир. Шунинг учун фанда қабул қилинган категориялар ва тушунчалар илмий билишнинг муҳим омилдир.

Тушунча, абстракт тафаккур шакли – баъзи нарсаларни умумлаштириш ва шу нарсалар учун умумий бўлган белгилар йиғиндисини фикран ажратиш натижасидир. Илмий билишда хусусий, умумий ва энг умумий тушунчалар бўлади. “Тушунча” сўзига “тушунмоқ”, “тушуниш” сўзлари яқинлиги абстракт фикрлаш эканлигидан далолат беради. Олий даражадаги тушунчалар идеаллик соҳасини ташкил қилувчи ғоялардир, «Ғоя тарзидаги тушунча келажакнинг ёки келажакдаги нарсаларнинг образидир.

Шундай қилиб, воқеяликни чуқур акс эттирилиши, англаши ва йўналишига кўра тушунчаларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. нарсалардаги умумийликни акс эттирувчи тушунчалар;
2. нарсалардаги муҳим белгиларни қамраб олган тушунчалар;
3. нарсаларнинг мазмун, моҳияти очилишига боғлиқ тушунчалар;
4. ғоя – тушунчалар

Тушунчалар асосида хулоса шаклланади. Тушунчалар предметнинг, воқеяликнинг моҳияти, ўзига хос хусусияти лексикологик ва илмий хоссаси.

Категория (юнонча – тафсилот, белги) воқеялик ва билшнинг умумий хусусияти ҳақида фундаментал, назарий тушунча. Педагогиканинг илмий тили, тушунча ва категориялари янги тадқиқотлар, жаҳон илм фани ютуқлари асосида бойиб боради. Педагогик тушунчалардан аниқ фойдаланиши илмий тадқиқотнинг муҳим шартидир. Педагогик тушунчаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, илмий тушунчалар оддий, умумий тилга яқин. Педагогик ишланмалар кенг оммага, ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналарга тушунарли бўлади. Тушунча ва ибораларни тўғри қўллаш фикрни мақсадли, тушунарли баён қилиш имкониятини беради. Методик ҳарактердаги илмий тил изланувчининг луғат бойлиги билан белгиланади.

Педагогик тушунчалар фанларнинг туташ бандида ривожланиб бормоқда. Педагогик тадқиқотлар натижаси, графика, таблица, математик, физик, кебернетик, математик, мантиқ, психологик, физиологик, социологик, алгоритмик, технология каби тушунчалар билан ифодаланмоқда. Ҳозирги даврда педагогик жараёни илмий тадқиқотида ҳар хил ёндошувлар, тамойиллар, методларни ифодаловчи тушунчалар билан бойимоқда. Тадқиқотнинг даражаси узлуксиз таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш илмий-амалий аҳамиятини замонавий фан тилида умумлашгандир.

Педагогик тадқиқотлар амалий ва методологик ҳарактерда бўлиши ҳақида олдинги бобида тўхталган эдик. Методологик тадқиқотлар кам ўрганилган, Ўзбекистонда фаннинг тарихий тараққиёт тажрибасидан, миллий кадриятлар асосида фаннинг методологик қоидаларини ишлаб чиқиш, жаҳон фани тажрибаларини бозор иқтисоди тамойиллари асосида таълим-тарбиянинг жамиятни иқтисодий, ижтимоий тараққиётида имкониятни ошириш давр талабидир. Бугунги кунда жамиятни педагоглашуви, педагогика ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасини таълим-тарбия методикаси билан таъминлаши, унинг тармоқлари алоҳида фан сифатида таркиб топишига олиб келди.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳар-бир соҳасида таълим-тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини махсус тадқиқотлар йўналишида ўрганилади. Педагогиканинг таркибий қисмлари ва хизмат соҳаси қуйидагилардан иборат:

- умумий педагогика, фанининг методологик асослари;
- ижтимоий педагогика;
- мактабгача педагогика;
- махсус педагогика (дефектология тармоқлари);
- умумий таълим педагогикаси;
- олий мактаб педагогикаси;
- катталар педагогикаси;

- дидактика-махсус фанлар;
- педагогика тарихи ва қиёсий педагогика фанлар.

Ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уни ривожланишида таълим-тарбиянинг имкониятларини ошириш мазмун, метод, воситаларини ишлаб чиқиш, категориялари ва тушунчалари мавжуд. Назарий, амалий, педагогик тадқиқотлар, таълим-тарбия технологияларини янги-янги категориялар, тушунчалар билан бойиб боради.

4.2.Методологик категориялар.

Илмий тадқиқотнинг методологик тушунча ва категориялари фалсафанинг инсон, инсоният, инсонийлик триадаси (учлик) категориясига асосланади. Яъни, инсон, одам, шахс, инсоният, инсонийлик, комил инсон, баркамол шахс, баркамол авлод каби категориялар барча фанлар қатори педагогиканинг ҳам предметиدير. Профессор Анвар Чориев «Инсон фалсафаси» китобида унинг методологик моҳиятини ёритган. Инсон энг улуғ мавжудот эканлиги «Қурон» и Каримда қайд этилган, унинг улуғворлиги инсоний фазилатлари мужассамлигидааир. Кишилик жамияти тарихий тараққиётида инсонийлик муаммосини тадқиқоти, доимо долзарб бўлиб келган, янги-янги ғоялар, тажрибалар билан бойитилган. Масалан, комил инсон таълимоти «Авесто»да «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» мужассамлигида эканлиги ёритилган. Минг-минг йиллик тарихий тараққиёт, инсоният категориясини умумлаштиради, кишилик жамияти раванқини ифодалайди. Тадқиқотларда бирор бир шахс, инсон бир-бирини такрорламасада инсонийликка хос умумий хусусиятлар, она Ернинг, олий мавжудотлари инсониятдир.

Шахс кенг маънода инсон индивуди, киши, фанда қўлланилиш, илмий категория сифатида индивуднинг ижтимоий жиҳатдан барқарор инсонийлик хислатлар мажмуаси тушунчасидир. Шахс муаммосини психалогия, социология, фалсафа ўргансада педагогик тадқиқотда ҳам алоҳида моҳиятга эга. Қолаверса, баркамол шахс, баркамол инсонни шакллантиришда фанлар бир-бирини тулдиради. XXI асрда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан баркамол авлод таълимотига асос солинди, баркамол авлод комплекс дастури фаннинг долзарб муаммоси, методологик асосига айланди. Жаҳон илмий жамоат пилиги эътирофи «Тараққиётнинг ўзбек модели»нинг асосий таркибий қисми ҳам юксак билимли, интеллектуал ривожланган ёш авлодни тарбиялаш мамлакатни ривожланиши ва модернизация қилишнинг муҳим шарти» эканлигида. Албатта, таълимотлар, категориялар тарихий тараққиёти ҳақида фикр юритганда баркамол авлод таълимотининг фаншуносликдаги ўрни аҳамиятга эга.

Шунингдек, умумий методологик категориялар: билиш, илмий билиш, илм, фан, онг, ғоя, концепция, башратлаш каби тушунчаларда ифодаланеди.

Билиш воқеликни инсон онгида акс этишидир. Билишнинг мақсади инсонни комилликка эришиши, бахтли яшаши табиат ва жамият нарса воситалар, инсон саодатига хитзмат қилдиришдир. Педагогикада дидактик категория сифатида кишилик жамияти томонидан йиғилган тажрибаларни,

ғояларни ўрганилиши, ҳаётда қўллашига билиш дейилади. Билишнинг методологик категориялари анализ ва синтез, абстракциялаш ва идеаллаштириш, идукция ва детукция, аналогия, моделлаштириш, кузатиш, эксперимент, шпозеза кабилар.

Илмий билиш воқеа, ҳодисаларни келиб чиқиши, анализ ва синтез орқали казуа ва кавузал ҳолати, бошқа воқеа предметлар билан боғлиқлиги унинг истиқболлини аниқлашдир. Анализ тадқиқот объектни қисмларга бўлиб таҳлил қилиш, синтез бўлакларни, қисмларга бир бутунликда ўрганишдир. Бу педагогик тадқиқотнинг самарали методологик тамойилидир.

Абстракклаштириш (лот. abstractio-мавхумлаш) илмий тадқиқотда объектив, муаян предмет ҳодисаларнинг энг муҳим хусусиятларини ажратиб олиш, икки даражали хусусият ларни эътиборга олмай умумлаштириш. Масалан, таълим-тарбияда таянч фазилатлар (нуқталар, сигналлар) таълимоти шунга асосланган. Эзгу фикр, эзгу сўз-эзгу амал бошқа фазилатдаги қирраларни ҳам тўлдиради. Идеаллаштириш баркамол шахс моделидир.

Индукция ва дидукция категорияси педагогик тадқиқотнинг методологик принциpidир. Оддийдан мураккабга, билгандан билмаганга, назарияда амалиётга умумий қонуниятни очишга йўл индукциядир. Дидукция гносеологик мазмунга кўра, индукция усулининг аксидир. Умумий билишдан хусусий билиш томон йўл, хулосалар, муаян тавсиялардир. Илмий тадқиқотда тафаккурнинг индуктив ва дидуктив усуллари ўзаро боғлиқдир.

Илмий тадқиқотда объект, субъект онг тушунчалар, категориялари методологик хусусиятга эга. Объект умумфалсафий жиҳатдан ташқи олам, борлик, воқелик, моддийликни ифодалайди. Педагогик тадқиқотда у ёки бу таълим-тарбия жараёнини англашади. Субъект аввало индивиддир, шахс инсон билиши фаолияти. Билиш жараёнида инсон бир вақтнинг ўзида ҳам объект, ҳам субъект бўлиши мумкин. Ҳар бир киши ўз-ўзини, ўз хулқ атворини, ҳислари, сезги ва фикрларини билишда объектга айланади. Инсон онги мураккаб серқирра ҳодисадир. Унинг серқирраллиги кўпгина фанлар учун ўрганиш, тадқиқ қилиш объекти бўлишига сабаб бўлган. Онг оддий руҳий инъикос эмас балки ижтимоий ривожланган инсон томонидан воқеликни руҳий акс эттиришнинг олий шаклидир. Онгнинг бир неча фалсафий концепциялари мавжуд: борликни руҳий акс эттириш; воқеликнинг объектив мазмунини субъектив мазмунга айланттириш; турли босқич ва даражаларни инъикос эттиришининг ўзига хос социал-психологик, педагогика-психологик каби механизмлари.

Билиш фаолияти ҳақида методологик категориялар ҳам илмий тадқиқотда алоҳида ўрин тутади. Ҳиссий билиш, ақлий билиш, интуция, ижод, тафаккур, фикрлаш, метод кабилар илмий тадқиқотнинг ҳал қилувчи омилидир. Педагогик тадқиқотлар илмий билишнинг умумий категориялари билан бир каторда ўзининг хусусий методологик категориялари ҳам мавжуд.

Фаннинг узлуксиз тараққиёти туфайли педагогик илмий тадқиқотда ҳар хил ёндошувлар, тамойиллар, методлар, тушунча ва категориялар қўлланилмоқда.

Методологик ёндошувларнинг узлуксиз ўзгариб туриши педагогиканинг предмети, мақсади, вазифаси, назария ва амлиёт моҳиятини ифодалаш, башоратлаш, илмий изланувчининг дунёқараши, методологик рефлексияси, мавжуд анъаналар билан янги ёндошувнинг боғлиқлигини англаши муҳимдир. Яъни методологик йўналишни танлашда у ёки бу категория, ёндошувининг ҳозирги даврда қандай аҳамиятга, имкониятга эга эканлигини билиши шарт. Масалан, бир асрга яқин дидактиканинг предмети «кимга нимани қандай ўқитиш» - таълим учун эди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури «кимга нима учун қандай ўқитиш», ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш истиқболлини белгилаш педагогик тамойилига айланди. Бугунги кунда айрим методологик ёндошувлар: анъанавий, экспериментал, гуманистик, шахсга йўналтирилган, аксиологик, антропологик, антропобациологик, бир бутунлик, тизимлилик, комплекс, парадигмал, полипарадигмал, отопарадигмал, цивилизациялашган, контекстуал, герпеневтик, эволюцион, эпистимиологик; когнитив-ахборотлашган; рефлексияли; синергетик; парадикматик қабилар.

Ҳар қайси методологик ёндошувда педагогик жараёни такомиллаштириш фундаментал ғоя асосланган, педагогик воқеяликни зохири (ташқи) дан ботуни (ички)ни аниқлашга, фалсафий устиворликка эришилган

Тадқиқотчи методологик йўналишни танлашда педагогик муаммони кўйиши, уни очиши, тадқиқот метод ва усуллари кўллаши натижаларни мезонини аниқлаши, аргументли баҳолашни, илмий асослаши;

- тажриба-синов ишлар, илмий изланиш фаолияти дастурини, концепциясини белгилаши;

- илмий иш тизими, илмий тафаккур услуби, тушунча категорияси, матннинг илмий тилини аниқлаши мумкин.

Методологик тадқиқотда “парадигма” категорияси кейинги ўн йилда кенг қўлланилмоқда. Бу ибора фанга Тошос Кун (Америкалик файласуф 1929 й) томонидан илмий фаолият модели сифатда киритилган .

Парадигма XX аср охирида педагогиканинг методологик асоси сифатида тавсия этилди. Парадигмали ёндошув, педагогик ёндошувда комплекс тадқиқотни ифодалайди.

Шунингдек онтологик ёндошув педагогик тадқиқот объектига тизимли, яхлитлик, комплекс муносабат. Оптималлаштириш методологияси: демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, мақсадли дастурий ёндошувни тақазо этади. Ю.К.Бабанский асослаган оптималлаштириш концепцияси педагогик экспериментнинг энг самарали методикаси ярим асрга яқин қўлланилмоқда. “Педагогик шарт-шароит”, “вақтни тежаш”, “таълим-тарбиянинг аниқ мақсади”, “дарсда маънавий-ахлоқий муҳит” каби категорияларини фанга киритди.

Бизнинг фикримизча педагогик тадқиқотларда қонуниятли ёндошув барча методологик қарашларни умумлаштиради.

Интеллектуал маҳсулотни тўрт туркумда классификация қилиш мумкин: Ихтиро, назарий ишланма, методик ишланма ва амалий натижалар, шунингдек, ихтиро даражаси:

1. қонун сифатида;
2. қонуният ва тамойиллар;
3. далиллар, омиллар, воқеялик;

Назарий ишланмаларни тўрт даражаси ғоя, гипотеза, концепция, назария ва бешинчиси формула, прогноз (башорат) лаш тизими

Методик ишланмаларни ихтиро, модель, лойиҳа, янгича ечим, методика, алгоритм-кабилар.

Амалий натижалар – тузилма, технология фаолият.

Қонун – ҳар қандай фаолиятнинг умумий ривожлантирувчи тизими. Табиий тизимда қонун объектив хусусиятга, ижтимоий, ихтиро сифатида субъектив хусусиятга эга. Масалан, И.Ньютоннинг ернинг тортилиш қонунига хилоф қилиб бўлмади, чунки у объектив мавжуд воқеялик. Йўл ҳаракати қонунларини баъзан бузиш мумкин бу субъектив ҳолат, субъектив қонун. Табиат қонунлари олимлар томонидан ихтиро қилинади, ижтимоий қонунлар демократик асосда қабул қилинади.

Қонуният такрорланадиган, барқарор воқеа, ҳодисалар, жараёнлар ички боғлиқлиги. Қонун ва қонуниятсиз тадқиқотларни фанга ўхшаш деб қочирма қилишда ҳақиқат бор. Айрим қонуниятлар ҳаётда барқарорлиги, минг-минг йиллардан такрорланиши билан ўз исботини топди. Қонуниятли ёндошув илм ахли учун ҳам, кенг омма учун ҳам тушунарли, назария билан амалиётни умумлаштирувчи методологик қўлланма бўлади.

4.3.Педагогик ижодкорлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Илмий тадқиқот ижодкорлик тамойилига асосланади, тадқиқотчининг ижодкорлик салоҳияти, тафаккур қобилияти фанни севиши илмий изланиш самарадорлик омилдир. Ижод ижтимоий ва табиий дунёни аниқ мақсад ва эҳтиёжларга мос объектив қонуниятлар асосида ўзгартиришдан иборат инсон фаолиятидир, яъни, ижод сифат жиҳатдан янги моддий ва маънавий қадриятларни яратувчи инсон фаолиятидир. “Инсоннинг ижодий фаолияти масалаларини фалсафа, психология, фаншунослик, кибернетика, ахборот назарияси, педагогика ва бошқа фанлар томонидан ўрганилади”

Ижод инсоннинг қобилияти, мақсади, мақсадга интилиш, ижодий психологик муҳит каби омиллар билан боғлиқ. Илмий ижод ўзига хос хусусиятга эга. Профессор Қ.Назаров илмий ижоднинг беш босқичини кўрсатади.

1. Муаммони аниқ ифодалаш учун билим кўникмаларни тўплаш;
2. уни ечиш учун ҳаракатларни бир жойга тўплаш босқичи, бу баъзан муаммони ечишга, баъзан чарчашга олиб келади;
3. муаммодан қочиш, бошқа машғулотларга ўтиш;
4. фикр равшанлашуви;
5. верификация;

Ижодий жараёни қуйидаги тамойилларни кўрсатиш мумкин:

1. илмий муаммони аниқлаш, тадқиқот предметини танлаш, унинг мақсад, вазифаларини ифодалаш;
2. ахборот тўплаш ва тадқиқот методологиясини танлаш;

3. илмий муаммонинг ечими йўллари излаш;
4. илмий кашфиёт, илмий ғоянинг пайдо бўлиши, олим томонидан очилган ҳодисаларнинг идеал моделини яратиш;
5. олинган илмий маълумотларни қатъий мантиқий тизимга жойлаштириш.

Бу умумий қоидалар барча соҳада ижод қиладиган, жумладан; педагогик тадқиқот олиб борадиганлар учун ҳам йўлланма бўлади.

Педагогик ижодкорликнинг ўзига хос хусусияти:

- тадқиқотчи ўтган умри давомида таълим-тарбия жараёнида шаклланган ҳар хил педагогик жараённинг объекти ва субъекти бўлган, таъсирланган, маълум тасаввурга эга;

- педагогик жараённинг диалектик хусусияти, дифференциаллик тамойили.

- Педагогик тадқиқот объекти инсон , навнихол бола эканлиги, инсонпарварлик ва инсоншунослик тамойили;

- Таълим-тарбиянинг тарихийлиги;

- Педагогиканинг барча инсонни ўрганадиган фанлар билан боғлиқлиги кабилар, педагогик тадқиқотнинг мураккаб ва ўта маъсулиятли эканидан далолат беради.

Шунингдек, педагогик ижодкорлик ҳар бир ўқитувчи фаолиятида, ҳар бир оила тажрибасида намоён бўлади. Педагогик ихтиро жамият тараққиётида энг улуғ ишдир.

4.4. Интуитсия, зеҳн ва педагогик тафаккур

Педагогик тадқиқотда фикрий экспериментал тафаккур алоҳида ўрин тутати. Бу эса тадқиқотчининг интуицияси, зеҳни ва педагогик тафаккурига боғлиқ. Тадқиқотчининг интуитив қобилияти, унинг фан билан яшаши, фикрлаши, мулоҳаза юритишида ривожланади. Интуиция ҳақиқатга эришишда билимни тўғридан тўғри исботлаш ёрдамида таянмасдан қўлга киритиш каби Интуитив “кўриш” нафақат тасодифан ва кутилмаганда содир бўлади, балки ушбу натижага олиб келувчи йўллар воситаларни англамаган ҳолда ҳам рўй беради. Инсоннинг интуитив қобилиятига 1. масаланинг кутилмаган ечими, 2. уни ечишнинг англамаган йўллари ва усуллари ҳамда, 3. муайян масалада ҳақиқатга эришишнинг бевоситалиги.

Интуициянинг шаклланиши ва намоён бўлишининг умумий шарт-шароитларига қуйидагилар киради: 1. Инсоннинг астойдил касбий тайёргарлиги ва муаммони чуқур бўлиши, 2. Изланиш вазияти ва муаммолик ҳолати;

3. Муайян мақсаднинг аниқлиги бирон-бир “туртки” берувчи омил (воситанинг) бўлиши

Илмий тадқиқотда тафаккур ҳал қилувчи омиллардан бири Тафаккур – объектив воқеликни онгда акс этиш жараёнидир, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли. Сезги, идрок ва тасаввур орқали билиб бўлмайдиган объектлар тафаккурда онгли равишда акс этади. Тафаккурда махсус ақлий операциялар таққослаш анализ ва синтез, абстракциялаш, умумлаштириш. Тафаккур

жараёнида фикр вужудга келади, бу фикрлар инсон онгида, ҳукм ва тушунчалар шаклини олади, сўнг муҳокама, хулоса, гипотеза, назария ва бошқа шаклларда юзага келади.

Педагогик тадқиқотда интуитсия ва тафаккур алоҳида ўрин тутади. Таълим-тарбия жараёнининг хилма-хиллиги, таълим-тарбия натижаларининг муҳимлиги ижодкордан юксак тафаккур, зеҳн ва интуитсияни талаб этади. Масалан, педагогика тарихи мавзусини ўрганаётганда айрим далиллардан илмий хулоса чиқариш имкониятини беради. Ўрта асрлар Шарқ алломалари қаторида ўнлаб Насафий, Касбавий, Кеший олимлар кашф этилган (Шарқнинг буюк алломалари китоби.) Демак, ўша даврда шу шуҳарларда илм фан тараққий этган, мадрасалар бўлган деган хулоса, тафаккур асосида эришилади. Тадқиқот гипотезаси, илмий фарази ҳам тафаккур асосида юзага келади.

Педагогик тадқиқотларда педагогик психологик вазиятларни аниқлаш, уни ижобий ечиш йўли ҳам илмий тафаккурдир. Таълим-тарбиянинг муҳим воситаси бола қалбига йўл, таълим-тарбиянинг дифференциал тамойили ҳам педагогик тафаккурга асосланади.

Таълим-тарбиянинг коммуниктаив конструктив муаммосини оптимал ечими педагогик моделларини яратишда тафаккур фикрий экспериментга таянади.

4.5.Инновацион фаолият ва инновацион салоҳият.

Ҳар қандай тадқиқот янгилиги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти билан қимматлидир. Инновация-янгилик деган маънони англатади. Инновацион таълим технологияси, инновацион илмий лойиҳа педагогикада кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, инновация илмий тадқиқотларни жаҳон фанига интеграциясини ҳам ифодалайди. ХХI аср илмий ахборотларни глобаллашуви билан характерлидир. Жамият тараққиётида фаннинг яратувчанлик қудратини ошиб бориши тараққий топган мамлакатлар инновацион лойиҳаларга катта маблағ ажратиб танловлар эълон қилаётгани фикримизнинг далилидир. Мамлакатимизда бир неча йилдан бери фаолият кўрсатаётган ТЕМПУС каби бир неча уюшмалар инновацион лойиҳалар буюртмачисидир. Япония ўтган асрнинг 50 йиллариданоқ инновацион тадқиқотларга эътибори тез тараққий этишига сабаб бўлди. Фаннинг тараққиёти ва иқтисодиётни жаҳон миқёсида интеграциялашиши глобаллашув тушунчасида ўз ифодасини топмоқда. Дунёга янгича оламшумул нуқтаи назарнинг вужудга келиши, коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар, инвестициядаги янги жараёнлар глобализациянинг натижасидир. Илмий билишнинг “Глобалистика” ва “Антиглобалистика” соҳалари пайдо бўлди. Демак, инновацион фаолият жаҳон фанига интеграция, аввало, олиб борадиган изланишнинг жаҳоншумул аҳамияти аниқлашдан иборат. Шунингдек интернет тармоғи орқали жаҳон илмий янгиликларидан баҳраманд бўлишни тақазо этади.

Таълим соҳасида бирлашган миллатлар ташкилоти қошидаги ЮНЕСКО ҳар йили инновацион технологиялар бўйича халқаро конференциялар ташкил этмоқда, ўрганаётган мавзу бўйича жаҳондаги янгиликлардан хабардор бўлиш инновацион фаолиятнинг таркибий қисмидир. Шунингдек, инновацион

фаолият мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг педагогик асосларига бағишланган лойиҳалар устида иш олиб бориш, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган инновацион тадқиқотлар илмий-амалий аҳамиятга эга бўлади.

Масалан, маҳаллий касбларга ёшларни йўллаш педагогик-психологик иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш мамлакат тараққиётига хизмат қилади. Кўпгина инновацион лойиҳалар ҳар йили ўтказилаётган танловларда муваффақият қозонгани фикримизнинг далилидир. Жамиятни барча соҳасини педагоглаштириш муаммоси доимо долзарб бўлиб қолди.

Тадқиқотчининг инновацион фаолият қобиляти:

- комунникация, ахборот тизимидан фойдаланиш малакаси;
- хорижий тилларда ўз тадқиқот мавзусининг тушунчаларини, жаҳондаги халқаро тилини билиш;
- жаҳон ахборот тизимидаги нотўғри чалғитувчи ахборотлардан огоҳ бўлиш;
- мамлакатдаги долзарб ижтимоий, иқтисодий, педагогик муаммоларни аниқлаш;
- жаҳон фанига интеграциялашув тармоқларида фойдаланиш кабилар.

4.6. Тадқиқот лойиҳаси ва дастури

Ҳар қандай фаолиятда, кундалик, истиқболли лойиҳа ва уни амалга ошириш дастури бўлмаса мақсадга эришб бўлмайди. Қурувчи улкан иншоотни ҳар томонлама ҳисоб китобли лойиҳага асосан яратади, у юз йиллар халқа хизмат қилади. Илмий тадқиқот ҳам шунга ўхшаш халққа, мамлакатга, инсониятга хизмат қиладиган улуғ иш, унга киришиш, илмий изланиш лойиҳасини белгилашдан бошланади. Педагогик тадқиқотда изланувчи эзгу мақсади, миллат, Ватан тараққиёти учун маъсулиятли орзу-интилишни лойиҳасида ўз ифодасини топади. Китоб ёзиши, инновацион технология моделини яратиши, битирув малакавий ёки магистрлик диссертация танланган мавзунинг ўрганишдан бошланади. Мавзунинг қайси жиҳатлари долзарблиги аниқланади, тадқиқотнинг лойиҳаси тузилади. Лойиҳада тадқиқотнинг мақсад, вазифа, амалга ошириш йўллари аниқ ифодаланади, тадқиқотнинг дастлабки тузилиш модели яратилади. Лойиҳада оптимал шарт-шароит ҳисобга олинади. Дастлабки лойиҳа экспертизадан ўтказилади, лойиҳада тадқиқотнинг режаси ўз ифодасини топади. Режада мавзунинг долзарблиги, назарий асоси, муаммони ўрганилганлик ҳолати, таҳлил қилинади. Шунингдек, синов тажриба ўтказиш объекти белгиланади. Ўрганаётган адабиётлар, интернет манбалари кўрсатилади. Тадқиқот лойиҳасига асосан илмий-тадқиқот, илмий педагогик иш дастури тузилади. Дастурда кундалик, жорий, ойлик, истиқболли фаолият вазибалари аниқланади. Ҳар бир фаолиятдаги сингари ижодий ишда ҳам изчиллик самарадорлик омилидир. Ижодкорлик, яратувчанлик илҳоми билан узлуксиз фаолиятда, кўникма ва малакада намоён бўлади. Илҳом, илмий ижод, режаси, дастури ўз вақтида бажарилса, унинг завқи, ҳузур-ҳаловати бадиий ижоддан кам бўлмайди. Мукамал илмий иш лойиҳаси ва фаолият дастури муваффақият гаровидир.

Асосий тушунчалар:

Категория, тушунча, фаннинг тили, мантикий тафаккур, педагогик лингвистика, ғоя, идеал, анъанавий ёндошув, рефлексиявий ёндошув, гуманистик ёндошув, аксеологик ёндошув, антропологик ёндошув, парадигмал ёндошув, конгнитив ёндошув, сенергетик, параметрик ёндошув, ихтиро, қонун, қонуният, технология, ижод, тадқиқот, интуитсия, инновация, лойиха.

Мустақил таълим саволлари:

1. Педагогик категориялар.
2. Педагогик тушунча ва лингвистика
3. Ҳозирги даврда педагогика фанлари тизими.
4. Методологик категориялар.
5. Педагогик қонуниятлар.
6. Педагогик ижодкорликнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. Интуитсия ва педагогик тафаккур.
8. Инновацион фаолият ва инновацион салоҳият
9. Илмий тадқиқот лойихаси ва дастури.

V-БОБ ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТДА ИЛМИЙ ДАЛИЛЛАР.

5.1 Илмий далилларнинг мантиқий гносеологик моҳияти.

Тадқиқот илмий далилларнинг турли кўринишлари, муайян илмий меъзонларга асосланади. Ҳар бир далил гносеологик ва эпистемологик билиш қоидалари билан исботланса, у ҳақиқий бўлади. Малумки, "Гносеология" грекча билиш назарияси, билиш тўрисидаги таълимотдир. «Олам ва одам» тизимида дунёни англаш, субъект ва объект ўртасидаги муносабат диалектикаси билан гносеология шуғулланиди. Аввало, педагогик концепцияларни, қарашларни таҳлил этиш ва ўз ғоясини талқин этишда гносеологик ва эпистемологик қоидаларига амал қилинади. Гносеологияда тафаккур билиш, ҳақиқат, субъект, объект, моддийлик ва маънавийлик, инсон ва компьютер, ҳиссиёт ва рационаллик, назария ва амалиёт, тушунча ва категориялардан" иборат, билиш мантиғидир. Эпистемология илмий билиш тўғрисидаги фандир. Эпистемология анилиз ва синтез, индукция ва дедукция, интуиция, тафаккур каби категорияларда ифодаланади. Илмий далилларни аввало фалсафий, қонун ва категориялар асосида исботланиши илмий-тадқиқотнинг қимматини белгилайди. Педагогик жараён фалсафий концепциялар, қарашлар билан таҳлил этилса, илмийлик даражаси юқори бўлади.

Педагогиканинг умумий қонуниятлари ва принциплари илмий фаолият мезонидир. Ҳар бир воқелик, психологик-педагогик қонуниятлар асосида таҳлил этилиши муайян концепцияни илмий далилидир. Масалан, бирор илмий концепцияни таҳлилда таълим-тарбиянинг давр талаби, мавжуд шарт-шароитга мослиги қонунияти асосида ёндашиш унинг илмий-амалий аҳамиятини аниқлаш имкониятини беради.

Фалсафада ҳақиқат, ҳаққонийлик категорияси, принциплари барча фанлар жумладан, педагогик тадқиқотлар учун ҳам методологик асосдир.

Ҳар бир фандаги сингари педагогик тадқиқотда ҳам илмий далилларга асосланади. Тадқиқот илмий далиллардан бошланади ва гипотезани исботланиши билан умумлаштирилади. Илмий далил тадқиқотнинг билиш ҳаётий тажрибаси тушунчасига боғлиқ. Илмий далиллар мантиқий таҳлили ва ахборот ва график моделлар билан ифодаланиши мумкин.

Тадқиқотчи ўз олдига қўйган муаммоларни ечишда, мавзуга доир илмий далилларни йиғиш ва умумлаштиришдан бошлайди. Маълумотлар, манбалар тартибга солинади, назарий хулосалар чиқарилади, тушунча ва категориялар аниқланади.

Билиш жараёнида фикрий тажриба алоҳида ўрин тутди. Ақлий билишга рационалистик таълимотга қарама-қарши эмпирик таълимот тарафдорлари тажрибани, айнан фикрий тажрибасини билишнинг тадқиқотнинг ҳал қилувчи омили деб қарайдилар. Проф.Д.Шодиев докторлик диссертациясида фикрий эксперимент педагогик тадқиқотда самарали восита эканлигини асослаган.

Илмий далилларнинг ўзига хос хусусиятлари:

- ижтимоий тараққиётнинг истиқболини кўра билиш, шу асосда узлуксиз таълим-тарбия жараёни ва бугуни ва келажаги, амалиёти ишлаб чиқиш;

- хулоса учун етарли амалий натижа, мисоллар, ҳар томонлама мулоҳаза, фикрий таҳлил қилингани;
- ҳозирги даврда педагогик муаммолар тадқиқоти илмий асосланган маълумотлар;
- ҳар қанай педагогик тадқиқот етарлича амалий кўрсаткичлар билан асослаши;
- тадқиқот натижаси фан амалиёти, мантиқ, психологик жиҳатдан аргументли бўлиши кабилар.

Далил – илмийлик мезони. Педагогик тадқиқотнинг мантиқий генезисологик модели:

- муайян тадқиқотнинг умумий билиш қонуниятларига мослиги;
- муайян тадқиқотнинг умумий моҳияти, мантиқий изчиллиги;
- тадқиқотнинг ижтимоий-иқтисодий долзарблиги;
- тадқиқот категориялари кабилар.

Тадқиқотнинг эпистемологик модели илмий билиш ҳақидаги фандир. Яъни, илмий тадқиқотнинг илмий далили назарий моҳиятини ифодалайди. Педагогик тадқиқотнинг эпистемологик модели:

- илмий фаолияти, билиш усуллари, тадқиқот жараёни;
- назарий моҳияти, илмий янгилиги, қиммати;
- тадқиқотда субъект, объект муносабатлари;
- шахс илмий йўналиш эканлиги;
- абстракт эксперимент;
- генезисологияни муҳим таркибий қисми эканлиги кабилар;

Илмий далилларнинг эмперик мантиғи:

- эмперик(амалий) далилларнинг тажриба натижаси эканлиги
- ҳаётий ва махсус эксперимент далиллар:
- мисолларнинг типиклиги оптималлиги:
- тажриба жараёни ва ҳоказо.

5.2 Педагогик муаммони танлаш ва педагогик тадқиқот мавзуларини шакиллантириш.

Педагогик тадқиқот мураккаб жараён, чунки таълим-тарбиянинг диалектик хусусияти, серқирра эканлиги изланувчидан аниқ муаммони танлашни тақозо этади. Педагогик жараён ҳали етарли ўрганилмаган долзарб муаммодир. Жамиятни, фанларни, ишлаб-чиқаришни, техникани тез тараққиёти, таълим-тарбиянинг давр талаби, мавжуд шарт-шароитга мос қонуният ва ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш зарурати педагогик муаммолар тадқиқотларни илмий-амалий аҳамиятидан далолат беради. Педагогик муаммо таълим-тарбия тизимининг ечилмаган қирралари масалаларидир.

Ана шу таълим-тарбия тизимининг комплекс кўламидан, ўз имкониятига мос муаммони, тадқиқот мавзуси сифатида танлаш, илмий изланишнинг дастлабки қадамидир. Чунки таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, жамият иқтисодий-ижтимоий тараққиёт омилidir.

Тадқиқот муаммосини танлаш, чуқур мулоҳаза, интеллектуал таҳлил, ҳаётий тажрибага асосланади. XXI асрда таълим-тарбияни истиқболли

йўналиши, баркамол авлод, баркамол шахс модели узлуксиз таълим-тарбияни модернизациялар, педагогик меросни ўрганиш, жаҳонда инсон, инсонийлик, муаммоси педагогик тадқиқот предметиدير.

Глобаллашув шароитида жаҳонда муайян муаммони ҳал этилгани даражасини аниқлаш; инсонни ўрганадиган фанларда ушбу муаммонинг тадқиқ этилганини таҳлили; миллий менталитет, кадриятлар хусусияти; муаммони тарихий, мантиқий моҳияти муаммони аниқлаш мезонидир.

Муаммони танлаш, тадқиқот мақсадини йўналишларини белгилашда муҳим ўрин тутуди. Педагогик тадқиқотнинг информацион, концептуал, экспериментал, кваламетрик, методик, ташкилий, тарихий, йўналишлари мавжуд. Информацион тадқиқот илғор педагогик тадқиқотларни ўрганиш умумлаштириш фанда муҳим ўрин тутуди. Таълим-тарбия умум халқ иши: кўп сонли иждоқор педагоглар, ота-оналар, жамоатчилик, матбуот, радио-телевидения ходимлари фаолиятининг таркибий қисми. Педагогик қонуниятлар, тамоиллар, асосида илғор тажрибаларни умумлаштириш таҳлил, тарғиб қилиш, жамиятни педагоглаштириш имкониятини оширади. Информацион тадқиқотда объективлик, мантиқийлик, бадийлик, ҳаётийлик, ва педагогика-психология қонуниятлар оммавийлиги муҳим ўрин тутуди.

Илмий-педагогик тадқиқот концептуал йўналиш методологик хусусиятга эга. Таълим-тарбия жараёнининг методологик муаммосини ўрганиш педагогиканинг назариясини ривожлантиради. Назарий ва методологик тадқиқотлар илмий асосланган концепцияларда умумлашади. Концептуал тадқиқотлар жаҳон илм-фан ютуқлари, илғор тажрибалар, тарихий тараққиёт қонуниятларига асосланиб истиқболли йўналишларни белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистонда “Кадрлар тайёлаш Миллий модели” жаҳон тажрибалари асосида яратилди, узлуксиз таълимни истиқболлини белгилаб берди. Шахсга йўналтирилган таълим, технологик ёндашув, қонуниятли ёндашув, таълим-тарбияни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва узвий модернизациялаш долзарб муаммолардир.

Педагогик муаммолар асосида муайян-тодқиқот мавзуси танланади. Мавзуга доир аниқ муаммолар аниқланади, тадқиқотчи ўзига қуйидаги саволни қўйилиши ва қирқ ўлчаб- бир қақорга келиши мақсадга муофик:

1. Фанинг қасйси соҳаси, йўналиши мени қизиқтиради?
2. Қайси муаммони методологик, умумий таълим, мактабгача педагогика, касб-ҳунар таълими, олий мактаб педагогикаси ва ҳоказоларни ҳал эта оламан?
3. Қайси ёшдагилар таълим-тарбияни ҳал эта оламан?
4. Тарбиялаш ўз ўзини тарбиялаш, дидактика, мактабшуносликнинг қайси йўналиши менинг имкониятимга мос?
5. Қайси муаммолар долзарб?

Танланган муаммога асосан мавзу шакиллантирилади. Мавзунинг ҳар бир категорияси(тушунча сўзи) муаммони ифдалаши лозим. Мавзу аниқ, ихчам, илмий шаклда ифдаланиши шарт. Масалан, кўп ҳоларда у ёки бу муаммони “педагогик асослари” шаклида қўлланилиш ҳолатлари мавжуд, “педагогик асос” бутун фаннинг назарияси ва амалиётидир. Шунинг учун

яратиш «ишлаб чиқариш», «такомиллаштириш», «ривожлантириш», «самарадорлик», «информация», «модернизациялаш», «модел», «тизим» категориялари илмийлик даражасини билдиради.

Мавзуни танлаш асосан тадқиқотчининг иродаси, илҳоми асосида бўлади. Лекин мавзу танлашда ижтимоий буюртма долзарб илмий лойиҳалар асосида ҳам тавсия этилади. Мавзуни танлашда илмий марказлар мувофиқлаштириш кенгаш муҳокамаси, етакчи мутахасислар маслаҳати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, муаммо ўрганилган, тадқиқ этилган, такрор бўлмаслигини шарт. Педагогик тадқиқот муаммосини танлаш, мазмуни шакллантириш илмий фаолиятнинг муҳим босқичидир. Биринчи бобда педагогика айрим долзарб муаммолари келтирилган

5.3. Педагогик тадқиқот объекти ва предмети

Илмий тадқиқот мавзуси, мақсад вазифаси, тадқиқот объекти ва предмети бир-бири билан узвий боғлиқдир. Педагогик тадқиқот–мавзуга мос тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш мураккаб жараён. Мавзунинг ҳар бир категорияси тадқиқот объекти ва предмети асосида фойдаланади. Тадқиқот объекти ва предмети аввало фаннинг предметидан келиб чиқади. Фанларнинг туташ бандларида илмий изланишлар анъанага айланмоқда, бундай тадқиқотлар предмети, ўзаро боғлиқлик диалектик қонуниятлар асосида белгиланади. Педагогик тадқиқот объекти ва предметини тўғри белгиланиши илмий фаолият самарадорлигини оширади. Мавзунинг мавҳум, умумийлиги, унинг объекти ва предметини белгилашда қийинчилик туғдиради. Мавзуда тадқиқот объекти ва предмети аниқ, қисқа ифодаланади. Юқоридаги бобда таъкидлаганимиздек: у ёки бу муаммонинг “педагогик асослари”, “педагогик муаммолари”, “педагогик масалалари” каби тадқиқот мавзуларининг предмети ва объекти ҳам мавҳум бўлади.

Тадқиқот объекти танланган мавзу бўйича узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг у ёки бу қисми, тадқиқот предмети муайян таълим-тарбия жараёнини, такомиллаштириш истиқболли қонуниятлари, методлар воситалари йўналишлари бўлиши мумкин. Масалан, “Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиясидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари” мавзусида диссертация тадқиқот объекти: мактабгача таълим муассасаларида тайёрлов гуруҳларида мультимедия технологияси асосида таълим-тарбия жараёни белгиланган. Тадқиқот объекти асосида диссертация тадқиқот предмети: мактабгача таълим муассасаларида мультимедия технологиясидан фойдаланилган ҳолда болаларга таълим-тарбия бериш, уларда бошланғич компьютер савод воситалари танланган. Аввало, мавзу долзарб, бугунги кунда узлуксиз таълим – тарбияда педагогик технологиядан фойдаланиш шакл-методларидан ишлаб чиқиш давр талабидир. Тадқиқотчи мавзуга мос тадқиқот объекти ва предметини танлаган. Тадқиқот объекти мактабгача таълим муассасаларининг ўзига хос хусусияти ва айнан тайёрлов гуруҳлари таълим-тарбия дастуридан келиб чиқилган. Тадқиқот предметида мультимедиядан фойдаланиш тайёрлов гуруҳида таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг метод, воситаларини ишлаб чиқиш мақсади қўйилган.

Шунингдек, “Педагогик таълим жараёнини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти” мавзусидаги диссертациянинг тадқиқот объекти ўқитувчиларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни;

Тадқиқот предмети «Ўқитувчиларни касбий тайёрлаш ҳамда малакасини оширишда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш ва бошқаришнинг назарий ва амалий асоси» белгиланган.

Диссертация тадқиқоти мақсади: Олий педагогик таълимда кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш жараёнига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш тизимининг мазмунини ишлаб чиқиш, назарий асослаш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш илмий ишнинг мақсади, объекти ва предмети бир-бири билан боғлиқлигини кўрсатади.

Тадқиқот мақсадини амалга ошириш жараёни (объекти) ва ҳал этиладиган долзарб илмий муаммо – предмети аниқ тизимли ёндошилганлигидан далолат беради.

13.00.08. – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси педагогик тадқиқоти бўйича “Касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш методикаси” мавзусидаги диссертация тадқиқотида “Касб-хунар таълимида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанидан фанлараро узвийликни таъминлаш методикасини ишлаб чиқиш, амалга жорий этиш” мақсадидан келиб чиқиб, тадқиқот объекти: касб-хунар коллежларида узвийлашган фан дастурлари асосида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси махсус фанини ўқитиш жараёни”.

Тадқиқот предмети: касб-хунар таълимида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанидан фанлараро узвийликни таъминлаш мазмуни ва методикаси белгиланган. Тадқиқотда мақсад ва вазифа, объект ва предмет уйғунлиги илмий изланиш узвийлигини таъминлаган.

13.00.02. – таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология) бўйича “Мактаб ўқувчиларида экологик тафаккурни фанлараро такомиллаштириш услубиёти (биология ва физика мисолида) диссертация тадқиқотида қуйидаги мақсад қўйилган: “биологияни физика билан боғлаб ўқитиш асосида ўқувчиларда экологик тафаккурни такомиллаштиришнинг дидактик, услубий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш уларни амалга оширишда замонавий шакл ва услубларни ишлаб чиқиш”.

Шунга асосан тадқиқот объекти: умумий ўрта таълим мактабларида биологияни физика билан боғлаб ўқитишда ўқувчиларнинг экологик тафаккурини шакллантириш жараёни белгиланган. Лекин тадқиқот предметида бутун дидактик тизим қамраб олинган: умумий ўрта таълим мактабларида биологияни физика билан боғлаб ўқитиш ўқувчиларнинг экологик тафаккурини шакллантириш воситалари, услублар, шакллари педагогик шарт-шароитлари белгиланган.

Демак, педагогик тадқиқот мақсадига мос таълим-тарбия жараёни ва долзарб муаммони ҳал этиш предмети белгиланган, узвий боғлиқли илмий изланиши самарадорлигини таъминлайди.

5.4. Педагогик тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари

Илмий тадқиқотда мақсад муҳим ўрин тутди. Америкалик олим Жон Кхо “ҳар қандай фаолиятда аниқ мақсад етмиш фоиз ижобатдир” деб ёзди. Илмий тадқиқот мақсади изланувчининг яратувчанлик туйғуси, фаннинг долзарб муаммоси, мавзуга доир ахборотларни аниқланганлиги, ижодий илҳом, илмий тил, муаммони ечимини башорат қила олиш каби имкониятлар асосида умумлаштирилади.

Илмий тадқиқот мақсадини қуйидагича белгиланади:

- ўрганилаётган муаммонинг моҳияти нимада;
- қандай назарий масала ҳал этилади, асосий категориялар қайси;
- фанда ўрганаётган, тадқиқ этилаётган масалани асословчи назария мавжудлиги, унинг устувор ва кемтик ҳолатлари;
- нимани аргументли асослаш кабилар.

Педагогиканинг умумий асослари, методологияга доир тадқиқот мақсади таълим-тарбия жараёнининг қонуниятлари, принциплари, мазмунини модернизациялаш муаммосини аниқлашга қаратилади. Дидактикага доир тадқиқотлар дидактиканинг умумий қонуниятларидан келиб чиқиб, аниқ мақсад қўйилади. Юқорида таъкидлаганидек таълим жараёнига доир категориялар асосида тадқиқот мақсади ифодаланади.

Педагогик тадқиқот мақсади мутахассислик йўналишлари хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, касб-ҳунар таълими ихтисослигига доир тадқиқотлар, шу соҳанинг долзарб муаммосини ҳал этиши ривожлантириш ҳозирги даврда педагогик тадқиқотлар концептуал ёндашувлар билан характерланади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий модели фан компоненти илмий тадқиқотни жаҳоншумул аҳмиятини, фанимизни жаҳон фанига интеграцияси талабини қўяди. Демак, аввало глобаллашув шароитида тадқиқот муаммосини умуминсоний моҳияти, аҳамияти илмий иш мақсадида кўзда тутилмоғи зарур. Иккинчидан, тадқиқот муаммосини жаҳонда ўрганилганлик даражасидан келиб чиқиб мақсад қўйилиши шарт.

Тадқиқотчининг яратувчанлик, ташаббускорлик фазилати, шижоати, эзгуликка хизмат қилиши мақсадида ўз ифодасини топади. Тадқиқот мақсади аввало идеал натижадир, башоратдир, қолаверса, тадқиқот жараёни моделидир.

Масалан, “Олий таълимда касбга йўналтирилган ўқитиш технологияларининг тизимли асосланиши” мавзусидаги диссертация тадқиқотида муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳақида жаҳон фанидаги таълимотлар эътироф этилиб, мақсад аниқланади, “Ўқитиш технологиялари илк бор XX асрнинг 50-йилларида америкалик психолог-педагоглар Б.Блум, Л.Андерсен, Дж.Блок, Т.Гилберт, Р.Тайджер тадқиқот объектида, Европа давлатлари Англия, Италия, Венгрия ва кейинги ўқитиш технологиялари давлат, марказларида фаолият кўрсатгани” қайд этилади ва тадқиқот мақсади, техника олий таълим муассасалари таълим тизимида талабаларнинг амалий фаолиятига тайёргарлигини таъминловчи касбий йўналтирилган ўқитиш технологияларининг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш, улардан бўлажак муҳандисларни тайёрлашда фойдаланишнинг дидактик шарт-шароитларини аниқлаш ва амалиётга жорий этиши мазмунида белгиланади.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб қўйидаги вазифалар белгиланади:

1. Ўқитиш технологияларининг илмий асосларини дидактик муаммо сифатида ишлаб чиқиш ва уларнинг техника олий таълим муассасалари таълим тизими учун заруриятини илмий асослаш.

2. Ўқув жараёнининг информацион-технологик таъминоти асоси сифатида касбий йўналтирилган таълимий муҳит моделини яратиш ва илмий жиҳатдан асослаш.

3. Касбий йўналтирилган ўқитиш технологияларини лойиҳалаш ва конструкциялаш босқичлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш.

4. Касбий йўналтирилган ўқитиш технологиялари доирасида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини бошқаришни тизимли асослаш.

5. Техника олий таълим муассасалари таълим тизимида фаол ўқитиш методлари ва шаклларининг дидактик имкониятларини назарий жиҳатдан яхлит тизим сифатида асослаш.

6. Касбий йўналтирилган ўқитиш технологияларнинг дидактик самарасини педагогик тажриба-синовда аниқлаш.

7. Техника олий таълим муассасалари таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар учун ўқув жараёнини касбий йўналтирилган ўқитиш технологиялари асосида ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Демак, мақсадга мувофиқ вазифалар белгиланади.

Тадқиқот вазифалари диссертациянинг истиқболли режасида, мазмун-мундарижасида ўз ифодасини топади.

Тадқиқотчининг мутахасислиги, қизиқиши, яратувчилик қобилияти, ижодга интилиши аниқ мақсади ва вазифасини белгилашда намоён бўлади. Тадқиқот бошланишида қўйилган мақсад, вазифа қўлами кам бўлсада, изланиш жараёнида кўпроқ ютуқларга эриши, янги концепциялар яратилиши, қонуниятлар очилиши тажрибаларга эга бўлиш мумкин. Чунки, фан буюк уммон уни ўрганилмаган кенгликлари, ботуни ўз ижодкорларини қутмоқда.

Абу Абдулло Рудакий айтганидек:

“Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,
Қўлингдан келгунча тера олсанг бас”

Тадқиқотчилик, ташаббускорлик мақсади илмий изланишни аниқ мақсадида намоён бўлади. Мақсад бўйича изчил, илмий фаолият натижаси ҳаётда ўз ифодасини топади. Шарқ мутафаккирларидан Камолиддин Биноий:

“Илм йўлида ранж чеккан одам
Ранж эмас, ганжигга қўяди қадам”.

“Илм амал билан ишга раҳнамо,
Илм агар амалга ёр бўлмас,
Ундан кўзга ҳеч мадор бўлмас”.

Тадқиқот мақсади, вазифаларда ўрганаётган воқелик, предмет, унинг таркиби, моҳияти, бошқа воқеа-ҳодисалар билан боғлиқлиги, умумий қонунитялар, назарий асослари, ижтимоий-иқтисодий имкониятларни; мавжуд шарт-шароит асосида тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш; илмий изланиш методларини танлаш, кузатиш олиб бориш, тажрибалар ўтказишдан; амалиётга жорий этиш, тавсиялар ишлаб чиқиш ифодаланади, белгиланади.

5.5 Илмий тадқиқотнинг фарази.

Илмий фараз фан тараққиётининг, янги ихтироларини муҳим таркибий қисмларидир. Бирор илмий ихтиро индукция, олдиндан башоратсиз, тажрибасиз амалга ошмаган. Айниқса педагогик тадқиқотда хатога йўл қўймаслик, натижани ҳар томонлама асослиги илмий фараз алоҳида аҳамиятга эга. Олдиндан аниқ кўра олиш илмий фараз (фанда қабул қилинган гипотеза)дир. Илмий тадқиқот мақсади, вазифасини аниқлагандан кейин эксперементал (тажрибалар) ўтказиш учун муайян илмий фараз бўлиши, фаразга ҳар сафар таяниш тадқиқот фаолиятининг меъзонидир. Илмий фараз олдиндан тасаввур, фикрий тажриба, тадқиқотнинг ички тизими, тадқиқотнинг ҳаракат кучи.

Илмий фараз тажрибага, типик ҳаётий мисолларга, мантиқий аналогия, илмий воқелик моделига, келгусида тажрибага текшириладиган мавҳум назарияга асосланади. Аниқ илмий фараз тадқиқот самарадорлигини оширади, тадқиқот бўйича натижага эришади.

Тадқиқот бошидаги илмий фараз ишчи гипотеза бўлади. Яхши шакилланган илмий фараз муаммони ҳал этиш фараз асосида эришилган натижаларга кўра истиқболли аниқ гипотеза яратиш имкониятини беради. Муайян илмий фараз чуқур назарияга асосан ифодаланади, унда мавжуд воқелик, натижаларининг педагогик қонуниятлар билан уйғунлиги, мослиги исботланади.

Тадқиқотда илмий фараз исботланиш шарт, дастлабги илмий фараз ва экспериментлар натижаси асосидаги муайян илмий фараз таққосланади.

Педагогик тадқиқот илмий фарази аниқ натижавий далиллар, мисоллар билан боғлиқ. Ҳар томонлама текширилган натижавий мисоллар, яратилган янгилик, башорат қилиш илмий фаразнинг асослангани тадқиқотнинг меъзонидир. Демак, илмий фаразлар аввало диалектик қонуниятлар педагогиканинг қонуниятларидан келиб чиқса, мукамал тажрибаларда ва экспериментларда асосланса унинг мукамаллигидир.

Илмий фаразлар тадқиқот мавзусига, қўйилган мақсадга, вазифаларга мос бўлиши изланиш самарадорлигини оширади, изчиллигига эришилади. Дастлаб гипотезани фанга маълум бўлган қонун ва назариялар ёрдамида изоҳлашга ҳаракат қилинади. Гипотеза эмперик тасдиғини топган ёки экспериментал текшириш натижасида рад этилади. Гипотезанинг муҳим шарти экспериментлар ва амалиётда исботланишидир.

Илмий тадқиқотчи ўзининг умумий ғоясини бир ёки бир нечта гипотезада ифодалайди. Гипотеза тизими тадқиқот жараёнининг механизмидир. Илмий фаразга қўйиладиган асосий талаблар:

1. Педагогик тадқиқотда энг муҳими нимада?
2. Тадқиқот объектининг таркибий қисми, хусусияти, педагогик воқелик нимада?
3. Ўрганилган жараён моделининг хусусияти қандай?
4. Ўрганилаётган воқеликни моҳияти нимада?
5. Муайян воқелик қандай ҳосил бўлади?
6. Тадқиқот вақти, муддати, қандай?

7. Илмий фаразнинг тажрибада аниқлаш учун қайси метод ва воситалардан фойдаланилади?

Демак, тадқиқот жараёнининг ҳал қилувчи таркибий қисми муайян илмий фараз, уни тажрибада, амалиётда исботланишидир.

Масалан: Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувунинг назарияси ва амалиёти мавзусидаги диссертация тадқиқотининг илмий фарази қуйидагича башорат қилинади.

Илмий фаразнинг тажрибада синалгани тадқиқотни илмий янгилигида ифодаланади.

Тадқиқот илмий фарази асосланганига кўра тавсиялар ишлаб чиқилади.

Мутафаккирларнинг илмий фарази ҳақидаги қарашлари бунга мисол бўла олади:

Фан билан шеърят гўё қарама-қарши икки кутбдир, дея ҳисобланадиган одатий фикр кўпроқ янглиш фикрдир. Ҳаётларини илмий изланишларга бағишлаган кишилар, улар ўзлари урганаётган нарсанинг поэзиясини бошқа одамлар сингаригина эмас, балки уларга нисбатан анча жонлироқ қабул қила олишларини бизга доимо исботлаб келишяпти.

Г. Спенсер

Инсон билимининг исталган соҳасида поэзия тўлиб-тошиб ётибди.
К. Г. Паустовский

Илмий тафаккурда доимо поэзия элементи мавжуд. Ҳақиқий фан ҳам, ҳақиқий мусиқа ҳам бир тоифада мушоҳада юритишни талаб қилади.
А. Эйнштейн

Ҳозирги замоннинг буюк алломалари — чинакам шоирлар ҳам.
Р. Роллан

Қиттақина шоирлиги бўлмаган одам ҳақиқий математик бўлолмайди.
Қ. Вейерштрасс

Агар инсон ўзини келажакнинг ёрқин ва мукамал оғушида тасаввур этолмаганида эди, агар у орзу қилишни билмаганида эди, у ҳолда ўша келажакни деб шунча машаққатли қурилишларни тиклашга, тинимсиз кураш олиб боришга, ҳатто ўз ҳаётини қурбон беришга уни ҳеч нима мажбур этолмаган бўлур эди.
Д. И. Писарев

Олим биринчи навбатда ижодий ҳаёл суриш қобилиятига эга бўлмоғи керак, ҳаёл худди санъатдаги каби фанда ҳам ғоят муҳим рол ўйнайди. Ҳаёл йиғилган материал устидаги машаққатли меҳнатдек зарур нарса. Ҳаёлсиз илмий иш факт ҳамда қуруқ, яланғоч ва кўпинча бенаф хулосаларнинг ортикча қа-лашмасига ўхшаб қолади.

А. Е. Ферсман

Агар инсондан орзу қилиш қобилияти олиб қўйилса, у ҳолда маданият, санъат, фанни яратувчи энг кучли ҳиссий сабаблардан бири ҳамда ёрқин истиқбол учун курашиш иштиёқи йўқ бўлур эди.

Қ. Г. Паустовский

Ҳақиқий олим хаёлпарастдир, кимки хаёлпараст бўлмаса, у ўзини амалиётчи деб атайди.

О. Бальзак

Хаёл сурмайдиган олим оёқда юрадиган яхшигина кутубхонага ва тирик изоҳномага ўхшайди, у ўзлаштирадию, лекин ўзи яратмайди.

Ф. Ю. Левинсон-Лессинг

Олимлар ҳам худди рассомлардек хаёлпараст одамлар улар ўз ғояларидан устун турмайдилар улар фақат фикрлари етган, туйғуларини жалб этган нарса устидагина яхши ишлашлари, узоқ ишлашлари мумкин. Уларда ғоялар алмашилиб туради: мутлақо қутилмаган, кўпинча ақл бовар қилмайдиган фикрлар ҳам келади мияларига: у фикрлар кўмилиб, чарх уриб, чати-шиб кетади, ярақлайди. Олимлар ана шундай ғоялар ичида яшайдилар ва шу ғоялар учун ишлайдилар.

В. И. Вернадский

Энг уста ва эпчил тажриба қилиб кўрувчилар ўз тасаввурларига тўла эркинлик берадилар ва бир-биридан мутлақо узоқ тушунчалар ўртасидаги алоқани қидириб топадилар. Гарчанд бу қиёслар ғализ ва ҳақиқатдан йироқ бўлган тақдирда ҳам улар оқил, вазмин ва юраксиз донишмандлар ҳеч вақт ўйлаб тополмайдиган буюк ва муҳим кашфиётлар учун бахтли бир тасодифни юзага келтириб қўйиши мумкин.

Ж. Пристли

Имкони борича кўпроқ орзу қилиш керак, келажакни бугунга айлантириш учун имкони борича кучлироқ орзу қилиш керак.

М. М. Пришвин

Фаннинг қанотларига хаёл туташган бўлса, у ютади.

М. Фарадей

Орзу инсон бахти ижодкори учун худди билим ёки ғоя сингари керакли қуролдир.

Л. М. Леонов

Орзусиз одамнинг ақлини ҳеч нарса охиригача қўзғатолмайди

Г. Тейлор

Ҳаётимизда, фан ва санъатда нимаики юксак ва гўзал нарса бўлса, жами хаёл ёрдамида ақл билан ва кўп нарсалар эса ақл ёрдамида хаёл билан яратилган. Дадил айтиш мумкинки, Коперник ҳам, Ньютон ҳам фанда эришган ютуқларини хаёлсиз сира қўлга киритолмаган бўлур эдилар.

Н. И. Пирогов

Келажакни яратишга ҳеч нарса дадил орзулардек кўмаклашмайди. Бугун — хаёл, эртага — тан ва қонга сингади.

В. Гюго

Одамлар иродаси ва тафаккури ҳақиқатга айлантиролмайдиган хаёл йўқ.
М. Горький

Бемаъни хаёл бемаънилиқ туғдиради, ақлга улансачи, санъатнинг жони ва унинг нафосат манбаига айланади.

Ф. Гойя

Хаёлнинг поёни йўқ, тафаккур кира олмаган жой йўқ, табиатни енгувчи техника қудратининг чеки йўқ.

А. Е. Ферсман

Ҳозирги замон фанининг мўъжизалари қадимий мифология мўъжизаларидан анча афзалроқдир.

Р. Эмерсон

Хаёл билимдан муҳимроқ.

А. Эйнштейн

Орзу реалликдан қудратли. Орзунинг ўзи олий реаллик экан, бошқача бўлиши мумкинми ахир? У борлиқнинг қалби.

А. Франс

Ғоя фактдан юқори туради.

О. Бальзак

Тасаввур — бу қалб кўзи.

Ж. Жубер

Ҳозир исбот этилган нарса илгари фақат тасаввурда мавжуд эди.
У. Блейк

Биз ҳозир физикадан аниқ биладиган нарсалар илгарилари тахмин қилинган эди, агар ҳатто янглиш бўлса ҳам бундай тахминларга сира йўл қўйилмаганда эди, унда биз бирорта ҳақиқатниям очолмаган бўлур эдик.

Э. Эйлер

Қанчадан-қанча ишлар то рўёбга чиқарилмагунча мумкин бўлмаган нарсалар, деб ҳисобланган эди.

Катта Плиний

Янги ҳақиқатнинг тақдири шундайки, дастлабки пайтда у ҳар доим бидъатга ўхшаб туюлади.

Т. Гексли

Кўпгина буюк ҳақиқатлар аввалига масхараланган.

Б. Шоу

Тараққиётга қарши эътирозлар ҳамиша ахлоқсизликда айблагга бориб тақаларди.

Б. Шоу

Ҳар қандай ҳақиқатнинг қисмати аввало кулги бўлиб, кейин тан олиш билан яқунланган.

А. Швейцер

Ҳар қандай таълимот уч босқичдан ўтади аввал уни ақлга сиғмайди дея эълон қилиб, унга хуруж қиладилар, кейин, афтидан, оз бўлсада, маълум даражада ҳақиқатга ўхшайди, деб хулоса чиқарадилар. Ниҳоят, унинг ғоят муҳимлигини тан оладилару, сўнгра, «мен очдим»лаб талашадилар.

У. Жеймс

Нарсаларнинг юзаки кўринишинигина қамраб олувчи кундалик тажриба асосида мулоҳаза юритсак, фан ҳақиқатлари ҳар доим ғайритабиий бўлиб кўринади.

К. Маркс

Инсоният тараққиётида янги давр очган, ўз асрига шон-шуҳрат келтирган буюк фикрлар, кашфиётлар, ихтиролар ва ғояларни калтабинлик, аҳмоқлик ва ишончсизлик ҳамиша утопия деб атаган. Э.

Жирарден

Утопиялар кўпинча вақтидан аввалроқ айтиб қўйилган ҳақиқатлар бўлиб чиқади.

А. Ламартин

Лойиха — келажакнинг хомаки режаси. Баъзи ҳолларда келажак юзлаб хомаки режаларни талаб қилади.

Ж. Ренар

Илмий ғоялар дунёсида ҳам худди ҳаётнинг ўзидаги каби тараққиёт ва ҳақиқат дарров ғалаба қозонавермайди бунинг учун курашиш, барча кучларни

сафарбар этиш, тўхтовсиз мақсадга интилиш ва шижоат кўрсатиш, ўзининг ҳақлигига ва ғалабага қаттиқ ишонч зарурдир.

А. Е. Ферсман

Буюк манзилга интилаётган одам хаёлпараст, шоввоз ёки хомхаёл, деган лақабдан кўркмаслиги керак, зотан бу лақаблар уни олганларни эмас, тўқиб чиқарганларни кўпроқ шар-манда қилади.

Э. Якобе

Агар ДонКихотлар чиқариб ташланса, Тарих китобини ёпиб қўйган маъкул. Унда ўқишга арзирли ҳеч нарса қолмайди.

Я. С. Тургенев

Орзуга мойилликни сақлаш буюк донишмандликдир. Орзулар дунёга гўзаллик ва маъно бахш этади. Орзулар, агар улар изчил ва асосли бўлса, ўз ўлчови ва қиёси билан реал дунё яратар экан, яна ҳам тиниқлашиб кетади.

А. Франс

Меҳнат ва яратиш жабҳасида жасорат ва телбаликдан ҳайиқмаслик керак.

М. Горький

Биз айна илмий тафаккур жабҳасида дадилликдан чўчимаслигимиз керак фақат биз доим дадилликнинг журъат эканлигини билиб, уни реаллик, факт тарзида қабул қилмаслигимиз лозим.

А. Е. Ферсман

Агар таваккалчилик бўлмаганда, тараққнёт ҳам бўлмас эди.

В. В. Вересаев

Одатда кўп билганлар эмас, оз билганлар фан у ёки бу масалани ҳеч қачон ҳал этолмайди, деб қатъий таъкидлашлари мумкин.

Ч. Дарвин

Қўлдан келадиганига эришмоқлик учун қўлдан келмайдиганга ҳам уринишни унутма.

А. Г. Рубинштейн

Тараққиёт фақат жасорат туфайлигина рўй беради.

В. Гюго

Фандаги ҳар бир мислсиз муваффақиятнинг манбаи хаёлимизнинг буюк дадиллигидадир.

Ж. Дьюи

Тасаввурсиз одам телескопсиз обсерваториянинг ўзгинаси.

Г. Бичер

Хаёл таъсирчан одамни санъаткор, довюракни — қаҳрамон қилиб
етиштиради.
А. Франс

Теран хаёл воқеликни юзага келтиради.
М. Монтень

Ҳар қандай инқилоб ҳам даставвал фикр тариқасида бир кишининг
миясида туғилган.
Р. Эмерсон

Билим ҳамиша фаразлардан бошланади.
А. Гумбольдт

Кафиётлар тасодифан рўёбга чиқиши ҳам мумкин, бунда ҳар қандай одам
бошқа одамни ёш —кексани — донишмандни ўқитиши мумкин.
У. Гарвей

Одам тушунишнинг иложи йўқ нарсани ҳам тушуниш мумкинлигига
инонмоғи керак: акс ҳолда у ҳақда бош қотирмаган бўлур эди.
И. Гёте

Ҳар нарсада бошқа ҳеч бир киши кўрмаганни кўришга, ҳеч бир киши бош
қотирмаган жиҳатни топишга интилноқ лозим.
Г. Лихтенберг

Кўпчилик эътироф этган ва барча аллақачонлар ҳал этил-ган, дея ҳисоблаб
юрган фикрлар ҳаммадан кўра кўпроқ тадқиқ этишга лойиқдир.
Г. Лихтенберг

Одамларнинг аҳамиятсиз нарсаларни аҳамиятга молик деб санаш майли
жуда кўп аҳамиятли нарсаларни юзага келтирди.
Г. Лихтенберг

Инсоният тараққиётининг чегараси йўқ ва кишилиқ ҳеч қачон ўзига:
«Тўхта, бас, бошқа борадиган манзил йўқ!»—демайди. Модомики, ҳозиргача
инсоният кўп нарсаларга эришган экан, бу яқин вақт ичида у яна ҳам кўпроқ
нарсаларга эришмоғи зарур деган гапдир.
В. Г. Белинский

Синчковлигимизнинг ниҳояси йўқ,—идрокнинг қаноатлана бошлаши
унинг чекланганлиги ёхуд толиққанлигининг аломатидир.
М. Монтень

Инсон ақлига чек йўқ. У бир ерда тўхташни ҳам, хотиржамликни ҳам билмайди, тобора олға тирмашаверади.

Ф. Бэкон

Тараққиётимиз эндигина бошланяпти ва биз ҳар қанча тасаввур этиб кўрганимизда ҳам, у бизнинг табиат устидан ҳукм-ронлигимизни қай даражага етказишини билиш қўлимиздан келмайди.

Н. Г. Чернышевский

Ҳеч ким ўз кароматида инсон билимлари хусусида чекланган авлиёлардек кўп янглишмаган.

К. А. Тимирязев

Воқелик деярли ҳаммавақт башоратчилар тасаввуридан ўзиб кетади.

К. Э. Циолковский

Фан зинама-зина юксалмоқда, одамларнинг билим доираси кенгаймоқда, эҳтиёжлар ўсмоқда ва куни кеча мўъжиза туюлган нарса бугун оддий воқеа бўлиб қолмоқда.

В. А. Обручев

Илмий англаш ва башорат чегараларини айтиб бериб бўлмайди.

Д. И. Менделеев

Фан олға силжиган сайин бетўхтов янгилашиб боради.

В. Гюго

Илмий ходимнинг энг муҳим фазилати меҳнатсеварлик. Одатда тажриба зўр ғайрат-шижоат талаб этадиган қайта-қайта текширувларни тақозо этади. «Меҳнатсиз чинакам буюклик бўлиши мумкин эмас», деган эди Гёте ва мутлақо ҳақ эди. *К. И. Скрябин*

Фан сарҳадлари уфққа ўхшайди: уларга қанча яқинлашилса, улар шунча узоклашаверади.

П. Буаст

Авваллари фаннинг чегараси бўлган жой, бугун унинг нақ марказидир.

Г. Лихтенбер

Инсоният ўз тараққиёт бешигидаёқ сезгирлик ва башоратни, мўъжизакорлик ва пайғамбарлик санъатини орзу қилган ва бу армонларини хаёлий қаҳрамонлар ва авлиёлар қиёфасида мужассамлаштирган. Бу икки санъатни унга фан берди.

К. А. Тимирязев

Илмий кашфиётлар ҳар жиҳатдан мукамал ва тайёр ҳолда бўлмайди. Айрим буюк шахслар заковатидан нур олган илмий ижод жараёни, айти пайтда умуминсоний тараққиётнинг охира ва асрий жараёни ҳамдир.

В. И. Вернадский

Илмий кашфиётларнинг бирданига рўёбга чиқиши камданкам бўлади, одатда уни биринчи топганлар ўша топилган нарсанинг ҳақиқатлигига ишонтиришга ҳам улгурмайдилар; аммо бу кашфиётлар кўпчиликнинг меҳнати ва шу вақтгача тўпланган барча маълумотларнинг йиғиндиси сифатидагина юзага келганини унутмаслик керак.

Д. И. Менделеев

Биринчи бўлиб сўзсиз фикр, хаёл, эртақ йўлга чиқади. Уларнинг ортидан илмий ҳисоб ва пировард-натижада фикрни амалиёт яқунлайди.

К. Э. Циолковский

Пишиб етилган ва замон тақозо этган фикрлар бир-биридан мустасно тарзда бир йўла юзларча мияларда туғилиши ҳам мумкин.

И. Гёте

Илмий фаразлар ҳамиша шу фаразларни туғдирган далиллар доирасидан чиқиб кетади.

В. И. Вернадский

Ғоя ўрнини ақл ва тасаввур кучи эгаллаган фаразлар ҳам бор.

И. Гёте

Бирор бир фан ўрнидан силжиши, унинг ривожини янада мукамал бўлиши учун, фаразлар ҳам худди тажриба ва кузатишлардан олинган натижалар сингари зарурдир.

И. Гёте

Фаразлар бино олдиға тикланган, уй битгач, олиб ташланадиган ҳавозалардир; улар қурувчи учун керак фақат қурувчи ҳавозаларни бино деб ўйламаслиги зарур.

И. Гёте

Фаразлар қанчалик даргумон бўлмасин, агар мавжуд ҳодисаларни уйғунлаштириш ва янгиларини олдиндан айтиб бера олиш имконини туғдирса, улар фойдалидир. Электр қуввати, атомнинг тузилиши ҳақидаги фаразлар шулар жумласидандир.

К. Э. Циолковский

Деҳқон омочи экин етиштиришни осонлаштиргани каби, фаразлар ҳам илмий ишни енгиллаштиради ва тўғри йўлга солади.

Д. И. Менделеев

Ҳеч нарсага эътиқод қўймагандан кўра, кези келиб нотўғри бўлиб чиқадиган фаразга эргашган ҳам маъқул.

Д. И. Менделеев

Жами фаразлардан тадқиқ қилинаётган нарсалар тўғрисидаги кейинги фикрни узиб қўймайдиганини танланг.

Ж. Максвелл

Дадил фикрлар ўйиннинг олдида турган шашка доначала-рига ўхшайди; улар ўзлари қурбон бўлиб, ғалабани таъминлайди.

И. Гёте

Журналист фаразларни қоралашга шошилмаслиги керак, Буюк кишилар топиб улгурган энг муҳим ҳақиқатларни очишнинг ягона йўли фаразлардир.

М. В. Ломоносов

Буюк кашфиётлар, илмий тафаккур жабҳасидаги олдга сакрашлар чинакам ижодий метод, интуиция йўли билан яратилади.

Л. Бройль

Инсоният ўз кучларини такомиллаштириб, илгарилаб бормоқда. Ҳозир унинг қўли етмаган нарсалар ҳам вақти келиб унинг учун яқин, тушунарли бўлиб қолади, фақат бунинг учун ишлаш, ҳақиқат излаётганларга ҳар тарафлама кўмаклашиш даркор.

А. П. Чехов

Фан йўлида қилинадиган хизматларнинг энг буюғи унга янги ғояларни киритишдир.

Ж. Томсон

Ўзгалар топган нафюсатни сен ўзинг учун топсанг, уни билиб кадрига етсанг—ахир, бу ҳам яратишдан кам эмаску?

И. Гёте

Янги ғояларни қўллаб-қувватлаш керак. Ҳамма ҳам бундай журъатга эга бўлавермайди, аммо бу одамларнинг энг қиммат-ли фазилатидир.

К. Э. Циолковский

Ер юзида ҳеч нима мукамал эмас, шунинг учун тараққиётга завола бўлиб, эски афсона, таълимот, ақида ва кўрсатмаларга ёпишиб олиш ярамайди. Бундан минг ёки юз йиллар муқаддам мақбул туюлган нарса бугунги кунга ёки энди бутунлай яроқ-сиз бўлиб қолиши мумкин.

В. Вейтлинг

Догматизм — фанда таракқиётни бўғади; билъакс, жонли тафаккурни ўз ибтидоси теграсида тошлдиждек қотиб қолишга мажбур этади

А. И. Герцен

Догматизм асоссиз далиллар негизида туғилган хулосаларга таянувчи нотанқийдир мулоҳазадир.

Я. А. Рубакин

Догматизм — чаламуллаликнинг яққол кўринишларидан бири.

Н. А. Рубакин

Ақлий лаёқатсизлик ҳамиша султ консерватизм сифатида ажралиб туради ва янги ғояларнинг бостириб келишига инерциянинг маъносиз қаршилигини кўндаланг кўяди.

Д. И. Писарев

Ақидалар қурбон бўлган чоғдагина фан бошланади.

Г. Галилей

Оптимизм — инқилоб эътиқоди.

Т. Банвиль

Илмий фантастика, сирасини айтганда, фан ва техникага юклатилган дадил топшириқдир.

К. А. Федин

Тасаввур шунинг учун ҳам тасаввурки, у воқеликка айланади.

В. О. Ключевский

Дунёда енгиб бўлмайдиган нарса йўқ.

А. В. Суворов

Одамлар эришолмайдиган ҳеч нима йўқ.

Гораций

Фан одамларни ер қаърида яшириниб ётган қувватлардан фойдаланишга ўргатди. У инсонни само сирлари томон етакламоғи ва куёш нурлари қувватини жиловлашга ўргатмоғи лозим.

Я. А. Умов

Бугун мумкин бўлмаган нарса эртага ечилади.

К. Э. Циолковский

Ҳозир билмасак, хўш, осмон узилиб ерга тушибдими, шубҳасиз, билиб оламиз. Ибтидоий одам бугунги нарсаларнинг кўпини билмас эди. Фақат ўша

ибтидоий нотавонгина ўз билганларини — умуман билиш мумкин бўлган нарса, деб ўйлар зди.

К. Э. Циолковский

Одамлар куёш системасига кириб, худди ўз уйларидек хў-жайинлик қилсалар: хилқат сирлари очилар эдими? Мутлақо! Бирор-бир майда тош ёки чиғаноқни кўздан кечириш билан океан.сирлари очилиб қолмайдику, ахир.

К. Э. Циолковский

Вақти келиб фан хаёлдан ўзиб кетади.

Жюль Берн

Мен нимаики ёзмай, нимаики тўқимай,—улар бари бир мавжуд имкониятлардан доимо паст туради. Шундай вақтлар келадики, фан ютуқлари тасаввур кучини ортда қолдириб кетади.

Жюль Берн

Орзунинг воқеликдан устун томони бор. Воқеликнинг айрим жиҳатлари орзудан устун. Униси ҳам, буниси ҳам уйғунлашиб кетганда, лиммо-лим бахт шундан иборат бўлур эди.

Л. Н. Толстой

Зўр тасаввур буюк билимни тақозо этади.

А. С. Пушкин

Тасодифий кашфиётларни фақат ақли етилганларгина очади.

Б. Паскаль

Ҳаётда ошиғи олчи келган одамлар — белни маҳкам боғлаб ўзларига керакли тасодифларни ахтарган кишилардир.

Б. Шоу

Ҳадсиз имкониятлар ҳаммага ҳам рўбарў бўлади-ю, бироқ кўплар унга дуч келганларини ҳатто билмай қоладилар.

У. Чэннинг

Мен ижодий фантазияга, аниқ билимларга асосланган орзунни амалда қўллашга даъват этаман.

И. П. Бардин

Тараққиёт ақлий камолотга таянади; унинг туб моҳияти тўғридан-тўғри билимларнинг муваффақияти ва равнақидан иборатдир.

Я. Г. Чернишевский

Билимлар орта бориши билан тасаввур кучи ҳам зўра я боради.
Қ. Г. Паустовский

Кимнингки тасаввури бору билими бўлмаса, у қанотли, аммо оёқсиздир.
Ж Жубер

Тасаввурнинг ўрнини боса оладиган биргина нарса — тажрнба.
Ж. Бержес

Асосий тушунчалар:

Илмий тадқиқот, фаолият, тизим, сифат, глобаллашув, объективлик, фундаментал таълимот, назарий даража, илмий ғоя, абстрактлаш, шароит, қонун, тамойил, билим, илмий билиш, илмий муаммо, тарихийлик, методологик таъминот.

Мустақил таълим саволлари:

1. Педагогик тадқиқотнинг мазмуни.
2. Фундаментал ва амалий билимлар.
3. Илмий концепциялар.
4. Педагогик тадқиқотда эмперик даража.
5. Ижодкорлик қобилияти даражалари.
6. Методология, билим ва фаолият тизими
7. Педагогик муаммоларни ўрганишда комплекс методлар.
8. Илмий далил.
9. Тадқиқот ва тарбиянинг уйғунлиги.
10. тадқиқотнинг тарихийлик тамойили.
11. Илмий жасорат, ташаббускорлик.
12. Муаммони чуқур ўрганиш тамойили.
13. Педагогик тадқиқотни методологик тамойили.

VI-боб. ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТНИНГ МЕТОДОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ.

6.1- Педагогик тадқиқотнинг умумий тамойиллари.

Методология назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш усуллари, тизими, илмий билишдир. Юнонча метод йўл, кузатиш, тадқиқот, мақсадга эришиш усули логос-таълимот, яъни илмий билиш ҳақида таълимот.

Илмий билишда умумий методология ва хусусий методологик асос мавжуд. Умумий методология фалсафанинг диалектик қонунлари, илмий билиш ҳақидаги таълимотлар, жамият тараққиётнинг ҳозирги давридаги концепциялар, миллий ғоя, мафкура. Профессор Н. Шермухаммедова таъкидлаганидек, ҳозирги даврнинг методологик тамойиллари:

Муофиқлик тамойили – илмий билишнинг мазкур соҳасида билимларнинг янги тамойиллар, ғоялар концепциялар асосида тизимга солиш;

Тўлдирувчанлик тамойили – тадқиқотнинг кўпгина объектлари микродунёнинг заррага ўхшаш энг оддий объектларидан тортиб инсон ва жамият сингари мураккаб объектларигача. Қарама-қарши назарияларни бирлаштириш асосида тўла тавсифланиши;

Верификация тамойили – моҳият эътибори билан формал мантиқни етарли асослаш;

Фалсафакция тамойили – мазкур тамойилга биноан фақат инкор этиш орқали текшириб кўриш имконияти бўлган билим илмий билим бўлиши мумкин;

Редукция тамойили – маълум яхлитлик тизим мураккаблигини унинг нисбатан содда таркибий қисмлари унсурлари орқали билишдир;

Яхлитлик тамойили – тадқиқ қилинаётган объектларнинг алоҳида яхлит хоссаларини бошқа объектлар билан ўзаро алоқада бўлиш;

Контирредукция тамойили – элементар зарралардан тортиб то ижтимоий табиий тизимларгача барча табиий объектларга, шу жумладан табиий тилга амал қилиш;

Системали ёндашув тамойили – илмий билишнинг тармоқланган соҳаси бўлиб, унинг предметида редукция яхлитлик ва контирредукциянинг методологик муаммолари киради;

Моделлаштириш ва ўхшатиш методи – объектларнинг баъзи хоссаларини уларга ўхшаган моддий ёки номоддий (концептуал тушунчага асосланган мантикий) конструкцияларни тадқиқ қилиш орқали;

Мавҳумлаштириш, идеаллаштириш ва формаллаштириш методлари – илмий тадқиқот жараёнида энг муҳим хоссалари чекланган объект шаклида мавҳумлаштириш ифода этиш хаёлий образлар яратиш;

Мантиқ методлари – таҳлил, индукция, дедукция, объектларни тадқиқ этиш жараёнида унинг таркибий қисимларини ажратиш алоҳида фактларга асосланиб умумий мулоҳаза юритиш умумий қоидаларга асосан хусусий хулосалар чиқариш кабилар.

Педагогик тадқиқотда ана шу тамойиллар ва миллий ғоя, миллий мафкура, умумметодологик асос бўлади. Зеро, таълим-тарбиянинг тарихийлик,

интеллектуал, умуминсонийлик қонунияти ҳар бир масалага миллий кадрлар, мафкура асосида ёндашишини тақозо этади.

Ижтимоий гуманитар фанлар учун илмий асосланган давлат дастурлари, қонунлари, ривожланиш концепциялари умумметодологик йўриқнома бўлади. Айниқса, Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, таълим тўғрисидаги Қонун педагогик тадқиқотнинг методологик асосидир.

Демократик жамият қуриш концепцияси ҳар бир ижтимоий фаннинг ўз қонунларидан, предметдан келиб чиқадиган хусусий, методологияни ривожланишига имконият яратди. Аввало, илмий педагогик тадқиқотда шахсий ёндашув, фаолиятли ёндашув, полисубъектли ёндашув, маданий ёндашув, антропологик ёндашув, технологик ёндашув каби концепциялар яратилди. Албатта бу концептуал ёндашувлар давр тақозоси билан такомиллашиб боради. Профессор А.Чориев қонуниятли ёндашув таълим-тарбия жараёнини модернизация қилишнинг методологик асоси эканлигини асослаган. Чунки, таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос қонуниятлари асрлар бўйи тажрибаларда синалган, қарор топган. Ҳар бир фаннинг ўзига хос қонунияти бўлганидек, педагогик жаарённинг қонуниятлари илмий тадқиқотнинг ёрқин йўлланмаси ва қўлланмаси бўлади.

Методология методлар, усуллар, мажмуи сифатида қарашлар, “ёндашувлар”, концепциялар учун ҳам фаннинг умумий қонуниятлари назарий (бошланғич) асоси бўлади. Ҳар бир қонуниятни амалиётида ўзига хос метод, усуллари қўланиши табиий ҳол. Педагогик қонуниятлар ўтган асрнинг 80-йилларида умумлаштирила бошланди. Кўпгина мамлакатларда таълим-тарбия жараёнига фақат фалсафий ёндашув мавжуд. Муаян қонуниятларга асосланмагани учун фаннинг предметсизликда камситишга уринишлар ҳам бўлди. Ҳар бир воқелигининг ўзига хос қонунияти мавжуд бўлади. Шунинг учун илмий тадқиқотда қонуниятли ёндашув объектнинг, муаммонинг муайян моҳиятини аниқлаш, ихтиронинг назарий аҳамиятини, тадқиқот самарадорлигини оширади.

Масалан тарбия назарияси борасида илмий изланишда:

1. Ўрганаётган муаммонинг тарихийлик, миллийлик, умуминсонийлик қонунияти асосида;

- муаммонинг ўрганилиши тарихий тараққиёти, концепциялар, тажрибалар таҳлили;

- миллийлик, миллий кадрлар устуворлиги, ижтимоий, иқтисодий моҳиятини;

- глобаллашув шароитида умуминсонийлик хусусияти, жаҳонда илғор тажрибалар, тадқиқотнинг жаҳонда илғор тажрибалар, тадқиқотнинг жаҳоншумул аҳамияти тадқиқотнинг долзарблигини, назарий аҳамиятини аниқлаш имкониятини беради.

2. Таълим-тарбиянинг ижтимоий хусусияти ўрганаётган муаммони, ихтирони “давр талабига, мавжуд шароитга мослиги, оптималлик” қонуният:

- жамиятни тезкор ривожланишида ихтиронинг тутган ўрни, долзарблиги ва фанга қўшилган ҳисса;

- бозор иқтисодиёти шароитида жамият буюртмаси Кадрлар тайрёлаш Милий моделида фаннинг вазифаларига ҳозиржавоблиги;
 - тадқиқот объектнинг типиклиги;
 - натижанинг умумлашганлиги каби тамойиллар.
3. Таълим-тарбияда назариянинг амалиёт билан бирлиги қонунияти, фалсафий категориялар асосида;
- тадқиқотнинг назарий ғояларни амалда қўлланиши, амалиёт асосида назарий концепциялар яратилиши;
 - амалиёт ҳар қандай билим, ғоя ва ихтиронинг мезони эканлиги;
 - тадқиқот ишининг билиш назариясига асосланиши;
 - инсонда, узлуксиз таълим-тарбияда тажрибанинг мураккаблиги, масъулиятлилиги, мукамал назарияга таяниши;
4. Таълим-тарбия ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги қонунияти, инсонни бир бутунликда ўрганишни тақозо этади. Қолаверса, таълим-тарбия уйғунлиги ҳақидаги Ислом Каримов таълимоти жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлгани XXI асрнинг маънавия асрига айлангани;
- «таълимни-тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди, бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир». (И.Каримов).
 - таълим жараёнида ривожланишни жисмоний, маънавий ва интеллектуал ўсишига эришиш;
 - тарбияга комплекс муносабат;
 - шахсга йўналтирилган таълим концепцияси;
5. Таълим-тарбиянинг ўқувчи талаба, лаёқати имкониятига мослиги қонунияти педагогик жараёни инсонпарварлаштириш ва демократиклаштириш, индивидуаллаштириш ва табақалаштириш тамойилларидан келиб чиқади.
- ушбу қонуният шахсга йўналтирилган таълим-тарбия, компонентли таълим, прогматик таълим, антрогогика каби таълим парадигмаларни умумлаштиради;
 - иқтидорли ёшларни изчил ривожлантириш, қобилиятини ўстириш зарурати:
 - глобаллашув шароитида ёшларни ҳар томонлама камол топтириш;
 - махсус педагогика назариясига асосланишга йўллайди.
6. Тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш, ўқитиш ва ўрганиш фаолият уйғунлиги қонунияти интерфаол таълим-тарбия концепциясида, объект-субъект, субъект-объект концепциясида ўз ифодасини топган.
- тарбиялаш фаолиятини ўз-ўзини тарбиялашга йўллаш ўз-ўзини тарбиялаш мотиви, кўникмаси ва маданиятини шакллантириш имконияти;
 - ўз-ўзини тарбиялаш самарадорлиги;
 - тарбияланганлик даражасига боғлиқлиги;
 - таълимни икки томонлама хусусияти;
 - ўргатиш ва ўрганиш фаоллиги уйғунлиги;
 - масофали таълим-тарбия жараёни;

7. Таълим-тарбия мақсади, мазмуни, методлари, шакллари ва воситалари ўзаро боғлиқлик қонунияти педагогик технология назарияси ва амалиётига асос бўлди:

- оптимал мақсадга мос мазмун, методларни танлаш, қўллаш ЮНЕСКОнинг педагогик технологияга берган баҳосида ўз ифодасини топган;

- интеллектуал ривожланган баркамол авлодни, шахсни тарбиялаш мақсадига мос таълим-тарбия мазмунини белгиланиши;

- ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш мазмунига мос метод, воситаларни қўллаш таълим-тарбиянинг самарали омили эканлиги;

- педагогик технологиянинг усуллари шакллари, таълим-тарбиянинг мазмуни, мавжуд шарт-шароитга боғлиқлиги кабилар;

8. Таълим-тарбияда фанлараро боғлиқлик қонунияти: инсонни ўрганадиган фанлар назарий ривожланишида дифференциация ҳолати мавжуд бўлсада, ижтимоий функция амалиётида интеграция табиий ҳолдир. Табиий фанларнинг туташ бандида янги-янги фанлар пайдо бўлиши, фаннинг уфқи кенгайиши, жамият тараққиётида имкониятини ошиши инсоншунослик фанларининг ҳам ўзаро боғлиқлик қонунияти мавжудлигини кўрсатади. Жамиятни ижтимоий тараққиёти, инсон, инсонийлик, инсоният, триадаси инсоншунослик фанлари ҳамкорлигини тақозо этади.

Демак, фаннинг ўзига хос қонуниятлари илмий тадқиқотнинг методологик асос бўлади.

Педагогик тадқиқотларнинг умуммиллий тамойиллари

Умумметодологик тамойиллар (н - термукамезол)

Мувофиқлик, тизимга солиш тамойили

Тўлдирувчанликни бирлаштириш

Ўрганадиган
Верификация формал мантиқий асослаш

Ҳуқуқ-таъбиёт : кишилар соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш

Редукция тамойили

Ўқиши ва
Яхлитлик тамойили

Физиология – организмларлаги
Моделлаштириш тамойили

Мавҳумлаштириш тамойили

Мантиқ – муҳокамалар юритишнинг қонуниятлари

Муайян методологик тамойиллар

Таълим – тарбиянинг тарихийлик, умуминсонийлик қонуниятлари

Таълим-тарбиянинг давр талаби мавзусида шарт-шароитга мослиги қонуниятлари

Ўрганадиган
Таълим-тарбияда назариясининг амалиёт билан бирлиги қонуниятлари

Фалсафа – таъбиёт, ҳаёт
Таълим, тарбия ва ривожланиш ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари

Таълим-тарбия қобилиятни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва ўрганиш, тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш уйғунлиги қонуниятлари

Жамият гуруҳлар,
Таълим-тарбияда ўқувчи қобилияти, лаёқатини ҳисобга олиш қонуниятлари

Тил
Таълим-тарбия мақсади, мазмун, метод, воситаларнинг ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари

Таълим-тарбияда фанлараро боғлиқлик қонуниятлари

Ҳуқуқшунослик – жамиятнинг ҳуқуқий асослари

Концептуал ёндашувлар

Таълим-тарбия уйғунлиги, шарқона ҳаёт фалсафаси концепцияси

Тарбиянинг инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш концепцияси

Ўқитиш қамол
Ривожлантирувчи таълим концепцияси

Педагогика фанлари
Шахсга йўналтирилган таълим концепцияси

Креатив ёндашиш концепцияси

Таълим
Баркамол шахсни шакллантириш концепцияси

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури

Таълим-тарбияда фанлараро боғлиқлик қонуниятлари

Дефектология жисмоний – кемтик ёшларга таълим-тарбия қонуниятлари



6.2. Педагогик тадқиқот методларини таснифлаш.

Ҳозирги жамият тараққиётининг тез ривожланиши, унда фаннинг устиворлиги даврида илмий тадқиқот методлари ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Илмий тадқиқот самарадорлиги изланувчининг методик маданияти, замонавий илмий тадқиқот методларидан фойдаланишига боғлиқ.

Педагогик илмий тадқиқот методларини фанининг предмети ва объекти, мавзунинг тарихийлиги, назарийлиги, амалийлиги ёки фанлараро туташ бандида эканлигига асосан таснифлаш мумкин. Предмети ва объектига асосан, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга муаммони ҳал этиш қонуниятлари, тамойиллари, омилларини аргументини аниқлаш йўллари, усуллари.

Маълумки, таълим-тарбия кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб тарихий тараққиёт манбаларига эга. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Тарихий хотирасиз-келажак йўқ” асари педагогика фанининг ҳам методологик йўриқномасидир. Халқимизнинг бой педагогик меросини ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти 2014 йил май ойида Самарқандда ўтказилган халқаро конференциядаги “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизациядаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги нутқи педагогика тарихида ёрқин саҳифа бўлди ва педагогик тадқиқотларни долзарб вазифасини белгилаб берди.

Педагогика тарихини ўрганишнинг илмий тадқиқот методлари: тарихий манбаларни педагогик таҳлил этиш; қадимги ёзувларни ўрганиш; таълим-тарбия тизимини аниқлаш; мутафаккир олим ва адибларнинг асарларини қиёсий-педагогик таҳлил этиш; натижанинг оламшумул аҳамияти; натижанинг бугунги кундаги аҳамияти; тарихий манбаларни объектив таҳлил этиш; аргументли тавсиялар ишлаб чиқиш кабилар.

Албатта, педагогик меросни бугунги кунда таълим-тарбия жараёнида қўллаш самарадорлигини аниқлашда социометрик, тест, эксперимент, илмий тадқиқот методларидан ҳам фойдаланилади. Шарқ халқларида адабиёт (адаб-хулқ, одоб) таълим-тарбия борасида ҳаёт дарслиги сифатида қўлланилган. Шунинг учун мумтоз адабиёт ва педагогика тарихи бир-бири билан узвий боғлиқ.

Фан ҳаётдан олдинда бўлиши, ўз предмети асосида келажакни башоратлаши, истиқболли йўлни аниқлаши учун хизмат қилади. Педагогик илмий тадқиқотларни назарий методологик йўналишида ўзига хос методлар қўлланилади. Методологик тадқиқотларда, аввало, диалектик методлардан фойдаланилади. Жамият тараққиётининг концептуал асослари таълим-тарбия тизимини модернизациялаш истиқболини белгилашда қўл келади. Масалан, таълим мазмунини модернизациялашда педагогиканинг умумий қонуниятлари, миллийлиги, умуминсонийлиги, давр талабига мослиги, фанлараро боғлиқлиги қонуниятларидан келиб чиқадиган эмперик методлар қўлланилади. Яъни, назарий тадқиқотлар амалиётда исботланиши, амалий тажрибаларни назарий таҳлил этилиши бир-бирига боғлиқдир.

Педагогик тадқиқотларда илмий абстракциялаш, идеаллаш, фикрий эксперимент, илмий моделлаш, концепция, мавҳумлаштириш, индуктив,

дидуктив каби методлар қўлланилади. Илмий билишда назарий методлар билан амалий методлар бирбирини тўлдиради. Шунингдек, назарий тадқиқотларда анализ ва синтез илмий билиш методи кенг қўлланилади. Анализ педагогик илмий тадқиқот объектини қисмларга, туркумларга бўлиш асосида алоҳида таҳлил этилади. Синтез аксинча илгари ажратилган бўлақларни бирлаштириш усулидир. Масалан, бир синф ёки бир неча синф ўқувчиларини алоҳида алоҳида тарбиялаганлик ёки фанларни ўзлаштириш даражаси ҳолати ўрганилади ва умумлаштириб хулоса чиқарилади.


Педагогик назарий тадқиқотларда абстракциялаштириш, идеаллаштириш тадқиқот методи муҳим ўрин тутди. Абстракциялаштириш педагогик воқеяликни ўзига хос белгилари, хусусиятларини фикран ажратиш, табақалаштириш жараёнидир. Идеал объект ҳосил қилинади у асосда реал объектларни билиш учун назарий тафаккурдан фойдаланилади.

Педагогик илмий тадқиқотда индуктив ва дидуктив методлар назарий хулосалар чиқаришнинг муҳим шартидир. Индукция оламни ҳодисаларни сабабларини умумий қонуниятлари тўғрисидаги гипотеза, дедукция умумий гипотезалардан натижаларни тажрибавий текшириб кўриш, экспериментал тарзда уларни тасдиқлаш, ёки рад этишга имконини яратади.

Гипотеза назарий тадқиқотнинг шакли ва методи. Назарий тадқиқотнинг мақсади эмперик (амалий) тадқиқот давомида мавжуд воқеялик натижаларини тушунтириш, башорат қилиш, тизимлаштириш қонуният ва тамойилларни аниқлашдан иборат. Гипотеза икки маънода ишлатилади: муаммоли ғояларни тушунтириб берувчи ва асословчи метод сифатида қонуният, тамойил ва назарияларни ифодаловчи йўл. Гипотеза методининг биринчи босқичи назарий тушунтириш лозим бўлган далил; иккинчи босқичи, ҳодисалар сабаблари ва қонуниятлари тўғрисидаги тахмин; учинчи босқичи, фаразлардан энг ишонарлисини танлаш, текшириб кўриш; тўртинчи босқичи, асосланмаса илгари сурилган фараздан воз кечиш; бешинчи босқичи, экспериментал текшириш.

Гипотеза методи янги қонунлар, принципларни очиш ва назарияларни яратиш жараёнида илмий тадқиқотнинг ижодий характерини белгилайди.

Педагогик назарий тадқиқотнинг диалектик методлари



Ҳозирги пайтда назарий ва амалий тадқиқотларда кенг тарқалгани моделлаштириш усулидир. ЭҲМнинг янги авлоди пайдо бўлиши билан педагогик тадқиқотларда моделлаштириш кенг миқёсда оммалашди. Компьютерли моделлаштириш, математик ва мантиқий моделлаштиришдан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади. Моделлаштириш методи таълим-тарбия жараёнининг мураккаблиги (мавҳумлиги) илмий тадқиқотида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Амалий тадқиқотнинг белгиларидан бири янги натижаларни

вужудга келтириш моддий маънавий ижтимоий тизимни ўзгартиришда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишдир. Педагогик воқелик қонуниятларини аниқлаш, назариянинг ривожланиши фаннинг прагматик даражасини белгилайди. Педагогик назарий ва амалий тадқиқот методлари: кузатиш, эксперимент, суҳбат, анкета, илғор тажрибаларни ўрганиш, тест, архив манбаларини ўрганиш кабилар.

Педагогик технологияларни кенг миқёсда жорий этилиши, амалий тадқиқотларда технологик моделлаштириш усулини, фанлараро боғлиқлик методларини қўллашни тақозо этади.

Демак, педагогик тадқиқот методлари узлуксиз таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, модернизациялаш, истиқболини белгилашнинг ҳал қилувчи омили, илмий изланувчининг қуролидир.

6.3. Адабиётлар ва архив материалларини ўрганиш.

Таълим-тарбия жараёнининг тарихийлик, миллийлик ва умуминсонийлик қонунияти педагогик илмий тадқиқотларнинг методологик асоси, йўриқномасидир. Фақатгина педагогик меросни, таълим-тарбия тараққиёти тарихини ўрганиш эмас, педагогик илмий тадқиқотнинг барча йўналишлари тарихийлик, миллийлик ва умуминсонийлик қонуниятига асосланади. Ҳар бир масаланинг ривожланиш босқичлари бўйича илмий, оммабоп адабиётларни ўрганмасдан тадқиқотни амалга ошириб бўлмайди.

Адабиётларни илмий тадқиқот мавзусига доир уч туркумга бўлиш мумкин. Аввало, педагогик илмий тадқиқотда миллий ғояга доир, жамият буюртмасига доир назарий методологик адабиётлар. Илмий тадқиқотнинг долзарблиги, ижтимоий, иқтисодий зарурияти, ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга, касбга тайёрлашда таълим-тарбиянинг давр талаби, мавжуд шарт-шароитга мослиги қонунияти, мамлакат дастури, миллий ғояга доир адабиётларни ўрганишни тақозо этади. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли” каби қатор китоблари, халқаро илмий анжуманларда нутқлари педагогик илмий тадқиқотнинг ижод ва илҳом манбаи, методологик асосдир.


“Миллий истиқлол ғояси: тушунча ва тамойиллар” ҳам ўтмиш адабиётларини, ҳам жаҳон илмий адабиётларини ўрганишнинг назарий мезонидир. Ўтмиш маданий меросдан мақсадли фойдаланиш, ёшларни ҳар томонлама камол топтириш ва фахрланиш ҳиссини шакллантиришда мумтоз адабиётларни ўрганиш муҳим манбаъдир.

Иккинчи туркум илмий манбаълар архив хужжатлари, фан тарихига доир адабиётлардир. Таълим-тарбия тарихи, маданиятимиз тарихига доир адабиётларнинг, ўрганилмаган кўпгина қисми жаҳоннинг кутубхоналарида сақланмоқда. Тарихимизга доир адабиётларнинг аксарияти олиб кетилган, куйдирилган, тарихга доир китоб сақлаган хонадонлар қатағон қилинган маълум. Масалан, Мексикалик олимлар Насафий, Касбавийларнинг илмий мероси мавжудлиги, қадимги Касби (бугунги кунда Касби кишлоғи) ўрнида улкан шаҳар, саккизта мадраса бўлгани ҳақида оммавий ахборотда маълумот

бердилар. Қолаверса 2014 йил 15 майдаги Самарқандда ўтказилган халқаро конференция тарихий манбаълар етарли ўрганилмагани эътироф этилди. Тарихий адабиётларни, манбаъларни миллий ғоя тамойиллари асосида педагогик илмий таҳлил қилиш тадқиқот методидир. Шунингдек, педагогик амалиёт илғор тажрибаларини ўрганиш бўйича тадқиқот мавзусига доир мактабларнинг таълим-тарбия фаолияти ҳақидаги архив ҳужжатларни ўрганиш илмий тадқиқот методларидан бири. Таълим муассасаларининг фаолияти ҳақидаги ҳужжатлардан мавжуд қиёсий натижалар ҳақида илмий хулосалар чиқарилади.

Учинчи туркум адабиётлар: мавзуга доир илмий китоблар, диссертациялар, диссертация авторефератлари, илмий тўпламлардаги мақола ва тезислар, журналлар, илмий ахборотномалардир. Бугунги глобаллашув шароитида интернетда аксарият адабиётлар бўйича ахборотлар бериб борилмоқда. Адабиётларни ўрганиш ва ундан самарали хулосалар чиқариш илмий тадқиқотчидан изчил изланишни талаб этади.

Дастлаб адабиётлар рўйхати тузилади, асосий назарий манбаалар аниқланади. Адабиётларни ўрганиш бўйича конспект, тезис, аннотация тузилади. Мақсадга мувофиқ цитаталар ёзиб олинади. Цитаталар олганда адабиётларнинг айнан муаллифнинг номи, нашриёти, неча саҳифалиги ва қайси бобдан олингани кўрсатилади. Агар интернетдан олинган бўлса, манбаъ ва унинг сайти аниқланади. Демак, адабиётлар ва архив ҳужжатларининг манбаларини мақсадли ўрганиш илмий педагогик тадқиқотнинг самарадорлик шартидир.



6.4. Педагогик илмий тадқиқотнинг кузатиш методи.

Педагогик тадқиқотнинг асосий йўллари, усулларидан бири кузатиш методидир. Кузатиш илмий тадқиқот методи аниқ мақсадга қаратилган, режа асосида педагогик воқеяликни, жараёни моҳиятини, қонуниятларини аниқлаш йўллари, усулларидир. Оддий кузатишдан илмий тадқиқот кузатиши қуйидаги хусуситлари билан фарқ қилади.

1. Илмий кузатиш аниқ мақсадга қаратилган маълум ғоя, илмий фараз асосида ташкил этилади. Масалан, у ёки бу ижтимоий гуруҳда мафкуравий иммунитетни шаклланди ҳолатини аниқлаш, ўтказилган тажриба натижаларини баҳолаш, тарбиявий тадбирларни таъсир имкониятларини аниқлаш, илмий фараз исботини аниқлаш бўлиши мумкин.

2. Илмий кузатишни режа асосида тизимли ташкил этилиши. Тадқиқотчи қўйган мақсади бўйича кузатиш дастурини тузади, вақтни белгилайди, кузатиш воситаларини аниқлайди, натижаларни умумлаштиради. Кузатиш методидан самарали фойдаланиш учун тадқиқотчи амалий гипотеза, далил мезони ва олинган натижа бир бирига мослигига эътибор бериши зарур.

3. Обьективлик илмий кузатиш методининг асосий тамойилидир. Воқеялик ҳодисаларни бор ҳолатини ёзиб бориш, техника воситалари: магнитофон, кўрсатув воситаларидан фойдаланиш такроран кузатиш имконини беради. Илмий кузатишнинг ўзига хос хусусияти табиий муаян педагогик жараёни ҳолисона таҳлил этишда. Чунки, педагогик кузатишни ташкил этишда субъектив ҳолатлар учраши мумкин. Субъективликка, педагогик воқеяликни ҳоҳиш истак асосида таҳлил этиш, ҳулосани илмий қимматини туширади. Фанда кузатиш методининг бир неча усуллари мавжуд. Педагогик илмий тадқиқотда кузатиш объекти узлуксиз таълим-тарбия жараёни, ёшлар, педагоглар, ота оналар фаолияти, муаян педагогик вазиятлардир. Масалан, кузатиш объектининг мавжуд вазиятда ҳолати:

- вазиятдаги ҳолатнинг асосий сабаби психик воқеялик;
- кузатиш объектининг жамоада тутган ўрни, жамоага муносабати;
- сўз ва амалий фаолиятнинг боғлиқлиги;
- маънавий-ахлоқий, эстетик, эмоционал даражаси;
- нутқи, мимикаси, ўзини тутиш хусусияти, уларни бошқа вазиятдаги ҳолати кабилар ҳисобга олинади.

Кузатишда мавжуд ҳолат, воқеялик тезда ёзиб борилиши шарт, айрим қирралари, далиллар вақтида ёзиб борилмаса ёддан кўтарилиши мумкин. Агар ўқувчиларнинг ёки айрим ўқувчининг меҳнатсеварлиги, меҳнатга муносабати ўрганилаётган бўлса:

Исми шарифи	Ҳар хил фаолиятда меҳнатга муносабати (5 балли баҳолаш)					
	Жамоат меҳнати	Дарахт ўтқизиш	Мактаб ободончилиги	Навбат чилик	Махалла ободон чилиги	Оилада меҳнат
Эшматов Д	3	қатнашмади	3	3	қатнашмади	3
Тошматов Э	4	3	3	3	қатнашмади	4
Рустамов Б	4	қатнашмади	қатнашмади	3	3	4

Яъни, умумсинф ўқувчиларининг меҳнатга муносабати даражаси ва кизларни фаолияти, ўғил болаларнинг фаолиятини алоҳида , алоҳида таҳлил қилиш объектив баҳолаш имконини беради.

Аввало, илмий педагогик кузатишда ўрганаётган объектнинг қўйилган мақсад бўйича мавжуд шароитда ички ҳолати, фаолияти; Иккинчидан, ички ва ташқи ҳолатининг уйғунлиги, фаолиятда намоён бўлиши; Учунчидан, фаолиятни изчиллиги, узвийлиги ҳолати аниқланади.

Илмий кузатиш бевосита ва билвосита ташкил этилиши мумкин. Бевосита кузатишда илмий изланувчи ўзи амалга оширади, ҳар хил вазиятда изчил кузатиш натижасини ёзиб боради. Билвосита илмий тадқиқотда ёрдамчиларнинг қатнашиши, мутахассислар иштироки уларни тадқиқот мақсадини хабардорлиги муҳимдир. Тадқиқотда ҳамкасблар, талабалар, мактабдан ташқари таълим муассасаси ходимлари қатнашиши мумкин. Шунингдек, ўз-ўзини кузатиш, юқори синф ўқувчилари ўрта-махсус таълим, олий ўқув юрти талабалари орқали тадқиқот мақсадига кўра амалга оширилади.

Педагогик илмий тадқиқот гипотезасига кўра илмий кузатиш очик ва ёпиқ шаклда олиб борилиши мумкин. Кўпгина ҳолларда очик кузатишда тадқиқот мақсади аниқланганда ташқи кузатишда объектив ҳолат ўзгариши мумкин.

Педагогик илмий кузатиш қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Қисқа муддатли маълум соатда, дақиқаларда ўтказилиши мумкин, тадқиқот мақсадида тезкорлик , айрим ҳолатларда қўлланилади.

Узоқ муддатли илмий кузатиш бир неча йилгача бўлиш, ижтимоий муносабатлар ривожини аниқлашда, комплекс муаммоларни аниқлашда қўлланилади. Бундай кузатишни воқеъликнинг сабабини аниқлаш, прогнозлаш, ўзлаштиришни яхшилаш масалаларида қўлланилади.

Илмий кузатиш методи энг кўп қўлланиладиган ва мураккаб методдир. Шунинг учун ўтказишга алоҳида тайёргарлик кўриш, иложи борича олдиндан машқ қилиб маълум кўникмага эга бўлиш зарур. Яъни, аниқ режа асосида ташкил этиш, концепция, илмий фараз, тадқиқотчининг фикрий тажрибаси ўқитувчи ва ўқувчилар муносабати ҳисобга олинади. Кузатиш жараёнида далил аниқ қайт этилиши, иштирокчилар ва вақти аниқ кўрсатилиши шарт. Кузатиш натижаларини таҳлил этиш, қиёслаш, умумлаштириш тадқиқотчига аниқ хулоса қилиш имкониятини беради.

6.5. Педагогик илмий тадқиқотнинг сўров-анкета методи

Анкета методи ижтимоий сўров шаклида социология, психологияда ҳам қўлланилади. Педагогик тадқиқотда таълим-тарбия жараёнининг ички қонуниятларини аниқлаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш тамойилларини, йўлларини, шаклларини ишлаб чиқишда анкета-сўров методи муҳим ўрин тутаяди. Педагогик фаолиятни ўрганиш бўйича 1899 йилда илғор мамлакатларда 600 ўқитувчи, 1911 йилда 14 минг ўқитувчида сўровнома ўтказилгани ушбу методнинг тарихийлигидан далолат беради.

Анкета (франсузча суриштириш, тергов) маълумотлар олиш учун тўлдирилган варақа педагогик илмий тадқиқотнинг муҳим методларидан биридир. Педагогик илмий тадқиқотнинг дастлаб ишчи илмий фарази, режаси тузилгандан кейин анкета сўровнома ишлаб чиқилади. Сўровномада аввало, ахборот олишдан бошланади, кейин анкета тузилади. “Инъеръю” инглизча учрашув, иккинчи маънода: хабар интервью ва мулоҳазали интервью бир ёки бир неча шахс билан муҳим масала юзасидан суҳбат. Демак, анкета сўровномада аввало тадқиқот объекти билан мулоҳаза, суҳбат ўтказиш ўрганиётган муаммога шахсни ёки ижтимоий гуруҳни муносабатини аниқлаш мумкин. Суҳбатлар умумий шаклда ҳам ташкил этилиши, қисқа ва батафсил суҳбат орқали ижтимоий гуруҳ ёки шахснинг ҳолати аниқланади. Белгиланган мавзуда суҳбатда мақсадга мувофиқ мулоҳаза юритиш, тадқиқот объектини ҳамкорликка йўналтириш мумкин. Шунинг эътиборига олиш лозимки, суҳбатда ҳам анкетада ҳам саволлар, очиқ, ёпиқ, ярим очиқ маънода мазмунда бўлади.

Анкета методини қўллашда мавжуд шароитда унинг қулайлиги, имконияти ҳисобга олинади. Муаммонинг ўрганилганлик даражасини аниқлаш изланувчига ўз тадқиқот йўналишини белгилашда анкета методи самарали бўлади. Яъни, тадқиқот муаммосига доир мақсад, вазифалар бўйича анкеталарнинг аниқлиги, муҳим қирраларни қамраб олгани илмий изланиш натижасини кафолатлайди.

Анкета саволларини тузишда тадқиқотчидан методологик маданият талаб этилади. Саволларни мантиқан педагогик қоидаларга, мавжуд шарт - шароитга, ўрганилаётган муаммога, илмий фаразга мослиги; саволларда қисқа мантиқ қоидаларининг ҳисобга олинганлиги; саволларни ҳамма учун тушунарли бўлиши; саволларга жавоблар ифодаланганлиги; очиқ саволларда жавоб берувчи фикрини ўзи ифодалашга йўналтирилганлик; ёпиқ саволларга алтернатив “ҳа” “йўқ” жавобларида муаммонинг асосий моҳиятини ифодаланиши кабилар.

Ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган анкета сўровномада саволлар сони 8,10 тадан ошмаслиги, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими талабалари учун мустақил фикрни ифодалашга йўллайдиган саволлар бўлиши мумкин. Ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган анкета сўровномада аввало 5,6 нафар ўқувчида ўтказиб синаш мумкин. Агар 6 синф ўқувчиларида ўтказилган анкета саволларига жавоблар қийинлик қилса тадқиқотчи ўз жавоби шаклини тавсия қилиши мумкин. Масалан:

1. Сизнинг фикрингизча ҳақиқий дўстлик нимада? Иккита энг муҳим фазилатнинг остига чизинг.

Дўстона ҳамкорлик, оғир шароитда ўртоғини қўллаш;

Бир бирини тушуниш, ҳамфикрлик;

Ишонч ва очиқ кўнгиллик;

Ҳақиқатни ўртоғига очиқ айта олиш, талабчанлик;

Садоқат ва олижаноблик.

2. Сизнинг синфингиз ўқувчилари ўртасида дўстликка нима тўсиқлик қилди? Энг муҳим иллатлар остига уч чизиқ, иккинчи даражалига икки чизиқ, учинчи даражали иллатга бир чизиқ қўйинг.

- ҳасад рақобат, ўзини устун қўйишга интилиш;
- алдаш, ёлғончилик, бир бирига ишонмаслик;
- фақат ўзи ҳақида ўйлаш;
- бир-биримизни яхши билмаймиз;
- умумий мақсадимиз йўқ.

Бундай саволлар ёпиқ ҳисобланади, чунки жавоблар аниқ кўрсатилган.

Иккинчи савол жавобларини қуйидагича умумлаштириш мумкин.

Дўстликка тўсиқ бўладиган сабаблар	Ўғил болалар	Қизлар	Шундан фаоллар	Ҳаммаси
Бизларни бирлаштирадиган умумий ишимиз йўқ	12	5	1	17
Ўзаро ишонч йўқ	7	16	5	23
Ҳасад, кўзбўямачилик	3	9	4	12

Анкета методи тажриба-синов ишларини ташкил этишда ёрдамчи восита ҳисобланади. Дастлабки анкета сўровномада муаммони объектив ҳолатини аниқлаш имконияти яратилса, экспериментдан кейин ўтказиладиган анкета сўровномада тажриба натижаларини баҳолашга шароит яратилади.

Анкета сўровнома тузишга қўйиладиган талаблар:

1. Аввало тадқиқот объекти, предмети ўрганаётган жараён таркибини, мезонини аниқлаш, кузатиш орқали эришиладиган даража; махсус ташкил этиладиган вазиятда воқелик; анкета сўровномадан кутилган натижа. Анкета сўровномага жалб этиладиганлар миқдори, сони, ижтимоий ҳолати жинси, ёши, маълумоти, моддий таъминоти, яшайдиган манзили: шаҳар, қишлоқ, кўча ва ҳокозо кўрсатилиши, анкета ўтказишга сарф қилинадиган вақт белгиланиши лозим. Шунингдек, анкета ўтказиш воситалари, жиҳози, шароити, ҳолати, типик оила, бола, шахс турмуш тарзи ҳисобга олиними;

2. Анкета тадқиқот мазмуни, таркиби билан боғлиқлиги, саволларга объектив жавоб олиш, масалан, Сени математика дарсига муносабатинг? Масаласи “Севган фанингни айт?”, “Сенинг севимли ўқитувчинг?”, “Сени севган машғулотиңг? саволларида текшириб кўриш мумкин. Маълумот олиш методикасини яратиш, қандай шароитда анкета ўтказилади, маълумотлар қандай олинади кабилар.

3. Анкета тузишда жавобларни математик таҳлил қилиш, умумлаштириш, математик статистика ва социометрияга мослигига эришиш; объектив жавоб олиш учун сўровномалар ўтказилаётганлар шахсига ҳурмат ифодаси “Сиздан илтимос”, “Марҳамат жавоб беринг”, “Сизнинг фикрингиз қандай” ва ҳокозо илтифотли, самимий мурожат акс этиши мақсадга мувофиқ. Саволлар ҳаммага тушунарли бўлиши, саволларда мантиқий изчиллик, саволларни сўровнома ўтказилувчилар иззат нафсига тегмаслик кабилар.

4. Анкета олдиндан тайёрланиши, кўп нусхада чоп этилиши ёки доскада ёзилиши.

5. Анкета сўровномага қанча кўп жалб қилинса шунча ишончли жавоб олиш мумкин. Фақат типик социал хусусиятларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

6. Анкета ташкил этишда сўровнома ўтказилаётганлар ижодий муносабати, қизиқиши, кутилаётган жавоб моҳияти аниқлиги. Ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган анкета саволларга жавоб вариантлари кўрсатилиши мумкин.

Анкета методи педагогик илмий тадқиқот методлари билан узвий боғлиқ, бир-бирини тўлдиради, таълим-тарбия жараёнларининг қонуниятларини аниқлашга, истиқболни белгилашда муҳим ўрин тутади.

6.6. Педагогик илмий тадқиқотнинг тест методи

Тест (инглизча “синов”, “тадқиқот” деган маънони англатади) психология ва педагогикада кенг қўлланиладиган шахс хусусиятларини, билим, кўникмаларини аниқлайдиган методдир. Ўтган асрнинг 30 йилларида болаларнинг қобилиятини аниқлашда тест методи қўлланилди, лекин собиқ коммунистик партиянинг 1936 йилги қарори билан қатъий таъқиқланади. Тест методини қўллаган, тавсия қилган олимлар қатағон қилинди. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатлар тажрибасида тест методи 100 йиллик тарихга эга. Мустақилликдан кейин тест методи кенг қўлланила бошланди., Вазирлар Маҳкамаси қошида “Тест маркази” ташкил этилди. Ижтимоий фанлар ва медицинада тестдан фойдаланиш анъанага айланди.

Педагогик илмий тадқиқотда тестлар: меъёрий даражали, қобилиятни аниқловчи, шахс тестлари, яъни, дидактик, компитентлик ва индивидуаллик туркумида бўлади. Дидактик тестлар таълимий ва билим даражаларини аниқлаш бўйича улкан тажрибалар яратилди. Узлуксиз таълимда дидактик тестлардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Таълим назарияси ва амалиётига доир илмий тадқиқотларла ҳам дидактик тестлар самарадорлик омилидир. Илмий тадқиқот мақсади, предметига асосан изланувчи махсус тестлар тузуши ва илмий фаразни текшириши мумкин. Қобилиятни аниқловчи кваламетрик тестлар илмий тадқиқотда ишлаб чиқаришда бшқариш тизимида қўлланилмоқда.

Педагогик илмий тадқиқотда касбшунослик, касб танлашга йўллаш, профессиограмма масалаларида тест методи ҳал қилувчи воситадир. Шахсга йўналтирилган тест илмий тадқиқот методи шахс, индивид, ижтимоий гуруҳнинг шаклланганлик, тарбияланганлик даражасини аниқлашда қўлланилади. Педагогик илмий тадқиқотда тест методини қўллашга қўйиладиган талаблар:

1. Дастлаб тест орқали қайси муаммони аниқлаш мақсади, тарбияланганлик даражаси, ривожланганлик даражаси, қизиқиш соҳаси кабилар. Кейин шуларнинг мезони баркамол шахсни фазилатлари,

ривожланиш модели, қизиқиш мезонлари белгиланади, ўрганилаётган объектга доир муҳим жиҳатлари кўрсатилади, алоҳида ўрганилади;

2. У ёки бу тест комплекси қайси сифатларга қаратилган, миқдорий ва сифат мезонларини аниқлаши;

3. Тест ўтказиш методикасининг объектив натижа олишга қаратилганлиги;

4. Тадқиқот муаммосини ўрганишда кузатитиш натижалари ва бошқа тадқиқот методларидан олинган натижа билан тест натижаларини таққослаш;

5. Тест ўтказишда этика ва эстетика қоидаларига амал қилиш, тест ўтказиш жараёнида маънавий психологик шароит, педагогик такт объектив натижа олиш имкониятлари;

6. Тест айниқса ўқувчиларда олиб борилаётган тадқиқотларда завқлилиқ, дидактик ўйин шаклида, мусабоба шаклида ташкил этилиши кабилар.

Тест методи педагогик тадқиқотда социометрик ва кваламетрик методлар билан боғлиқ бири иккинчисини тўлдиради. Социометрия (юнонча ижтимоий ўлчов) ижтимоий даражанинг ўлчови, мезони маъносида ишлатилади. Педагогик тадқиқотда ўқувчи ва ўқитувчи оилада ўзаро муносабатларни баркамол шахсни шакллантиришдаги имкониятларини аниқлашда мавжуд ҳолатни, тажриба натижаларини аниқлашда тест методидан фойдаланилади. Социометрия педагогик илмий тадқиқот методида муносабатларни баҳолаш орқали педагогик, психологик қонуниятлар ёки қонуниятларни бузилиши, илғор тажрибалар аниқланади. Социометрияда анкета методи ва тест методидан фойдаланилади. Буни ўзига хослиги ижтимоий муносабатларнинг моҳияти, мазмуни, мезони, ижтимоий, иқтисодий қонун, қоидалар билан белгиланади. Жамиятни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва педагогикалаштириш бир- бири билан боғлиқдир. Социометрия педагогик илмий тадқиқот методи аввало, ижтимоий қонунлар ва “инсон, инсонийлик, инсоният” учлик уйғунлиги асосида ташкил этилади.

Тест методи кваламетрик педагогик илмий тадқиқот методи билан боғлиқ. Маълумки, касб тарбияси, касбшунослик, профессиограмма педагогиканинг асосий предметиدير.

Кваламетрия (квала – “мутахассислик” метрия – “ўлчов”) касбга лаёқат, касб фазилатлари, маҳорат мезонини ўлчаш, баҳолашдир. Касбшунослик муаммоларининг тадқиқотда кваламетрик тестлардан фойдаланилади Бунинг учун тадқиқот муаммоси бўйича мезон аниқланади, тажриба натижаларини аниқлашда кваламетрик тестлар қўлланилиши самарадорлик омилидир.

Таълим-тарбия жараёнини тестлаштириш, узлуксиз таълим, мутахассислар тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини баҳолашда тестлардан фойдаланиш кенг оммалашган. Педагогик илмий тадқиқотда тест методини қўллаш ўзига хос хусусиятга эга.

6.7. Педагогик илмий тадқиқотнинг эксперимент методи.

Эксперимент (лотинча синаш, тажриба) педагогик илмий тадқиқотнинг устивор методи бўлиб, таълим-тарбия жараёнини ҳолатини ўрганиш усулидир. Фалсафада ҳам эксперимент илмий билишнинг энг муҳим шарти сифатида қаралади. Эксперимент ҳодисаларни ўрганишда фаннинг муайян мақсадга йўналтирилган услуби бўлиб, бу услуб ёрдамида ҳодисалар содир бўлиши аниқ қайд этилган шароитларда тадқиқотчи томонидан қайта ҳосил қилиниши ва назорат қилиниши мумкин. Экспериментни кузатишга нисбатан бир қатор афзалликлари бор. Илмий тадқиқот умумий структурасида эксперимент алоҳида ўрин тутди. Бир томондан айнан эксперимент илмий тадқиқот назарий ва амалий босқичлари ҳамда даражаларини боғлаб турувчи бўғин ҳисобланади. Ўз мазмунига кўра, эксперимент доимо дастлабки назарий билимлар билан боғланган бўлиб, у бир-бирига мос бўлган назарий билимлар асосида фикр юритади. Кўпинча илмий назария ва гипотезани асослаб бериш ёки инкор этиш унинг мақсади бўлиб ҳисобланади. Педагогик эксперимент таълим-тарбия жараёнининг мазмуни, методи, воситаларини такомиллашга қаратилган ҳар хил оптимал шарт-шароитни аниқлаш комплекс усуллари дидир.

Экспериментнинг қуйидаги умумий турлари мавжуд:

- тадқиқот эксперименти;
- текширувчи ёки назорат эксперименти;
- қайта ҳосил қилувчи;
- миқдорий ёки сифатий;
- табиий ёки ижтимоий эксперимент. Тадқиқот эксперименти фанда маълум бўлмаган янги ҳодиса ёки уларнинг янги қутилмаган хоссаларини аниқлашга йўналтирилган.

Текширувчи назорат эксперименти тадқиқот объекти ёки гипотеза ҳисобланади. Назарий гипотезаларга нисбатан эксперимент тасдиқлаш ёки рад этиши мумкин. Экспериментнинг ўзига хос тури фикрий экспериментдир. Реал экспериментда олим маълум ҳодисани қайта ҳосил қилиш, ажратиш ёки хоссаларни ўрганиш учун уни турлича реал шароитларга қўйиб кўради. Фикрий экспериментда бу шароитлар тасаввур қилинадиган ҳолатлар бўлиб ҳисобланади, лекин тасаввур бунда яхши маълум бўлган фан қонунлари ва мантиқ қоидалари билан бошқарилади, бундай ҳолда олим ҳиссий образлар ёки назарий моделлар ёдамида ишлайди.

Педагогик тадқиқотда фикрий эксперимент имкониятлари ва усуллари проф. Д.Шодиевнинг тадқиқотларида илмий асосланган. Экспериментал тадқиқот бир неча босқичлардан иборат. Биринчи босқич экспериментни режалаштиришдир. Экспериментни ўзига хос хусусиятлари, принциплари асосида мукамал режалаштириш тадқиқот самарадорлигини таъминлайди. Унда гипотеза етакчи ғоя амалга ошириш тизими қутилаётган якуний натижа аниқ бўлиши. Шунингдек, педагогик қонуниятлар мавзунинг назарияси, методологик тамойиллар экспериментининг моҳиятини ифодалайди.

Яъни, педагогик экспериментни режалаштиришда муаммонинг ифодаланиши муҳим аҳамиятга эга. Масалан, тарбия муаммоси бўйича

эксперимент узок вақтни талаб этади. Режалаштиришда экспериментал ва назорат гуруҳини танлаш, уларни қиёслаш имконияти, ўтган давр билан қиёслаш шарт-шароит ҳисобга олинади. Мисол учун педагогик тадқиқотда натижа аниқ лекин, унинг шарт-шароити, омили аниқ эмас. У ҳолда педагогик эксперимент муаммонинг сабабини ички қонуниятларини аниқлашга қаратилади.

Педагогик тадқиқотда табиий ва лаборатория эксперименти ўзига хос хусусиятга эга. Табиий эксперимент таълим тарбиянинг мавжуд шароитдаги ҳолатини таҳлил қилиш, бир неча гуруҳларни тажрибасини умумлаштириш, хулоса чиқариш усулидир. Илмий фаразни асосланиши (ёки асосланмаслиги) табиий эксперимент асосида ҳам маълум натижага эришилади. Бу тадқиқотчига гипотезани асослашда аниқ қонуниятлар, тайёр натижаларни беради. Табиий экспериментда илмий фараз асосланмаса, бир неча вариантда назорат ва эксперимент гуруҳида тажриба ўтказилади.

Педагогик назарияни ривожлантиришда психологик, педагогик лаборатория экспериментидан ҳам фойдаланилади. Лаборатория эксперименти алоҳида шахсда ҳам, ижтимоий гуруҳда ҳам ўтказилади. Масалан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълим стандартларини ишлаб чиқиш бўйича мамлакатимизни турли минтақаларида экспериментал майдончалар ташкил этилди. Таълим мазмунини узлуксиз такомиллаштириш бўйича жойларда эксперимент гуруҳлар, эксперимент мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Инновацион педагогик лойиҳалар эксперимент асосида исботлангани, унинг назарий ва амалий аҳамиятини оширади. Масалан, лаборатория методи орқали рангларга шахснинг таъсирланиши унинг характерини, дидини, қизиқишини аниқлашда муҳим восита бўлади.

Эксперимент натижалари мантиқий ва назарий категориялар, тушунчалар билан ифодаланади. Шунингдек, натижалар сифат ва сон, миқдор билан кўрсатилади, умумлаштирилади, яратилган янги ғоялар, воқелик ўзига хос атамалар билан аталиши мумкин. Фанда бундай мисоллар кўплаб учраши мумкин.

Педагогик экспериментда таянч ғоя илмий тадқиқот самарадорлигини таъминлайди. Масалан, ижтимоий гуманитар фанларни, жумладан, педагогика ва психологиянинг ўзаро боғлиқлигини инсоншунослик қонуниятини тамойили асосида ўрганиш илмий тадқиқот тизимлилигини таъминлайди. Ёки баркамол шахс модели асосида педагогик тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамиятини ўрганиш эксперименти аниқ мақсадга қаратилган бўлади .

6.8. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш.

Педагогиканинг назарий ва амалий ривожланишида илғор педагогик тажрибалар алоҳида ўрин тутди. Тажрибаларни илмий ўрганиш ўзига хос методик хусусиятга эга. Илмий билишда амалиёт: асосий омил, ҳаракатлантирувчи куч, ҳақиқат мезони ва билиш мақсадидир.

Педагогик тажриба кенг маънода таълим-тарбия амалиёти, тор маънода педагогларнинг инновацион фаолияти. Илғор педагогик тажриба педагогика назариясига доир таълим-тарбия борасидаги самарали методлар, воситалар

технологияларда ифодаланади. Педагогик жараён ижодий жараён, малакали, ташаббускор, ўқитувчи, мураббийлар тажрибалари, таълим-тарбия тизимини ривожлантириш фаолиятидир. Таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш узлуксиз таълим педагогларининг ижодкорлигига шароит яратади. Шунингдек, мамлакат миқёсида ўтказилаётган олимпиада, йил ўқитувчиси танловлари оммавий ижодкорликни рағбатлантиришга имкон бермоқда.

Илғор педагогик тажрибаларни тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши ўзига хос хусусиятга эга. Таълим-тарбия натижаларини педагогик қонуниятлар тамойиллар асосида, самарадорлик мезони, инновацияни долзарблиги, илмий-амалий аҳамиятини таҳлил қилиш, баҳолаш тадқиқотчидан юксак методологик билим талаб қилади.

Педагогик тажриба махсус ташкил этилган эксперимент асосида ҳам бўлиши мумкин. Ижодкор педагог эришган натижалари тажрибалари таҳлилида методологик тамойил алоҳида ўрин тутади. Педагогик тажрибанинг янгилиги, долзарблиги, илмий амалий аҳамияти асосланади, олдинги анъана, тизимга қиёсланади. Илғор педагогик тажрибанинг асосий кўрсаткичи инновацион натижасидир. Масалан, ўқувчиларнинг билим даражаси, мустақил ўзлаштириши, олинган билимларни эркин қўллай олиши, тарбияланганлик даражаси, билиш мотиви, эзгу мақсади шаклланганлиги.

Илғор педагогик тажрибани илмий таҳлил этишда вақт тежамкорлиги, тажрибанинг иқтисодий афзаллиги алоҳида ўрин тутади. Маълумки, педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш кам меҳнат қилиб юқори натижа олишдир. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ижодкор ўқитувчиларни кашф қилиш таълим-тарбия назариясини ва аҳамиятини бойитади. Ўтган асрнинг 90 йилларида Косон тумани мактаб ўқитувчиси Гулбодом Эштурдиева бошланғич таълимда янги тажрибаларга эришган, ўша даврда ҳаракатли кўргазмалар орқали таълим самарадорлигини оширган. Унинг тажрибаларини педагог олимлар томонидан ўрганилиши, ўзи билмаган янгилигини илмий-амалий аҳамияти, янгиликларни илмий баҳоланиши Республика йил ўқитувчиси ғолиби бўлишига, ҳамда дастлабки алифбо дарслигига ҳаммуаллиф бўлишига сабаб бўлди.

Илмий тадқиқотчи ижодкор ўқитувчи билан янги тажрибаларни яратиши мумкин, бирга изланиш ишларини ташкил этиши, тажриба якка ва жамоа тарзида бўлиши мумкин. Жамоанингнинг илғор тажрибалари мақсадли, комплекс, режали бўлиши мумкин. Кейинги йилларда таълим муассасаларида методик кенгашлар, бирлашмалар илғор тажрибаларни умумлаштириш марказларига айланган. Илмий семинарларда илғор тажрибалар натижаси, инновацион лойиҳалар илмий амалий баҳосини, тавсиясини олмоқда. Масалан, мустақилликнинг дастлабки йилларида узлуксиз педагогик таълимни жорий этиш мақсадида Қарши шаҳри 25 сонли мактабида ихтисослашган педагогик синфлар ташкил этиши ўқитувчилик касбга йўллашда яхши натижа берди.

Илғор педагогика тажрибаларни ўрганиш методи илмий тадқиқот муаммосидан келиб чиқиб ҳар хил усулларда қўлланилади. Таълим-тарбия амалиётига доир долзарб тадқиқот, муаммонисини танлашда илғор педагогик тажрибаларга асосланилади, илмий фаразлар ҳам илғор педагогик тажрибалар

асосида шаклланади. Тадқиқотчи назарий қарашларни, умумлаштириш, эксперимент ўтказиш уни кенг қўллаш, узлуксиз таълим-тарбия фаолиятида жорий этишда, илғор педагогик тажрибаларга таянади.

Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш натижасида назарий ва амалий тавсиялар яратилади.

Илғор педагогик тажрибалар бўйича ўтган асрнинг 90 йилларида Қарши шаҳридаги 23 мактабида “Ўқувчилар ўз ўзини бошқариш” тажрибасини ўрганиб қўлланма тайёрланди, тажрибани оммалаштиришда бошқа мактабларда ҳам синаб кўрилди. Демак, ҳар қандай педагогик тажриба, инновацион лойиҳа, илмий таҳлил асосида амалий аҳамияти ошади.

Асосий тушунчалар:

Умуммиллий, тамойил, қонуният, категория, фаолиятли ёндошув, маданиятли ёндошув, антропологик ёндошув, таснифлаш, илмий кузатиш, архив материаллари, анкета, тест, социометрик, кваламетрик, эксперимент, илғор тажриба.

Мустақил таълим саволлари:

1. Педагогик тадқиқотнинг метадологик тамойиллари.
2. Педагогик тадқиқотнинг умумметодологик тамойиллари
3. Педагогик тадқиқотнинг муайян методологик тамойиллари
4. Педагогик тадқиқотда концептуал ёндошув.
5. Педагогик тадқиқот методларининг таснифи.
6. Адабиётлар ва архив материалларини ўрганиш.
7. Назарий методологик адабиётларни ўрганиш.
8. Мавзуга доир илмий адабиётлар.
9. Педагогик тадқиқотнинг кузатиш методи.
10. Педагогик тадқиқотнинг тест методи.
11. Педагогик тадқиқотнинг сўров анкета методи.
12. Педагогик тадқиқотнинг социометрик методи.
13. Педагогик тадқиқотнинг эксперимент методи.
14. Педагогик тадқиқотнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш методи.

ҲП-БОВ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ.

7.1. Педагогик тажриба-синов ишлари дастурини ишлаб чиқиш

Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ўзига хос мураккаб ва маъсулиятлидир. Инсон предметида айниқса навниҳол ёшларда тажриба-синов ўтказиш аниқ дастур асосида ташкил этилиши, дастур ҳар томонлама педагогика-психологик қонуниятлар, шарт-шароитни ҳисобга олади.

Илмий тадқиқот дастури тажриба-синов ишларини мақсадли, изчил амалга ошириш мазмуни белгилайди. Педагогик тажриба-синов дастури, мавзунинг долзарблиги, ижтимоий иқтисодий аҳамиятини аниқлаш, илмий фаразнинг ҳаққонийлигини асослаш қўлланмасидир. Тадқиқот назариясининг амалда синаб кўриш; тадқиқот илмий-амалий имкониятини жорий этиш, умумлаштириш; бир неча вариантда ҳар хил шароитда тадқиқот натижасини текшириб кўриш; математик статистик таҳлил қилиш ва баҳолаш каби йўналишлардан иборат бўлади. Маълумки, амалиёт илмий билишнинг мезонидир. Илмий тадқиқот фаннинг истиқболини белгиловчи, мумтоз қонуниятларни ёритувчи ёки вақтинчалик бўлиши, баъзан такрор бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун тажриба-синов ишлари ана шу имкониятларни ҳаётда ўз ифодасини аниқлашдан иборат бўлади.


Илмий фаразларни асослашда тажриба-синовлари муҳим таркибий қисмдир. Илмий фаразларга асосан тажриба-синов ишлари ташкил этилади, илмий фаразлар амалиётда синалсагина назарий ғояга айланади. Илмий фаразлар тажрибаларда асосланмаса илмий тадқиқот йўналиши ўзгартирилади, қайта тажриба ўтказилади.

Илмий тадқиқотнинг концепцияси муаммонинг ўрганилиш тарихий тараққиёти, ҳаётда типик кўринишлари тажрибада синаб кўрилади. Амалий тажриба тадқиқот назариясини асослайди тўлдиради. Шунинг учун тажриба-синов ишлари дастури илмий тадқиқотни изчил амалга ошириш тизими, механизмдир. Тадқиқот назарияси тажриба-синов ишлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги фалсафий категория тажриба-синов ишларининг методологик асосидир.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамиятини аниқлашда тажриба-синов ишлари экспертиза вазифасини бажаради. Тадқиқот аргументи тажриба-синов ишларининг натижасига асосан ифодаланadi. Илмий тадқиқотни аргументлаш, ғоявий аксиома тажриба-синов ишларининг ҳар хил вариантда, ҳар хил шароитда ўтказилганига боғлиқ. Педагогик тадқиқотда субъектив тавсиялар ўтган асрда таълим-тарбия тизимини инқирозга олиб борди. Педагогик тадқиқотларни аргументлаш тажриба-синов ишлари дастурининг таркибий қисмидир. Бир неча вариантда, шарт-шароитда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш бўйича тажриба-синов ишлари тажриба ва назорат гуруҳларида синаб кўрилади. Узок муддатли тажрибада ҳар бир босқичда бажариладиган кузатиш тажриба-синов ишлар тартиби белгиланади. Тажриба гуруҳлари хусусиятига кўра бир ёки бир неча босқичли тажриба-синов ишлари режалаштирилади.

Тажриба-синов ишлари натижаларини умумлаштиришда мантиқий ҳулосалар билан бирга математик статистик таҳлил аргументли концепциялар,

амлий қўлланмалар яратиш имкониятини оширади. Тадқиқот йўналиши педагогиканинг таркибий қисмлари, мавзуга доир тажриба-синов ишлари дастури яратилиши, тажриба-синов ишларини ташкил этишда ҳам ижодкорлик бўлиши мумкин.



Масалан, буюк алломаларнинг тажриба ҳақидаги таълимотлари бугунги кунда ҳам алоҳида аҳамиятга эга:

Фан табиатни такомиллаштиради, аммо ўзи ҳам тажриба негизида такомиллашади зеро, туғма истеъдодлар ёввойи ўсимликларга ўхшаб, илмий

парваришга мухтождир; айна пайтда тажриба билан оидинлаштириб турилмаса, илмнинг ўзи ҳаддан ташқари умумий дастур беради.

Ф. Бэкон

Фақат тасаввурда туғилган минглаб мулоҳазадан кўра, мен биргина тажрибани афзал кўраман.

М. В. Ломоносов

Барча тажрибалар — умид ва синчковлик чангалида туради.

О. Бальзак

Тасаввур қанотида парвоз қилиш қанчалар жозибали бўлмасин, ҳамиша синовдан ўтган фактлар шиппагида, вазмин кўрғошин тагли шиппақда юришни афзал кўрган маъкул.

Ж. Фабр

Фактларнинг аҳамиятини камситмайлик қачондир унда ҳақиқат чечаги гул очади.

Г. Торо

Мавжуд назариялар қолипига тушмайдиган фактлар айниқса фан учун қимматлидир, фаннинг яқин келгусидаги ривожини асосан ўша фактларни тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлади.

А. М. Бутлеров

Бугун майда, яқин ва аҳамиятсиз туюлган фактлар янги кашфиётлар туфайли эртага фаннинг серсамара янги тармоғига асос бўлиши мумкин.

А. М. Бутлеров

Кичкинагина бир факт амалга ошмаган қанча-қанча орзуларни оқлайди.

Р. Эмерсон

Тажриба ва кузатиш — донишмандликнинг туганмас булоғи ва ундан истаган одам баҳраманд бўлиши мумкин.

У. Чэннинг

Ҳар қандай аниқликнинг асоси ҳисобланмиш тажриба негизида туғилмаган билим бесамара ва ғиж-ғиж хатодир.

Леонардо да Винчи

Ҳаётнинг мангу муаллими - тажриба.

Ҳар қандай-фаннинг манбаи— тажриба. Ҳар қандай тажриба фикрдан иборат бўлиб, у тажриба орқали туйғуларга ҳам ўтади

Ю. Либих

Тажриба— йўлингдаги ёруғ шамчирок.

У. Филлипо

Фақат тажрибагина бизни ҳаёт неъматларини кадрлашга ўргатади.
Я. Гёте

Ҳақиқий билимнинг манбаи — фактларда.

П. Буаст

Фан ҳам бир хил ҳаво— фактлар кислороди билан нафас олади. Янги тадқиқот услублари бамисоли шундай бир дарахтки, у фан иқлимини ноаниқ хулосалар карбонат ангидридидан тозалайди ҳамда уни янги кашф этилган, кузатилган ва англ-ланган ҳодисалар кислороди билан бойитади.

В. В. Парин

Ҳеч қандай «мабодо»га ўрин йўқ Ишончга сазовор аниқ далилларнигина қайд эт. Улар ўрганиб чиқилгач, пишиқ негизга асосланган мақбул хулосаларга кўч.
Ж. Фабр

Менга таянч нуқтасини беринглар, ерни ўз ўрнидан силжитаман.
Архимед

Фанний тилни суиистеъмол қилиш фактлар илмини сўз илмига айлантириб юборади.

Ж. Кондорсе

Фактлар инсон тажрибасини бунёд этган ғиштлардир, улар сизнинг ижод куролингиздир. Тиним билмай факт изланг, уларни табиатдан ва китоблардан тўпланг, кетма-кет яхши дарсликларни ўқинг.
В. А. Обручев

Биз мулоҳазаларни эмас, фактларни англашга интилмоғимиз ва аксинча фикрларимиз тизмасидан бу фактларга ўрин топиб бермоғимиз лозим.
Г. Лихтенберг ..

.Ҳар қандай илмий соҳада — табиат соҳасида ҳам, тарих соҳасида ҳам — бизга маълум *фактлардан* келиб чиқмоқлик зарур... боғланишларни конструкция қилиш ва уларни фактларга олиб кириш мумкин эмас, аксинча, уларни фактлардан келтириб чиқармоқ ва улар топилгач, имкон йўл қўйган даражада тажриба йўли билан уларни далилламоқ зарур.

Ф. Энгельс

Кишини расмиятчиға айлантирувчи фактлардан хабардорлик ҳақиқий билим эмас, балки ўша фактлардан фойдаланиш уни файласуф даражасига кўтаради.
Г. Бокль

Расмиятчи — ақл бадҳазмлиги касалига мубтало бўлган кишидир.
Ж. Ренар

Фанда ғояларни изламоқ керак. Ғоясиз фан бўлиши мумкин эмас. Фактларни билишнинг қиммати асосан шундаки, уларда ғоялар яширинган бўлади ғоясиз фактлар мия ва хотиранинг ифлосланишидир.

В. Г. Белинский

Ҳамма фактлар ҳам ёзиб олишга арзирли бўлавермайди.

Ф. Вольтер

Бемаъни туйғуларга инониш — бетамизнинг хислати.

Гераклит

Юзаки одам жаҳолатни теранлик деб, ёввойиликни забардастлик, мавҳумликни ниҳоясизлик, бемаъниликни ўта таъсирчанлик, дея қабул қилади.
Ф. Шиллер

Илмий ишни доимий тажрибалар ва аниқ кўргазмалар воситасида тўғри олиб бормоқлик учун бардошли маҳорат керак.

Ж. Максвелл

Режасиз одам маълум фактлар кўчасида ҳам осонгина адашади.
Д. И. Менделеев

Фактлар, ҳаммавақт фактлар ўргатади, тарбиялайди, ғоялар эса унга йўлдош, улар фактлардан олдинга ўтолмайди.

М. Горький

Фактлар — мисоли шундай нарсаки, шубҳагумонлар ундан худди темирга урилиб сакраган резина коптокдек қочади.

М. Горький

Сўзлар тизмасида нутқ, ранглар йиғиндисидан муайян қиё-фалар туғилгани сингари, бир-бири билан ўзаро боғланган жуда кўп фактларни билишдан том маънодаги юксак билим пайдо бўлади.

А. М. Бутлеров

7.2. Педагогик илмий тадқиқот жараёнини моделлаштириш.

Моделлаш — латинча **modulus** — ўлчов, меъёр — бирор объектлар тизимининг образи ёки намунаси. Билиш объектларни тадқиқ қилиш, мавжуд предмет ва ҳодисаларнинг моделларини яшаш, тизимли ўрганиш имконини беради. Моделлаштириш методидан ҳозирги замон фанида кенг фойдаланилмоқда, у илмий тадқиқот жараёнини енгиллаштиради, баъзи

холларда мураккаб объектларни ўрганишнинг ягона воситасига айланади. Бу айниқса, мавхум объектларни, таълим-тарбия жараёнини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Моделлар объект хусусиятларини унда содир бўладиган жараёнларни тушунтириб бериш учун қўлланилади.

Педагогик илмий тадқиқот жараёнини, натижаларини моделлаштириш, тизимли тадқиқ этиш, ифодалаш, педагогик ва ахборот технологияни кенг жорий этилиши, таълим-тарбия жараёнини серкирра мураккаб, мавхум хусусиятларини моделлаштириш орқали самарали тадқиқ этиш мумкин. Моделлаштириш ўзининг мураккаб комплекс ҳарактерига кўра, тадқиқот усулларига кўпроқ мансубдир. У бундай тадқиқот усулики, унда тадқиқотчини қизиқтирган объект шунга ўхшаш бошқа объект билан алмаштирилади. Бунда биринчи объект оригинал, иккинчиси эса модел бўлади. Моделлаштириш чизмали, математик, мантиқий, белгили шаклда намоён бўлиши мумкин.

Модел – билиш объекти ўрнини босадиган, амалда объектлаштирилган ёки фикран тасаввур қилинадиган нарса. Моделнинг асосий воситаларини танлашга нисбатан моделлаштиришнинг турли хиллари ҳам фарқланади. ЭХМнинг янги авлоди пайдо бўлиши билан фанда компьютерли моделлаштириш кенг миқёсда оммалашди. Компьютерли моделлаштириш мантиқий ва математик моделлаштиришдан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади.

Педагогик илмий тадқиқотларни моделлаштиришда тадқиқот объекти ва унинг мантиқий модели ўртасида ўхшашлик, мувофиқлик бўлиши ғояни ифодалаш, тадқиқот назарий даражасини ошириш имкониятини беради. Моделлаштириш методидан кенг фойдаланиш илмий тадқиқот жараёнини енгиллаштиради, таълим-тарбия объектини ўрганишнинг қулай воситасига айланади. Шунингдек, моделлаштириш педагогик объект хусусиятларини тушунтириб бериш учун ҳам қўлланилади.

Моделлаштириш ҳар доим бошқа илмий методлар билан бирга қўлланилади ва у эксперимент билан чамбарчас боғлиқ. Педагогик тизимни тадқиқотида модели эксперимент қўлланилади. Педагогик илмий тадқиқотларда мантиқий моделлаштиришнинг ҳар хил шаклларида фойдаланиш таълим-тарбия жараёнини тизимли ифодалаш имкониятини беради.

Моделли эксперимент таълим-тарбия муассасаларининг лойиҳасида, таълим-тарбия воситаларини ишлаб чиқишда самарали методдир. Масофали таълимни йўлларини, шаклларини, тизимини яратишда ҳам модели эксперимент қўлланилади. Таълим-тарбия жараёни педагогик кадрлар тайёрлашни идеаллаштиришда моделлаштириш ҳал қилувчи имкониятга эга. Педагогик жараённинг идеал шакли, тизимли моделлаштириш орқали ифодаланади, концептуал хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Талабаларда экологик маданиятни шаклландириш даражалари тажриба-синовдан олдин (балл ҳисобида)

1-жадвал

Олий ўқув юрглари	2002-2003		2003-2004		2004-2005	
	Т аж.	И аз.	Т аж.	И аз.	Т аж.	И аз.
КМИИ	2,	2	2	2	2	2

	95	,83	,60	,88	,90	,85
КДУ	2, 80	iT^l	2, ,72	2, ,50	2, ,80	2, ,55
СамДУ	2, 80	2, ,72	2, ,82	2, ,76	2, ,90	2, ,80

2-жадвал

Талабаларда экологик маданиятни шаклланганлик даражалари тажриба-синовдан сўнг (балл Хисобида)

Олий ўқув юрглари	2002-2003		2003-2004		2004-2005	
	Т аж.	И аз.	Т аж.	И аз.	Т аж.	И аз.
КМИИ	4, 33	3, ,55	4, ,43	4, ,68	4, ,48	4, ,65
КДУ	4, 39	3, ,62	4, ,31	4, ,55	4, ,37	4, ,58
СамДУ	4, 36	3, ,66	4, ,20	4, ,46	4, ,38	4, ,62

Тажриба-синов натижасида олинган сонли маълумотлар математик статистика усуллардан фойдаланиб таҳлил этилди. Демак, статистик таҳлил қилиниши керак бўлган танланма тупламлар қуйидагилар экан:

Тажриба - синовдан олдин				Тажриба - синовдан сўнг			
	2, 85	2, 71	2, 86	X,	4, 36	4, 31	4, 41
Y,	2, 57	2, 63	2, 73	Y,	Ч I	3, 56	3, 61

Дастлаб ҳар танланма бўйича уртача балларни ҳисоблаб оламиз: Тажриба - синовдан олдин:

1. $X = -\bar{X} = -(2,85 + 2,71 + 2,86) = 2,80$. фоизда: $\sim 100\% = 56\%$,
 $y = IV = -(2,57 + 2,63 + 2,73) = 2,64$. фоизда: $\sim 100\% = 52,8\%$ 3^{IV} 3^V 5

Тажриба - синовдан сўнг:
 $x = -\bar{X} = -(4,36 + 4,31 + 4,41) = 4,36$. фоизда: $\sim 100\% = 87,2\%$,
 $3^{II} = 3^V$ 5
 $y = -\bar{Y} = -(3,61 + 3,56 + 3,61) = 3,59$. фоизда: $\sim 100\% = 71,8\%$.
 $3^{III} = 3^{IV}$ 5

Демак, тажриба-синов ишлари олиб борилганидан сўнг тажриба ва назорат гуруҳларидаги мос ўсишлар транерефессия микдорлари орқали қуйидагича аниқланади:

1. Тажриба - синовдан олдин: $\Delta = 56\% - 52,8\% = 3,2\%$ - деярли фаркланмайди;

2. Тажриба - синовдан сўнг: $\Delta = 87,2\% - 71,8\% = 15,4\%$ - фарк ечиларли даражада катта;


„ 2, „ $\Delta = 87,2\% - 56\% = 31,2\%$;

3. Гуруҳлардаги ўзгаришлар: „

$\Delta = 71,8\% - 52,8\% = 19\%$,

Демак, тажриба гуруҳларидаги ўзгариш назорат гуруҳларидан деярли бир ярим баробар ($z = 1,2/19 \approx 1,6$) юқори экан. Тажриба-синовда катнашган талабалар экологик маданиятининг шаклланганлик кўрсаткичлари назорат гуруҳи

талабалариникидан фарқли равишда юқори бўлиб, олиб борилган ишларнинг самарадорлигини англатади. Тажриба-синов ишлариинг (2002-2005 йиллар давомида) ижобий натижалар бергани ва талабаларнинг экологик маданиятини шаклланганлигининг ўсиш даражаси, тавсия этилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳамда олинган натижаларнинг ишончлилиги ҳақида ижобий хулоса чиқаришга имкон берди. Шу тариқа тадқиқотнинг сўнгги натижаларини қайта ишлаш, умумлаштириш босқичи (2005-2006 й) да экспериментал синовдан ўтди ва илмий асосланган материаллар натижаларини диссертация шаклида расмийлаштириш имконига эга бўлинади.



7.3. Педагогик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари.

Илмий тадқиқотнинг натижаси, самарадорлиги, уни ташкил этишга, изчиллигига боғлиқ. Мантикий изчиллик педагогик тадқиқот ишининг таркибий қисмларини узвийлиги ўзаро боғлиқлигидадир. Бу таркибий устивор босқичлар:

1. Тадқиқот объекти ва предмети унинг долзарблиги;
2. Тадқиқот мақсади фан тараққиётида тутган ўрни, таълим-тарбия назариясини такомиллаштириш, мавзу бўйича янги концепция яратиш, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
3. Тадқиқотнинг муайян мақсади, предмети, илмий муаммодан келиб чиқадиган вазифалар;
4. Тадқиқотнинг концептуал асоси, назарий қоидалари, тадқиқотнинг етакчи ғояси. Тадқиқотчининг илмий йўналиши, дастлабки концепцияси унга фаннинг тараққиётида мақсад ва вазифаларни аниқлаш имконияти;
5. Тадқиқот натижасида фаннинг тараққиёти ҳақида илмий фараз. Илмий фараз ўзига хос дастлабки фикрий тадқиқот, илмий фаолиятга йўлловчи мақсад, мотив;
6. Илмий фаразни амалда синаб кўрувчи ишончли тажриба, натижага эришадиган тадқиқот методика;
7. Ишлаб чиқилган тадқиқот методикаси асосида олинган илмий далиллар, илмий тадқиқотнинг асосий таркибий қисми, тадқиқот натижасида педагогик назария ва амалиётни ривожланиши даражаларини аниқлаш;
8. Илмий концепцияни ишлаб чиқиш, асосий натижаларни алоҳида кўрсатиш, ғоялар, хулосаларни илмий ифодалаш;
9. Олинган натижаларни амалда қўллаш тадқиқотнинг муҳим босқичи. Аниқ методик тавсиялар ишлаб чиқиш, педагогик қўлланмалар яратиш, кенг педагогик оммага умумлаштириш.

Ҳар бир педагог изланиши ана шундай илмий тадқиқот босқичларига амал қилиши, ҳар бир босқич узвий бир-бири билан боғлиқлиги фаннинг талабидир. Илмий тадқиқотнинг ҳар бир босқичини ўзига хос принциплари мавжуд. Илмий тадқиқот бошловчи ана шу хусусиятларни ҳисобга олиши тадқиқотчилик маданиятини эгаллаши зарур. Юқоридаги талаблардан ташқари ҳар бир илмий тадқиқот вазифаси муайян ижтимоий тарихий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда тажриба-синов ўтказилади. Шунингдек, тадқиқотчи илмий изланиш вазифасининг мураккаблиги, мазмуни ва методик имкониятларини ҳисобга олади.

Тадқиқот жараёнида у ёки бу босқичда, гипотеза кутилмаган камчиликка учраши мумкин. Ана шу камчиликларни тузатиш тадқиқотда тўғри йўл танлаш, мақсадга эришиш учун тадқиқотчидан шижоат талаб этилади. Ҳар қандай омадсиз уриниш илмий изланишни қулай йўлини, муҳими, устивор бош ғояни топиш, бутун муаммони ечимини аниқлайдиган методикани яратиш. Тадқиқот бошловчи қоидага асосан янги тизим яратишга уринади. Ўзида янгиликка интилиш ҳиссини, кўникмасини шакллантириш, янги концепциялар ривожидан хабардор бўлиш тадқиқотчилик қудратини оширади.

Мунтазам янги адабиётни ўрганиб бориш, конспектлаш, айниқса, автореферат ва мақолаларни таҳлил қилиш, тадқиқот методикасини такомиллаштириш, ижодий фикрлаш, янги ғоялар илгари суриш педагогик тадқиқот изчиллигини таъминлайди. Ёш тадқиқотчилар енгил йўлни танламаслиги, энг мураккаб муаммоларни ечишга киришиши, фанларнинг тамал тошини қўйган бобокалонларимиз Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Абдулла Авлонийлар, замонамиз алломалари йўлидан бориши фанда юксаклик бахш этади.

7.4. Педагогик илмий тадқиқот самарадорлигини аниқлаш мезонлари

Илмий тадқиқот самарадорлигини, эришилган натижанинг ҳаққонийлигини аниқлашнинг ўзига хос мезонлари мавжуд. Илмий ҳақиқатга эришиш учун муайян илмий мезонлар қўлланилади. Илмий тадқиқотнинг барча белгилари ўзаро боғлиқ тарзда намоён бўлади. Фақат тизимли тарзда, ўзининг бир бутунлигида улар илмий ҳақиқатни рўёбга чиқара олади. Ана шу жиҳати билан илмий ҳақиқат кундалик билиш ҳақиқатидан ёхуд, бошқа билиш шаклларида фарқ қилади.

Амалий кундалик билиш кундалик ҳаёт тажрибасига асосланади:

Масалан, Педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг диаграммаси қуйидагича ифодалаш мумкин

Мавзулар	X	Y	Ч
Бош А ҳарфини урганиш	4, 092308	3, 676923	1, 112971
S сонигача қўшиш ва айириш амалларини ўрганиш.	3, 907692	3, 4	1, 149321
Учбурчак, туртбурчак, квадрат ва дойра шакллари урганиш	3, 907692	3, 492308	1, 118943
Ижобий экологик таъсирларни ўрганиш -	4, 2	3, 6	1, 166667
Шаклларни устма-уст цуйиш компьютерли таълимий ўйинларни утказиш.	4, 015385	3, 6	1, 115385
Жами мавзулар буйича ўртача кийматлар	4, 024615	3, 553846	1, 132468

Педагогик тажриба-синов ишлари-натижаларининг диаграммаси 2-расмда келтирилган.

Шундай қилиб, МТМларида мультимедиа технологиясини татбиқ. этиш натижасида машгулотларнинг ўртача самарадорлик коэффициенти $\eta=1.13$ ни ташкил этди. Бу эса, илмий-тадқиқот ишида ишлаб чиқилган мультимедиа технологиясига асосланган методиканинг самарали эканлигини ва тадқиқотнинг илмий фарази тўғри қўйилганлигини тасдиқлайди.

Педагогик тажрибадан тўпланган мавжуд маълумотларни назарий жиҳатдан кутилаётган маълумотларга мос келишини баҳолайдиган усуллардан бири - «хи квадрат» (χ^2) мезони ҳисобланади. Ушбу мезон асосида натижалар бўйича қўйилган педагогик фаразнинг тўғри эканлигини текширилади.

Демак, ҳулоса қилиш мумкинки, касб-хунар коллежларида ўқув режаларини такомиллаштириш, узвийлашган фан дастурларига асосланган ўқитиш методикаси ва фанлараро узвийлик асосида дарс жараёнини ташкил этиш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Илмий тадқиқотнинг натижасини асосланганлиги буюк алломаларнинг қуйидаги қарашларини мисол келтириш мумкин:

Энг жиддий эҳтиёж, бу ҳақиқатни билиш эҳтиёжидир.

Гегель

Ҳақиқат — тафаккур қуёши.

Л. Вовенарг

Сўз билан ифода этилган ҳақиқат одамлар ҳаётидаги қудратли кучдир.
Л. Н. Толстой

Ҳақиқат инсон учун гўё кўзи ожизни етаклаб юрган одамдек зарурдир.
М. Горький

Умрингни ҳақиқат йўлида хизмат этишга бағишла.

Ювенал

Фақат ҳақиқатгина чинакам гўзалдир, фақат угина меҳр-муҳаббатга лойиқдир.
Н. Буало

Ҳақиқатни шунчаки севиш ва гапиришнинг ўзи кифоя эмас; ҳақиқатни бирор-бир улуғ мақсадни кўзлаган ҳолда севиш ва гапириш керак.
Г. Торо

Ҳақиқатни ўргана туриб, уч мақсадни кўзда тутиш мумкин: уни излаб топишимиз; топгандан сўнг исботлашимиз; ниҳоят ҳақиқатни изоҳлаётганда уни сохталиқдан айира билишимиз даркор.
Б. Паскаль

Ҳақиқат излаш вақтичоғлик билан эмас, ҳаяжон ва ташвишлар билан ўтади аммо шунда ҳам бари-бир уни излаш керак, акс ҳолда ҳақиқатни топмасанг, уни севмасанг, ҳалок бўлади.

Б. Паскаль

Илмий билимларнинг мақсади шундан иборатки, улар ақлни ҳаётда учрайдиган барча нарсалар ҳақида пухта ва ҳаққоний мулоҳаза юритишга йўллаши керак.

Р. Декарт

Ўз навбатида оқибатни келтириб чиқарган чинакам сабабгина юксак ҳақиқатлик фазилатига эга.

Арасту

Кўпчилик овоз исботланиши қийин ҳақиқатларни эътироф этишда ҳали узил-кесил далил бўлолмайди, чунки бундай ҳақиқатларга бутун бир халқдан кўра, айрим одамгина дуч келади.

Декарт

Мулоҳазаларнинг номукамаллиги ақлий меҳнатнинг исталган жабҳасида энг кўп учрайдиган нуқсондир. *М. Фарабей.*

Тажриба синовиға чидаган нарса— ҳақиқат бўлади.

А. Эйнштейн

Тажрибада синалмаган назария ўзининг бутун мақбуллигига қарамай, аҳамиятини йўқотади, тан олинмайди назария ўлчовига таянмаган амалиёт эса ютқазади ва зиён келтиради.

Д. И. Менделеев

Бир одам бирор фойдали ҳақиқатни очгунча, юзларча одам омадсиз изланишлар ва аянчли янглишишлар билан ўз умрини хазон қилмоғи керак.

Д. И. Писарев

Минг хил йўл билан янглишиш мумкин, ҳақиқатга эса фақат битта йўл олиб боради.

Ж. Ж. Руссо

Ҳақиқатдан кўра хатони топиш осон. Хато кўриниб туради, уни дарров пайқайсан, ҳақиқат эса пинҳона яширинган бўлади ва уни ҳар ким ҳам топавермайди.

И. Гёте

Дунёда ҳеч нимага ҳақиқатчалик машаққат билан эришилмайди.
У. Ирвинг

Ҳақиқат машғали кўпинча уни кўтариб кетаётган одамнинг кўлини куйдиради.
П. Буаст

Ақл ҳар гал ҳақиқатни изоҳлай олган вақтида сал бўлса ҳам тантана қилади.
Ж. Сантаяна

Ҳар бир чинакам фалсафа ўз замонасининг маънавий тожидир.
К. Маркс

Ҳақиқатни севиш уни топишнинг энг қулай шартидир.
К. Гельвеций

Ростгўй қалб — ҳақиқатнинг ўткир қуроли.
Ж. Ж. Руссо

Буюк одамдан биз аввало ҳақиқатга муҳаббатни талаб қиламиз.
И. Гёте

Донишмандлик фақат ҳақиқатдадир.
И. Гёте

Ҳақиқатга кўрсатиладиган энг катта лутфу карам,— унга амал қилишдир.
Р. Эмерсон

Ҳақиқатга эҳтиром — мутафаккирликнинг бошланиши.
А. И. Герцен

Кишининг фазилатини билим эмас, у билим орттира бошлаган вақтида унда уйғонган ҳақиқатга нисбатан муҳаббат ва интилиш туйғусини оширади. Кимда бу туйғу уйғонмаса, уни на дорилфунун, на кенг билим, на дашномлар ҳам одам қилолмайди.
Д. И. Писарев

Ақл кучи ҳеч қачон тиним билмайди, ҳеч қачон муайян ҳақиқатлар билан тўхталиб қолмайди, балки ҳамиша олға, номаълум ҳақиқатлар сари илгарилайди.
Ж. Бруно

Ҳақиқатга интилиш мардларга муносиб бирдан-бир фазилатдир.
Ж. Бруно

Ҳақиқат — билиш қуроли ва ўткинчи ҳақиқатга «абადийлик» ёрлиғини бермаклик — билиш қуролени ижодий танқидий тафаккурнинг кишанига айлантириш демакдир.

А. Пуанкаре

Кўплар ҳақиқат излаб, уни тополмасликларининг сабаби эҳтимол шу билан изоҳланарки, ҳақиқат сари босилган йўл ҳам худди нўғой даштларидаги бир манзилдан иккинчисига олиб кетувчи йўллар сингари кенг ва ниҳоясиздир.

Г. Лихтенберг

Ҳақиқатни топишга интилиш шиори — агар бу йўлда ҳатто адашсанг ҳам таҳсинга лойиқ хизматдир.

Г. Лихтенберг

Ҳақиқатни тадқиқ этувчининг асосий бурчи — ўннга ҳам, сўлга ҳам чалғимай, тўппа-тўғри унга интилиш эмасми ахир?

К. Маркс

Ҳақиқат нима? Мулоҳазаларимизнинг табиатдаги нарсаларга мувофиқ келиши.

Д. Дидро

Табиат — фаннинг энг мушкул муаммоларини ечишда энг мақбул ва энг ҳолис муаллимдир.

В. В. Докучаев

Ҳақиқатни, унинг ягона манбаи — воқеликдан қандай топишга фақат фан ўргатади.

К. А. Тимирязев

Ҳақиқатнинг мезони тажриба.

Т. Кампанелла

Ҳар бир табиий фанда математика қай даражада мужассам бўлса, унда шу даражада ҳақиқат ҳам мавжуд.

И. Кант

Математика фанларидан бирортасини татбиқ этиш мумкин бўлмаган ва математикага алоқаси йўқ фанларнинг ҳеч бирида заррача ҳам аниқлик бўлмайди.

Леонардо да Винчи

Табиат илми ва математика билан йўғрилган илмий дунёқараш нафақат ҳозирнинг, келажакнинг ҳам буюк қудратидир.

В. И. Вернадский

Ҳақиқат шунчалар нозикки, ундан хиёл чекиндиғми, янглишасан.
Б. Паскаль

Ҳақиқат қанча юксак экан, унга шу қадар эҳтиёт бўлмоқ лозим: акс ҳолда,
у бирдан жўн гапга айланади, жўн гапга эса ишонмай қўядилар.
Н. В. Гоголь

Зўрлаб тикиштирилса, нурли ҳақиқат ҳам бемаъни гапга ўхшаб қолади.
А. Франс

Буюк ҳақиқатлар энг оддий ҳақиқатлардир.
Л. Н. Толстой

Ҳақиқатнинг тили оддий.
Г. С. Сковорода

Буюк ҳақиқатлар тушунарли ва ҳаммабоддир.
Д. И. Писарев

Ҳақиқат кўпинча шу қадар оддий бўладики, унга ишонмайдилар.
Ф. Левальд

Янги ҳақиқат ҳаммадан кўра кўпроқ эски хатолардан заҳмат чекади.
И. Гёте

Тагида бирор ҳақиқат учқуни бўлган янглишиш энг хатарли янглишишдир.
А. Смит

Ҳақиқатни билишдаги асосий тўсиқ ёлғон эмас, сохта ҳақиқатдир.
Л. Н. Толстой

Машҳур одам қувватлаб турган хатоликдан ҳам кўра юқумлироқ нарса йўқ.
Ж. Бюффон

Ҳақиқат ва янглишиш, қарама-қарши кутбларда ҳаракат қилувчи барча
мантқиқий кетагорияларга ўхшаб фақат фавқулодда чекланган соҳалар
доирасида абсолют аҳамият касб этади...

Ф. Энгельс

Кимки мақбул ҳақиқатларга қарши бош кўтарса, уларни алангалатади;
учқунлар эса ҳар ёнга сачраб, нур таратади.

И. Гёте

Пировардида ҳақиқат тантанаси учун унга қаршилик кўрсатишдан кўра ҳеч
нарсга ортиқроқ кўмаклашолмайди.

У. Чэннинг

Ҳақиқат фақат дастлаб жиддий қаршиликка учрайди, аммо тобора ойдинлашиб, тобора далилга айлана боргани сари шу қадар куп дўст ва тарафдорлар орттиради.

В. Г. Белинский

Ҳақиқат билан кураш жараёнида хатолар ўзини-ўзи фош этади...
К. Маркс

Хатолар нақадар кучли бўлса, ҳақиқат шунча тантана қилади.
Ф. Шиллер

Ҳақиқат ошкора ҳаракатни ёқтиради.

В. Шекспир

Ҳақиқат танқидни яхши кўради, чунки ундан фақат наф олади, ёлғон эса танқиддан чўчийди, зеро танқиддан у зиён кўради.
Д. Дидро

Кўзни чирт юмиб, сохта ва хаёлий рангларни воқеликка йўйгандан кўра, ҳақиқатдан кўрқмаслик ва унга тик қарамоқлик зарур. Фақат кўрқоқ ва зеҳни пастларгина шубҳа ва тадқиқ қилишлардан кўрқадилар. Кимки ақл ва ҳақиқатга инонса, у ҳар қандай эътироздан ҳам ҳайиқмайди.

В. Г. Белинский

Ҳақиқат одамлардан юксак бўлгани учун ҳам улардан ҳайиқмаслиги керак.
В. Г. Белинский

Ким ҳақиқатни ёқтирмаса, мужмал деган баҳона билан ундан юз ўгиради.
Б. Паскаль

Ҳақиқатни ножўя ва хато тушуниш уни йўққа чиқармайди.

В. Г. Белинский

Ҳақиқат енгилмас кучга эга.

Д. И. Писарев

Ҳақиқатнинг эътиқод кучи борки, бу куч на хатолар ва на сохталикда мавжуд.
А. Франс

Гумроҳлик ҳамиша ўзига-ўзи зид келади, ҳақиқат эса асло.

Г. Гельвеций

Ҳақиқат мунофиқлик ва риёкорликни мутлақо яқин йўлатмайдиган
кўзгудир.
Ф. Шиллер

Ҳақиқат зиё ва сабр-бардошдан, ёлғон эса шошмашошарлик ва
мужмалликдан қарор топади.

Тацит

Кимки қаллоблик билан яшаса, унга ҳақиқат азобдек туюлади.
В. Гюго

Ҳақиқат замоннинг яккаю ягона шер ўғлидир.
Леонардо да Винчи

Ҳақиқат нуфузнинг эмас, замоннинг ўғли.
Ф. Бэкон

Ҳақиқатнинг яқин дўсти — вақт, ёвуз душмани — бидъат.
К. Колтон

Ҳақиқатни кимдир тан олмагани билан у бари-бир зиғирча ҳам зарар
кўрмайди.
Ф. Шиллер

Энг ёқимли гумроҳликдан кўра энг аччиқ ҳақиқат афзал.
В. Г. Белинский

Ҳақиқат — пировард қибатда бар-бир сир бўлиб қолмайди.
III Леонардо да Винчи

Ҳақиқатга баъзан соя тушиши мумкин, аммо у ҳеч вақт сўнмайди
Тит Ливиус

Ҳақиқатни бетўхтов такрорлаб туриш керак, чунки атрофимизда ҳамиша
хатолар такрорланиб туради.
И. Гёте

Ҳақиқатлар кўҳна, хатолар эса ҳамма вақт янги: эски хатолар ўрнига
янгилари келади.
Райнис

Фойдали ҳақиқатларни гапириб, тез-тез такрорлаб туриш лозим.
Я. Буаст

Ҳақиқат ҳар қанча такрорланаверганда ҳам ҳақиқатлиги камаймайди.
Қ. А. Федин

Ҳақиқатни, ҳатто ҳеч бир гумон уйғонмаган пайтда ҳам таъкидлаш ортиқчалик қилмайди.

В. Шекспир

Баъзан ҳатто энг зарур ҳақиқатлар ҳам унут бўлганлиги туфайли узлатга чўкади: эса солишдан эса қайта тикланади.

М. Клинггер

Ақлнинг вазифаси — ҳақиқатни очишдир ва шу боисдан беҳад ва ҳалокатли янглишиш — ақлни ҳақиқатни яшириш ёки бузишга хизмат қилдиришдан иборатдир.

Л. Н. Толстой

Ҳар бир инсон кишилиқнинг бутун ақл-идроки яратган борки бойликлардан баҳраманд бўлмоғи мумкин ва лозим, аммо айна вақтда у ўзига қадар яшаган одамлардан қолган ҳақиқатларни ўз ақл-идроки синовидан ўтказмоғи ҳам керак. *Л. Н. Толстой*

Ҳақиқатни шундай севиш зарурки, токи улуғ бир ҳақиқатни билгач, шу пайтгача ҳақиқат деб ҳисоблаб келинганларнинг баридан воз кечишга доимо тайёр турмоқлик лозим.

Л. Н. Толстой

Амалдаги назарияга зид факт учраганда, гарчи бу назарияни ҳамма тан олиб, йирик алломалар қўллаб-қувватлаб турган тақдирда ҳам, назарияни рад этиб, фактни тан олмоқ лозим.

К. Бернар

Кўплар ҳақиқат билан фақат шу боисдан олишадиларки, мабодо улар ҳақиқатни тан олсалар, ўша заҳотиёқ изсиз йўқолиб кетадилар. *И. Гёте*

Олимлар оддий фуқаролардан кўпинча қийин ва чигал янглишишлардан ҳам завқланиш лаёқати билан ажралиб турадилар. *А. Франс*

Олимнинг асосий бурчи ўз фикрларининг беқусурлигини исботлашга уринишида эмас, аксинча, исботланиши даргумон бўлган ҳар қандай қараш ва ҳар қандай хато тажрибадан воз кечишга доимо шай туришидадир. *П. Бергло*

Одам ўзини фош этиши мумкин бўлган ҳақиқатдан кўрқа бошлайди, бундан ёмон бебахтлик йўқ.

Б. Паскаль

Хатолардан сақланиш эмас, балки хатоликка йўл қўя туриб ўжарлик қилмаслик ҳам ўзимизнинг қўлимизда.

П. Гассенди

Ким виждонли бўлса, ақл ўзидан ғолиб келганини тан олади.
Ф. Шиллер

Ҳақиқатда ҳам ҳаёт, ҳам эзгулик мужассам: ҳақиқат ёлғонга муҳтож эмас.
В. Г. Белинский

Бошқалар тан олган ҳақиқатни тан олиш билан ўз қиёфасини йўқотишдан чўчийдиганлар ҳаммадан баттарроқ янглишадилар.

И. Гёте

Янглишишларни енгиб, ҳақиқатга эришган одам доно одамдир фақат қалтабингина қайсарлик билан ўз хатоларида маҳкам туриб олади.
Ф. Рюккерт

Хато қилиб қўйишдан кўрқиш ҳақиқат излашдан ҳафсаламизни қолдирмаслиги керак.

К. Гельвеций

Уйқудан уйғонилганидек, хато ҳам ҳақиқатга шу қадар тааллуқлидир. Хатодан уйғонилгач, одам ҳақиқатга янгича иштиёқ билан қарайди.
И. Гёте

Кимки ўз қалбига чуқур разм соларкан, кўп ҳолларда хато қилаётганини англайди ва беихтиёр камсуқум бўлиб қолади. У энди ўзининг ўқимишлилигига бино қўймайди, ўзини бошқалардан юқори тутмайди.
К. Гельвеций

Кимки ишни фикр билан ва фикрни иш билан текшириб туриш қондасига амал қилса... у янглишмайди, янглишган тақдирида ҳам тезда тўғри йўлга тушиб олади.

И. Гёте

Қатъиятли, саботли бўлингу, лекин қайсарлик қилманг. Ўз хулосаларингизга маҳкам ёпишиб олманг. Шунинг билан, дунёда сизнинг хатоларингизни ҳам пайқай биладиган ақлли одамлар кўп, агар улар ҳақ бўлсалар, уларнинг фикрига қўшилишдан уялманг.

В. А. Обручев

Мулоҳазали одамнинг ўз хатоларидан орттирган илми муваффақиятлари туфайли орттирганидан кам бўлмайди.

Ж. Дьюи

Ҳақиқатни яшириш қабиҳликдир. Қўрқиб ёлғон сўзлаш номардлик.
Н. П. Озарев

Қатъиятли бўлинг. Биз учун ҳақиқат ва фақат ҳақиқат керак. Дўстларингизнинг кўнглини овлаш, муаллимларингизни юмшатиш, бирон кимсани ҳам ранжитмайман деб ўйлашга уринманг. Майли, сиз бу йўл билан хотиржамлик ва ҳатто ҳаловатга ҳам эришарсиз, аммо ҳеч бир наф ололмайсиз.
В. А. Обручев

Олим ҳақиқат изламоғи, уни ўз шахсий хоҳишлари ёки муносабатларидан ҳам юқори қўймоғи лозим.

Я. Г. Чернишевский

Ҳақиқий фан бировнинг ёқтириш-ёқтирмаслигига зор эмас: унинг бирдан-бир мақсади — ҳақиқат.

У. Грове

7.5. Педагогик тадқиқотнинг математик статистик методлари

Математик-статистик метод илмий тадқиқотда кенг қўлланилиши ҳозирги давр фанининг ўзига хос хусусиятларидандир. Математик-статистик методнинг қўлланилиши тадқиқот самарадорлигини оширади, педагогик воқеликнинг аниқ ифодалаш, мавжуд воқеликнинг ички боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш, уни ҳар хил шароитда самарадорлиги, ривожланиш даражаларини билиш, баҳолаш имкониятларини оширади. Педагогик тадқиқотларни математикалаштириш ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқиш илмий ишларни самарадорлигини кафолатлайди.

Педагогик тадқиқотда миқдорий баҳолаш таълимий, тарбиявий воқеликни моҳияти ва математик тилда ифодалаш методикасидир. Педагогик тушунча аниқлиги, математик тилда уни ифодалаш, тадқиқот натижаларини умумлаштиришни осонлаштиради. Педагогик тадқиқотни математикалаштириш илмий сифат даражаси аниқ бўлишига боғлиқ. Муайян воқеликни натижани фақат даражаларини таҳлилида назарияни яратилгани, назарий тушунчалар математик тилда ифодаланиши гипотезани асослайди. Сифатий таҳлил, миқдорий таҳлилда янада самарали бўлади.

Математик методдан самарали фойдаланиш асоси махсус методлар тизимини ривожланиши билан боғлиқ. Махсус методларни тараққий этгани математик методга манбаъ тайёрлайди, уйғунликда илмий тадқиқот натижасини интерпретация натижасини оширади.

Математикалаштириш ҳар бир фаннинг предмети унинг тарихий тараққиёти фундаментал боғлиқ мураккаб ва самарали жараёндир. Педагогикада назарий тадқиқотлар натижасига ўлчовли ёндошиш 19 аср охири 20 аср бошларида жорий этила бошланди. Миқдорий баҳолаш методи назарий , экспериментал тадқиқотларнинг, дидактиканинг асосий методидан бири бўлди. Аммо бу методикага герменевитик педагогика, маданият педагогикаси,

фалсафий педагогика, экзистенциалистик педагогика тарафдорлари қарши чиқдилар.

Шунга қарамай, экспериментал педагогика ривожланди, математик статистик метод педагогик тадқиқотларнинг самарали методларидан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда ахборот технологияларининг кенг ривожлангани педагогик тадқиқотларни математикалаштириш имкониятларини, заруриятини янада оширди. Таълим-тарбия жараёни ривожланиши сифатини миқдорий таҳлили кенг қўлланилмоқда. Педагогик тадқиқотларнинг математик тили, лингвистикасининг шаклланиши таълим-тарбия назариясининг ифодаловчи воситасига айланган. Бу эса педагогик воқелик, тадқиқот натижаларини муайянлик даражасини оширади. Шунинг учун педагогик тадқиқотларни математикалаштириш тадқиқот методларидан кўра илмий концепция, назарияни ифодаловчи самарали воситага айланмоқда. Математик методнинг эвристик хусусиятини ошириш, педагогик тадқиқотларни янгилик яратиш, ижодий изланиш, фикрлаш омилкорлигини оширмоқда. Шунинг учун бўлажак олимларни педагогик тадқиқотларни математикалаштириш маданияти илмий тадқиқот интенсивлигини таъминлайди.

Математик таҳлил методини қўллашда мантиқий таҳлил:

- далилларни миқдорий сонлар билан ифодалаш заруратини асослаш;
- сонлар билан умумлаштириш мақсадини ёритиш;
- таблицаларни оддий, тушунарли тил билан умумлаштириш;
- Энг муҳим миқдорни, таблицани кўрсатиш;
- Таблицаларни горизантал ва вертикал таҳлил қилиш-каби тамойилларга амал қилинади.

7.6. Педагогик тадқиқотларда тизимли ёндошув ва маълумотларни қайта ишлаб чиқиш технологияси

Тизим ва фан мантиқан ва таркибан бир-бири билан боғлиқ. Фан у ёки бу соҳа билимлар тизими, тизим у ёки бу соҳанинг, воқеликнинг таркибий мажмуидир.

Тизим тушунчаси кўпгина соҳада қўлланилади. Илмий тадқиқода сифат боғлиқлик, яхлитликдир. Яъни, таркибий-тизимли ёндошув ўтган асрнинг 50-йилларида Австралиялик биолог Л. Бертофи томонидан асос солинган. Тизимлиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири интеграция, таркибий қисмларнинг бир-бири билан уйғунлигидир. Масалан, мактаб таълим-тарбия мақсади жамиятнинг инсон омили, моддий омил бир бутунлиги. Тизимлилик барча омилларнинг уйғунлиги комплекс ёндошувидир.

Педагогик тадқиқотда тизимлилик шахсни ҳар томонлама камол таптиришда умумпедагогик, дидактик, гносеологик, психологик, социал психологик, кебернетик ва эстетик каби омиллар қонуниятлар уйғунлигидир. Таълим-тарбиянинг бирлиги узок асрлардан у ёки бу ҳолатда жорий этилган бўлсада “Тараққиётнинг ўзбек модели”, Ислон Каримов таълимотида “шарқона ҳаёт фалсафаси” сифатида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилди. Таълим-тарбия бир-биридан ажралмаган тизим эканлиги ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Тизимлилик тадқиқот объектини ҳар томонлама

тахлил этиш, устивор тамойилни, таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш имкониятини оширади. Тизимлилик воқеликнинг ўзига хос моделидир. Масалан, педагогик қобилият таркиби серқирра, уни умумлаштириб:

А. Ўқув материални билиш (касбий тайёргарлиги);

В. Таълим маҳорати (методик билим ва қобилияти);

С. Мулоқот маданияти;

Уч бирлик модели тизимида ўрганиш мумкинлиги қатор илмий тадқиқотларда ўз ифодасини топган.

В.Сколькова илмий тадқиқотда тизимли ёндошувни уч йўналишини кўрсатади:

1. Тизимни таркибларга бўлиш, ўраб турган муҳитни таҳлил этиш, уни баён этиш;

2. Таркибини таҳлил этиш, уни оммалаштириш;

3. Мавжуд тизимни таҳлил этиш, моделлаштириш ва оптималлаштириш

Тизим ўзига хос қисмларнинг мақсадли мажмуи, ўзаро боғлиқлиги сифатида ҳар қайси компонент алоҳида ўрганилиши мумкин ва мавжуд шарт-шароит билан узвийлик, узлуксизлик тамойилига амал қилинади. Масалан, адабиёт дарсларида талабалар ахлоқий маданиятни шакллантириш муаммоси тадқиқотида бошқа фанларнинг тарбиявий имкониятлари бири иккинчисини тўлдириши, дарсдан ташқари таълим-тарбия ишлари оила муҳитида китобхонлик шаритлари ҳам ҳисобга олинади. Шунинг учун тизимли ёндошувда барча компонентларни алоҳида ва ўзаро боғлиқликда таҳлил қилинади.

Тизимли таҳлилни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

1. Тизимни ва уни таркибини аниқлаш;

2. Элементлар ва уларни асосини аниқлаш;

3. Уларни ўзаро муносабати, тизим таркиби;

4. Таркибни таҳлили, тизим вазифаси;

5. Ўзгартириш лойиҳаси, янги тизим.

Ҳар бир босқичи ўзига хос хусусиятга, билиш даражаси, имкониятига эга. Тадқиқот даражасида барча гипотезалар ҳам кутилган натижани бермаслиги мумкин. Тадқиқотчи янги тизим лойиҳасини тузиши уни тажрибада синаб кўриши мумкин. Масалан, у ёки бу метод, восита, шакл, усул, услуб, мавжуд шароитда натижа бермаса, оптимол ечим топиш учун янги тизим лойиҳасини тузади. Демак, тадқиқот объектига тизимли ёндошиш синтез услубига асосланади.

Лекин тизимли ёндошиш бирор тадқиқот методини ўрнини босмайди, фақат илмийлик билиш самарадорлигини оширади, айниқса прогнозлаш тадқиқотида, истиқболли концептуал тавсияларда илмийлик қимматини оширади.

7.7. Фундаментал, амалий ва инновацион педагогик тадқиқотларни амалга ошириш шарт-шароитлари

Маълумки, фан тизимдир, йўналишга кўра фанлар фундаментал ва амалийга бўлинади. Фундаментал фанлар табиат, жамият, тафаккур қонуниятларини ўрганса, амалий фанлар фундаментал натижаларни фақат билиш жараёнига тадбиқ этиб қолмай, балки ижтимоий амалий масалаларни ҳал этади. Фундаментал фанлар амалий фанларга назарий асосдир. Шунингдек, педагогик тадқиқотлар ҳам икки йўналишда бўлади: фундаментал-назарий ва амалий-эмперик. Назария ва амалиёт диалектик қонуниятлар асосида бир-бирини тўлдиреди. Амалиёт майдони кузатиш, эксперимент ўтказиш дастлабки далиллар олиш имкониятини беради. Фаннинг назарияси илмий категориялар, тушунчалар тизимини яратади. Амалий билиш даражаси бевосита воқелик ва ҳаёт билан боғлиқ, назарий даража диалектик қонунлар асосида ривожланади. Фан тараққиётида бевосита ички боғлиқлик, уйғунлик ҳал қилувчи омилдир. Эмперик билиш назарияси, тушунча ва категорияларисиз амалга ошмайди. Ҳар қандай мавҳум назария ҳам амалий далилларга асосланади. Исботсиз назария бўлиши мумкин эмас.

Педагогиканинг эмперик базаси муайян тадқиқотлар натижасида бойийди. Лекин методологик тамойилларсиз амалий тадқиқотлар рўёбга чиқмайди. Назарий категориялар асосида муаммолар ифодаланади, натижаларни интеграция имконияти ошади. Назарий концепциялар тадқиқот йўналишини белгилайди, амалий тажрибалар назария тили билан ифодаланади.

Тадқиқот масаласи етарли мисоллар, далиллар билан методологик тамойиллар асосида исботланиши, муайян давр ва шарт-шароитга мувафиқлиги билан илмий амалий аҳамиятли бўлади. Педагогика етарлича амалий майдонга, далилларга эга. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш фаннинг назарий ва амалий тараққиётининг муҳим омилдир. Ўқитувчи, мураббий ва ота-оналарнинг таълим-тарбия муассасаларининг ёшларни ҳаётга тайёрлаш илғор тажрибаларини педагогиканинг методологик тамойиллари асосида умумлаштирилади.

Педагогикада назариянинг даражаси самарадорлиги амалий билишнинг ўзаро бўлиқлик қонунияти асосида янги концепцияларнинг, янги йўналишларнинг яратилишидир. Педагогиканинг назарий тараққиёти бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра долзарбдир. Назарий ривожланиш мамлакатни демократик ва фуқаролик жамият концепцияси, модернизациялаш истиқболли йўналиши талабларидан келиб чиқади. Ижтимоий ҳаётни ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг таркибий қисми узлуксиз таълимни модернизациялашнинг назарий асоси яратилиши педагогиканинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Педагогиканинг назарий тадқиқотлар ривожланиши, аввало, эксперимент майдончаларини ташкил этилиши, илмий педагогик кадрларнинг назарий билимларни ошириш тадбирлари, кенг ижодкор педагогларнинг ихтиролари билан боғлиқ. Илғор педагогик тажрибаларни назарий таҳлил қилиш методикасини математикалаштириш, компьютер тилига ўгириш назарий ривожланиш омилдир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий модели фан компонентида белгилаб берилганидек, педагогиканинг жаҳон фанига интеграцияси назария ва амалиётни ривожланишининг муҳим омилидир. Инновацион лойиҳалар оламшумул экспертизаси, танловлар эълон қилингани, ЮНЕСКО томонидан грантлар ажратилгани, бозор иқтисодиёти шароитида илмий тадқиқотлар рағбати, фаннинг тараққиётига шарт-шароит яратмоқда. Илмий тадқиқотлар рағбати янги-янги ихтироларга сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий қудратини оширишда инновацион лойиҳалар фаннинг жамият тараққиётидаги вазифаси, фаннинг яратувчинлик, бунёдкорлик имкониятини оширишга хизмат қилади. XXI асрда фан, билим, ишлаб чиқариш, яратувчанлик кучига айлангани педагогик тадқиқотлар илмий амалий аҳамиятини белгилайди.

Педагогиканинг назарий тизими методика билан ўзаро боғлиқликда ривожланади, методика назария билан уйғунликда ривожланади. Ҳар қандай назария, яратилган илмий қонуният, метод методологияга айланади. Педагогик назарияни ривожлантириш, узлуксиз таълим тубдан ислоҳ қилинди, унинг ҳар бир таркибини модернизациялаш, назариясини такомиллаштириш давр талабидир. Ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш методологиясини яратиш, миллий ғоя, миллий мафкура асосида педагогик категориялар, тушунчалар аппаратини ишлаб чиқиш, педагогиканинг вазифасидир. Айрим педагогик тушунчалар байналминал иборалар билан ифодаланади. Концептуал таълим, атамалар ҳам етарлича ўрганилмаган. Миллий ғоялар тарихида таълим-тарбия жараёнини ифодаловчи педагогик янги тушунчаларни жорий этиш ҳам назарий тадқиқотлар объектидир. Масалан, педагогик тадқиқот натижаларини математик таҳлилида жадвал, расм (схема ўрнига) тушунчалари қўлланилмоқда, ваҳоланки, “Схема” ўрнига “тузма”, “тузилма” атамасини қўллаш ўзбек тилининг изоҳли луғати талабига мос бўларди.

Кўпинча атама, категориялар илмий жамоатчиликка тушуналрли бўлсада, кенг педагогик омма унинг моҳиятига етиши қийинлашади. Ренесанснинг бешига бўлган Шарқда фан, таълим-тарбия, инсоншунослик ривожлангани маълум. Шунинг учун таълим-тарбия жараёнини тизимини, таркибини ифодалаш тушунчаларини илмий категорияларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб муаммодир. Олий Аттестация комиссиясининг фундаментал тадқиқотларнинг маълум фоизида янги атамалар қўлланилиш талаби қўйилгани фаннинг категориялари бойишига хизмат қилди. Масалан, Абу Наср Фаробийнинг биоқувватлар категорияси, биомайдон муаммосини педагогик таҳлили ҳам ўз тадқиқотини кутмоқда. Олдинги бобда таъкидлаганимиздек Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йил май ойида Самарқандда ўтказилган халқаро конференцияда “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” ҳақида сўзлаган нутқи ҳам педагогика назарияси, ҳам таълим-тарбия тарихига доир тадқиқотлар истиқболи кўрсатилган. Ҳар бир фан ўз тушунчаси, тамойиллари ва назарияси мантикий тизимини индуктив метод асосида ёритади.

Ҳозирги даврда фанларни ўзаро боғлиқлигини ўрганишда дедуктив ёндошиш ҳам назария ва амалиётни ривожланиши омили эканлиги ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Объектив воқеликнинг бир бутунлиги, уни комплекс ўрганиш, инсонни ўрганадиган фанларнинг туташ бандида янги-янги фанлар пайдо бўлиши ҳам ХХІ асрнинг ўзига хос хусусиятидир.

Дарҳақиқат, педагогиканинг назарий тизими, жамият буюртмаси асосида тараққий этади. Ижтимоий буюртма, илмий муҳит, ахборот тизимини ривожланиши, кибернетика тараққиёти, тадқиқотларини математикалаштириш, алгоритмлашга шароит яратади.

Педагогика назарий тараққиётининг муҳим йўнатишларидан бири илмий башоратлаш (прогноз)дир. Ҳар бир тадқиқотнинг мақсади ўз предмети бўйича жамият тараққиётига хизмат қилишидир. Педагогик башоратлаш жамиятнинг маънавий иқтисодий, ижтимоий тараққиётида узлуксиз таълим-тарбиянинг истиқболини белгилаш, аниқлашдир. Жамият тараққиётининг инсон омили инсоншунослик фанлари қаторида педагогиканинг назарий ривожланишига боғлиқ.

Педагогиканинг назарий тизимида тадқиқотлар ҳаётий тажрибалар асосида шаклланган илмий ғоялар алоҳида аҳамиятга эга. Педагогиканинг фан сифатида таркиб топиши ҳам немис олими Франс Ховфман таъкидлаганидек “тарбия ҳақида донолик, таълим-тарбия ҳақида ғоялар ва ниҳоят педагогика фани” босқичларидан иборат. Демак, илмий ғоялар фаннинг тараққиёти тарихида ҳам тамал тоши бўлган. Педагогиканинг назарий тараққиётида концепция парадигма, таълимот категориялари инновацион ишланмалар, лойиҳалар назария ва амалиёт уйғунлиги ифодасидир.

7.8. Педагогик илмий тадқиқот ишларини оммалаштириш

Педагогик тадқиқотлар мазмун моҳиятига кўра узоқ муддатли, қисқа муддатли бўлиши мумкин. Қисқа муддатли педагогик тадқиқотлар курс лойиҳаси, битирув малакавий иш, магистрлик диссертациялари у ёки бу муаммони илмий амалий ўрганиш ва яқунлаш кабилар бир-икки йилда амалга оширилади. Узоқ муддатли педагогик тадқиқотлар бир неча йил, маълум даврда у ёки бу педагогик кузатиш, эксперимент асосида концептуал муаммоларни ҳал этиш, докторлик диссертацияси, монография истиқболли лойиҳалар устида олиб бориладиган изчил изланишлардир. Шунингдек, яқка ва жамоа томонидан комплекс тадқиқотлар мақсад вазифасига кўра давомли, изчил бўлиши мумкин. Кейинги йилларда грант танлови учун халқаро лойиҳалар, мамлакат миқёсидаги лойиҳалар инновацион лойиҳалар йўналишида тадқиқотлар оммавий тус олди, фаннинг тараққиётида рағбат омили бўлмоқда.

Умумлаштирувчи педагогик тадқиқотлар назарияларни, илғор тажрибаларни тарғиб қилиш, концептуал ғояларни опрабациялаш, диссертацияларни ҳимоя қилиш каби йўналишларда оммалаштирилади. Улардан илмий-амалий аҳамиятга эга бўлгани монографик алоҳида мавзуга

доир илмий тадқиқотдир. Яъни, етакчи олимлар томонидан фаннинг долзарб бўлаётган масаласини тадқиқ этилиши ва китоб шаклида оммалаштирилишидир.

Монографик тадқиқот муайян объект бўйича назарий йўналишдаги педагогик тизимни мустақил ягона мантиқий умумлашмасини баёни. Монографик тадқиқотларга қўйиладиган талаблар:

- муайян масала, муаммони тадқиқ, таҳлил қилишга, оммалаштиришга қаратилгани;

- Тадқиқот муаммосига доир далилларни яхлит умумлаштириш;

- Тадқиқот фаолияти ва таркибининг уйғунлиги;

- Монографик тадқиқотнинг фундаменталлиги, назарийлиги;

- Мисол, далилларни назарий таҳлил қилиниши;

- Монографик тадқиқот объектининг аниқлиги;

- Монографиянинг ахборотли, муаммоли бўлиши;

- Монографияларнинг назарий методологик ҳарактерда бўлиши.

Монография тадқиқоти фаолияти қуйидаги тизимда бўлиши мумкин.

Муаммо —————> гипотеза —————> назария

Монографик тадқиқотда гипотезанинг аниқлиги муҳим ўрин тутди. Ишчи гипотеза тадқиқотни осонлаштиради, кейинги босқичи назарияни умумлаштиришдир.

Педагогиканинг монография тадқиқотининг таркиби:

1. Аннотация. Ундан китобхон дастлабки маълумотни олади, муаммонинг долзарблигини аниқлайди;

2. Методологик бўлими;

3. Муаммоли бўлими;

4. Муаммони ўрганилиш таҳлили;

5. Гипотеза асосида изланиш;

6. Ахборот бўлими, тадқиқот жараёни, натижаси;

7. Умумназарий бўлим

Тадқиқот предметига кўра бу компонентлар ўзига хос қўлланилади. Монографик тадқиқотлар педагогиканинг жамият тараққиётига хизмат қиладиган беқиёс имкониятига эга.

7.9. Магистрлик диссертациясини ёзиш

XXI асрда илм-фаннинг ишлаб чиқариш кучига айланган муаммоли таълим, ҳар бир касбда ижодкорлик комиетенция ўзлуксиз таълим тамойилини белгилайди. Ҳар бир мавзу бўйича дарс фаннинг тараққиёт даражаси, долзарб муаммолари таҳлил этилади., талабаларни илмий тадқиқотчилик фаолиятига йўлланади. Курс ишлари, битирув малакавий иш ва магистрлик, докторлик диссертацияларида илмий тадқиқот натижалари оммалаштирилади, шунга асосан мутахассислик даражалари белгиланади. Битирув малакавий ишлар, магистрлик диссертация бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги докторлик диссертацияларга қўйиладиган талаблар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг Низомлари илова қилинади. Кўп йиллик тажрибага асосан профессор Бўри Зиёмухаммедовнинг “Илм ҳикмати” (Тошкент 1999й) китобида курс ишлари, магистрлик диссертация тадқиқотларини ташкил этиш бўйича қуйидаги тавсиялар умумлаштирилган.

Курс иши реферат ёзишдан анча фарқ қилади. Талабаларга курс иши ёздиришдан мақсад ўқув юртида йил давомида тўплаган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, эгаллаган билимлари асосида янги билимларни аниқлай олишга ўргатишдир. Яъни, асотира билимлар асосида илмий билимлар шаклланишига кўникма ҳосил қилдиришдир. Ёки бошқача қилиб айтганда талабаларни сунна ёки ибрат босқичидан маърифат босқичига яъни, тафаккур юритишдан тасаввур қилишга кўтаришлиқдир.

Курс ишини ёздиришдан яна бир мақсад танлаган касби бўйича билим олишнинг маълум бир босқичда барча фанлардан олган билимларини мустаҳкамлаб, ўзаро боғлаб, уларни умумий махражга келтириб қўйишлиқдир.

Курс ишини ёзиш ҳам, реферат ёзиш каби мавзунини танлашдан бошланади. Курс иши учун бир йил давомида ҳар турли фанлардан эгаллаган назарий билимларни ва амалий машғулотларда орттирган кўникмаларини бир йуналишга бирлаштириш йўли билан мавзу танланади.

Курс иши ёзганда киши тадқиқот ишида зарур бўлган бир йўла бир неча вазифани бажаради. Яъни, аввало курс давомида касби бўйича ўтилган махсус фанлардан олинган билимларни амалиётда комплекс қўллашга ўрганади. Иккинчидан, курс иши ёзиш жараёнида ўқиш давомида турли фанлардан эгаллаган билимларга бир неча бор қайта ва қайта мурожат қилади. Бу билимлар хотирасида қайтарилавериш, унинг малакасига айлана бошлайди. Учинчидан, курс ишини ёзганда талаба ҳар турли адабиётларни кўради ва уларни таҳлил қилади. Шу туфайли унинг адабиётлар билан ишлаш кўникмаси малакага айлана боради. Ва ниҳоят курс ишини ёзганда талаба ўз фикрини бошқаларга ёзма тил орқали ифода эта олиши кўникмасини эгаллайди.

Курс иши ёзишда ўтилган фанларнинг назарий асосларини қайтадан кўриб чиқиб, хотирасида тиклаб олишдан бошланади. Бунинг учун талаба курс давомида ўтилган фанлардан ўзи тузган конспектларни ва дарсликларини йиғиб олиб уларни солиштиради. Конспектида тафовут бўлса, сабабини аниқлайди ва тузатиб қўяди. Илмий раҳбари билан бир неча бор мулоқотда бўлганидан кейин, курс давомида олган билимларини амалиётда қўллашлиқни ўрганади. Шундан сўнг турли

фанлардан олган билимларини маълум бир вазиятда қўллаш йўлини ишлаб чиқади ва уни курс иши қилиб ёзади.

Курс ишини бажаришда эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш услубини фақат ёзма равишда ифода этиш йўли билан кифояланмай, бу билимларни ҳаётда ишлатиш йўллари ҳам ўрганади. Жумладан, курс иши бўлиб, комплекс географик харитани ёки бир-бирини сметасиз лойиҳасини чизиш, ёки фақат тайёр бино лойиҳасини сметасини ишлаб чиқиш, бир маҳсулотни ёки унинг моделини ишлаб бериш, кинолавҳага сценарий ёзиш ва ҳоказоларни ҳам киритса бўлади. Аммо ҳар қандай амалий иш бажарганда уни қандай бажарганлигини ва қайси билимлардан фойдаланганлигини баёни ҳам бўлиши шарт.

Курс иши бажарилиб, илмий раҳбарни кўригидан ўтиб, уни қониқарли жавоби олингандан сўнг, курс иши олий ўқув юртларида қабул қилинган тартибда шаклга келтирилиб, кафедрага топширилади.

Реферат билан курс ишларини ёзиш талабани тадқиқот ишига тайёрлаш бўлса, магистрлик диссертациясини ёзишдан мақсад, тадқиқот ишларини тўла ҳажмда амалга оширишга ўргатишдир.

Магистрлик диссертациясини ёзганда, талаба мавзу танлашдан бошлаб ҳимоягача бўлган босқичларни ўрганади. Шунинг учун ҳам баъзи магистрлик диссертация муаллифларини фан номзодлиги илмий даражасини беришга тавсия этилган ҳоллари мавжуд. Магистрлик диссертацияни талабани олий ўқув юртини мувоффақиятли белгиланган билимларни тўлиқ эгаллаб, диссертация ёзиш орқали юқори малакали кадр бўлиб шаклланганлигини кўрсатувчи ҳужжатдир.

Магистрлик диссертацияси мустақил равишда олиб бориладиган тадқиқот, у долзарб муаммолардан бирига бағишланган бўлади. Уни ёздиришдан мақсад:

— талабани ўқув муассасасида кечган умри давомида олган билимларини фаҳмлаш, тартибга солиш ва уз дунёқарашига ва муайян касбга эга бўлганлигини кўрсатиш;

— амалий ҳаётда учрайдиган вазиятлардан мутахассис сифатида мустақил чиқиб кета олишга ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ечимини кутиб турган масалалар ичидан энг долзарбларини ажратиб олиб ечишга, махсус адабиётлар билан ишлашга тадқиқот ишига бирламчи материаллар тўплашга таҳлил қилиб умумлаштиришга ҳамда фикрни бошқалар олдида исботлаб ҳимоя қила олишга ўргатишдир.

- мавжуд билимлардан фойдаланиб янги билимларни топиш ва амалий ҳаётда улардан жамият манфаатида фойдаланиш учун кўникма ҳосил қилиш.

Магистрлик диссертациясини бажарилиш даражаси унинг муаллифи малакасини кўрсатади.

Магистрлик диссертациясини ёзиш ҳимояга тайёрланиш қуйидаги босқичларда иборат:

1 босқич - давлат томонидан олимларга ижтимоий буюртма қилиб қўйилган ва ечимини кутиб турган масалалар орасидан тадқиқот мавзуини танлаб ва адабиётлар билан дастлабки танишиш.

2 босқич — адабиётлар билан ишлашни мавжуд бирламчи материаллар билан

танишиш диссертацияни ёзиш муддатини белгилаш;

3 босқич — тузилган режа буйича бирламчи материалларни топиш ва махсус адабиётларни тахлил қилиш;

4 босқич — йиғилган материалларни қайта ишлаш, уларни тахлилини ўтказиш диссертацияни ёзиб илмий раҳбарга такдим этиш;

5 босқич — диссертацияга тузатишлар киритиш ва унга тааллуқли чизма, модел ёки буюмни тайёрлаш;

6 босқичга — тузатишлардан кейин ишни илмий раҳбарга кўрсатиб, унинг розилигини олиш ва ишни ҳимояга тайёрлаш;

7 босқич — ҳимоя ва унинг тантанасини ўтказиш. Магистрлик диссертациясини босқичма-босқич амалга ошириш муддатлари жадвал шаклида тузилиб уч нусхада тайёрланади ва кафедра мудирини томонидан тасдиқланади. Жадвалнинг бир нусхаси кафедрада, иккинчиси илмий раҳбарда ва учинчиси диплом иши муаллифида бўлади.

Жадвалдаги муддатлар юзасидан талаба раҳбарига ва зарур ҳолларда кафедрада ҳисобот бериб туради.

Мавзунини танлаш ва адабиётлар билан дастлабки танишиш. Магистрлик диссертациясининг мавзуини олимлар олдида буюртма қилиб қўйилган масалаларнинг бирига қаратилган бўлиши лозим. Одатда магистрлик диссертация иши сифатида кафедра ўзига бир неча йилга тадқиқот режасига киритилган мавзуларнинг бирортасини талабаларга берилади. Бизнинг фикримизча бу тўғри. Талабалар магистрлик диссертацияси устида олиб борилган тадқиқот маълум бир илмий раҳбар қўли остида бажарилганида унинг илмийлик даражаси ошади ва амалиётда қўлланишлик мумкин бўлади.

Бирок, мавзу кафедранинг умумий тадқиқот мавзуига мувофиқ, келишлигига қарамай, уни танлаб олиш эрки талабага берилади. Бу ишда мажбурлаш маъни қилинади. Чунки, зўрлаб берилган мавзуини тадқиқотчи чин юракдан бажармайди.

Талаба томонидан танлаб олинган магистрлик тадқиқотининг мавзуини кафедра мажлисида муҳокама қилиниб, ўқув муассасасининг илмий кенгашида тасдиқланади ва бу борада ўқув юртининг ректорининг буйруғи чиқарилади.

Магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш. Магистрлик диссертациясини ёзишга раҳбарлик кафедрада мавзуини муҳокама қилинаётганда, кафедрадаги ўқитувчиларга ажратилган ўқув юкларининг асосида белгиланади. Сўнгра ўқув муассасасининг маъмурияти магистрлик диссертация мавзуларини тўғрисида чиқарилган буйруғида унинг илмий раҳбари ҳам кайд қилинади.

Кафедра магистрлик диссертациясининг ёзадиганларини методик қўлланмалар билан таъминлайди. Бу қўлланмаларда магистрлик диссертацияларга қўйиладиган талаблар, унинг ҳажми ва бошқа бир қатор кўрсатмалар ва қоидалар кўрсатилган бўлади. Кафедра диссертацияни муддатда ёзилишини назорат қилади.

Магистрлик диссертациясининг раҳбари:

—мавзунини танлашга ва адабиётлар рўйхатини тузишга ёрдам беради;

—диссертация режасини тузишга кўмаклашади;

—асосий ва махсус адабиётлар рўйхатини тузишга ва бирламчи материалларни тўплашга ёрдам беради;

—диссертациянинг вақтида бажарилишини назорат қилиб боради;

—талаба билан биргаликда тузилган ва кафедра томонидан тасдиқланган жадвал асосида консултациялар бериб боради.

Илмий раҳар диссертация қандай ёзилаётганлигини текшириб, кузатиб боради. Агар диссертант мавзудан чиқиб кетган бўлса ёхуд уни тўла илмий асосламаган тақдирда, тўғри йўлга солиб, унга тегишли ёрдамни беради.

Уз навбатида талаба илмий раҳарнинг вақтини тежаш учун тайёр саволлар билан келади, қўлёзма саводли ва тушунарли ёзилган бўлиши керак.

Диссертация тайёр бўлганидан кейин илмий раҳбар унга кенгайтирилган тақриз ёзиб, кафедра мудирига топширади.

Тақризда қуйидагилар қайд қилинишлари шарт:

- 1) муаллиф ўз олдига қуйган масалани қанчалик ҳал қилишга эришганлиги;
- 2) бажарилган ишнинг қисмлари бўйича қисқача таснифи;
- 3) махсус адабиётлар ва бирламчи материаллардан фойдаланганлик даражаси;
- 4) мавзудаги қайси масалалар яхши ёритилгани, қайсилари суэт таҳлил этилган ёки қолиб кетганлиги;
- 5) диссертацияни мустақил бажариш даражаси;
- 6) диссертация ишидаги якуний фикрларни асосланганлиги ва тавсияномаларнинг амалий аҳамияти, замон ва макон талабига мослиги;
- 7) ҳимояга қўйиш мумкин ёки мумкин эмаслиги.

Кафедра ва деканат магистрлик диссертацияларни жадвалдан чиқмай бажарилаётганини, уларнинг сифатини назорат қилиб туради.

Магистрлик диссертациясининг таркибий қисмлари. Магистрлик диссертацияси одатда кириш, асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топади. Унинг қисмлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, мантиқан бири-бирдан келиб чиқиши ва асосий мақсадга хизмат қилиши керак.

Диссертациянинг таркибий тузилишини шакллантираётганда, унинг концепцияси ҳам тузилади. Яъни, тадқиқотни амалга ошириш жараёни илмий асослаб берилади. Бунда тадқиқот якунида нимага эришиш кераклиги, бунинг учун қандай илмий тадқиқот усулларидан ва қайси бирламчи материаллардан фойдаланиш зарурлиги ва кўриладиган адабиётлар тафсилоти баён этиб берилади.

Мазкур диссертацияга тааллуқли адабиётларни кўришда ёки бирламчи материаллар тўплаш ва қайта ишлаш жараёнида, ёхуд диссертацияни ёзиш пайтида аввалдан тузилган режа ўзгариши мумкин.

Диссертация икки интервалда машинкада босилган ёки компьютерда терилган бўлиб, умумий ҳажми 60-80 бетдан ошмаслиги керак. Диссертация матнини ёзиш, унга тааллуқли жадвал, расм ва бошқа ёрдамчи материаллар, қўлёзмаларни нашрга тайёрлаш қоидалари асосида бажарилган бўлиши керак.

Киришнинг ҳажми 3-5 бетдан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир. Унда мавзуни долзарблиги, амалий аҳамияти, унга ижтимоий буюртма борлиги айтиб ўтилади. Сўнгра бу мавзуни ишланганлик даражаси ёритилиб, ишланмаган жойлари аниқланади ва улардан мазкур мавзуни танлаб олганлигини исботлаб берилади.

Мазкур тадқиқотдан кутилган натижа, яъни мақсадга етиш учун ечилиши зарур бўлган масалалар мажмуи ва уларни ҳал қилиш учун бажариладиган ишлар ҳамда бунда ишлатиладиган илмий, амалий усуллар тизими келтирилади.

Асосий қисм диссертациянинг умумий ҳажмининг 80 фоизини ташкил қилиши керак.

Диссертацияни назарий қисмини (кўпинча унга алодида бўлим ажратилади) баён қилишдан олдин, ушбу мавзуда чоп этилган адабиётларни чуқур ўрганиб чиқиб, улардаги

тушунча, қонун ва қоидалар таҳлили бериледи. Сўнгра улар асосида назарий асослари кўрсатилиб, илмий асосланади. Диссертациянинг энг асосий қисми муаллифнинг мустақил равишда олиб борган тадқиқотининг якуний баёни ҳисобланади. Диссертациянинг бу қисмини ёзишда тадқиқот ишининг бориши, унда қандай усуллар қўлланганлиги ва ҳоказолар кўрсатилади. Сўнг бу тадқиқотдан олинган натижалар таҳили бериледи.

Хулосада диссертация матнининг бошидаги назарий асослари тадқиқотлар якуни билан солиштирилади ва янги натижалар аниқланади. Хулосанинг охирида тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, амалиётчиларга уни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича тавсиялар бериледи. Шу билан диссертациянинг хомаки нусхаси тайёр бўлади. Диссертация ишининг бу нусхаси илмий раҳбарга кўрсатилиб, унинг камчилиги ва ғализ жойлари тузатилади, адабий таҳрирдан ўтказилади ва охириги нусхасини босиш учун машинкага ёки компьютерга бериледи.

Магистрлик диссертациясини ёзиш бўйича тавсиялар. Магистрлик диссертация адабий ва жонли тилда равон қилиб ёзилади. Фикрлар мантқан бошқа бўлиши шарт. Диссертацияда бошқа муаллифларнинг фикри ва адабиётларидан иқтибослар олинган бўлса, манбаларнинг тўлиқ, кўрсаткичлари бериледи.

Диссертацияда келтирилган рақамлар тадқиқот мазмунини очиб бериши керак.

Диссертация матни, ундаги жадвал, диаграмма, расм ва бошқа кўргазма материаллар, нашрга тайёрлаш қоидаларига мувофиқ бўлиши шарт.

Диссертация стандарт талабга жавоб берадиган муқова, титул варағи, мундарижа ва матндан иборат бўлади. Диссертациянинг бетлари араб рақамлари билан варақнинг тепа ўнг томонида қайд қилинади. Унинг биринчи бети титул варағи ҳисобланади, аммо у бетланмайди.

Диссертациянинг охириги нусхаси машинкадан чиққанидан кейин яна бир марта оригиналга солиштириб ўқиб чиқилади, сўнгра илмий раҳарга бериледи. Илмий раҳбар уни синчиклаб ўқиб чиқиб, хато ва камчиликларини кўрсатиб, кенгайтирилган тақриз ёзиб, диссертация ёзган шогирдига қайтаради.

Диссертация барча тузатишлардан кейин муқоваланиб, илова ва қўшимча материаллар билан кафедрага топширилади. Шу билан диссертацияни иши ҳимояга тайёр ҳисобланади.

Диссертация ёзган талаба қўлида қолган нусхасини олиб, маърузанинг қисқача матнини ёзади ва ҳимояга руҳан тайёрланади.

Ҳимоя вақтида тадқиқотчи ўзини бардам тутиб, хотиржамлик билан маъруза қилиб беради. Тушган саволларни ёзиб олиб, жавоб беришга тайёрланади. Саволларга жавоблар қисқа, лунда, мақсадга йўналтирилган ва малакали бўлиши керак.

Асосий тушунчалар:

Тажриба синов, комплекс, моделлаштириш, идеаллаштириш, таълимий мезон, индекатор, валиологик мезон, фундаментал, амалий, инновацион, монография, рисола, дарслик, қўлланма диссертация.

Мустақил таълим саволлари:

1. Педагогик тажрибани ташкил этиш ва умумлаштириш
2. Педагогик тажриба дастурини тузиш
3. Педагогик илмий тадқиқот жараёнини моделлаштириш
4. Педагогик жараён модел статик тизим
5. Идеаллаштиришнинг моделлаштиришдаги ўрни.
6. Педагогик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари.
7. Педагогик илмий тадқиқот самарадорлигини аниқлаш мезонлари.
8. Таълимий мезонлар
9. Тарбияланганлик даражасини аниқлаш мезонлари.
10. Педагогик тадқиқотнинг математик статистик методлари.
11. Педагогик тадқиқотда тизимли ёндошув
12. Педагогик тадқиқот натижаларини қайта ишлаш.
13. Фундаментал тадқиқотлар.
14. Амалий тадқиқотлар.
15. Инновацион тадқиқотлар.
16. Педагогик илмий тадқиқот ишларини оммалаштириш.

Таблица I

...	i	...	n	Сумма по строкам
...	x_{1i}	...	x_{1n}	$Q_{1.} = \sum_{i=1}^n x_{1i}$
...	x_{2i}	...	x_{2n}	$Q_{2.} = \sum_{i=1}^n x_{2i}$
...
...	x_{ji}	...	x_{jn}	$Q_{j.} = \sum_{i=1}^n x_{ji}$
...
...	x_{mi}	...	x_{mn}	$Q_{m.} = \sum_{i=1}^n x_{mi}$
...	$Q_{.i} = \sum_{j=1}^m x_{ji}$...	$Q_{.n} = \sum_{j=1}^m x_{jn}$	$Q_{..} = \sum_{j=1}^m \sum_{i=1}^n x_{ji}$

“Педагогика тадқиқот методологияси” бўйича тест саволлари

1. Фан:

- А) Дунё ҳақидаги объектив билимлар, воқеликни назарий асоси;
- Б) Илмий қарашлар;
- С) Қонуниятлар тизими;
- Д) Тажрибалар натижаси.

2. Фан билан философия ўртасидаги боғлиқлик: А)

- табиат–ва жамият тараққиёти қонунлари асосида фаннинг умумий методологиясини ифодалашда; Философия
- Б) Философия фанларнинг методологияси эканлигида;
- С) Борлиқни илмий ақс эттиришида;
- Д) Борлиқни фалсафий ифодалашда.

3. Фан ва санъатнинг ўзаро боғлиқлиги:

- воқеликни бири илмий, иккинчиси бадиий ифодаланиши жамият тараққиётига хизмат қилишида; А) Объектив
- Б) Илм-фаннинг бадиий эстетик ифодаланишида;
- С) Санъатни илмий тадқиқ этилишида;
- Д) Фан ва санъат ижтимоий онг шакли.

4. Фундаментал фан:

- Объектив оламнинг, воқеликнинг назарий асоси; А)
- Б) Объектив оламнинг амалий асоси;
- С) Тажрибалар натижаси, таҳлили;
- Д) Индукция, дедукция ҳодисаси.

5. Билимнинг эмперик даражаси:

- А) Таққослаш, ўлчаш, анализ, синтез, индукция, дедукция;
- Б) Ўқиш, ўрганиш, фикрлаш;
- С) Тажриба, амалиёт, куникма;
- Д) Тафаккур, тасаввур, мустақил таълим.

6. Билимнинг назарий даражаси:

- А) Гипотеза, моделлаш, абстракциялаш, умумлаштириш, хаёлий эксперимент;

- Б) Мантикий таҳлил;
- С) Тажриба ўтказиш;
- Д) Амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

7. Гносеология:

- А) Билиш назарияси, инсон билимлари келиб чиқиши ҳақидаги таълимот;
- Б) Илмий дунёқараш;
- С) Материалистик дунёқараш;
- Д) Идеалистик дунёқараш.

8. Илмий билиш:

- А) Воқеа-ҳодисаларни келиб чиқиши (анализ) бошқа воқеа-ҳодисалар билан боғлиқлиги (синтез), бугунги кундаги моҳияти (умумлаштириш);
- Б) Фалсафий дунёқараш;
- С) Идеалистик дунёқараш;
- Д) Тажрибалар натижаси.

9. Билиш жараёнининг босқичлари:

- А) Жонли мушоҳада, абстракт тафаккур ва ундан амалиёт;
- Б) Ўқиш, ўрганиш, амалиёт;
- С) Таълим бериш, мустақил билим олиш;
- Д) Идрок қилиш, сезги, тафаккур.

10. Фаннинг ҳозирги даврдаги вазифалари давлатимизнинг қайси ҳужжатида кўрсатилган:

- А) КТМД да;
- Б) Мактаб таълимини ривожлантириш дастурида;
- С) Ўқил яқуни ҳақидаги йиғилиш дастурида;
- Д) Ҳар бир фаннинг ўқув дастурида.

11. Илмий тадқиқотга оид тушунчалар:

- А) Билим, фан, изланиш, гипотеза (фараз), эксперимент назария, амалиёт, метод, методология;
- Б) Таълим, предмет, объект, билим, лаборатория, маълумот;
- С) Тафаккур, идрок, тасаввур, тушунча, таҳлил;
- Д) Мазмун, восита, шакл, усул.

12. Илмий фаолият:

- А) Изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, қонуниятларни кашф этиш, янгиликлар яратиш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш;
- Б) Олий ўқув юртида дарс бериш;
- С) Диссертация ёклаш;
- Д) Илмий янгиликларни тарғиб қилиш.

13. Илм (арабча):

- А) Ўқиш, ўрганиш ва ҳаётини тажриба асосидаги билим ва малакалар мажмуи;
- Б) Тадқиқотлар олиб бориш;
- С) Нарса ва ҳодисаларнинг хусусияти;
- Д) Таълим, маълумот, кўникма, амалиёт.

14. Методология:

- А) Илмий билиш (тадқиқот) йўллари, усуллари, назарий асоси;
- Б) Методлар йиғиндиси;
- С) Буюк олимлар, мутафаккирлар таълимоти;
- Д) Тарихий манбалар.

15. Педагогика методологиясининг фанлараро боғлиқлиги.

- А) Педагогиканинг концептуал асослари, педагогика тарихи билан;
- Б) Фалсафа билан;
- С) Психология билан;
- Д) Социология билан.

16. КТМДда методологиянинг вазифалари:

- А) Табиат ва жамият қонуниятлари ҳақидаги назарий ва амалий билимларни шакллантириш;
- Б) Дарслик ва қўлланмалар яратиш;
- С) Юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- Д) Экспериментал майдончалар ташкил этиш.

17. Олий малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш:

- А) Магистратура, доктарантура (катта илмий ходим) мустақил изланувчи;
- Б) Кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий тадқиқот жиҳатидан таъминлаш;
- С) Билимнинг турли соҳаси бўйича ахборот базасини яратиш;
- Д) Илм фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш.

18. Илмий тадқиқот ва технологиялар натижаларини тижоратлашуви:

- А) Инновацион лойиҳалар, халқаро ва минтақавий грант олиш;
- Б) Тадқиқот натижаларини амалга тадбиқ этиш;
- С) Илмий тадқиқотни жаҳон илм фанига интеграцияси;
- Д) Илғор педагогик технологияларни яратиш.

19. КТМДни илмий методик таъминлаш.

- А) Экспериментал майдонлар ташкил этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, методологик таъминот;
- Б) Янги ўқув дарслик ўқув қўлланмалари яратиш;
- С) Педагогик технологиялар, ахборот технологияларни жорий этиш;
- Д) Педагогик ижодкорлик.

20. Педагогик рефлексия:

- А) Таълим-тарбия жараёнига илмий ёндошиш малака, кўникмаси;
- Б) Педагогик тадқиқотчилик фаолияти;
- С) Педагогик ижодкорлик;
- Д) Педагогиканинг методологик асоси.

21. Тадқиқот лойиҳаси:

- А) Илмий тадқиқот режаси, дастури;
- Б) Инновацион лойиҳа;
- С) Тадқиқот методлари;
- Д) Тадқиқот объекти.

22. Педагогика фани методологияси:

- А) Билим ва фаолият тизими, илмий тадқиқот йўллари, усуллари;
- Б) Таълим-тарбия мазмуни;
- С) Таълим-тарбия тамойиллари;
- Д) Педагогик таълимотлар.

23. Методологик тадқиқот:

- А) Фаннинг назарий асоси;
- Б) Илмий тадқиқотга доир ишланмалар;
- С) Тадқиқотнинг методлари, усуллари;
- Д) Фаннинг мантиқий асоси.

24. Педагогик ижодкорлик:

- А) Таълим-тарбия жараёнида изланиш, ташаббускорлик, илғор тажрибалар;
- Б) Янги педагогик технологиядан фойдаланиш;
- С) Интернет манбаларидан фойдаланиш;
- Д) Янги дарслик қўлланмалар яратиш.

25. Педагогик тафаккур:

- А) Таълим-тарбия жараёнига ижодий, илмий ёндошиш;
- Б) Педагогик изланиш;
- С) Педагогик ҳамкорлик;
- Д) Педагогик таҳлил.

26. Педагогик изланиш:

- А) Таълим-тарбияни интенсив оптимал йўлларини, шаклларини, мазмунини воситаларини ишлаб чиқиш;

А)

- Б) Педагогик ташаббус;
- С) Илғор педагогик тажрибалар;
- Д) Инновацион фаолият.

27. Инновацион фаолият:

- А) Янгилик яратиш ва амалга тадбиқ этиш, ижодкорлик;
- Б) Янгиликларни ўрганиш;
- С) Ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- Д) Янги дарслик қўлланмалар яратиш.

28. “Илм-сахрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларда йўлдош, қувончли дамларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир”. Ушбу ғоя қайси манбадан олинган?

- А) “Хадиси – Шариф”дан;
- Б) Абу Наср Фаробийнинг “Фанлар таснифи”асаридан;
- С) Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон”асаридан;
- Д) Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг”асаридан.

29. Педагогик тадқиқотда илмий далиллар.

- А) Муаммонинг ишланганлик ва ўрганилмаганлик даражасини асослаш, тадқиқот натижасини аҳамияти;
- Б) Муаммони долзарблиги;
- С) Муаммони амалий аҳамияти;
- Д) Муаммони ўрганилганлиги ҳақида тадқиқотлар.

30. Педагогик тадқиқотларнинг гносеологик моҳияти:

- А) Муаммонинг ўрганилганлиги ҳақидаги таълимотлар;
- Б) Муаммонинг илмий янгилиги;
- С) Муаммонинг амалий янгилиги;
- Д) Тадқиқотни амалга ошириш йўллари.

31. Тадқиқотнинг гносеологик модели:

- А) Мавзунинг ўрганилганлик даражаси, долзарблиги, лойиҳаси;
- Б) Тадқиқот режаси;
- С) Тадқиқот предмети ва объекти;
- Д) Тадқиқот методлари ва воситалари.

32. Тадқиқотда эмперик маълумотлар:

- А) Тадқиқот экспремент натижалари;
- Б) Қиёсий маълумотлар;
- С) Ўрганилганлик даражаси;
- Д) Амалий аҳамияти.

33. Тадқиқотда иллюстрация, иловалар:

- А) Тузма (схема), жадвал, шакллар;
- Б) Тадқиқот олиб борилгани ҳақида маълумотлар;
- С) Тадқиқот воситалари;
- Д) Тадқиқот натижалари.

34. Тадқиқотда илмий далиллар:

- А) Олинган натижалар, илмий амалий янгилиги;
- Б) Тадқиқот жараёни;
- С) Тадқиқот тадбиқи;
- Д) Тадқиқот методлари.

35. Педагогик тадқиқот муаммоси:

- А) Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, масаласи, йўналиши, мақсади;
- Б) Педагогик тадқиқот вазифалари;
- С) Педагогик тадқиқот гипотезаси;
- Д) Педагогик тадқиқот мазмуни.

36. Концепция:

- А) Илмий ғоялар;

Б) Таълим тарбия мазмуни;

С) Илмий ишланмалар;

Д) Илмий тавсиялар.

37. Педагогик тадқиқот муаммоси:

А) Таълим-тарбия жараёнининг ечими жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий маънавий тараққиётида ҳал қилувчи имкониятига эга бўлган масала, мавзу;

Б) Таълим-тарбия мазмуни;

С) Таълим-тарбия методлари;

Д) Таълим-тарбия тамойиллари.

38. Концепциялар:

А) Бир соҳага доир илмий қарашлар, ғоялар тизими;

Б) Хулоса ва тавсиялар;

С) Эксперимент натижалари;

Д) Тадқиқот муаммоси.

39. Педагогик тадқиқотда концептуал муаммо:

А) Педагогик воқеликни илмий методологик назарий натижаси;

Б) Эксперимент тахлили;

С) Тадқиқотнинг амалий аҳамияти;

Д) Тадқиқот долзарблиги.

40. Педагогик тадқиқотни экспериментал муаммоси:

А) Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг тажрибаларда асосланиши

Б) Педагогик тадқиқотнинг методологик асоси;

С) Педагогик тадқиқот натижаларини умумлаштириш;

Д) Педагогик тадқиқот воситалари.

41. Тадқиқот мавзусини танлаш:

А) Имкониятга мос жамият иқтисодий, ижтимоий маънавий тараққиётини ҳал қилувчи долзарб муаммо;

Б) Тадқиқотни халқ хўжалик аҳамияти;

С) Илғор тажрибаларни умумлаштириш;

Д) Тарихий меросни ўрганиш.

42. Педагогика тарихи мавзусидаги тадқиқот:

А) Педагогик меросни ўз давридаги илмий қиммати ва бугунги кундаги аҳамияти;

Б) Таълим-тарбия назариясини ривожланиши;

С) Таълим-тарбия тарихий тараққиёти;

Д) Мутафаккирлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш.

43. Педагогика тарихи методологияси:

А) Таълим тарбия назарий амалий тараққиёти қонуниятлари, тарихни ўрганиш илмий механизми;

Б) Таълим тарбия ва жамият тараққиёти таълимоти;

С) Жамиятни тараққиёти таълим тарбия ривожини таълимоти;

Д) Мутафаккир, олимларнинг таълим тарбия ҳақида қарашлари.

44. Таълим тарбияда тарихийлик, миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги қонунияти:

А) Таълим-тарбияни кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб ривожлангани, ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда минтақавий, миллий қадриятлар асосида бойиши;

Б) Таълим-тарбияда тарихийлик устуворлиги;

С) Таълим-тарбияда миллийлик устуворлиги;

Д) Таълим-тарбияда умуминсонийлик устуворлиги.

45. Таълим-тарбиянинг давр талабига мавжуд шарт шaroитга мослиги қонунияти:

А) Таълим-тарбия тизимини модернизациялаш, мазмун, метод ва воситаларининг жамият буюртмасига мослиги;

Б)

Ҳар бир даврда таълим-тарбия мазмунининг ўзига хослиги;

С) Давр талабига мос таълим-тарбия тизими;

Д) Мавжуд шарт шароитга мос таълим-тарбия воситалари.

46. Халқ педагогикаси тадқиқоти:

А) Таълим-тарбиянинг илмий амалий масалаларини фолклор асарларида ифодаланиши ва бугунги кундаги аҳамияти;

Б) Миллий қадриятларни ифодаланиши;

С) Жамият тараққиёти тарихини ёритилиши;

Д) Таълим-тарбиянинг жамият тараққиётида туган ўрни.

47. Педагогика тарихини фанлар тарихи билан боғлиқлиги:

А) Таълим тарбия предметида фалсафа, мумтоз адабиёт, динлар тарихи, жамият тарихи;

Б) Ижтимоий гуманитар фанлар тарихи;

С) Жамият тарихи;

Д) Социология, психология, археология тарихи.

48. Педагогик ғояларнинг ривожланиш тарихи:

А) Барча ижтимоий фанлар қатори фалсафа тарихи билан боғлиқ;

Б) Социология тарихи билан боғлиқ;

С) Психология тарихи билан боғлиқ;

Д) Жамият тарихи билан боғлиқ.

49. Педагогика тарихининг мумтоз адабиёт билан боғлиқлиги:

А) Шарқда адабиёт “Адаб ” ахлоқ, хулқ “ёт” фан эканлигида; бадий образларда таълим-тарбия масалаларининг ёритилганлигида;

Б) Мумтоз адабиётда ижтимоий ҳаётни ёритилишида;

С) Адабиёт ҳаёт дарслиги эканлигида;

Д) Халқ оғзаки ижодида.

50. Тадқиқот мавзусининг муҳим белгилари:

А) Мавзунинг долзарблиги, илмийлиги, аниқлиги;

Б) Мавзуни ишланганлиги, умумийлиги;

С) Мавзунинг ўрганилганлиги, назарийлиги;

Д) Мавзунинг тадқиқотчи ташаббуси эканлиги.

51. Тадқиқот объекти:

А) Муайян таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш жараёни;

Б) Мактаблар, олий ўқув юртлари;

С) Узлуксиз таълим-тарбия жараёни;

Д) Маҳалла, жамоат ташкилотлари.

52. Тадқиқот предмети:

А) Мавзунинг долзарблиги тадқиқот мақсадидан келиб чиқадиган муайян муаммо;

Б) Тадқиқот йўллари, усуллари;

С) Тадқиқот воситалари;

Д) Тадқиқот натижалари.

53. Тадқиқот объекти ва предметиинг муҳим белгилари:

А) Тадқиқот мақсади, муаммонинг долзарблиги, илмийлиги, янгилиги, муайянлиги, тадқиқот самарадорлиги;

Б) Тадқиқот имкониятлари, амалий аҳамияти;

С) Тадқиқот мазмунининг изчиллиги;

Д) Илмий тушунчалар, категориялар.

54. Илмий тадқиқот мақсади:

А) Мавзунинг долзарблиги, ишланмаганлиги, жамият тараққиётининг муҳим муаммосини ҳал қилиш аниқ мавзу бўйича илмий изланиш;

Б) Халқ ҳўжалиги тараққиётини ҳал қилиш бўйича изланиш;

С) Илмий раҳбар тавсиясига асосан тадқиқот олиб бориш;

Д) Ижодкорлик. Орзу, истак, ният.

55. Илмий тадқиқот вазифаси:

А) илмий фароздан келиб чиқадиган муайян изланиш, тажрибалар режаси;

Б) Тадқиқот олиб бориш йўллари;

С) Тадқиқот имкониятлари;

Д) Мавзуга оид адабиётларни таҳлил этиш.

56. Тадқиқотнинг илмий назарий конструктив нормалари:

А) Тадқиқот мақсади, объекти, предмети, илмий фарази, вазифа ва натижалар узвий боғлиқлиги;

Б) Мавзунинг изчил ёритилганлиги;

С) Тадқиқот мазмуни, иллюстрация, хулосалар;

Д) Тадқиқотни амалга ошириш тартиби.

57. Педагогик тадқиқотлар фарази:

А) Тадқиқотда эришиладиган натижа, илмий амалий аҳамияти;

Б) Илмий фаразнинг мақсад ва вазифалар билан уйғунлиги;

С) Тадқиқотни ташкил этиш йўллари;

Д) Тадқиқот мазмуни.

58. Илмий фараз тизими:

А) Агар: муаммолар ҳал этилса назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлади;

Б) Вазифалар бажарилиши таълим-тарбия тизимини самарадорлигини оширади;

С) Тадқиқот методларини изчил қўлланилиши;

Д) Таҷрибаларни ташкил этиш йўллари.

59. Тадқиқот фаразини аниқлаш:

А) Мавзуни долзарблиги, ишланганлиги, муаммони ҳал этиш вазифалари, тадқиқот натижаси, таҳлили;

Б) Мавзуга оид адабиётларни ўрганиш;

С) Илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Д) Фикрий эксперимент хулосаси.

60. Педагогик тадқиқотнинг методологик тамойиллари:

А) Умумийлик, конкретлик, хусусийлик, антропологик;

Б) Педагогик тадқиқот методлари;

С) Педагогик тадқиқотда изчиллик тамойили;

Д) Тадқиқотнинг илмийлиги, назарийлиги.

61. Педагогик фанлар методологиясини умумийлик тамойили:

А) Педагогик тадқиқотнинг фалсафий қонуниятлари, категорияларга асосланиши;

Б) Педагогик тадқиқот фанлараро боғлиқлик қонуниятига асосланиши;

С) Педагогик тадқиқот меёрий ҳужжатларга асосланиши;

Д) Педагогика фанларини предметга асосланиши.

62. Педагогик тадқиқотнинг конкрет методологик асоси:

А) Таълим-тарбиянинг умумий қонуниятлари, давлат дастури;

Б) Таълим-тарбия ҳақида мутафаккирларни, буюк олимларни таълимоти;

С) Таълим-тарбияни такомиллаштириш ҳақидаги қарорлар;

Д) Таълим-тарбияни ташкил этиш ҳақидаги меёрий ҳужжатлар.

63. Илмий изланувчининг методологик маданияти:

А) Тадқиқотчининг касбий компонентлиги, фалсафий, умумпедагогик қонуниятларни, фан тарихини билиши;

Б) Тадқиқотчининг ижодкорлиги;

С) Тадқиқотчининг билими, маънавий даражаси;

Д) Тадқиқотчининг илмий изланиш методларининг эгаллаганлиги.

64. Илмий изланувчининг методологик маданиятини шакллантириш;

А) Тадқиқот мавзуси бўйича назарий билими, фалсафа, фанлараро боғлиқлик қонуниятларини билиши, малакаси;

Б) Тадқиқотчининг сиёсий, ахлоқий, илмий маданияти;

С) Тадқиқотчининг ахборот технонологияларидан фойдалана олиши;

Д) Тадқиқотчининг ижодкорлиги, ташаббускорлиги, эстетик диди.

65. Педагогик илмий тадқиқот методлари:

А) Кузатиш, эксперимент, тест, суҳбат, статистик, архив ҳужжатларни ўрганиш;

- Б) Лаборатория, таҳлил этиш, амалий;
- С) Тажриба, интерфаол, суҳбат, тест, инновацио;
- Д) Техника воситалари, таълим йўллари, усуллари, тарихий манбаларни ўрганиш.

66. Тадқиқотчининг касбий компонентлиги:

- А) Изланувчининг тадқиқот мавзуси бўйича илмий тарихий манбаларни билиши, таҳлил қилиши, интернет манбаларидан хабардорлиги;
- Б) Фаннинг тарихи ва назариясини билиши;
- С) Мутахассаслик фанларини билиши;
- Д) Мутахассислик бўйича тажрибаси.

67. Илмий педагогик билимларнинг манбаълари:

- А) Ахборот ресурс марказида фанга доир адабиётлар, диссертациялар, интернет манбалари, архив ҳужжатлари, вақтли матбуот;
- Б) Дарслик, ўқув қўлланмалари;
- С) Журнал, газета, илмий тўпламлар;
- Д) Оғзаки ва ёзма манбалар.

68. Илмий педагогик адабиётларни таҳлил этиш усуллари:

- А) Адабиётлар рўйхатини тузиш, конспектлаштириш, тезис ёзиш, цитаталар, аннотация ёзиш, тақризлаш;
- Б) Адабиётлар рўйхатини тузиш;
- С) Адабиётларни ўрганиш;
- Д) Адабиётлар ҳақида мақола ёзиш.

69. Педагогик тадқиқотнинг эмперик методи:

- А) Тадқиқот предметига асосан кузатиш, экспериментлар асосида амалий натижани, таснифлаш, тизимлаш, умумлаштириш;
- Б) Тадқиқот мақсадига кўра илмий методларни қўллаш;
- С) Тадқиқот муаммоларини таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш;
- Д) Тадқиқот натижаларини умумлаштириш, тавсиялар ишлаб чиқиш.

70. Педагогик тадқиқотнинг назарий методи:

- А) Илмий фараз, илмий ғоя, фикрий модел, умумлаштириш, идеаллаштириш;
- Б) Суҳбат, архив ҳужжатлар таҳлили, анкета;
- С) Эксперимент, кузатиш, статистика;
- Д) Индукция, анализ, синтез.

71. Педагогик тадқиқотнинг кузатиш методи:

- А) Аниқ мақсадга қаратилган, режали, объектив педагогик воқеликни аниқлаш йўллари;
- Б) Педагогик жараён қонуниятларини аниқлаш;
- С) Таълим-тарбиянинг оптимал шарт-шароитини аниқлаш;
- Д) Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш.

72. Кузатиш методини турлари:

- А) Қисқа ва узок муддатли кузатиш;
- Б) Педагогик жамоа фаолиятини, ўқувчилар жамоасини кузатиш;
- С) Таълим жараёнини, тарбия жараёнини кузатиш;
- Д) Бевосита ва билвосита кузатиш.

73. Кузатишда таъли-тарбия объектини танлаш:

- А) Тадқиқот предметига доир, педагогик вазият, табиий ҳолат, тажриба жараёни;
- Б) Кундалик ҳолатни аниқлаш;
- С) Илғор тажрибани аниқлаш;
- Д) Инновацион таълим-тарбия воситалари.

74. Педагогик тадқиқот кузатиш натижаларини умумлаштириш:

- А) Табиий тадқиқот предметига доир ҳолати, таълим-тарбиянинг экспериментал вазияти, тажриба объекти натижаларини қиёслаш, хулосалаш;
- Б) Кузатиш натижаларини оммалаштириш;
- С) Фаол ижтимоий ҳолатни тарғиб қилиш;
- Д) Кузатиш босқичларини таҳлил этиш.

75. Педагогик тадқиқотнинг савол жавоб методи:

- А) Тадқиқот мақсади, предмети, вазифасига асосан таълим-тарбия жараёнининг объектив ҳолати ва тажриба имкониятини янгилаш бўйича суҳбат, анкета ўтказиш;
- Б) Ўқувчилар ўртасида мунозара ташкил этиш;
- С) Мавзулар бўйича ёзма ишлар ўтказиш;
- Д) Педагогик эксперимент ташкил этиш.

76. Педагогик тадқиқотнинг анкета методи:

- А) Илмий фараз, тадқиқот вазифасига кўра очиқ, ананим сўровнома ўтказилиши;
- Б) Тарбияланувчиларнинг таржимаи ҳолини аниқлаш;
- С) Ижтимоий сўровнома;
- Д) Мақсадга, оммавий сўровнома.

77. Тадқиқотнинг анкета методига қўйиладиган талаблар:

- А) Мақсад аниқлиги, тадқиқот фаразига мослиги, саволларни муайянлиги, объект оптемаллиги;
- Б) Оммавий сўровнома ўтказиш;
- С) Сўровнома ўтказилаётганларнинг мақсад ва мотивларни аниқлаш;
- Д) Сўровнома ўтказилаётганларнинг ўзаро самимийлиги;

78. Педагогик тадқиқотда тест методи:

- А) Тадқиқот предмети, илмий фаразига асосан модели, стандартли таҳлил этиш, қобилятини аниқлаш;
- Б) Объектнинг билим даражасини аниқлаш;
- С) Ўрганувчи саволномалар мажмуи;
- Д) Тарбияланганлик даражасини аниқлаш.

79. Педагогик эксперимент методи:

- А) Илмий фаразни амалда синаш, кўп вариантли тажриба, воқеликни ҳаққонийлигини асослаш;
- Б) Илғор тажрибаларни оммалаштириш;
- С) Илғор тажрибаларни амалда синаб кўриш;
- Д) Инновацион педагогик технологияларни амалда қўллаш.

80. Педагогик экспериментнинг ўзига хос хусусияти:

- А) Кўпвариантлик, назорат ва тажриба вариантлари, амалиёт устуворлиги;
- Б) Тажриба объектнинг серкирралиги;
- С) Тажриба ўтказувчи ва тажрибаланувчилар ҳамкорлиги;
- Д) Тажрибанинг табиийлиги.

81. Педагогик экспериментни амалга ошириш босқичлари:

- А) Тажрибани тайёрлаш, тажриба мақсади ва илмий фаразни, назорат объекти биринчи, иккинчи тажриба объекти, тажриба натижаси таҳлили;
- Б) Педагогик тажриба ўтказиш қоидаларини билиши, тажриба ўтказиш, натижаларни таҳлил этиш;
- С) Тажриба объектини танлаш, тажриба ўтказиш, натижасини хулосалаш;
- Д) Педагогик тажриба ўтказиш, хулосалаш, ишлаб чиқиш.

82. Илғор педагогик тажриба:

- А) Таълим-тарбия борасида ташаббус, ютуқлар, илмий асослангани;
- Б) Таълим-тарбияда янги педагогик технологияларни қўлланилиши;
- С) Таълим-тарбияда ахборот технологияларни қўллаш;
- Д) Инновацион таълим технологиялари.

83. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш тамойиллари:

- А) Таълим-тарбия жараёни, қонуниятларига, таълим стандартларига мослиги, оптемаллиги;
- Б) Илғор педагогик тажрибаларни таҳлил этиш, умумлаштириш;
- С) Илғор педагогик технология қоидаларига мослиги;
- Д) Педагогик тажрибаларнинг янгилиги, амалдаги аҳамияти.

84. Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш:

- А) Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасидаги изланиш, натижаларини илмий таҳлили этиш, тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Б) Педагогик иажрибаларини тарғиб этиш;
- С) Илғор тажрибаларни рағбатлантириш;
- Д) Илғор тажрибалар асосида конференциялар ташкил этиш.

85. Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш:

- А) Гипотезага асосан дастурни тузиш, ўтказиш, натижаларни таҳлил этиш, хулоса ва тавсиялар;
- Б) Тажриба-синов ишларини босқичларини аниқлаш, ўтказиш, хулосалаш;
- С) Тажриба-синов ишлари объектини танлаш, ташкил этиш, натижаларини оммалаштириш;
- Д) Тажриба синов ишларини босқичма босқич ўтказиш.

86. Педагогик тажриба синов ишларининг дастурини тузиш:

- А) Тадқиқот мақсади, предмети, объекти, илмий фаразига асосан босқичма-босқич олиб бориладиган ишлар;
- Б) Педагогик тажриба-синов ўтказиш режаси;
- С) Тажриба-синов ишлари ташкил этиш мазмуни, натижаларини умумлаштириш;
- Д) Меёрий ҳужжатлар асосида тажриба-синов ишларини белгилаш.

87. Педагогик тажриба-синов ишлар дастурини амалга тадбиқ этиш:

- А) Илмий фаразни асосланиши, илмий ва амалий тавсиялар. Статистик таҳлиллар;
- Б) Тажриба-синов ишларини ташкил этиш;
- С) Тажриба-синов ишларида педагогик қонун-қоидаларга амал қилиш;
- Д) Тажрибаларни ташкил этиш, тарғиб этиш.

88. Педагогик илмий тадқиқот жараёнини моделлаштириш:

- А) Статистик тизим, тадқиқот лойиҳаси, якуний натижа;
- Б) Тадқиқот проспекти, тузилиши;
- С) Натижалар асосида жадвал, қиёсий таҳлил;
- Д) Тадқиқот методларининг изчиллиги, кузатиш, тажриба ишлари.

89. Педагогик тадқиқотни ташкил этиш босқичлари:

- А) Мавзу танлаш, раҳбар танлаш, ишланганлик даражасини аниқлаш, мақсад қўйиш, тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш, тадқиқот вазифаси, илмий фараз, методлар, натижалар таҳлили, оммалаштириш, химоя;
- Б) Мавзу танлаш, раҳбар танлаш, ишланганлик даражасини аниқлаш, мақсад қўйиш, методлар, натижалар таҳлили, оммалаштириш, химоя, тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш, тадқиқот вазифаси, илмий фараз;
- С) Методлар, натижалар таҳлили, оммалаштириш, химоя, мавзу танлаш, раҳбар танлаш, ишланганлик даражасини аниқлаш, мақсад қўйиш, тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш, тадқиқот вазифаси, илмий фараз.

90. Тадқиқотни лойиҳалаштириш:

- А) Мавзунинг долзарблигини асослаш, ишланганлик даражасини аниқлаш, мақсад, вазифани белгилаш, объект предмети, илмий фарази ва хулоса;
- Б) Мавзунинг долзарблигини асослаш, объект предмети, илмий фарази ва хулоса, ишланганлик даражасини аниқлаш, мақсад, вазифани белгилаш;
- С) Ишланганлик даражасини аниқлаш, мақсад, вазифани белгилаш, объект предмети, илмий фарази ва хулоса. Мавзунинг долзарблигини асослаш.

91. Педагогик тадқиқотда абстракция методи:

- А) Таълим-тарбия воқелигини мантиқий, фикрий, ҳиссий билиш усули;
- Б) Мавҳумлаштириш, умумлаштириш;
- С) Идеаллаштириш, амалий натижани аниқлаш;
- Д) Тадқиқот жараёнини умумлаштириш, идеал ҳолатда ифодалаш.

92. Педагогик тадқиқотда формалаштириш методи:

- А) Педагогик қонуниятлар дидактик математик усуллар асосида умумлаштириш;
- Б) Педагогик тадқиқотларни маълум шаклда ифодалаш;
- С) Тадқиқотни умумий шаклга келтириш;

Д) Тадқиқотнинг ташқи тузилиши, устуворлиги.

93. Педагогик тадқиқотнинг генетик методи:

А) Таълим-тарбия жараёнида ирсий хусусиятларни, казуал ва кавузал ҳолатларни ҳисобга олиш;

Б) Педагогик тадқиқотда оиланинг имкониятларини ҳисобга олиш;

С) Педагогик изланишда фалсафий қонунларга асосланиш;

Д) Таълим-тарбияда оптимал шароитни ҳисобга олиш.

94. Педагогик тадқиқотнинг социометрик методи:

А) Ижтимоий ўлчов, ижтимоий муносабатларни йиғиндисини умумлаштириш;

Б) Шахслар ва ижтимоий гуруҳлар хусусиятини аниқлаш;

С) Ижтимоий муносабатларнинг математик таҳлили;

Д) Тадқиқотда педагогик вазиятларни ҳисобга олиш.

95. Педагогик тадқиқотда анализ методи:

А) Педагогик воқеликни бир бутун таълим-тарбия жараёнини фикран бўлақларга бўлиб ўрганиш;

Б) Педагогик воқеликни бир бутун ўрганиш;

С) Педагогик жараённи тизимли ўрганиш;

Д) Таълим-тарбия жараёни ўзаро боғлиқлиги.

96. Педагогик тадқиқотда синтез методи:

А) Хусусийликдан умумийликка фикрий эксперимент;

Б) Педагогик воқеликни яхлит ўрганиш;

С) Таълим-тарбия жараёнини таҳлил қилиш;

Д) Таълим-тарбияни ўзаро боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш.

97. Педагогик тадқиқот самарадорлигини аниқлаш методи:

А) Социометрик, тест, статистик, математик усуллар;

Б) Тадқиқот объектини билим даражаларини аниқлаш;

С) Ўрганувчиларнинг тарбияланганлик даражаларини аниқлаш;

Д) Тадқиқот олиб борувчилар билан савол жавоб ўтказиш.

98. Педагогик тадқиқотнинг индуктив методи:

А) Тадқиқот гипотезасига асосан тажрибаларни умумлаштириш, далилларни таҳлил этиш;

Б) Ҳар бир муаммони алоҳида-алоҳида ўрганиш;

С) Тадқиқот натижаларини асослаш;

Д) Тадқиқот натижаларини амалда қўллаш.

99. Педагогик тадқиқотнинг дидуктив методи:

А) Тадқиқотда умумийликдан хусусийликка, тадқиқотни режалаштиришда босқичма босқич ёндошиш, алоҳида хулоса қилиш;

Б) Педагогик тадқиқотда алоҳида натижалардан умумий хулоса чиқариш;

С) Таълим тарбия муаммосини ҳар томонлама урганиш;

Д) Тадқиқот натижаларини назарий хулосалаш.

100. Илмий тадқиқот самарадорлигини оширишнинг таълимий мезони:

А) Дидактик қонуниятлар, тамойиллар номоён бўлиши;

Таълим ва тарбиянинг уйғунлиги;

С) Тадқиқотда фанлараро боғлиқлик қонуниятларга асосланиши;

Д) Инноватцион таълим технологияларга мослиги.

101. Тадқиқотда тарбияланганлик даражасини аниқлаш мезонлари:

А) Маънавий эътиқод ва фаолиятнинг уйғунлиги;

Б) Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал;

С) Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат фазилати;

Д) Маърифат, маданият ва амалиёт кўникмаси, малакаси.

102. Педагогик тадқиқотда ташхис мезони:

А) Характернинг педагогик психологик хусусиятлари, ижтимоий, генетик имкониятлари;

Б) Билим малака даражаси;

С) Тарбияланганлик даражаси;

Б)

Д) Фаолият, амалиёт натижалари.

103. Педагогик тадқиқотда ташхис мезонига қўйиладиган талаблар:

- А) Объективлиги, ишончлилиги, ўлчовнинг аниқлиги;
- Б) Муаммонинг мохияти, ечиш методи, баҳоланиши;
- С) Шарт-шароитини ҳисобга олинганлиги, башорат асослилиги;
- Д) Математик статистик таҳлили, хулосалаш.

104. Педагогик тадқиқотнинг математик статистик методи:

- А) Таълим-тарбия жараёнини сифат ва миқдорий ифодалаш, таҳлил этиш, хулосалаш;
- Б) Таълим-тарбия жараёнига ҳисоб китобли ёндашув;
- С) Таълим-тарбия жараёнини миқдор ўсишини аниқлаш;
- Д) Таълим-тарбия жараёнини математик қоидалар асосида баҳолаш.

105. Педагогик тадқиқотда эмперик ва назариянинг ўзаро боғлиқлиги:

- А) Кузатиш, эксперимент ва бошқа методлар натижаси, илмий хулосалар, тавсиялар ишлаб чиқишда;
- Б) Таълим-тарбияда амалиёт ва назариянинг уйғунлиги;
- С) Таълим-тарбия жараёнида сифат ва миқдор уйғунлиги;
- Д) Педагогик тадқиқотда тизимли ёндашув.

106. Илмий тадқиқот турлари:

- А) Қисқа муддатли, истиқболли, комплекс, назарий, амалий, тарихий;
- Б) Инновацион, фундаментал, амалий;
- С) Диссертация, инновацион лойиҳа, малакавий иш;
- Д) Илғор тажрибалар, ижодий ишлар.

107. Назарий тадқиқот:

- А) Воқеликни илмий мохияти, таркибан ўзаро боғлиқлиги, педагогик ва логика (мантик) қонуниятига мослиги, асосланганлиги;
- Б) Парадигмалар, концепциялар таҳлили, тавсиялар;
- С) У ёки бу фаннинг методологияси;
- Б) Илмий хулосалар, тавсиялар.

108. Илмий тадқиқотчига қўйиладиган мантиқий талаблар:

- А) Илмий категорияларни билиши, воқеликни аниқ тушунчалар билан ифодалай олиши, фан тилида таҳлил ва тавсия эта олиши, илмий концепцияси;
- Б) Грамматик қоидаларни мукамал билиши;
- С) Нотиклик малакаси, мунозара, муҳокама маданияти;
- Д) Фанга доир интернационал сўзлар ва илмий ифодаларни билиши.

109. Педагогик тадқиқот принциплари:

- А) Изчиллик, тарихийлик, илмийлик, амалилик, муайянлик, истиқболлилик, янгилик
- Б) Инновацион лойиҳалар тузиш, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш, ижодкорлик;
- С) Объективлик, ташаббускорлик, ҳар бир масалани чуқур таҳлил этиш;
- Д) Педагогик жараёни илмий асосда ташкил этиш.

110. Инновацион педагогик тадқиқот:

- А) Узлуксиз таълим-тарбияни, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи долзарб фундаментал ва амалий муаммо ишланмаси;
- Б) Янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш;
- С) Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш;
- Д) Жаҳонда таълим-тарбия янгиликларни амалда тадбиқ этиш.

111. Педагогик тадқиқот самарадорлигини аниқловчи индикаторлар (лот. курсатгич):

- А) Таълим-тарбия жараёни сифат ва миқдор ўсиши, натижалар кўрсатгичи;
- Б) Таълим-тарбияни ривожлантирувчи омиллар;
- С) Таълим даражаси, тарбияланганлик даражаси;
- Д) Таълим-тарбиядаги ютуқлар, назарий амалий ахамияти, жадваллар.

112. Фундаментал тадқиқотларга қўйиладиган талаблар:

- А) Тажриба ва фикрий экспериментга асосланган, илмий, концептуал, методологик, назарий ишланма, тавсиялар;

- Б) Фаннинг амалий аҳамиятини аниқланиши;
 - С) Тадқиқот натижаларини моделлаштириш;
- Тадқиқотнинг жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлиши, тизимлилик.

Д)

113. Фундаментал лойиҳаларга қўйиладиган талаблар:

- А) Халқ хўжалиги тараққиётининг жаҳоншумул аҳамиятга эга тадқиқот йўналишларининг муҳим муаммосини тадқиқ этиш, танлов талабларига мос ишланмалар;
- Б) Ташаббускор гуруҳларнинг маълум муаммони илмий ишлаб чиқиши;
- С) Амалий тажрибаларни умумлаштириш;
- Д) Илғор тажрибаларни оммалаштириш.

114. Фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни расмийлаштириш:

- А) Низомга, тадқиқот йўналишига хусусий тадқиқот натижаларини умумлаштириш, танловга қатнашиш;
- Б) Ёзма ва ахборот сайтлар орқали тақдим этиш;
- С) Анжуманларда маруза қилиш, тўпламларга чоп этириш;
- Д) Монаграфия, дарслик, ўқув қўлланмалар яратиш.

115. Фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш:

- А) Грант шартномаси ёки ташаббус асосида ҳаётга тадбиқ этиш, натижаларни умумлаштириш, тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Б) Назарий тадқиқотларни амалиёт билан уйғунлиги, натижалар асосланганлиги, изчиллик;
- С) Амалий корхона, муассасалар билан ҳамкорлик;
- Д) Халқ хужалигига жорий этиш.

116. Тадқиқот натижаларини интеритацисияси:

- А) Тадқиқот натижаларини модели оммалаштириш, тушунтириш, ишонтириш;
- Б) Тадқиқот натижаларини баён қилиш;
- С) Натижаларини ёритиш, тасвирлаш, хулосалаш;
- Д) Тадқиқот натижаларини чоп этириш, умумлаштириш.

117. Тадқиқот натижаларини апробацияси (лот. Мақуллаш, тасдиқлаш):

- А) Тадқиқот натижаларини мутахассислар, жамоатчилик томонидан эътироф этилиши, муҳокамаси;
- Б) Тадқиқот натижаларини матбуотда эълон қилиниши;
- С) Тадқиқот натижалари ҳақида эксперимент хулосаси;
- Д) Тадқиқот натижаларини амалда қўлланилиши.

118. Тадқиқот натижаларини расмийлаштириш:

- А) Илмий лойиҳа, магистрлик, докторлик диссертация, монография;
- Б) Дарслик ва ўқув қўлланмаси;
- С) Мақолалар тўплами, тезислар;
- Д) Асарлар, илмий мақолалар.

119. Диссертациянинг тузилиши ва мазмуни:

- А) Кириш, назарий қисм, амалий қисм, тажрибалар таҳлили, хулосалар, илова ва адабиётлар;
- Б) Кириш, асосий қисм, хулоса ва адабиётлар;
- С) Мавзунинг долзарблиги, ишланганлиги, тадқиқот жараёни, хулоса ва адабиётлар;
- Д) Кириш, мавзуни тарихий таҳлили, асосий қисм, хулоса ва адабиётлар.

120. Диссертация химояси:

- А) Диссертация низомига асосан раҳбар хулосаси, экспертизадан ўтказиш, кафедрада муҳокама, диссертацияни давлат аттистация комиссиясига топшириш, химоя қилиш;
- Б) Диссертацияни ёзиш, апробациядан ўтказиш, химоя қилиш;
- С) Диссертацияга раҳбар хулосаси ва тақризчи хулосаси, химоя қилиш;
- Д) Диссертация боблари бўйича муҳокама қилиш, умумий муҳокама қилиш, ДАКда химоя қилиш.

121. Педагогик прагноз, (башоратлаш) истиқболи:

- А) Назарий концепциялар, тузмали, математик моделлар, тажриба модели, фанлараро боғлиқлик, амалий тавсиялар;
- Б) Таълим-тарбия жараёнини истиқболлини белгилаш;

- С) Таълим-тарбия тизимини истиқболли концепцияси;
 Д) Таълим-тарбияни жамият тараққиётидаги имкониятларини аниқлаш

122. Билимнинг назарий даражаси:

- А) Гипотеза, моделлаш, абстракциялаш, умумлаштириш, хаёлий эксперимент;
 Б) Мантикий таҳлил;
 С) Тажриба ўтказиш;
 Д) Амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

123. Илмий фаолият:

- А) Изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, қонуниятларни кашф этиш, янгиликлар яратиш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш;
 Б) Олий ўқув юртида дарс бериш;
 С) Диссертация ёқлаш;
 Д) Илмий янгиликларни тарғиб қилиш.

124. Илмий тадқиқот ва технологиялар натижаларини тижоратлашуви:

- А) Инновацион лойиҳалар, халқаро ва минтақавий грант олиш;
 Б) Тадқиқот натижаларини амалга тадбиқ этиш;
 С) Илмий тадқиқотни жаҳон илм фанига интеграцияси;
 Д) Илғор педагогик технологияларни яратиш.

125. Педагогик тадқиқотларнинг гносеологик моҳияти:

- А) Муаммонинг ўрганилганлиги ҳақидаги таълимотлар;
 Б) Муаммонинг илмий янгилиги;
 С) Муаммонинг амалий янгилиги;
 Д) Тадқиқотни амалга ошириш йўллари.

126. Педагогика тарихи мавзусидаги тадқиқот:

- А) Педагогик меросни ўз давридаги илмий қиммати ва бугунги кундаги аҳамияти;
 Б) Таълим-тарбия назариясини ривожланиши;
 С) Таълим-тарбия тарихий тараққиёти;
 Д) Мутафаккирлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш.

127. Педагогик ғояларнинг ривожланиш тарихи:

- А) Барча ижтимоий фанлар қатори фалсафа тарихи билан боғлиқ;
 Б) Социология тарихи билан боғлиқ;
 С) Психология тарихи билан боғлиқ;
 Д) Жамият тарихи билан боғлиқ.

128. Илмий тадқиқот мақсади:

- А) Мавзунинг долзарблиги, жамият тараққиётининг муҳим муаммосини ҳал қилиш, аниқ мавзу бўйича илмий изланиш;
 Б) Халқ хўжалиги тараққиётини ҳал қилиш бўйича изланиш;
 С) Илмий раҳбар тавсиясига асосан тадқиқот олиб бориш;
 Д) Ижодкорлик. Орзу, истак, ният.

129. Педагогик тадқиқотнинг методологик тамойиллари:

- А) Умумийлик, муайянлик, хусусийлик, назария ва амалиёт бирлиги, антропологик;
 Б) Педагогик тадқиқот методлари;
 С) Педагогик тадқиқотда изчиллик тамойили;
 Д) Тадқиқотнинг илмийлиги, назарийлиги.

130. Тадқиқотчининг касбий компонентлиги:

- А) Изланувчининг тадқиқот мавзуси бўйича илмий тарихий манбаларни билиши, таҳлил қилиши, интернет манбаларидан хабардорлиги;
 Б) Фаннинг тарихи ва назариясини билиши;
 С) Мутахассаслик фанларини билиши;
 Д) Мутахассислик бўйича тажрибаси.

132. Педагогик тадқиқотда тест методи:

- А) Тадқиқот предмети, илмий фаразига асосан модели, вариантли, стандартли таҳлил этиш, қобилятини аниқлаш;

- Б)Объектнинг билим даражасини аниқлаш;
 С)Ўрганувчи саволномалар мажмуи;
 Д) Тарбияланганлик учун даражасини аниқлаш.

133. Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш:

- А) Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасидаги изланиш, натижаларини илмий таҳлили этиш, тавсиялар ишлаб чиқиш;
 Б)Педагогик тажрибаларини тарғиб этиш;
 С)Илғор тажрибаларни рағбатлантириш;
 Д) Илғор тажрибалар асосида конференциялар ташкил этиш.

134. Тадқиқотни лойихалаштириш:

- А) Мавзунинг долзарблигини асослаш, ишланганлик даражасини аниқлаш, мақсад, вазифани белгилаш, объект предмети, илмий фарази ва хулоса;
 Б) Мавзунинг долзарблигини асослаш, объект предмети, илмий фарази ва хулоса, ишланганлик даражасини аниқлаш, мақсад, вазифани белгилаш;
 С) Мавзунинг долзарблигини асослаш, объект предмети, илмий фарази ва хулоса, ишланганлик даражасини аниқлаш, мақсад, вазифани белгилаш;
 Д) Ишланганлик даражасини аниқлаш, мақсад, вазифани белгилаш, объект предмети, илмий фарази ва хулоса.Мавзунинг долзарблигини асослаш.

135. Тадқиқотда тарбияланганлик даражасини аниқлаш мезонлари:

- А)Маънавий эътиқод, кўникма ва фаолиятнинг уйғунлиги;
 Б)Эзгу фикр, эзгу суз, эзгу амал;
 С) Маърифат, маданият ва амалиёт кўникмаси, малакаси
 Д) Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат фазилати.

136. Фундаментал лойихаларга қўйиладиган талаблар:

- А) Халқ хўжалиги тараққиётининг жаҳоншумул аҳамиятга эга тадқиқот йўналишларининг муҳим муаммосини тадқиқ этиш, танлов талабларига мос ишланмалар;
 Б) Ташаббускор гуруҳларнинг маълум муаммони илмий ишлаб чиқиши;
 С) Амалий тажрибаларни умумлаштириш;
 Д) Илғор тажрибаларни оммалаштириш.

137. Диссертациянинг тузилиши ва мазмуни:

- А) Кириш, назарий қисм, амалий қисм, тажрибалар таҳлили, хулосалар, илова ва адабиётлар;
 Б) Кириш, асосий қисм, хулоса ва адабиётлар;
 С) Мавзунинг долзарблиги, ишланганлиги, тадқиқот жараёни, хулоса ва адабиётлар;
 Д) Кириш, мавзуни тарихий таҳлили, асосий қисм, хулоса ва адабиётлар.

138. Тадқиқот фаразини аниқлаш:

- А) Мавзуни долзарблиги, ишланганлиги, муаммони ҳал этиш вазифалари, тадқиқот натижаси, таҳлили;
 Б)Мавзуга оид адабиётларни ўрганиш;
 С)Илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;
 Д) Фикрий эксперимент хулосаси.

139. Тадқиқотнинг анкета методига қўйиладиган талаблар:

- А) Мақсад аниқлиги, тадқиқот фаразига мослиги, саволларни муайянлиги, объект оптемаллиги;
 Б) Оммавий сўровнома ўтказиш;
 С) Сўровнома ўтказилаётганларнинг мақсад ва мотивларни аниқлаш;
 Д) Сўровнома ўтказилаётганларнинг ўзаро самимийлиги.

140. Илмий педагогик билимларнинг манбалари:

- А) Ахборот ресурс марказида фанга доир адабиётлар, диссертациялар, интернет манбалари, архив ҳужжатлари, вақтли матбуот;
 Б) Дарслик, ўқув қўлланмалари;
 С) Журнал, газета, илмий тўпламлар;
 Д) Оғзаки ва ёзма манбалар.

141. Педагогик тадқиқотлар фарази:

- А) Тадқиқотда эришиладиган натижа, илмий амалий аҳамияти;
- Б) Илмий мақсад ва вазифалар билан уйғунлиги;
- С) Тадқиқотни ташкил этиш йўллари;
- Д) Тадқиқот мазмуни.

142. Педагогика тарихини фанлар тарихи билан боғлиқлиги:

- А) Таълим-тарбия предметида фалсафа, мумтоз адабиёт, динлар тарихи, жамият тарихи;
- Б) Ижтимоий гуманитар фанлар тарихи;
- С) Жамият тарихи;
- Д) Социология, психология, археология тарихи.

143. Педагогик тадқиқот муаммоси:

- А) Таълим-тарбия жараёнининг ечими жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий маънавий тараққиётида ҳал қилувчи имкониятига эга бўлган масала, мавзу;
- Б) Таълим-тарбия мазмуни;
- С) Таълим-тарбия методлари;
- Д) Таълим-тарбия тамойиллари.

144. Инновацион фаолият:

- А) Янгилик яратиш ва амалга тадбиқ этиш, ижодкорлик;
- Б) Янгиликларни ўрганиш;
- С) Ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- Д) Янги дарслик қўлланмалар яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислон Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч.” Тошкент:Маънавият, 2008
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекисто, 2000
4. Ислон Каримов. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” Тошкент 2012 йил феврал Ҳалқаро конференция.
5. Ислон Каримов. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” 2014 йил май Ҳалқаро конференция.
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 28-декабрдаги 365-сон қарори
7. Абу Али Ибн Сино. “Шеърлар ва тиббий дoston” Тошкент 1981.
8. Абу Наср Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри” Тошкент А. Қодирий номидаги Ҳалқ меъроси нашриёти 1993.
9. Абу Райхон Беруний. “Феруза” Тошкент А. Қодирий номидаги Ҳалқ меъроси нашриёти 1993.
10. “Авесто” Душанбе: Адаб 1990.
11. Алишер Навоий. “Маҳбуб ул-қулуб” Тошкент Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1989.
12. Алишер Навоий. “Ҳайрат ул-Аброр” Тошкент Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1989.
13. Бехбудий М. “Танланган асарлар” Тошкент Маънавият 1997.
14. Комилов Н. “Тафаккур қарвонлари” Тошкент Маънавият 1999.
15. Комилов Н. “Тасаввуф” Тошкент Ёзувчи 1996.
16. Назаров Қ. “Билиш фалсафаси” Тошкент Университет 2005.
17. Примов Т. “Таълим фалсафаси ёки таълим тарбиянинг методологик масалалари” Тошкент Фан ва технология нашриёти 2014.
18. Раҳимов И., Ўйламуродов А. “Фанларнинг фалсафий масалалари”. Тошкент:, ЎзМУ, 2002й. 214 бет.
19. Тафаккур гулшани. Тошкент:, “Ғафур Ғулом” 1989, 463 бет.
20. Тўраев Д. “Мумтоз ижод сабоқлари”. Тошкент:, “Академнашр”. 2016й. 60 бет.
21. Шермухаммедова М. “Фалсафа ва фан методологияси”. Тошкент:, “Университет” 2005.
22. Чориев А. “Инсон фалсафаси” Тошкент 1998.
23. Чориев А, Чориев Н. “Педагогика тарихи методологияси”. Тошкент:, “Фан”, 2010.
24. Чориев А, Чориев И. “Педагогиканинг фанлараро боғлиқлик методологияси” Тошкент Фан 2011.
25. Қуронон М. “Ўзбек характери ва миллий ғоя”. Тошкент:, “Маънавият” 2005, 96 бет.
26. Ҳамидий Х. “Авестодан Шохномага” Тошкент: “Шарқ” 1999.
27. Ҳамидий Х.”Кўҳна шарқ дарғалари”. Тошкент: “Шарқ” 1999.
28. Ҳайруллаев М. “Фаробий рухий процесслар ва таълим тарбия тўғрисида” Тошкент Ўқитувчи 1992.

**Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2008 йил
" 30 " майдаги 159 - сон
буйруғига 4-илова**

**Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг
намунавий тартиби**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2008 йил 30 майдаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган**

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш намунавий тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 29 декабр 269-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Магистратура тўғрисида"Ҳи Низомга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бандларини тўлдирувчи ва изохловчи хужжат ҳисобланади.

1. Магистрлик диссертацияси (бундан кейин матнда - диссертация иши) магистратурада таълим олаётган талабанинг ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси ҳисобланади.

2. Диссертация иши мавзуси ишлаб чиқариш, таълим, иқтисодиёт, фан-техника, ижтимоий соҳаларнинг долзарб масалаларга багишланиши, муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлиliga қаратилган бўлиши шарт.

Тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар томонидан бажариладиган диссертация ишлари мавзулари буюртмачи ташкилотлар томонидан тақлиф этилиши мақсадга мувофиқ.

Диссертация иши мавзулари мутахассислик кафедралари йиғилишларида муҳокамадан ўтказилади.

3. Диссертация иши мавзулари ва илмий раҳбарлар кафедра тақдимномасига мувофиқ "Магистратура бўлими" тавсияси асосида биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри бошлангунича ректор буйруғи билан тасдиқланади.

4. Тасдиқланган диссертация иши мавзулари талабаларга биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки ҳафта давомида тақдим этилади.

5. Диссертация иши мавзулари тақдим этилганидан кейин бир ҳафта муддатда илмий раҳбар билан биргаликда талаба (магистрант)нинг ўрнатилган шаклдаги "Шахсий иш режаси" ишлаб чиқилади ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

6. Магистрлик диссертацияси таркиби:

титул варағи (илова 1);

мундарижа;

кириш;

асосий қисм (2-3 бобдан иборат);хулоса;

фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

7. Мундарижада кириш, боб ва параграфлар номлари, улар жойлашган саҳифа бетлари кўрсатилади.

8. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, диссертация ишининг мақсад ва вазифалари, амалий аҳамияти, илмий янгилиги, тадқиқот объекти, предмети ҳамда диссертациянинг тузилиши (ҳажми, расмлар ва жадваллар, фойдаланилган адабиётлар сони) ёритилади.

9. Диссертация ишининг асосий қисмида мавзу бўйича шу кунгача амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, янгиликлар, ихтиролар, меъёрий кўрсаткичлар таҳлил қилинади ҳамда уларга таянган ҳолда илгари сурилаётган ғоя ва фикрлар илмий жиҳатдан асосланиб тегишли ечимлар, тақлифлар тавсия этилади.

10. Диссертация ишининг хулоса қисмида тадқиқот натижасида чиқарилган хулосалар ва аниқ тақлифлар, шу жумладан, диссертация ишини бажариш даврида магистрантнинг шахсан эришган натижалари ҳам мужассамлаштирилади. Қисқа хулоса ва тақлифлар диссертация ишининг

айрим боблари якунида ҳам берилади.

11. Диссертация ишини бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, шу жумладан хорижий адабиётлар, меъёрий хужжатлар, нашр қилинган илмий мақолалар, олинган патентлар рўйхати ва Internet маълумотлари матнда ишлатилиш кетма-кетлигида берилади.

12. Иловалар қисмида диссертация ишининг айрим қисмлари учун зарур бўлган кўргазмали чизма, схема, жадвал ва расмлар келтирилади.

13. Диссертация иши талаба ўқиган тилда, кафедра тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ҳам ёзилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган ишга давлат (ёки рус) тилида аннотация илова этилади ҳамда диссертация ҳимояси хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси иштирокида таржима билан ўтказилади.

14. Диссертация ишининг ҳажми 60-80 варақ матндан (иловалардан ташқари) иборат бўлиб, А4 (21 x29) формат қоғозга компьютерда 1,5 интервалда, 14 шрифтда ёзилган бўлиши шарт. Матннинг чап томони 30 мм, юқори томони 2,5 мм, ўнг томони 1,5 мм ва қуйи томонида 2,5 мм буш майдон бўлиши керак.

15. Диссертация ҳимояси учун зарур бўлган кўргазмали чизмалар мувофиқ стандартлар (шартли белгилар, шрифт, масштаб ва ҳ.к.) талаблари асосида А1 формат қоғозда (5-6 тагача) бажарилиши ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда экранда намойиш этилиши мумкин. Архитектура, техника, муайян санъат мутахассисликлари бўйича чизмаларга талаблар тегишли Илмий-услубий бирлашмалар томонидан ишлаб чиқилади.

16. Тайёр бўлган диссертация иши илмий раҳбарнинг имзоси ва тақризи билан кафедра мудирига тақдим этилади. Кафедра муҳокамасидан ўтган ва маъқулланган диссертация ишига кафедранинг қарори билан битта оппонент тайинланади. Оппонент сифатида соҳа мутахассислари, илмиймуассасалар ходимлари, бошқа турдош олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари тайинланиши мумкин.

17. Магистратура бўлимининг бошлиғи диссертация ишини илмий раҳбар ва оппонент тақризлари билан ҳимоя қилиш учун Давлат аттестация комиссиясига йўллайди.

Диссертация иши ҳимоядан кейин 10 кун давомида магистратура бўлимига топширилади ва ўқув юртида 10 йилгача сақланади.

(вазирлик)

(олий таълим муассасасининг номи)

қўлёзма ҳукукида
УДК

(магистрантнинг фамилияси, исми, шарифи)

(магистрлик диссертациясининг мавзуси)

(мутахассислик шифри, номи)

Магистр
академик даражасини олиш учун езилган
диссертация

Илмий раҳбар:

Тошкент - 2019